

Шерзод Абдурахмонов

# ЗАРДУШТИИЛАР

(Бадиий-илмий тарихий лавҳалар)

Наманган – 2015

© **Абдурахмонов Шерзод.** Зардуштийлар. Бадиий-илмий тарихий лавҳалар. – Наманган: «НамМПИ», 2015. – 152 б.

**Такризчилар:**

**Ҳ. Ҳомидий,** филология фанлари доктори, профессор.

**Б. Тўхлиев,** филология фанлари доктори, профессор.

**Масъул муҳаррир:**

Филология фанлари доктори, профессор **Ҳ. Ҳомидий**

Тақдим этилаётган лавҳалар кўхна Шарқнинг Зардуштдек улуғ шахси, унинг издош ва маслакдошлари ҳаётига оид баъзи антиқа воқеалар тафсилотига бағишланган. Уларда асар қаҳрамонларининг зулматни чекинтирувчи равшанликни қарор топтириш йўлидаги хизматлари ўзига хос бадиий бир услубда мадҳ этилган.

Муқовани безашда рассом Д. Сафоев расмидан фойдаланилди.

## СЎЗБОШИ

Ёшлик пайтимизда бизнинг авлод вакилларига қадимда яшаб ўтган боболаримиз тарихига бағишлаб Миркарим Осим ва Ёвдод Илёсовлар томонидан битилган ажойиб бадий асарлардан ортиқроқ нарсани ўқиш насиб қилмаган. Халқлар тарихи дейилганда, шумер, миср, аккад, хитой, ҳинд, юнон ва уларга ўхшаш машҳур халқлар тарихига оид бадий асарлардан озуқа олиб, шунга ҳам қаноат қилиб юраверганмиз.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги юртимизга МУСТАҚИЛЛИК деб улуғланувчи зўр ёғдуни, жамиятга эса ИНТЕРНЕТ деб аталувчи ахборот уммонини тухфа этди. Бу зўр ёғду ва уммон туфайли биз юртимиз тарихини, юртимиз ҳудудида бундан неча минглаб йиллар аввал яшаб ўтган ота-боболаримизнинг турмуш тарзини равшан кўра бошладик. Ўзимизда кўрганларимизни замондошларимизга қизиқарли бир мазмунда ҳикоя қилиб бериш илинжини туя бошладик.

Бу ишни амалга ошириш ҳам ўзича кечмас экан... Асар учун қаҳрамонлар танлаш, беназир ва қизиқарли сюжет шакллантириш, воқеа кечаётган тарихий даврга хос тафсилотлар билан мукамал таниш бўлиш... Ҳикояларим туркумининг қаҳрамонлари сифатида мен **зардуштийларни** танладим...

...XX асрнинг таниқли тасаввуфшуноси Идрис Шоҳ суфийликда Хизрнинг мангу барҳаёт ҳолда мадад йўлида ҳамиша ҳозир-нозир муқаддас пир эканлигига эътибор қаратиб, уни авлиё Георгий билан ва ўз навбатида, унинг пайғабар Илия (Илёс алайҳиссалом) билан қиёсланишини айтиб ўтади.

«Хизр» сўзи арабчада «яшил» ни англатади. «Хизр» сўзи мисрликларнинг «Миср» деб номланувчи денгиз худоси номи билан, «Веда» лардаги «Митра» худоси номи билан ва зардуштийликдаги «Меҳр» худоси номи билан оҳангдош.

Динлараро умумий жиҳатлар новосибирсклик файласуф олим И. Калининнинг «Суфизм» китобида янада аниқроқ ифода топган: «Ҳамма халқларнинг орасида ва ҳамма даврларда ахлоқан комиллашув йўлида жуда оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва маълум синовлардан ўтиш туфайлигина эришиладиган юксак билимлар ҳукм суради. Маънавий баркамолликка эришишнинг ана шундай оғир йўлини босиб ўтган, ўзларининг даврлари ва муҳитлари учун ахлоқ ва маънавият бобида замондошларига ибрат бўлган бундай улуғ шахслар ҳамма асрларда ҳам ва ҳамма халқларда ҳам бўлган, фақат улар ҳар хил номлар билан улуғланишган. Ҳиндистонда уларни **махатмалар** ва **махоришлар**, Грецияда **мутафаккирлар**, Қадимги Яҳудияда **пайғамбарлар**,

Мисрда **бахшидалар**, христиан анъаналарида **авлиёлар** ва **зоҳидлар**, Яқин шарқда **суфийлар** деб аташган. Қандайин ном билан аталишмасин, уларни бир нарса умумлаштириб туради; уларнинг маслағига кўра барча дин ва эътиқодларнинг манбаи битта ва абадийдир, ҳамма динларнинг асоси ягона – ҳақиқат».

Шунга қўшимча равишда буюк суфий Шаҳобиддин Сухравардий (1155 – 1191) га эргашган ҳолда зардуштийликда бундай зотларни **дарвишлар** деб улуғлашганини эслаб қўйиш жоиздир. Зардуштийлик дарвишлари тўғрисида тўплаган далилларимиз ҳозирча жуда оз. Бироқ уларга оид маълумотлар етарли миқдорга етгунча зардуштийларнинг ўзлари тўғрисида баъзи лавҳаларни жамлаб чиқариб туришга жазм қилдим.

Зардуштийлар ҳақида гап борганда, XVI асрда яшаган М. Нострадамуснинг: «XXI асрда ер юзи одамларини «Авесто» китоби ва зардуштийлик таълимоти қизиқтира бошлайди» – деб айтган башорати ёдга тушади. Бу ўринда шу мавзуда тўрт жилди китоб яратган захматкаш Мэри Бойс Хонимнинг қуйидаги сўзлари ҳам эътиборга молик: «... Бу – нодир дин, унинг ўғитлари бетакрор ва қизиқарли. Бу ўғитлар ўз ёдгирларига мақсадли ва қониқиш билан яшаш имконини бердиларки, ўз навбатида, бу ҳол ёдгирларда ўз эътиқодларига чуқур ихлос уйғотди».

Таассуфли жойи шундаки, зардуштийлар турмуш тарзини ўрганиш йўлида қуйидагидек ачинарли воқеа ётади: «Қутайба\* хоразмликларнинг ёзувини билган кишиларнинг ҳаммасини, хоразмликларнинг эски асарларини билганларни, улар орасидаги олимларни ер билан яксон қилди... Китобларини ва ёзувларини у ўтда қуйдирганидан кейин, хоразмликлар ўқувни унутдилар, кўп илм ва маърифатдан маҳрум бўлдилар» (Абу Райҳон Беруний, XI аср боши).

Мустақиллик ва Интернет тухфа этган шарофат туфайли қадим тарихимизнинг кўплаб жиҳатлари янгитдан ўрганиб чиқилмоқда. Жуда кўп масалалар моҳиятини англаб етишимизда онгимиз равшанлашмоқда. Азиз китобхонимга, ҳозирча, ушбу китобда келтирилаётган бир шода ҳикояни тухфа этар эканман, зардуштийлик мавзусида ҳали кўп нарсаларни ёзиш ниятим борлигини айтиб қоламан.

*Муаллиф*

---

\* Қ у т а й б а и б н М у с л и м – 715 йили Қиличмозор (Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани) да ўз қўли остидаги аскарлар томонидан ўлдирилган. Бунга қадар у Умавийларнинг Хуросон ва Сейистондаги ноиби сифатида 10 йил мобайнида Ромитон, Варахша, Бухоро, Шумон, Кеш, Насаф, Хоразм, Самарқанд, Шош, Фарғона ва Қошғорни араб халифалигига бўйсиндирган.

## Т У М О Р

• • • 1 • • •

Ибодатхона олдида «авестохонлик» учун махсус тайёрлаб кўйилган суфага ўтириб олган ҳолда муғ кўлига дўмбиранамо бир асбобни олиб, унинг жўрлигида кўзларини юмгача баланд овоз билан куйлай бошлади...

...Муғ.

«Муғом», «муғанний», «муғбача», «муғхона», «муъбад» (муғпат, муғота), «Мозор» (муғзор), «Марғизор» (муғгузар)... Бу сўзларнинг барчаси асосида «муғ» сўзи ётади.

Қадимги юнонлар бу сўзни «magus» кўринишида қўллаганлар ва унинг асосида «маг», «магистр» (муғлар илмини чуқур ўзлаштирган шахс), арабчадаги «мажусий» (муғлар динига эътиқод қилувчи шахс), «муъжиза», «муъжаз», рус тилидаги «магия» (жодугарлик, сеҳргарлик, найранг) каби сўзлар пайдо бўлган.

Яқинда Интернетда муғлар тўғрисидаги бир илмий мақолага кўзим тушиб қолди. У ерда «маг» сўзи «кўзгу» маъносини билдирувчи ҳиндча «маја» сўзидан келиб чиққан дейилибди ва унинг асосида инглиз тилидаги «magus» (маг), «magia» (магия), «magic» (магизм), «image» (тимсол, образ), «imagination» (хаёл) сўзлари пайдо бўлганлиги айтилибди. Мақолада айтилишича, ҳинд афсоналарига кўра Брахма «Маја» да азал-азалдан ўзини ва ўз қудрати муъжизаларини тамоша қилар экан. Яна бир қанча далилларни келтириб ўтгач, маг (муғ) – Мангу Хаёт ҳаракатини ўрганувчи шахс, деб хулоса ясабди ўша мақола муаллифи.

Муғларнинг истиқоматгоҳларини билмоқчи бўлсак, уларнинг чеку чегараси йўқ. Қадимги Месопотамияда улар маглар номи билан бирга халдейлар номи билан ҳам фаолият юритганлар. Ҳозирги кунлардан 2700 – 3000 йил аввал Математика ва Фалакиёт илмларига асос солганлар. Хаёл кучи билан чакмоқчиликка ўхшаш электр қуввати яратганлар ва унинг воситасида инсон ақлига сиғмайдиган муъжизалар кўрсатганлар. Шер, йўлбарс каби йиртқич ҳайвонлар руҳини ўз кўз қарашлари билан сўндирганлар. Улар ҳаракатини ўз иродалари воситасида бошқарганлар.

Улкан Аҳоманийлар давлатида (унинг таркибига бир муддат биз яшаб юрган ҳудудлар ҳам кирган) муғлар давлат идорабарли-

гида алоҳида юксак мавқега эга бўлганлар.

Қўяверса, менинг ўзим туғилиб ўсган Фарғона водийсининг шимолидаги тоғларнинг ёнбағрларида муғлардан қолган сон-саноксиз ёдгорликлар, минглаб йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳали ҳам салобат билан қад кўтариб туради.

Матни минглаб саҳифага жой бўлгучи муқаддас «Авесто» кўшиқларини яратиб, ҳали ёзув йўқ маҳалларда уларни минглаб йиллар мобайнида халқ орасида куйлаб юриб, дастлабки мазмунини йўқотмаган ҳолда бизнинг кунларгача етиб келишини таъминлаганлар ҳам айна шу муғлардир.

Таъкид этиб қўйиш ўринлики, ҳеч бир муғ ўзидан ўзи муғ бўлиб қолмаган. У муғ деб тан олингунига қадар маълум устозлардан маълум муддатлар мобайнида маълум мазмунда таълим олган. Ўз руҳиятини чиниқтириш устида тинимсиз машқлар бажарган. Тасаввур қилиб бўлмас даражадаги мураккаб синов ва имтиҳонлардан ўтган. Муғ сифатида тан олингандан кейин унинг фаолияти асосан қабилама-қабила юриб, қабила аъзолари ўртасида «Авесто» кўшиқларини куйлаб юришдан, уларга жило беришдан, ўша кўшиқлар мазмунини шарҳлаб юришдан иборат бўлган.

Хуллас, ибодатхона олдида «авестохонлик» учун махсус тайёрлаб қўйилган суфага ўтириб олган ҳолда муғ қўлига дўмбирага ўхшаш бир асбобни олиб, унинг жўрлигида кўзларини юмганча баланд овоз билан хониш қила бошлади:

– Орийларнинг дастлабки аждодлари Мошо (Мохлиё) ва Мошўя (Махлиён) Говмард (Каюмарс) уруғидан дунёга келди. Улардан етти жуфт фарзанд туғилди. Фарзандлардан бирининг исми Сиёмак эди. У ўз синглиси Нўшакка уйланди. Сиёмак ва Нўшакнинг Фарвак исмли ўғли ва Фарвакиён исмли келинидан орийларнинг ўн бешта қабиласи пайдо бўлди.

Ахура Мазда Ворукаша<sup>5</sup> ороллариининг ўн олтитасини бири биридан шинам маконга айлантирди. Ахура Мазда бу маконларни Фарвак ва Фарвакиёнга ҳамда улардан тарқалган ўн бешта қаби-

---

<sup>5</sup> «Авесто» кўшиқларидан ўрин олган воқеалар аслида ўзларини «ориён» («орийлар») деб аташган ва минглаб аъзоларига эга бўлган қабилаларнинг Ворукаша (Ороллар – Орийлар денгизи) нинг чексиз кўп йирик-йирик оролларига кўчиб келишларидан юзюзлаб йиллар аввал Ворукашадан юзлаб ва балки минглаб чакрим шимолроқ ва шарқроқда жойлашган улкан худудларда содир бўлиб ўтган. Лекин «Авесто» кўшиқларини куйлаб юривчи муғлар авомга тушунарли бўлсини учун уларни Ворукаша худудида содир бўлиб ўтгандек ҳикоя қилганлар. Қозоқистон авестошунослари номлардаги оҳангдошликка қараб Ворукаша кўли Балхаш кўли бўлиши керак дейдилар. Лекин Балхаш кўли «Авесто» кўшиқларида куйлаб юрилганидек, сон-саноксиз кўп йирик оролларга эга бўлмаган.

лага эгаликка берди. Йиллар ўтиб, бу қабилаларнинг аъзолари кўпайгандан кўпайиб борди ва қабилалар жойлашган маконлар уларда яшаётган одамлар учун торлик қила бошлади.

Орийларнинг энг обод жойи – Ориёнвейж<sup>6</sup> ва унинг атрофидаги бешта – жами олтита макон одамлари аввалги барча маконларни эгаллаб олишди. Қолган тўққизта қабила аъзолари тумшук қисмига Сарсаок деган буқа қиёфаси берилган улкан кемалар ва Сарсаок деган буқа судраб юрувчи улкан араваларга ўтириб, бегона маконларга тарқалиб кетди.

– Орийларга Сиёмакнинг набираси, Фарвак ва Фарвакиён ўғли, парадатлар деб ном олган подшоҳлар сулоласининг биринчи намояндаси Хаошанг (Хушанг) ҳукмдорлик қилди. Хушанг номи орийларнинг дастлабки қонунларини жорий қилган, жанубий ғарб томондан кўшни бўлган макон – Варна (Муғзан – Мозондарон) девларига қирон келтирган, одамларга уй қуришни, ер юмшатишни, дон экишни, экинзорларни суғоришни ва таомлар пиширишни ўргатган, оловга сиғиниш эътиқодини йўлга қўйган қоҳин сифатида тарихда қолди. У қирқ йил подшоҳлик қилди.

– Хушангдан сўнг подшоҳлик унинг ўғли Таҳмурасп ихтиёрига ўтди. У ўттиз йил подшоҳлик қилди.

*«У халқни ўргатди қўй жунин олиб,  
Йигирмоққа уни урчуққа солиб.*

*Ўргатди йигирмоқ, тўқимоқни ҳам,  
Жундан ясамоқни мато ё гилам.*

*Тез юрар жонивор бўлса боқишни,  
Арпа, сули йиғиб ўтказмоқ қишни.*

*Ҳайвонлар таъбини ўрганиб аввал,  
Кучук ва мушукни ажратди бу гал.*

*... Одамга ўрганди товуқ ҳам хўроз,  
Айниқса субҳидам чақирмоғи соз»<sup>7</sup>.*

– Таҳмураспнинг ўғли Вивахвант илк бор Хом ичимлиги ва

---

<sup>6</sup> О р и ё н в е й ж – С.П. Толстов талқини бўйича бу жой Хоразм – Хуррийлар, яъни Қуёш халқи заминининг айнан ўзи. Мил. авв. VII – V асрларда Х о р а з м д а в л а т и худудларини Орол денгизи атрофларидан бошлаб, шарқда Сирдарёнинг ўрта оқимларигача, жанубда Кабуттоғгача, ғарбда Каспий денгизигача бўлган ерлар ва шимолдан Орол ҳамда Каспий денгизларининг шимолий қисмларини ўз ичига олувчи ерлар ташкил қилган.

<sup>7</sup> Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сидан.

унинг хосиятларини кашф қилди. У ҳукмдорликни подшо сифатида эмас, балки Хом худосининг коҳини сифатида ўтказди. Зулмат қуршовидаги бу оламда нафақат девлар, балки ахуралар ҳам мавжудлигини, қурбонлик маросимларини фақат девларга атабмас, балки шу ахураларга атаб ҳам ўтказиб туриш лозимлигини ўқиди. Вивахвантнинг Жам (Жамшид) ва Спит Дур исмли икки нафар ўғли бор эди.

– Тахмураспдан сўнг парадатлар тожи унинг ўғли Жамга кийдирилди. Самодан жуда қаттиқ совуқ ва ёғингарчилик йили бўлиши ҳақида хабар келганда, Жам вара деб аталувчи улкан паноҳгоҳ қурдириб, барча жонворлардан бир жуфтдан олиб, уларни узоқ давом этган қаҳратон қиш ва сердовул баҳордан омон-эсон олиб чиқди. У орийлар мамлакатига етти юз йил подшоҳлик қилди. Жам ўз халқи ҳаётининг фаровонлиги йўлида жуда кўп улғувор ишлар бажарди. Шу билан баробар у ўзини худолардан улғуроқ кўриш иллатига чалинди. Шунга яраша худоларнинг қаттиқ қаҳрига учради: тахтни тарк этишга мажбур бўлди.

– Тахт Аҳриман муридларидан бўлган Ажи Дахҳок (Илон Захҳок) қўлига ўтди. Келиб чиқиши бўйича орийлардан бўлмаган келгинди бу шоҳ Орийлар мамлакатига минг йил ҳукмронлик қилди. Захҳок дастлаб Хитой томонларда ундан беркиниб қочиб юрган Жамни топтирди. Жамнинг укаси Спит Дур иштирокида унинг танасини қоқ иккига арралашиб ташлади. Ажи Дахҳок подшоҳлик қилган йилларда орий қавмининг ҳаёти азоб-укубат, очяланғочлик ва дарду аламдан чиқмай ўтди.

Ажи Дахҳок подшоҳлигининг сўнгги йилларида парадатлар уруғининг тақводор Аспия (Отибин) ва Фарҳанг (Фаронак) лар биргалашиб қурган оилада бир чақалоқ туғилди. Унга Фраэтона (Фаридун) деб ном беришди. Ўзининг кушандаси эканлигидан аввалдан хабардор бўлиб юрган Захҳок Фраэтонанинг туғилишига ҳам, ўсиб-улғайишига ҳам катта тўсқинликлар қилди. Лекин Ахура Мазда, Ҳамишалик Спандлар<sup>8</sup> ва яздлар<sup>9</sup> паноҳида бўлган Фраэтонага у ўз ёвузликларини қўллай олмади.

– Пахлавон келбат бўлиб ўн беш ёшга тўлганда Фраэтонага ўтган сал кам минг йил мобайнида Орийлар мамлакатида Захҳок туфайли кечиб ўтган қора кунлар воқеаларини сўзлаб беришди.

---

<sup>8</sup> Ҳ а м и ш а л и к С п а н д л а р – Омаша Спанта: Оша-Воҳишга – «Бадавлат Оша», Воҳи-Мано – «Эзгу ўй», Спанта-Ормайти – «Муқаддас тақво», Хшатро-Вора – «Матлуб ҳокимлик», Ҳарватот – «Яхлитлик», Омаратут – «Ўлмаслик».

<sup>9</sup> Я з д л а р – Яздон: Ардвиг Сура, Митра, Оша, Отар, Срош ва б.



Фраэтона тезда ўз атрофига лашкар тўплади. Ундан Ҳиндистонга қочиб қутулиш пайига тушган Заххокни қувлаб етди. Қўл-оёғини боғлади. Сазойи қилдирди. Сўнгра Заххокнинг чала ўлик танасини ғарбдаги Варна маконидаги баланд тоғлардан бирига михлатиб ташлади.

Фраэтона Орийлар мамлакатига беш юз йил подшолик қилиб берди. У ўз подшоҳлигининг дастлабки йилларини Заххок туфайли вайроналар маконига айланган Орийлар мамлакатини Жам подшоҳлиги давридагидек обод ва гуллаб-яшнаган маконга айлантириш билан ўтказди. Мамлакат аҳолиси орасида кенг тарқалган ҳар хил оғир ва юқумли касалликларга даво воситалари топди, дардмандларни оёққа турғизди. Мамлакатни ҳар хил зарарли иллатлардан тозалади.

Умрининг охириги йилларида Фраэтона ўғиллари – Сайрима (Салм), Дур (Туро) ва Ориё (Эрож) ларни жуда катта тўй қилиб, Сарв деган шоҳнинг ўзаро жуда ўхшаш учта қизига уйлантирди. Тўй ўтгач, учала ўғилни ўз ҳузурига чорлаб, уларга мамлакатни тенг тақсимлаб берди. Сайримага ғарбдаги Саврамаглар юртини, Дурга шарқдаги Дуристонни<sup>10</sup>, Ориёга Ориёнвейжни топширди.

Сайрима ва Дур индамай уларга топширилган юртларга подшоҳлик қилиш учун йўлга равона бўлишди. Лекин сал ўтмай, бу икки ака-ука тил бириктиришиб, нега энди отамиз обод юрт – Ориёнвейжни Ориёга бериб, бизга четдаги ташвиши кўп юртларни беради, бу – адолатсизлик, деган фикрга келишди. Биргалликда лашкар тўплаб, Ориёга қарши жанг эълон қилишди. Бу жангда тақводор Ориё ичи қора Дур қиличи зарбидан ҳалок бўлди.

Бундай аянчли фожедан қадди дол бўлган қария Фраэтона ғазаб билан Тур ва Сайримага қаердан келишган бўлса, ўша ерга даф бўлишларини буюрди. Ориёнвейжда шоҳлик унинг ўзи давом эттирди.

Ориё ўлгач, унинг бева қолган ёш хотинидан бир қиз туғилди. Фраэтона кўрсатмасига биноан бу қиз ёвуз кўзлардан йирокда, Мануш тоғи ён бағрларида вояга етказилди. Қиз вояга етиб, турмушга берилганда, ундан ўғил фарзанд туғилди. Унга Манушчеҳр деб ном беришди.

– Ўта мукамал таълим ва тарбия мактабида вояга етказилгач, Фраэтона Ориёнвейж подшоҳлигини шараф билан айнан шу Ма-

---

<sup>10</sup> Д у р и с т о н – бу юрт «Шоҳномада» гидек Турон эмас, балки «Вендидод» дагидек Ахура Мазда яратган ўн олтита мамлакатнинг иккинчиси – Суғд.

нучеҳрга топширди. Манучеҳр бобоси Фраэтонанинг амри билан отаси Ориё учун қасос олиш мақсадида Дуристонга қарши лашкар тортди. Дуристон лашкари таслим бўлди. Манучеҳр барчанинг кўз олдида биродаркуш амакилари Дур ва Сайримани қатл қилгизди.

Бу билан Ориёнвейж ва Дуристон ўртасидаги мухолифат барҳам топмади. Фаридунзода Дур ўлдирилгач, девпарастлар мамлакати – Дуристон подшоҳлигини унинг пай (бешинчи бўғиндаги) набираси Пишангнинг ўғли жодугар Франграсён (Афросиёб) эгаллади. Франграсённинг икки нафар укаси бор эди. Улардан бири Франграсённинг ўзига ўхшаш девбараст Керсевазда (Гарсиваз), иккинчиси орийлар ва уларнинг динини ўта хурмат қилучи Аграэрата (Агрерас) эди.

Франграсён бобоси Дурнинг Манучеҳр томонидан қатл эткизилганига қарши Ориёнвейж томон лашкар тортди. У Ориёнвейжни ишғол қилиб олди. Уруш пайтида Франграсён томонидан Манучеҳрнинг аср олиншига оз қолди. Аграэратанинг Маздага қилган илтижоси билан тўсатдан кўтарилган кучли довул туфайли бундай мудҳиш иш амалга ошмай қолди. Лекин Ориёнвейжнинг қаттақон қисми ўн икки йил мобайнида Дуристонон шоҳи Франграсён ихтиёрида қолди. Бу вақт мобайнида у Ориёнвейжнинг Дуристонга қўшиб олинган ерларида бир қанча ободончилик ишларини амалга оширди.

Ушбу ўн икки йил мобайнида Манучеҳр кўл қовуштириб турмади. У Ахура Мазда, Ҳамишалик Спандлар олтилиги ва яздлардан мадад сўрашдан тинмади. Лашкар тўплаб, жанг кунини белгилашди. Орийлар билан дурлар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Иккала тарафдан ҳам кўп қон тўкилди. Кеч тушганда, иккала саркарда битим тузиш учун учрашув уюштиришди. Ориёнвейж томонда туриб, жанубий-шарқ томонга камондан отилган ўқ қаерга бориб тушса, ўша жойни чегара қилиб белгилашга келишишди. Камондан ўқ отиш вазифасини Манучеҳрнинг Арахш исмли аскарлари ўз зиммасига олди. У олий кучлардан мадад сўраб, тонг маҳалда бир қир устига чиқиб, қуёшнинг биринчи нури кўриниши билан камон ипини шу даражадаги қаттиқ куч билан тортди ўқ уздики, ўқ кечга томонгина бориб, бир ерга тушди. Бу ер Ориёнвейжнинг Франграсён босиб олмасидан олдинги ерлари чегараси эди. Шундай қилиб, Манучеҳр Ориёнвейжнинг аввалги ҳудудларини ўз ихтиёрига қайтариб олди. Арахшнинг ҳолидан ҳабар олиш ва уни ғалаба билан қутлаш учун қир устига чиқишга-

нида унинг ўз ватани ҳудудларини қайтариб олиш учун бор куч-қудратини сарф қилганининг гувоҳи бўлишди. У лабларида табассум билан жон берган ҳолда узала ётарди.

Манучеҳр Орийлар мамлакатига бир юз йигирма йил подшоҳлик қилди<sup>11</sup>. У подшоҳлик қилган йилларда Орийлар мамлакати гуллаб, яшнади.

– Манучеҳрдан кейин тахтга унинг ўғли, Ориёнвейж билан Дуристон ўртасидаги жанглarning бирида Франграсёнга асир бўлиб тушган худбин Наотар (Навзар) саккиз йил подшоҳлик қилди. Навзарнинг Тахмасп ва Тус исмли икки нафар ўғли бор эди.

– Навзарнинг ўғли Тус ўз подшолиги даврини Ориёнвейж ва Дуристон чегараларида Афросиёб қасри шоҳи Ваэсак (Вис) туфайли содир бўлиб турадиган кўплаб тартибсизликларни барта-раф этиш билан ўтказди. Пишангнинг укаси, дурлар баҳодири Пироннинг отаси Ваэсак Ориёнвейж ҳудудларига ҳарбий ҳужумлар уюштириб, унинг чегарага яқин хонадонларини, чорва ва молларини тинимсиз талон-тарож қилиб турарди.

– Тусдан сўнг Ориёнвейж подшоҳлиги Навзарнинг набираси Узава (Зов) кўлига ўтди. У подшоҳлик қилган беш йиллик муддат ичида Ориёнвейжга қурғокчилик таҳдид солди. У янгидан янги кўплаб ариқлар очкизди. Шунинг баробарида Дуристон билан жанглр давом этиб турди. Зов ўзининг қисқа муддатли ўз шоҳлиги даврида Дуристон билан бўлиб турган жанглрға чек қўйишга эришди. Келишувга кўра Амударё ўзанига қарашли барча ерлар Ориёнвейжга, улардан Шарқ қисмда жойлашган барча ерлар дурларга тегишли деб топилди...

Зов парадат ҳукмдорлар сулоласининг энг сўнгги вакили эди...

Товушини аста пасайтириб боргани ҳолда муғ куйланаётган кўшиққа яқун ясади. Суфа агрофига тўпланган оломон қийқириб, кўшиқчи-муғни олқишлади.

Кўшиқ айтган бу муғ ибодатхона жойлашган қалъа муғларидан эди. Одатга кўра ташқаридан бирорта ёки бир нечта сайёр муғ шу қалъага «авестохонлик» қилиш учун қадам ранжида қилган бўлса, кўшиқ айтишни мезбон-муғлардан бири бошлаб берарди.

Мезбон-муғ ўз кўшиғини тугатгач, навбатни меҳмон-муғлардан бири оларди. Меҳмон-муғ ковийлар деб аталувчи подшоҳлар сулоласининг вакиллари ҳаёти ҳақидаги кўшиқни айтди. У Ориёнвейжнинг Кай Кубод, кай Апиоҳа, кай Ковус, Сиёвуш, кай Хус-

---

<sup>11</sup> Ахура Мазданинг узоқ келажакда дунёга келадиган Зардушт исмли пайғамбари худди шу Манучеҳрнинг 14-авлоди вакили ҳисобланади.

рав, кай Арватасп ва кай Виштасп каби подшоҳларидан ҳар бирининг тахтда неча йилдан ўтиргани, улар подшоҳлик қилган йилларда айнан қандай воқеалар содир бўлиб ўтгани ҳақида куйлади.

...Ва ниҳоят, товушини аста пасайтириб боргани ҳолда бу муғ ҳам куйлаётган ўз қўшиғига яқун ясади. Суфа атрофига тўпланган оломон қийқириб, бу қўшиқчи-муғни ҳам олқишлади.

«Авестохонлик» ниҳоясига етгач, қўшиқ куйлашда айнан қайси бир муғнинг устун келганини аниқлаш масаласи бош кўтарарди. Одамларни кўпроқ *яхши ўй (гумата)* суришга, кўпроқ *яхши гап (гугта)* гапиришга ва кўпроқ *яхши ишлар (гворишта)* қилишга даъват этолган қўшиқчи ғолиб ҳисобланарди. Бунинг учун қўшиқчи ўз қўшиқларини кўпроқ Яхши худо – Ахура Мазда, Ҳамишалик Спандлар ҳамда Яздлар шарафига битилган алқовлардан иложи борича кўпроқ қўшиб айтиши керак бўларди. Ғолибни аниқлашдек мураккаб иш, одатда қабила ратуси<sup>12</sup> томонидан амалга ошириларди. Танлов адолатли чикса – яхши, лекин оломон орасидан танловнинг адолатли бўлмагани юзасидан норозиликлар ҳам билдириб туриларди. Айрим маҳалларда бундай норозиликлар жанжал-у, ур-йиқитларга ҳам айланиб кетарди.

Ҳар тугул бу галги «авестохонлик» рисоладагидек ўтди.

Демоқчимизки, Қадимги Хоразмда муғлар куйлаб юрадиган «Авесто» қўшиқлари парчалари Искандар Макдунийнинг Шарққа қилган ҳарбий юришлари йилларида тахминан юқоридагидек мазмунларга эга эди. Лекин бу даврдан 250 – 300 йиллар аввал муғларнинг қўшиқлари мутлақо бошқа мазмунга эга эди.

Энди ана ўша – бундан-да қадимийроқ даврларнинг қўшиқлари мазмунига эътибор қаратайлик.

... 2 ...

Қадимги Хоразмнинг мил. авв. VII – VI асрларида бунёд этилган кўплаб қалъалар аро масофаларнинг нисбатан катта эканлигидан бу қалъаларнинг биридан иккинчисига ўтишда қўшиқчи муғлар кўпроқ туялардан фойдаланишган. 3 – 5 нафар аъзодан иборат гуруҳларга уюшган қўшиқчи муғлар қабилаларга ана шундай гуруҳлар тарзида қадам ранжида қилишган.

Кеч куз. Атрофдаги далаларда етиштирилган ҳосил йиғиштириб бўлинган кунлар. Ўша куни муғларнинг бир гуруҳи ойвистругимадан сал олдин ...

<sup>12</sup> Р а т у – қабила қозиси.

... Дарвоке, «ойвистругима» сўзининг маъноси ҳақида икки оғиз сўз. Ўша пайтларда тўлиқ бир кеча-кундуз беш маҳалдан иборат, деб қаралган. Ҳар бир маҳалнинг ўз номи бўлган. Ҳавони – куёш чиқардан чоштгоҳгача бўлган маҳал. Рапитвина – чоштгоҳдан куннинг иккинчи ярми бошигача бўлган маҳал. Узойиринна – куннинг иккинчи ярми бошидан кунботаргача маҳал. Ойвистругима – кунботардан туннинг ярмигача бўлган маҳал. Ушуҳона – тун ярмидан тонггача бўлган маҳал.

Шундай қилиб, ўша куни муғлар гуруҳи ойвистругимадан сал олдин ҳозирги куннинг тарих китобларида биз Қалъалиқир (мил. авв. VII – VI асрлар) деб атаб юрадиган қалъа томон аста силжиб келмоқда эди. Қалъа кўрғонининг кенг деворлари узра чопқиллаб ўйнаб юрган болакайлар бақириб-қичқириб, муғлар яқинлашиб келишаётганидан бутун қалъа аҳолисини бир зумда хабардор қилишди.

Қалъа дарвозаси кўриқчилари муғларни мамнун кайфиятда кутиб олишди. Уларни қалъа ҳукмдори Аурвайтё Донг (аслида у ҳам муғ) ҳузурига бошлаб боришди. Қалъа ҳукмдори бир хизматкорга муғларни меҳмон қилишни, истеъмол қилишлари учун уларга хома<sup>13</sup> беришни, бошқасига қабила аъзоларининг кечга томон ибодатхона олдидаги майдонга тўпланишлари учун жар солишни топширди.

Айтилган маҳалда қабиланинг юзлаб аъзолари ибодатхона олдидаги майдонга тўпланишди. Сайёр муғлар учун махсус тайёрлаб қўйилган суфада ўтирган уч муғдан бири қоп-қора либосда, икки қўлини юқорига ёйганча кўзлари юмуқ ҳолда баланд овоз билан гўлдирай бошлади. Бошқа муғ тиззалари орасидаги ноғорага қўлларидаги ёғоч билан қаттиқ уриб, унга жўр бўлиб турди.

Муғ узоқ давом этадиган ўз кўшиқларини куйлаб бўлгунга қадар биз унинг айнан нималар ҳақида куйлаётгани устида мулоҳаза юритиб турайлик.

Мил. авв. 1-мингйиллик бошларида Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги жуда катта ҳудудларда ўзларини орийлар деб атаган кўчманчи чорвадор қабилалар истиқомат қилишган. Тахминан худди ўша даврлардан бошлаб, уларнинг бир қисми ўтроқ турмуш тарзини ўзлаштирган, иккинчи қисми кўчманчиликда давом этган.

Ўтроқ умргузаронлик тарзини ўзлаштирган табақа аъзолари-

---

<sup>13</sup> Хома – кишининг руҳиятига таъсир кўрсатувчи ичимлик. Уни истеъмол қилган кишининг эҳтиросларга берилиши ҳолати беҳад даражада кучайган. Хома одат бўйича тонг пайтида тайёрланган.

нинг турмуш даражаси кескин ўзгарган. Зеро, янгича турмуш тарзи улардан ўзлари ва чорва учун йирик-йирик паноҳгоҳлар куриб олишни, ерларни юмшатишни, экинзорлар барпо этишни ва экинзорларни суғориш учун ўша жойларга сув келтиришни, пайти келганда, ўзлари яшаб турган жойларни ғанимлар хужумидан асрашни талаб этарди.

Ўзига паноҳгоҳ куриб олишга эришган ҳар бир қабилада кекса авлод ўзлаштирган турмуш тажрибаларини ўсиб келаётган ёш авлод вакиллариغا кўчириб ўтказиш қабила улуғларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланган. Бундай масъулиятли вазифани бажаришда аجدодлар яратган афсонавий шамойилдаги оғзаки ҳикоялар ва кўшиқларнинг ўрни алоҳида бўлган.

Ана энди, Қалъалиқирга ташриф буюрган муғларнинг кўшиқлари мазмунига эътибор қаратайлик.

Ушбу очеркда биз кузатаётган давр орийлари оламдаги, шу жумладан одамлар ҳаётидаги барча воқеа ва ходисалар ташқарида, кўзга кўринмас ҳолда ҳукм суриб турувчи икки Буюк Рух – макони Осмонларда жойлашган Яхши Рух ва макони Ерлар остида жойлашган Қора Рух ўртасида бўлаётган аёвсиз жанг ифодаси, деб тушунганлар. Одамларни «яхши ўй», «яхши гап» ва «яхши иш» эгаси қилиб, яъни итоаткор қилиб вояга етказишнинг ягона йўлини уларда Қора Рух ғазабидан **кўрқиб яшаш ҳисси**ни ривожлантиришда деб билганлар.

Бунинг учун ўсиб келаётган авлодни Қора Рух вакиллариغا сиғиниб, уларга ялиниб-ёлвориб, улардан ёмонлик қилмасликни ўтиниб сўраб, уларнинг шарафига ҳар хил қурбонликлар уюштириб юришга одатлантириш керак эди.

Қора Рух вакиллари дайва (дев) лар деб аташарди ва бу девларнинг тумонотидан ташкил топган лашкарлар бошлиғига Ангрё Мано (Ахриман) деб ном беришган эди. Уни таъриф этишда катта қудрат эгаси, ғазабнок ва бузғунчи каби сўзлар қўлланарди.

**Ангрё Мано** ўзининг жуда катта лашкарига эга эди. Муғ хоши қилаётган кўшиқлар мазмунидан унинг лашкари таркибидаги таниқли девларни билиб олса бўладиганга ўхшайди. Мана ўша девлар:

**Айшма (Эшм)** – одамларда ўзбилармончилик, шумлик ва бебошлик истакларини кўзғовчи ва ишга солувчи дев.

**Ако Мано (Акоман)** – одамлар фикрининг ёмон манбалардан озиқланиб пайдо бўлишини уюштириб юрувчи ич қора дев. Қў-

шиқлар мазмуни Акоман билан Аҳриман аслида битта дев бўлса керак деган фикрга келтиради. Унинг номи кўшиқларда Ҳамешалик Спандларнинг Воҳу Мано деган вакили иштирок этаётган жойларда кўпроқ учрайди.

**Акоташа (Акоташ)** – одамларда ўжарлик, гуноҳ ишларни қилишдан қайтмаслик хоҳишини уйғотувчи ва ишга солувчи дев.

**Апооша (Апоош)** – одамлар яшаётган жойларда ва экинзорларда қурғоқчилик уюштирувчи дев.

**Араска (Рашк)** – одамларда ичиқоралик ҳамда ҳасад ҳисларини уйғотувчи ва кўзғовчи дев.

**Бушёста (Бушасп)** – одамларда дангасалик ва ишқмаслик истагини уйғотувчи ва ишга солувчи дев.

**Варена (Варено)** – одамларда жазава уйғотувчи ва уни ишга солиб юборувчи дев.

**Визареша (Визарш)** – жонзодлар танасига ўлим чорловчи дев.

**Дави** – одамларда ёлғон ўйлаб чиқиш хоҳишини пайдо қилувчи ва шу хоҳишни ишга солиб юборувчи дев.

**Дриви** – одамлар орасида камбағаллик ва қашшоқлик уюштирувчи дев.

**Друж (Дрўз)** – одамларда Митрё номини ўртага қўйиб қилинган Муқаддас Қасам (Оша, Ғаш, Арта, Аҳд) ни бузиш хоҳишини уйғотувчи ва уни амалга оширгизувчи дев.

**Жоду (Жодугар)** – одамлардаги тўғри фикрни ўғирловчи, уни чалкаштириб юборувчи дев.

**Заурва (Зармон)** – жонвор ва одамлар танасини тез қаритувчи дев.

**Индра (Андар)** – одамнинг хаёлига ёмон ўйларни жойловчи, одамлар фикрини тўғри йўлдан адаштирувчи дев.

**Карбонийлар** – девпарастрлар динининг қоҳинлари.

**Кави** – тўкин-сочинчиликка, бой-у бадавлатликка қарши қирон уюштирувчи дев.

**Кешмак** – тўзон ва довуллар кўтарилишини уюштирувчи дев.

**Кунда (Кундак)** – одамни ақлдан оздирувчи, «маст қилгизувчи ичимлик ичирмай туриб, одамни маст қилиб қўювчи» дев.

**Митаохта (Митохт)** – одамда фақат ёмон сўзлар айтиш истагини уйғотувчи ва шу истакни ишга солиб юборувчи дев.

**Муш Паурика (Мушпари, Муш)** – одамларда ўғрилиқ қилиш хоҳишини уйғотувчи ва шундай хоҳишларни ишга солиб юборувчи дев бачча.

**Насу (Нас)** – ўлган одамнинг танасидан жон чиқиб кетиши

билан унинг ўрнини эгаллаб олувчи дев. Кўриниши ўлимтик пашшага ўхшатилган.

**Нахатё (Накаҳед, Нақиаш)** – одамларда онгли равишда тартиб-интизомни бузиш хоҳишини уйғотувчи ва шу истакнинг ижро этилишини уюштириб юборувчи дев.

**Ози (Оз)** – одамларда қизғанчиқлик ва ахлоқий бузғунчилик истакларини қўзғовчи ва ишга солувчи эркак жинсидаги дев.

**Паурикалар (Парилар)** – бу тоифадаги девлар асосан аёл жинсига мансуб бўлиб, ҳар хил вазифаларни бажарадилар: экин майдонларида қурғоқчилик ва ҳосилсизлик уюштирадилар; осмондан ерга узилиб тушувчи юлдузлар ҳам – худди ана шу девлар; одам қиёфасига кириб, одамлардаги тўғри фикрни ўзларининг ширин сўзлари билан чалғитиб юборувчи девлар. Парилар ҳам яхши ва ҳам ёмон қиёфаларда намоён бўлавериши мумкин – яхшилари фаришталар, меҳрибон қизлар ва қушлар кўринишида; ёмонлари илон, қурбақа ва йиртқич ҳайвонлар кўринишида.

**Патиш** – вазифаси ноаниқ, лекин Аҳриман лашкарининг ёвуз девларидан бири.

**Пуш** – одамларда қизғончилик истагини қўзғовчи ва худди шундай истакларнинг амалга ошишини уюштирувчи дев.

**Снавдака** – қўллари тошдан шакл топган баҳодир жангари, уни жасур паҳлавон Сом-Керсаспа-Нариёман (Гаржасп) жангда енгиб, ҳалок этади.

**Спенгагра (Аспангаргак)** – қурғоқчиликлар деви Апоошанинг ёрдамчиси.

**Тарви ва Зари (Тарв ва Зариг)** – одамларда очлик ва чанқоқликни юзага келтирувчи девлар. Ҳамишалик Спандлар Олтилининг Амератот ва Харватот деган вакиллари Тарви ва Зариг вазифаларининг амалга ошмай қолишлигини таъминлаб юрадилар.

**Таромайти (Таромат)** – одамлар орасида қонунларга бўйсинмаслик, гуноҳни қилишга қилиб қўйиб, шундай гуноҳга йўл қўйилганлигини тан олмаслик истагини уйғотувчи ва шундай истакларнинг ижросини таъминловчи дев.

**Уда** – одамларда сергаплик ва маҳмаданагарчилик иллатларини юзага чиқарувчи дев.

**Фрифтар** – одамлар ўртасида маккорлик ва фирибгарликнинг кенг кўламларда тарқалишини таъминловчи дев.

**Ханафайти** – вазифасининг нималардан иборатлиги ноаниқ Паурикалардан бирининг номи. Бир-бирига яқин одамлар орасида нифоқ пайдо қилиш билан шуғулланувчи дев бўлиши керак.



*Храфастрë* – Ахриман томонидан одамларнинг яхши яшаш-ларига халақит бериб юришлари учун яратилган махлуклар: бў-рилар, тошбақалар, бир вақтнинг ўзида ҳам сув ва ҳам қуруқлик-да яшайверадиган жонворлар, қанотсиз ҳашаротлар.

*Шару (Шовар, Совар)* – одамларда ҳокимларни тан олмаслик хоҳишини пайдо қилувчи ва ана шундай хоҳишни амалга оши-ришни, ҳокимиятларнинг парокандаликка учрашини таъминлов-чи дев.

Қалъали қирда бири қўйиб иккинчиси давом эттираётган муғ-лар куйлаётган қўшиқларда ана шу девлар улуғлангандан улуғла-нарди, уларнинг таъсиридан сақланиш учун ўша девлар шарафига қурбонликлар уюштириб туриш даъват этиларди.

Ўша даврларда ҳам муғларнинг қўшиқ айтиш маҳоратлари иккита гуруҳ муғонларини бир-бирларига қарши қўйиш йўли би-лан аниқланарди. Лекин мил.авв. VII – VI асрлардаги «авестохон-лик» ларда мил. авв. III асрдагидек одамларни кўпроқ яхши ўй суришга, кўпроқ яхши гап гапиришга ва кўпроқ яхши ишлар қи-лишга даъват этган қўшиқчи эмас, балки ўз қўшиқлари ва ҳара-катлари билан оломонни кўпроқ *ваҳимага сола олган, унда кўр-қоқлик ҳиссини кучайтира олган* муғ ғолиб ҳисобланарди.

Қўшиқ айтиш маросими ўртага гулхан ёқиб қўйилган давра-да, ойдин тунда ойвиструтима ва ушуҳонанинг барча вақтини банд этди. Фақат эрта тонг маҳалида тингловчилар бошлари эгик ҳолда аста ўз ётоқлари томон тарқала бошлашди.

Яна бир бор меҳмон қилиб, қўшиқчи муғларнинг хуржунла-рини озик-овқат, кийим-кечак, пул-мул билан тўлдиргизиб, қалъа ҳокими Аурвайтë Донг уларни қалъа дарвозасининг ташқариси-гача кузатиб қўйди.

• • • 3 • • •

«Авесто» нинг жами йигирма биттадан<sup>14</sup> ўн учинчи – «Си-панд» («Зардушт тарихи») наскида Аурвайтë Донг исми икки ер-

---

<sup>14</sup> «Авесто» насклари (китоблари) – 1) Судкар, 2) Варстмансар, 3) Баҳо, 4) Дамдод – Бунёд этилиш тарихи, 5) Надар, 6) Пагаг, 7) Радо-дадайтиг – дин пешволарининг вазибалари, 8) Бариз, 9) Каскисрабо, 10) Вишгашп-састо – Зардушт-тийлик таълимотининг Вишгашп томонидан қабул қилиниши, 11) Вастаг, 12) Китрадад – инсоният тарихи, 13) Спанд – Зардушт тарихи, 14) Бакн яшт, 15) Никадум, 16) Ҳана-басар-ниход – жазога ва фуқароликка оид ҳамда ҳарбий ҳуқуқлар, 17) Ҳуспран – дин пешволари ҳақидаги таълимот, 18) Сакадум, 19) Вендидод – ёвуз кучларга қарши қо-нун, 20) Ҳадўхт, 21) Стод яшт.

да бир неча марта учрайди. Аурвайтё Донг исми биринчи гал куйида келтириляётган матнда мана бундай мазмунда қайд этилган:

«Йигирма ёшга етганда у (Зардушт<sup>15</sup>) ота ва онадан изн сўрамаган ҳолда атрофдаги қишлоқ ва қалъалар бўйлаб кезишни бошлаган ва қаерга келмасин, биринчи учраган одамга берадиган саволи мана бундай мазмунда бўлган:

– Ким сизларда энг тақводор киши ҳисобланади ва ким камбағалларга кўпроқ ёрдам беради?

– Аурвайтё Донг дурнинг кенжа ўғли, – деб жавоб беради биринчи учраган одам. – У ҳар куни камбағалларни бир от катталигидаги қозонда сугдан тайёрланган таом билан сийлайди.

Шундан сўнг Зардушт Аурвайтё Донгнинг ўғли умргузаронлик қилиб турган жойга боради. Унинг саъй-у ҳаракатлари билан ўша жойнинг айрим таниқли кишилари Аурвайтё Донгнинг кенжа ўғли сингари камбағалларга сийлов уюштириб туришни одат қилдилар».

Аурвайтё Донг номининг «Спанд-наск» да қайд этилган иккинчи қисми устида тўхталишдан аввал Аурвайтё Донгнинг ўзи билан яқиндан танишиб оламиз.

Олтмиш ёшларни оралаб қолган Аурвайтё узунасига бир чақиримдан ортиқроқ, энига 650 – 700 қадамдан кам бўлмаган катта майдонни эгаллаган Қир-Қалъани қуришда ишбошилиқ қилган Донгнинг ўғли. Кўриниши серсалобат. Жисмонан бақувват. Ўқимишли. Лойни пишитиб, ундан антиқа қиёфадаги ҳар хил буюмлар яшаш ҳунарига ҳам эга. Табобатдан ҳам тузуккина хабардор. У ўз умрининг кўп қисмини Бобил ва Хўтон тарафларга уюштирилган савдо қарвонларида иштирок этиш билан ўтказган. Ҳозир мана шу қалъанинг ҳукмдор-ковийси.

Аксарият кишилар зиммаларидаги вазифаларни баҳоли қудрат бажариб юриш билан баробар нималарнидир йиғиш, бўш вақтларини йиғаетган ўша нарсаларини қайта-қайта тамоша қилиш, улар асосида олам ва одамлар ҳаёти масалалари устида чуқур мулоҳазалар юритиш билан ҳам машғул бўладилар. Аурвайтё Донг ана шундай кишилар тоифасидан эди.


Аурвайтё якка ҳолда эмас, балки жуфт ҳолда илон тимсоли

---


<sup>15</sup> «Зардушт» – «зар(д)» + «(п)ушт», яъни «заррин (оппоқ) кийим эгаси». Бу ном бошқа манбаларда: «Заратуштра» – «сор + ро» + «дошт» + «ра», яъни «туяга эга орий» ва «Зороастра» – «аура» + «astr(a)» (яъни «Заррин юлдуз») ёки: «зар» + «Тиштра» (яъни «Заррин Сириус», А. Дьюпперон) кўринишларида ҳам учраб туради. Мил.авв. 589 – 512 йилларда яшаган деб ҳисобланилади.

иштирок эттирилган, осори атикалар йиғарди.

Савдо сафарлари пайтларида қаерда ана шундай тасвирга эга бўлган буюм учраб қолса ва кичикроқ ҳажмга эга бўлса, нархини суриштирмай туриб, дарҳол уни сотиб оларди. Агарда буюм бесўнақай бўлса, унинг қиёфасини хотирасида мустаҳкам сақлаб қолишга ҳаракат қиларди ва ўзининг яшаш жойига келгач, уни кичикроқ ўлчамларда пишитилган лойдан ўзи қайтадан ясаб оларди.



Тош тумор (Сўх, Фарғона топилмаси)



Олтин тумор «Амударё хазинаси»



Қабр усти тошига ўйиб туширилган Нюйва ва Фу Си расми (Турфон)



Сиёвуший ҳукмдорлар тамғасига тегишли расмлар (Қадимги Хоразм)




Иккита буюк куч



Шумер ҳукмдорлари хассаси



Бош мия ярим шарлари



Аурвайтё Тонг яратган расм

Асосан сопол лаганга ўхшаш лой тановарларда Аурвайтё томонидан ўйиб ҳосил қилинадиган расмлар биз: XX – XXI аср ки-

шиларига ҳам таниш бўлган тошдан ясалган ва Фарғона водийсининг Сўх воҳасидан топилган илонлар жуфтлиги, тилладан тайёрланган ва «Амударё хазинаси» деб аталувчи осори атиқа таркибидан ўрин олган грифонлар жуфтлиги, Қадимги Турфонда қабр усти тошларига ўйиб туширилган илон думли дастлабки инсонлар Ньюйва ва Фу Си жуфтлиги, Қадимги Хоразм ҳукмдорлари – Сиёвушийлар тамғасига ўйиб туширилган бўртма расмлар, Шумер ҳукмдорларининг тилладан ясалган ҳассасига ўралган ҳолда тасвирланган илонлар жуфтлиги кабилардан иборат эди.

Ҳар қандай ҳодисанинг содир бўлишида маълум бир сабаб ётганидек, Аурвайтё Донгнинг Илонлар Жуфтлиги (Ду Мор) ни тасвирловчи расмларни йиғишга ишқивозлиги замирида ҳам антиқа бир воқеа ётарди.

• • • 4 • • •

Оурвайтё Донгларнинг қабиласи Кабуттоққа яқин ўрнашган Аннов деб аталадиган жойларни маскан тутиб юрган даврлар. Ўша куни ўттиз – ўттиз бир ёшларни оралаб қолган Оурвайтё ҳар сафардагидек, ойвистругимадан сал олдин тоғ ён бағридаги булоқ ёнида жойлашган ва ўзининг гиёҳлардан дорилар тайёрлаш учун бир мунча мослаштириб қўйган ғорига анчагина яқинлашиб қолганди. У келаётган сўқмоқнинг ўнг тарафи чуқурликда оқаётган сой сари ёнбошлаб борса-да, лекин унинг чап томони типпа-тик жар ҳолида юксакликка қараб кўтарилиб кетганди. Пастаккина тоғ қисмининг ўпирилиши натижасида ҳосил бўлган бу жарнинг баландлиги бақувват терак бўйича келарди.

Шу ердан ўтаётганида, ҳар гал, антиқа бир чуқурлик Оурвайтё эътиборини ўзига қаттиқ тортаверарди. Бу гал ҳам у ўша чуқурликка зеҳн солиб осойишта келмоқда эди. Чуқурлик кимдир гўё жар устидан тушиб кетиб, унинг чалқанча ётган танасидан қолган изни эслагарди. Чуқурлик бироз нам тортган бўлиб, унинг бутун сатҳи майин кўкат билан қопланган эди. Тана изининг бош қисмини эслатувчи жойида қатталиги калладек келувчи оппоқ бир тош ётарди. Шу ердан ўтаётганида Оурвайтёда ҳар гал кўзга хунук кўриниб турган ўша тошни жойидан олиб ташлаш истаги пайдо бўларди-ю, лекин негадир «нима кераги бор», деган мулоҳаза билан тезда бу истакдан воз кечарди.

Шунда кутилмаганда, даҳшатли бир чинқириқ овоз бутун атрофни ларзага солди. Зум ўтмай, жар девори бўйлаб, лекин унга

тегмаган ҳолда шувиллаб учиб келаётган бир тана ҳалиги чуқурликка «гуп» этиб тушди. Тана эгасининг боши чуқурлик қирғоғидаги калладек оппоқ тошга тегиб, бошининг қопқоғи ажраб, бир чеккага дўмалаб кетди. Тана эгаси эса, бир зум «аланг-жаланг» бўлиб турди-да, Оурвайтётга бир тикилди-ю, ўрнидан тура солиб, жон-жаҳди билан жарликнинг деворига тирмашиб, юқорига интилла бошлади. Лекин унинг бу ҳаракатлари мутлақо беҳуда эди.

Саросимадаги Оурвайтённинг биринчи бўлиб кўзи тушган жойи йиқилган йигитнинг қопқоқсиз боши бўлди. У ерда бир жуфт оч кул ранг илон – бири бош косасининг чап ярмида, иккинчиси эса ўнг ярмида ғужанак бўлиб ётгандек эди!

Нима қиларини билмай қолган Оурвайтё шошилиб, бошнинг сакраб кетган қопқоғини ердан оҳиста қўлига олиб, унинг қонли жойларини хас-хусдан тозалаган бўлди. Жарга ёпишганча, юқорига тирмашаётган йигитни имо-ишора билан бир зумга тинчитди ва уни ўзига қаратиб олди. Таҳликада у илонга ўхшаш жисмларга яна бир бор разм солди. Ўнг тарафдаги илонсимон жисмга бир қовоқ ари кўниб, балки уни чақиб олишга ҳам улгурган эди. Зардушт арини кафтининг енгил елпини билан учириб юборди. Сўнг худди бошга қалпоқ кийгизаётгандек, қўлидаги қопқоқни моҳирлик билан ва аниқ ҳолда йигит бошига кўндирди. Зудлик билан сап-сарик рангдаги ёпинчиғининг этагидан бир энли узун боғич йиртиб олиб, у билан қопқоқни йигитнинг жағига маҳкам танғиб кўйди.

Қопқоқни ўрнагаётганида ғужанак бўлиб ётган илонга ўхшаш жисмнинг чап тарафдагисидан ҳам бир арининг, лекин бу гал тоғ асаларисининг заиф учиб чиқиб, унинг ерга тушиб кетганини кўрди. Асаларининг дабдурустдан учиб кета олмаганидан, унинг ҳам илонсимон жисмни чаққанлигини фаҳмласа бўларди. Зардуштнинг дили ғашланди.

Шу пайт йигит кўзини бир-икки пирпиратди-да, ийманганча Оурвайтёга тикилиб қолди. Афтидан, у бу муғни танир эди.

– Ҳаммаси ўша тоғ асаларисининг асалини олиб ейман, деб бўлди, – йигитнинг биринчи айтган гапи шу бўлди. – Асалари ин курган тош жар қирғоғига жуда яқин жойлашган экан, беҳосдан сирғаниб кетдим.

– Ҳозир асаларининг мавриди эмас, бўтам. Уни кейинроқ гапириб берасан. Ҳозирча айт-чи, юқорида ким бор? – ҳаяжондан ўзининг овозига сира ҳам ўхшамайдиган овоз билан сўради Оурвайтё Донг.

– Бирга мол боқишиб юрган тенгқурларим, – осойишталик билан жавоб берди йигит.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, улар ҳузурида қаттиқ югурганидан ҳансираб қолган яна иккита йигитча пайдо бўлди. Улар жардан қулаб тушган ўртоқларининг Оурвайтё билан бемалол гаплашиб турганидан ҳангу манг эдилар. Йигитчалар бир баланд жар тепасига, бир шу жарнинг ўзлари турган тубига қарардилар. Оурвайтё йигитни даволаш лозимлигини тушунтириб, уларга жар тепасига қайтишларини ва таниш-билишларга Оурвайтё йигитчани даволаш учун Булоқли кўл орқасидаги ғор олдига олиб кетганини айтиб қўйишни, орқаларидан ҳеч кимнинг эргашиб бормаслиги кераклигини уқдириб, йигитчаларни жўнатиб юборди. Ўзи шикаст кўрган йигитчага «мен билан бирга юр» ишорасини қилиб, тоғ этагидаги Булоқли кўл қирғоғида жойлашган ғор томон йўл олди.

Оурватёнинг табобат бобидаги билими ва тажрибаси ҳавас қилгулик даражада эди. Ғорнинг тоқчалари тоғ гиёҳларидан тайёрланган турли-туман малҳамлар солиб қўйилган ҳар хил шаклдаги сопол ва қовоқ идишлар билан лиқ тўла эди.

Ғор олдига келишгач, Оурвайтё беморга жой ҳозирлади. Уни ётқизмасдан, балки зудлик билан эгарсимон махсус ўриндиқ тайёрлаб, беморни шу ўриндиққа мустаҳкам ўтиргизиб қўйди.

Яхшиямки, йигитнинг сочи яқиндагина олинган экан. Оурвайтё қопқоқ билан бош уланган жойни қандайдир суяқлик билан ювиб, жайра тиканидан ясалган нозик нинага ўтказилган кийик терисидан эшилган ингичка ип билан иккала қисм териларини ҳар жой-ҳар жойидан чептиб қўйди.

Ҳайрагланарли жойи шу ерда эдики, йигитча учун ҳеч қандай ҳодиса содир бўлмагандай эди. У амалга оширилаётган муолажаларга деярли эътибор бермаётган ва Оурвайтёга беозор табассум ҳадя этишдан тўхтамаётган эди.

– Ҳеч қаеринг оғримаяптими, бўтам? – саволга тутди йигитни Оурвайтё.

– Йўқ, ваэдэмна<sup>16</sup>. Ҳеч ерим оғриётгани йўқ. Лекин мен сизнинг нималарни ўйлаётганингизни сезаётгандекман.

– Нималарни ўйлаётибман экан?

– Шундай баланд жар устидан ағнаб тушиб, шикастланмаганимнинг сабабини ахтарябсиз. Бош суягимнинг қопқоғини ўрна-

---

<sup>16</sup> В а э д э м н а – қадимги орийларда обрўли зотларга мурожаат этилаётганда, қўлланиладиган сўз. Таржимаси: илҳомбахш илоҳий донолик эгаси.

таётиб, яланғоч миямни кўриб, нега энди ғужанак бўлиб ётган бир жуфт илонни кўргандек таассурот ҳосил қилганингизнинг сабабини излябсиз. Миямнинг бир палласини қовоқ ари, бошқасини тоғ асалариси чақиб олибди. Сиз бўлсангиз: «Нега бу йигит арилар чакқан жойларнинг оғриғини сезмаётир?» – деб, хавотирдасиз.

– Ҳамма гапинг тўғри, бўтам. Вақти билан бу саволларнинг ҳар биттасига жавоб топамиз. Лекин сенинг соппа-соғ одамдек ҳозирги ҳолатинг вақтинча ҳолат. Менингча, сени даволаш йўлида олдимизда ҳали анча ишлар бор. Айтгандек, исминг нима, бўталоғим?

– Исминим-ми? Исминим – Тиштрё.

– Ҳосиятли исм экан. Тиштрё, бўтам. То иложи бор, ўзингни бардам тут. Мен сенга ҳозир бир дори ичираман. У сенга ором бахш этади.

Шундай деб, Оурвайтё ғорга кириб кетиб, у ердан бир идишчада суюқ дори олиб чиқди, ундан Тиштрёга хўплаткизди. Дорини хўплаган Тиштрёнинг киприклари аста тортилди ва салдан кейин у уйқуга кетди.

• • • 5 • • •

Беморининг ором топганидан кўнгли сал таскин топган Оурвайтё ҳар дамдагидек Олам ва одамлар ҳаёти тўғрисида уни ўйлантираётган масалалар бўйича хаёлга чўмди. Ўйи баланд жар устидан қулаб тушган йигитга бориб тақалди. Қаердадир у йигит танасининг шикастланмаганини йигит йиқилган чуқурликнинг йигит танасига ўта лойиқлигидан деб, ўзича бундай жавобдан тасалли топгандек бўлди. Катталиги калладек келувчи ўша оппоқ рангли тош илгарироқ олиб ташланганда, балки йигитнинг боши шикаст кўрмаган бўлармиди, деган фикр хаёлидан ўтди.

Шунда Оурвайтёнинг хаёлига бирдан газандалар чакқан жойга оҳанрабо яқинлаштирилса, уларнинг захри заифлашиши ёки йўқолиши ҳақидаги фикр келди-ю, ғорга кириб, у ердан товук тухумидек келувчи катта-кичик тўрт-беш дона оҳанрабо тош олиб чиқди. Муолажани бошлаш арафасида Оурвайтё бироз ўй суриб қолди. Арилар чакқан жойлар ҳозир мия қопқоғининг тагида қолган. У жойларга оҳанраболарнинг таъсир кучи етармикин? Арилар чакқан жойларнинг иккаласини баравар даволаш маъқулмикин ёки бирин-кетин?..

Оурвайтё иккиланганча ҳар бир қўлига биттадан ўртача катталикдаги оҳанраболарни олди-да, уларни мияларнинг тахминан арилар чакқан жойларига яқинлаштирди.

Тўсатдан содир бўлган ходисадан Оурвайтё бир сесканиб тушди. Тиштрё кескин қўл ҳаракати билан Оурвайтёнинг чап қўлини, яъни ўзининг ўнг тарафдаги – тоғ асалариси чакқан мияси устига қўйилган қўлини ундаги оҳанрабо билан бирга силтаб итариб ташлади. Чап тарафдаги – қовоқ ари чакқан мияси устига қўйилган оҳанрабо билан иши бўлмади-ю, лекин ўта қаттиқ оғриқ сезаётган одамдай тишларини ғижирлатди. Сўнг бирдан жуда кучли эътибор билан нимагадир қулоқ солаётган киши тусига кирди ва алахсирай бошлади:

– ...Жуда бахайбат эҳромлар... Улар сиз мутолаа қилиб юрадиган китоблардан порлаб чиқиб кўриниб турибди... Сиз бош суяги қопқоғи учиб кетган одамни, қопқоқ учиб кетган жой ўрнида ғужанак бўлиб ётган бир жуфт илонни, яъни «Ду Мор» ни эслагувчи бир жуфт жисмни одамлар орасида биринчилардан бўлиб кўраётганлардан эмассиз... Бундай ходисага, айниқса, жангчилар кўп маротабалаб дуч келганлар. Аммо улар бундай жирканч манзарага лоқайд қараганлар... Мия билан илк бор Миср мумиёчилари қизиқишган. Улар ўлганнинг танасини мумиёлаш арафасида дастлаб бош қопқоғини ажратиб, бош косасидаги мияни олиб ташлаб, қопқоқни яна жойига маҳкамлаб қўйишган. Кейинроқ бу усулдан воз кечиб, мияни махсус асбоб ёрдамида мурданинг бурун тешиклари орқали суғуриб олиш йўлини топишган...

– ...Мияни бир вақтнинг ўзида ҳам бежиримлигу жирканчликни, ҳам жиддийлигу ўйноқиликни ва ҳам содиқлигу мунофиқликни мукамал тарзда мужассам эта олган Илонга қиёслаган ҳолда тушунишга уриниш одамлар ўртасида қадимдан мавжуд...

– ...Бошда Мияни биргина Илон – Мор тимсолида тасаввур қилишган. Сизу биз умргузаронлик қилиб турган кунлардан икки минг йилларча олдин яшаб ўтган шумерийлар эътимодининг бир афсонасига кўра маъбуда Иноннинг Жаҳаннамга тушиши лозим бўлан эри Думи-Ўзи куёш маъбуди Шамашга бундай деб нола қилган:

*– Менинг қўлимни илонга ўғир, менинг пойимни илонга ўғир,  
Қутулишимга Девдан бер кўмак, у Девга мени эткизма емак.*

Машҳур Билгамиш денгиз тубидан базўр топган обихаётини



ундан ўғирлаб олиб, мангу барҳаётликка эришган Илон тўғрисида шундай дейди:

– *Ўзим ўзим учун фаровонлик келтиролмадим,  
Фаровонликни ер шеру – Морга этдим мен тақдим.*

– ...Сўнгроқ яратилган санамларда Қуёшнинг онаси маъбуда Иштхорнинг боши илоннинг боши кўринишида тасвир этилган...

– ...Одамлардаги қон юрадиган Томирларнинг, дарахтларнинг илдизлари – Томирларининг ҳам «Ду Мор» га алоқадорлиги йўқ нарса эмас...

– ...Мияни бир эмас, балки илонлар жуфтлиги воситасида тасаввур қилиш дастлаб орийларнинг қондошлари – сакларда расм бўлган. Улар ясаган санамларда Ер маъбудаси – Апининг икки елкасида ҳамиша иккита илон қад кўтариб турган...

– ...*Ўй сурши рамзи* сифатида бир-бирига оғзини очиб қараб турган бир жуфт илонни тасвирлаш жуда кўп қабила ва уруғлар ўртасида қадим-қадим замонлардан мавжуд. Мен ҳозир Бобилда бундан 200 – 300 йилча олдин оғзини очиб, бир-бирига қараб турган бир жуфт чипор илонни қоп-қора тошдан ўзи ясаётган узанги шаклидаги санамда тасвирлаётган ҳунармандни кўриб турибман. У илоннинг майда оқ холлари ўрнини ўйиб олиб ташлаб, ҳосил бўлган чуқурчаларни оҳақдан тайёрланган лой билан суваб кўймоқда...

– ...Кунчиқар томонда, биздан жуда йироқда яшайдиган мўғуллар деб аталувчи қабилаларда бутун оламни сув босганда ҳам кўма олмаган жуда юксак икки бошли тоғ – Субер ҳақида афсона бор экан. Бу афсона уларга кунботар жойда яшовчи қадимги шумерларнинг Билгамиш ҳақидаги достонидан ўтган, дейишмоқда...

– ...Фикрларингизнинг чалкашиб кетавераётганини ҳис қилиб турибман, ваэдэмна. Тўғри, «Ду Мор» сўзига «томор» сўзи оҳангдош. Бу сўзнинг шумерча эканлиги ва «туйиш (эзғилаш) учун боп лой» маъносига эгалиги сизга аён. Шарқ саклари тилидаги «темир» сўзи ўшандан. Кўп тилларда бу сўз мис маъносини ҳам англатади. Заргарлар миснинг қалай билан қоришмасидан бир-бирига ўралиб ва бир-бирига қараб турган бир жуфт илон санамини ҳамда шунга ўхшаш билакузуклар қуйишни ёқтирганлар...

– ...Фикрларингиз яна чалкашиб кетди. Тўғри, билакузукларда бир жуфт илон бошининг ўрнида бир-бирига оғзини очиб қараб турган бир жуфт қуш боши тасвирланган холлар ҳам кўп. Бу

ҳолда «Ду Мор» эмас, балки «Ду Мурғ» («Товуқлар Жуфтлиги») тимсоли назарда тутилган...

– «Сумер» сўзининг «сув-ер» – «Сибир» лигини била туриб, унинг «Ду Мор» га нима даҳли бор, демокдасиз. Бу ҳол «шумер» сўзининг тилимиздаги «шумора» («санок») сўзига оҳангдошлиги ва санокда «икки» сонининг иштироки борлиги туфайли содир бўлмоқда... Бу – «Ду Мор» ва «Мор Ду(к)»<sup>17</sup> сўзлари орасидаги уйқочликка ўхшаш бир нарса холос...

– ...Сизнинг саъй-у ҳаракатларингиз туфайли келажакда «тумор» сўзи аёлларнинг исми сифатида кенг тарқалади. Хусусан, 80 – 90 йилдан сўнг Эроннинг жаҳонгир шоҳи Кирнинг калласини танасидан жудо этиб, уни одам қони тўлдирилган мешга солиб, қонга тўйдирмагунча душманга бўлган ўз ғазабини сўндирилмаган юртимиз маликасининг исми ҳам Тумор бўлади. Кейинроқ юнонлар ўз тилларига хос қўшимча қўшиб, унинг номини Тумарис, деб юрита бошлашади...

• • • 6 • • •

Тиштрё бир муддат жим бўлиб қолди. Сўнг кўзлари мутлако юмуқ ҳолида имо-ишора билан Зардуштга оҳанрабони унинг ўнг тарафдаги мияси устидан олиб, чап тарафдаги мияси устига қўйиш лозимлигини уқтира олди.

Оурвайтёнинг зеҳни ўткир эди. У нима ҳодиса содир бўлаётганини фаҳмлай бошлаган эди. Яъни оҳанрабонинг қовоқ ари чакқан ўнг тарафдаги мия устида туриши мия эгасини ўтмишга саёҳат қилгизган эди. Оҳанрабонинг қовоқари чакқан жойга таъсири тугаши билан тарихга саёҳат ҳам тугаган эди. Оҳанрабонинг тоғ асалариси чакқан ўнг тарафдаги мия устига қўйилиши саёҳатни келажакка уюштирадигандек эди. Шундай бўлди ҳам. Оҳанрабо ишора қилинган жойга қўйилиши билан Тиштрё яна тилга кирди:

– ...Зардушт деган бир замондошимиз ёзган китобларни ўқиб, ўрганиб, сўнг ўзлари ҳам китоблар ёзаётган одамларни кўраётгирман. Улар бирор нарсани ёзишдан аввал, олдиларида ҳеч ким бўлмаса ҳам овоз чиқариб, ўз фикрларини ўзларига ўзлари гапириб бермоқдалар ... Ушбу кунлардан 250 йиллар кейинги бир ҳолат: кейинчалик бутун оламга Арасту номи билан машҳур бўлғуси

---

<sup>17</sup> М о р д у к – шумер халқининг энг олий илоҳи.

бир юнон олими: «Юрак – кишининг фикр юритиш аъзоси, мия – юракнинг ҳоврини босиб турувчи аъзо», – деярган ... Унгача эса, Демокрит деганлари: «Юрак – хирсу ҳавас қалби, қорин – ўсиб-униш қалби, мия – туйғулар қалби», – деб таъкидларкан... Кейинроққа бориб, Жолинус деганлари: «Мия – танадаги жамики жойлардан у ердаги ҳолатлар тўғрисида маълумот олиб турувчи ва уларга ўз муносабатини изҳор этиб турувчи аъзо», – деб таъриф бераркан. Миянинг жароҳат кўрса ҳам оғриғини сезмайдиган аъзолигини, афтидан, илк бор шу олим аниқлайдиганга ўхшайди.

Тиштрё жим бўлиб қолди. Энди яна нималар бўларкин, деган аснода Оурвайтё ҳам индамасдан Тиштрёга тикилганча ўтираверди. Бир мўлжал вақт ўтиб, Тиштрё яна тилга кирди:

– ...Салла ўраган оппоқ соқолли нуроний бир қарияни кўриб турибман. У «Шоҳнома» деб аталувчи йирик бир достон ёзмокда. Осмонга тикилганча қуйидагидек сатрларни хониш қилмокда:

*– Фармон этди. Иблис жуфтидек келиб,  
Икки кифтин ўпди, шодликдан кулиб ...*

*... Икки елкасида икки чўнг илон,  
Шоҳ чора тополмас ҳайрону нолон.*

*Қилич-ла иккисин кесиб ташлайди,  
Илонлар қайтадан ўса бошлайди ...*

*... Деди: «Бўлганича бўлмиш энди иш,  
Ҳозирламоқ лозим уларга емиш ...*

*... Инсон миясидан хўрак бер фақат,  
Ўзларин ўлдирса зора бу овқат ...*

Тиштрё яна жим бўлиб қолди. Бу гал унинг жимлиги бир муддатга чўзилгандек бўлди.

Гоҳи-гоҳида Тиштрёнинг мияси устига қўйилган оҳанрабои унга кўшилишиб ушлаб турган Оурвайтёнинг хаёлида Тиштрё хаёлидан липиллаб ўтиб турган суратлар элас-элас кўриниш бериб қоларди. Фирдавсийнинг суратини у ҳам кўргандек бўлди.

– Қизик, – деб Оурвайтё дўнғиллади ўзича. – Нега энди Фирдавсийнинг ўйига «ҳар бир кишининг мияси бошқаларнинг миялари ўйлаб чиққан билимлар билан озикланади», деган фикр ўрнига «ҳар бир одамнинг мияси бошқа одамларнинг миялари билан озикланади», деган фикр келди экан? Заҳҳокнинг ваҳшийлигини ифодалаш учун бундан бошқа фикр топилмадимикин? Балки

Фардавсийнинг мендакидек Тиштрёси бўлмагандир.

Шу орада Тиштрё, фавкулотда, яна тилга кириб қолди:

– ...Бу кунлардан икки ярим минг йилларча кейин келадиган кунлардаман. Кўз олдимда бошида сочи йўқ, оппоқ соқол-мўйловли мўйсафид орқага қантарилган ҳолда олдидаги латта тўшаб қўйилган тахтага иккала қўлини мушт қилиб қаттиқ тираганча ганчдан қуйиб ясалган одам мияси зуваласига ўйчан тикилиб ўтирибди. У ўзига ўзи савол бермоқда: «Бу жуфтлик нимани англатади? Паллаларнинг бир вақтнинг ўзидаги фаолиятини қандай англамоқ ва тасаввур қилмоқ керак? Жуфтликдаги ўзаро тааллуқдорликда нима ҳисобга олинган, иккала палланинг устувор фаолияти нима ютади ва унда нимаси ортиқча?»<sup>18</sup>

– ...Нутқи бузилган одамлар миясининг, одатда, чапки палласи шикаст кўрган бўлади<sup>19</sup> ... Бу палла ирода (ихтиёр) палласи, деб ҳам юритилади... Нутққа боғлиқ фаолият кечаётган пайтда ўнг палла ўзини бефарқ тутади... Кўрилаётган нарсаларни англаш пайтида, аксинча, ўнг палла фаол ишлайди. Бу пайтда чапки палла ўзини беэътибор тутади...

– ...Қандайдир куч мени жуда улкан уммон устидан олиб ўтди... Шинам бир хонада олимлар мияни ўрганиш бўйича ўзлари ўтказган тажрибалари натижаларини муҳокама қилмоқдалар...

– ...Паллалардан бирининг ҳар бир ҳужайраси иккинчи палладаги унга мос ҳужайрага асаб толаси билан боғланган... Бундай толаларнинг сони икки миллион атрофида... Толалар боғлами иккала палла оралиғида тоғайсимон қаттиқ тана ҳосил қилиб туради... Тоғайсимон тананинг кесиб ташланиши тутқаноқнинг энг чатоқ кўринишларига дучор беморларни ҳам дарддан мутлоқ фориқ этади... Тоғайсимон тананинг кесиб ташланиши оқибатида ҳар бир палла фаолиятида кескин ўзгаришлар содир бўлади<sup>20</sup> ...

– ...Ваздэмна, ваздэмна! Оҳанраболардан яна борми? – Кўзи юмуқ ҳолда ҳаяжон билан Оурвайтёга мурожаат қилди Тиштрё. – ...Бор бўлса, беринг. Ҳозиргилари заифлик қилмоқда, шекилли. Айтилаётган фикрларни аниқ илғай олмай қолябман...

Оурвайтё беихтиёр оҳанраболарни ушлаб турган қўлини очди. Тиштрё чап қўлини ўрнидан қўзғатмаган ҳолда, у ерга ўнг қўлидаги оҳанрабони суқди. Сўнг ўнг қўли билан Оурвайтё тутқазган оҳанраболарни ҳам олди-да, уларни ўз бошининг чап қисмига

<sup>18</sup> Бу сўзлар таниқли рус физиологи И.П. Павлов (1849 – 1936) қаламига мансуб.

<sup>19</sup> Француз антропологи Поль Брока (1824 – 1880) аниқлаган.

<sup>20</sup> Канадалик нейрохирург Уайлдер Брейс Пенфильд (1891 – 1976) аниқлаган.

ёпишиб турган чап кўли орасига тикиштирди. Шунда у бир сесканиб олди ва сўнг яна гапира бошлади:

– ...Мияшуносларнинг илмий анжуманидаман... Унда мия ҳақидаги илмларнинг дунёдаги энг зўр олимлари тўпланишган. Улар мия паллаларидан ҳар бирининг бошқаси халакит бермай турган пайтидаги фаолияти мазмунини ойдинлаштиришмоқда ...

– *...Миянинг чапки палласигина ишламоқда (ўнг палла ухлатиб қўйилган).* Мия эгаси учун олам нурга бурканган. Сабабларнинг оқибатга айланиши кўзга шундоққина ташланиб туради. Бундай ҳолни таърифлаш учун теша тегмаган гаплар ўзидан ўзи оқиб келаверади. Қуёшли баҳор кунидагидек, қалбда мулойимлик ва қувонч ҳукмрон... Ўй суришга ҳеч нарса халал бермайди... Мия эгаси ўз суҳбатдошининг ҳар бир гапи мазмунини чуқур англашга уринади, ҳатто у жуда секин айтилаётган бўса ҳам... Мия эгасига маъқул келмайдиган биргина нарса – у ҳам бўлса, суҳбатдошининг гапираётган пайтидаги ҳеч кимга керакмас афт буриштиришлари-ю, қўл қимирлагишлари... Тўғри, суҳбадошдан агар салгина юз ўгирилса, ким билан гаплашиб ўтирганинг ҳам хаёлингдан фаромуш бўлади – эски танишми ёки ўткинчи, эркакми, аёлми ёки болакай. Бироқ бунинг нима аҳамияти бор? Ахир энг қимматбаҳо нарса фикр-ку, унинг ким томонидан айтилгани эмас-ку... Хотира ўз қазноқларидан эсдан аллақачон чиқиб кетган маълумотларни юзага беминнат чиқариб тураверишдан толмайди... Онгда болаликда ёд олинган ашъор ўйноқилайди. Ҳайратомуз равон ва аъло кайфият.. Мия эгасини кўшни ҳовлидан келаётган шовқин ҳам безовта қилмайди. Ортиқча ҳаво тебранишини кўзгаган бу шовқиннинг маъноси нимада, ўзи? Ие, бу мусиқага ўхшайди-ку. Ростдан ҳам, ҳамсояси арғунчи, у арғунда қандайдир куй ижро этмоқда. Худди шундай. Буниси бошқа куйми? Ёки олдингисининг ўзими? Аниқлашнинг иложи бўлмади. Бироқ кайфиятнинг бузилишига важ йўқ: энг муҳими – биттами, иккитами – фарқи йўқ, лекин бу шовқиннинг куй эканлиги аниқ – ибодатхоналарда чалинадиган куй.

...Мия эгаси нутқдан жуда фаол фойдаланади. Суҳбатдошига гал бергиси келмайди. Ҳар қандай суҳбатга аралашгиси келаверади... Унинг луғати жуда бой. Тили – адабий. Фикрни баён этишда уни мураккаблаштириб юборишга мойил. Уни ҳатто бироз сергап ва маҳмадана дейиш ҳам мумкин. Бунинг устига унинг нутқи зериктирарли оҳангда ва беифода, овози эса ёқимсиз ва табиий

эмас... Миясининг биргина чапки палласи ишлаб турган одам учун суҳбатдоши нутқидаги оҳанглар ҳеч қандай маъно касб этмайди. Маъно англаб берилмайдиган, лекин ғазаб билан, илтижо билан ёки тантанавор айтилган сўзларни у идрок этмайди. У бир суҳбатдошининг товушини ҳатто бошқасиникидан ажратолмайди. Лекин ўзи эшитган ўша маъносиз сўзларни ҳайратомуз даражада бирма-бир аниқ санаб бера олади. Нутққа алоқаси бўлмаган товушлар унинг учун ғирт бемаънилик. Куйларнинг фарқига борилмайди. Кўришга, эшитишга ва сезгига алоқадор қиёфалар унинг томонидан жуда хира ҳолда идрок этилади ва улар деярли эсида сақланмайди... Жамики муайян, махсус бўлақлар унинг диққат-эътиборидан четда қолади – масалан, унга оппоқ юзасига кўк рангда нақш туширилган сопол кўзачани кўрсатиб, сўнг бошқа кўзачалар орасидан уни топиб бериш талаб этилса, у ҳамма кўзачани кўрсатиб чиқади. Лекин кўк гулли ўша оппоқ кўзачани топиб бера олмайди... Бунинг ҳисобига унда мавҳум-назарий фикрлашга алоқадор қобилият ниҳоятда кучли... Ҳисоблаш, сўзларни эслаб қолиш, жуда секин айтилган, зўрға эшитиладиган гапларни ҳам фарқлай олиш унда фавқулотда чархланган ҳолатда бўлади... У ҳаққонийликни чизиқлар воситасидагина ифодалашга ва таснифлашга ишқивоз... Миясининг чапки палласигина ишлаётган киши харита ва тарҳларни жуда осон ўқийди-ю, бироқ маҳалласида ўз ҳовлисини топа олишга ҳам қодир бўлмайди...

...Миясининг чап палласи қаттиқ ишлаётган одам кайфиятининг яхшилиги, руҳининг кўтаринкилиги билан ажралиб туради...

– *...Миянинг ўнг палласигина ишламоқда (чапки палла ухлатиб қўйилган).* Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ – мия эгасининг кайфияти бузуқ... Ҳар нарсага ғаши келаверади, ҳеч нарсадан қониқиш ҳосил қилмайди. Ҳамма нарса ноаниқлик ёпинчиғига бурканган – олачалпоқ... Гапириш оғир. Сўз топиш – машаққат: айниқса, ҳаракатни ифодаловчи сўзларни ва улар воситасида ҳосил қилинадиган номланишларни... Гапиришни худди дарёнинг нариги қирғоғида турган одам билан сўзлашаётгандек узук-юлук, қисқа-қисқа жумлалар воситасида бошлайсан... Эшитиш илгаригидагидек. Бироқ сўзларни эшитиб-эшитмайсан. Шунга карамай, узоқроқдаги пашшанинг оҳиста ғўнғиллаётгани бемалол эшитилиб туради. Гапиришга хоҳиш йўқ. Биронта савол беришса, бошида, ҳатто уни пайқамай ҳам қоласан. Бугунги кунга қадар онгинга сингдирилган жамики ўғитлар тўсатдан хаёлингни тарк этган. Сўзларни эслаб қолишнинг деярли иложи йўқ. Ваҳоланки, ас-

лида улар керак ҳам эмас. Дунёнинг ишлари сўзсиз ҳам битаверади. Бироқ одатдаги, унсиз оламини идрок этиш кескин даражада ўткирлашади... Қушларнинг сайрашидаги ҳар битта хониш, ҳар битта чуруллаш алоҳида маъно касб этади. Ҳатто от судраб кетаётган араванинг ғилдираги ҳам ўз бошига тушган савдони нола қилиб бораётгандек... Ҳар бир жисм ўзининг аниқ қиёфасига эга... Ана у идишнинг сири салгина кўчибди. Бу идишдаги нақш аввалгисиникидан сал фарқ қилар экан... Сўзлар сирғалганча эсдан чиқиб кетаверади. Уларнинг маъноси ҳам унчалик тушунарли эмас. Бироқ уларни талаффуз этиш пайтидаги оҳанг қанчалар кўп маъно ифода этади. Овознинг баланд-пастлиги, йўғон-ингичкалиги — мана, нималар хотирадан ҳеч қачон кўтарилмайди... Олам оҳанглар билан, ранглар билан, беозор чизгилар билан лиқ тўла. У жуда ёрқин ва аниқ ҳис этилади. Сен ҳозир ва шу ерда яшаётгандексан...

...Миясининг ўнг палласи қаттиқ ишлаётган киши яхшигина кўшиқлар айтади, антиқа тушлар кўради, туппа-тузук расмлар чизади... Унинг хотираси бир олам қиёфаларни уларнинг жамики таровати билан сақлайди.

– *Алоҳида-алоҳида ҳолида текширилганда, инсон миясининг бири иккинчисига мутлақо ўхшамайдиган бир жуфт палласи шу тарзда бутун умр мобайнида ҳамкорликда ишлайди. Ўнг палла мақсадлар тўқийди, чапки палла уларга эришиш воситаларини аниқлайди. Чапки ярим шар нарса ва ҳодисалардаги ўзаро ўхшашликларни, ўнг ярим шар улар ўртасидаги ўзаро фарқларни аниқлайди. Ўнг ярим шар нарса ва ҳодисаларни уларнинг ташқи кўринишидаги ўхшашликлар, чапки ярим шар эса, нарса ва ҳодисаларни уларнинг вазифаларидаги ўхшашликлар бўйича умумлаштиради...*<sup>21</sup>

Шу сўзларни айтар экан, Тиштрёнинг оҳанраболарни ушлаб турган кўли толиқди, шекилли, ундаги оҳанраболар битта-битта пастга дўмалаб туша бошлади. Сўнгроқ кўли ҳам тушиб кетди ва тиззасида тўхтади. Лекин уйғонмади.

---

<sup>21</sup> Бош мия ярим шарларининг функционал носимметриклигига оид маълумотларни баён этишда Калифорниялик (АҚШ) нейрофизиолог, Нобел мукофоти совриндори (1981) Рожер Сперри (1913 – 1994) ва тутқаноқ касаллигининг оғир оқибатларидан халос бўлиш мақсадида ўз бош мия ярим шарлари оралиғидаги тоғайсимон танани кестириб ташлаган, Р. Сперрининг издоши ва ҳамкори тадқиқотчи Майкл Газзанига (1939 й. да туғ.-н) ишларидан фойдаландик. – (Муаллиф).

Оурвайтё теваарак-атрофда сочилиб ётган оҳанраболарни те-риб, уларни ўзи билан Тиштрё ўртасидаги қулай жойга тўп қилиб қўйди. Иссиқ ёз осмонининг барқашдек ойи ёруғида Оурвайтё Тиштрёга тикилди. У энди ҳаққоний қаттиқ уйқуга чўмган эди.

Уйқуси обдон қочган Оурвайтё миясининг ярим шарларини арилар чақиб олган ва шу туфайли ҳосил бўлган шишлар бош су-яги устидан оҳанрабо қўйиш йўли билан тузатилаётган Тиштрё-нинг алжираб айтган гаплари мағзини чақишга урина бошлади.

Одам бош миясининг ўнг ярим шари.., чап ярим шари...

Демак, ўй суриш, фикр юритиш деганлари мия деб аталувчи танани ташкил этиб турувчи ва ҳар бири ўзигагина хос усулда ишлайдиган бир жуфт палланинг алоқалари жараёни экан-да.

Бунга қадар Оурвайтёга шу нарса маълум эдики, мия ўз эга-сининг вужудидан ва атрофидан тинимсиз оқиб кириб турувчи:

– қулоқлари орқали оҳанг, шовқин, товуш ва ҳар хил мазмун-лардаги гап;

– кўзлари орқали шакл, қиёфа, узоқ-яқинлик, катта-кичиклик, томонлар, ранглар, ҳар хил воқеа ҳамда манзраларни тасвирлаган расмлару ҳайкаллар ва ҳар хил маъноларни англлатувчи ёзувлар;

– тили орқали таъм;

– бурунлари орқали ҳид;

– териси орқали ҳарорат, вазн, оғриқ;

– ички аъзоларидан чанқоқлик, очлик ёки тўқлик, соғломлик ёки беморлик ва чарчоқлик ҳақидаги маълумотлар билан озиқла-нади.

Энди эса, шунга қўшимча равишда мана бу нарсаларни ҳам билиб олгандек бўлди:

– миянинг чапки палласи худди қассоб жонворни сўйиб, те-рисини алоҳида, ичак-чавоғини алоҳида, ўпкаю жигарини алоҳи-да, гўшту суягини алоҳида ҳолда ҳар хил идишларга бўлиб таш-лаганидек, сезги аъзоларидан келган маълумотни тегишлича тар-кибий қисмларга бўлиб ташлаган ҳолда уларни хотира уячаларига жойлаштиради. Бундай амалнинг нақадар аниқ бажарилиши чап-ки палланинг бутунни қисмларга бўлиб ташлаш бўйича нақадар пухта машққа эгалигига боғлиқ;

– миянинг ўнг палласи сўйилган ўша жонвор ҳақидаги маъ-лумотни чапки палла томонидан хотира уячаларига жойлашти-



рилган қисмлар асосида қайта тиклаш билан шуғулланади. Бундай мураккаб ишнинг нақадар ҳаққоний чиқиши мия ўнг палласининг ана шундай амални бажариш бўйича нақадар кўп машққа эгаллигига боғлиқ. Акс ҳолда танаси отникига, боши туяникига, оёқлари туяқушникига эга бўлган жонвор тимсолини пайдо қилиб қўявериш ҳеч гапмас.

Қайсидир бир жойда Оурвайтё миянинг чапки палласини бузғунчи Ахриманга, ўнг палласини яратгувчи Ахура Маздага ҳам қиёс қилмоқчи бўлди. Лекин бундай фикрни янада чуқурлашиб юборишдан ўзини тийди.

Оурвайтё мия паллари ҳақида ўзи эга бўлиб қолган бундай янги маълумотлар унга қандай наф келтириши мумкинлиги устида бош қотира бошлади. Дарвоқе, Оурвайтё наф ҳақида нималарни биларди?

Аурвайтёнинг фикри бўйича инсон зоти учун ҳар бир ёқимли хиссиёт – Наф, ҳар бир ёқимсиз хиссиёт Зиён ҳисобланади. Бир киши бошқа киши билан ёки бирданига кўпчилик билан, ёхуд бирон бир турдаги машғулот билан муносабат уюштирар экан, у энг аввало шу муносабат натижасининг ўзига Наф келтирадиган томонини излайди. Бундай изланиш натижаси унинг миясида истак, ихтиёр, мақсад, муддао, ният, орзу, таманно, тилак, умид, хоҳиш каби бичимлардан биронтаси шаклида ифода топади. Бичим одатда кишининг ўзидаги зарурат ёки эҳтиёжларни қондириш ва яна ёки бурчлар (шу қаторда бировлар томонидан қилинган илтимос ёки фармойишлар) асосида шакл топтиради. Сўнг киши муносабат жараёни ҳақида фикр юрита бошлайди: муносабатни уюштириш йўллари, қоидалари, воситалари ва шакллари танлайди. Мақсад – муносабат жараёнини ўзига Наф келтирадиган қилиб яқун топтириш.

Лекин жонлими-жонсизми – қарши томон ҳам худди шу тарзда иш тутади. Натижада муносабат жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага чиқади. Бунда Наф ёки Зиён ё моддий, ё маънавий мазмунда бўлиши мумкин. Дунёдаги жамики *эзгулик ва ёвузлик* айнан шу иккита тараф ўртасидаги тўқнашув жараёнларининг бевосита кўзга ташланиб турувчи жиҳатларидир.

Муносабат мазмунининг қандайлигига қараб, у қуйидагидек ҳолатларда намоён бўлиши мумкин:

– тарафлардан бири иккинчисига Зиён етказиб бўлса-да, ўзига Наф орттиради;

– тарафлардан бири ўзи Зиён кўриб бўлса-да, иккинчисига

Наф келтиради;

– иккала тараф ҳам бир-бирига Зиён еткизмай, тўқнашувдан фақат Наф эгаси бўлиб чиқади;

– иккала тараф ҳам фақат Зиён кўргани ҳолда ҳеч қандай Наф-га эга бўлмайди.

Оурвайто Донг кейинги қатор йиллар мобайнида ҳам шуларга ўхшаш ўй-у хаёллар гирдобидида юради.

Ҳамма муғлар сингари Оурвайтё ҳам мия паллари ҳақида ўзи эга бўлиб қолган янги маълумотларнинг унга қандай наф келтириши мумкинлиги устида ўйлайди. Зеро, муғлар доимо одамларни ҳайратга соладиган муъжизалар кўрсатиш орзусида юрадилар. Масалан, келажакни башорат қилиш, оғир дардга дучор бўлганларни дам солиб оёққа тургизиш юбориш, ўн киши ҳам кўтара олмайдиган юкни хаёл кучи билан бир жойдан иккинчи жойга кўчириб қўйиш, қурғоқчилик ойларида тип-тиниқ осмонга булут чақириб ёмғирлар ёғдириш, бошқаларнинг нималарни ўйлаётганини аниқ айтиб бериш, бошқа юртларда юрган ўзига яқин одам билан фикр алмашиш, дарёлар сувини тескари томонга оқизиш юбориш ва ҳ.к. ва ҳ.к.

Нима бўлганда ҳам, Оурвайтё Донгнинг Илонлар Жуфтлиги (Ду Мор) ни ифодаловчи санамларни йиғишга ишқивозлиги замирида баланд жарликдан кулаб, бош суюгининг қопқоғи учиб кетган, миясининг ярим шарларини арилар чақиб олган ва шу туфайли ҳосил бўлган шишлар бош суюги устидан оҳанрабо қўйиш йўли билан тузатилган Тиштрё деган йигитча билан боғлиқ воқеа ётарди.

• • • 7 • • •

Қуёш чиқиши арафасида Оурвайто муздек булоқ сувида юзқўлини ювиб, ориёна ибодат амалини бажарди.

Ушуҳона сўнгида Тиштрё уйғонди. Шарқдан ярақлаб Қуёш бош кўтариб чиқмоқда эди. Чор агроф нурга кўмила бошлади.

– Ўзингни қандай ҳис қилмоқдасан, бўтам? – деб унга мурожаат қилди тун билан мижжа қоқмай чиққан Оурвайтё.

– Бир нави. Умуман, ёмон эмас, ваэдэмна, – калласини сараксарак қилиб, табассум билан жавоб қайтарди Тиштрё.

– Ҳозир бирга нонушта қиламиз, – шундай деб, Зардушт ғордан бир тугунча олиб чиқиб, уни ўрталарига ёзди. У ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтирган ҳолда дастурхондаги егуликлар билан тамадди

қилишди.

Суҳбат чоғида Оурвайтё шу нарсани фаҳмладики, тун бўйи гапириб чиққан нарсаларининг биронтасини ҳам Тиштрё эслай олмас экан. Ўртада ҳазиллашишиб, Тиштрёнинг тунда бошига қўйилган жойларига яна оҳанрабо қўйиб кўришди. Лекин ғайри табиий ҳеч қандай ҳодиса содир бўлмади.

Кун мобайнида Оурвайтё Тиштрёга яна бир қанча дорилар ичирди. Бошининг тикилган жойларига суртилган дорилар чандикнинг битишини тезлаштиргандан тезлаштириб борарди.

Кейинги иккита тунни Тиштрё оёғини чўзиб, боши ёстикда холида одатдагидек ётиб ўтказди.

Учинчи кун деганда туя етаклаб, Оурвайтё ҳузурига Тиштрёнинг отаси, битта амакиси, битта тоғаси ва ўша кунги иккита ўртоғи келишди. Суҳбат пайтида маълум бўлдики, Тиштрёнинг отаси жарлик ёқасида бўлиб ўтган ҳамма воқедан хабардор экан. Оурвайтёнинг йигитчалар орқали қаттиқ тайинлаб юборгани учун бемор холидан хабар олгани мана энди келишганини айтди у. Бир муддатдан сўнг Тиштрёнинг тузалганлигида Оурвайтё хизматининг катталигини таъкидлаб, қайтишга изн сўради. Оурвайтёнинг «йўқ-йўқ, керакмас» дейишига қарамай, Тиштрёнинг амакиси ва тоғаси иккала кўзи нималар биландир тўла хуржунни ғор эшиги олдига тиккалаб қўйишди. Оурвайтё билан хайр-хушлашиб, Тиштрёни туяга миндириб, сўнг маконларига қараб жўнаб кетишди...

... Ана энди Оурвайтё Донг номининг «Спанд» наскида бир неча марта учрайдиган иккинчи жойига ҳам мурожаат қилсак бўлаверади. Оурвайтёнинг кенжа ўғли ҳақида илк бор жуда яхши фикрлар эшитганида Зардушт йигирма ёшда бўлган. Ундан сўнг девпрастликка қарши чора излаб, Зардушт ўн йил тақвода одамлардан нари яшади. Демак, «Спанд» наскидан ушбу ерда келтирилаётган парчада Зардушт ўттиз ёшда бўлган.

\* \* \*

«Яратгувчи билан учрашиб, руҳияти илоҳий ҳақ нури билан обдон йўғрилган Зардушт ўз она қишлоғига қайтгач, ўша заҳотиёқ коҳин-қорапонлар<sup>22</sup> йиғинига жўнади ва қабилалар Ратуси ҳамда ибодатхона хизмати эгалари қаршисида бор овози билан

---

<sup>22</sup> Қ о р а п о н л а р – хомани кўпроқ истеъмол қилгач, жазавага тушиб, рақс тушиб кетадиган коҳинлар.

«Ахуна-Варя»<sup>23</sup> («Охун Вар») ни хониш қила бошлади:

*Тенги йўқ Эга янглиз  
Ҳам ҳақ сари раҳнамо  
Мазда-чунулашувчи*

*Эзгу ўй ва эзгу иш,  
Уни Ҳақ тайинламиш  
Дарвишларни<sup>24</sup> боқмоққа.*

– Бу нима қилганинг, Зардушт? – ҳайратдан ёқа ушлашди ковийлар. – Сенинг бемаъно бу сўзларингни нима деб тушунмоқ керак?

– Мен айтган кўшиқнинг мазмуни фақат қалби ҳақ томон очиклар учун очик! – ҳайқирди пайғамбар. – Мен сизларга худо ҳақидаги ҳақиқатни рақам қиламан. Унинг номи – Ахура Мазда. У эзгулик ва нурдан иборат.

– Сен қайси худо ҳақида сўзламоқдасан? Сен айтган номни биз эшитмаганмиз, уни на оталаримиз ва на боболаримиз ҳам ҳеч қачон эшитишмаган.

– Қулоқ тутсаларинг-чи! Менга бу номни Жаноби Ҳақ қандай қилиб қалбимга жойлаган бўлса, мен уни худди шундай тарзда сизларнинг қалбларингизга жойламоқ учун юборилганман. Ахура Мазда ҳали на ер, на сув ва на ёруғлик – ҳеч нарса мавжуд бўлмаган замонларда ҳам бор эди. У замонларда фақат чек-у чегарасиз бўшлиқ бор эди, бу улкан бўшлиқда фақат икковлон: яхши ўй, яхши сўз, яхши ишлар ҳукмдори – Ахура Мазда ва ёмон ўй, ёмон сўз, ёмон ишлар ҳукмдори – Ангрё Мано. Ахура Аҳриманга Ёвузликдан юз ўгириб, Эзгуликка хизмат қилишни таклиф этди, лекин Аҳриман Ёвузликни танлади. Худди шунга ўхшаб, сизларнинг ҳар бирингиз ҳам ўзингиз учун кимга хизмат қилаётганингизни аниқлаб олишингиз лозим: эзгуликками ёки жирканч девларгами? Қаранглар, жуда кўп одам ёлғончи девларга сажда қилиб юрибди. Уларнинг санамларини йўқотиб ташламоқ керак.

Бундай ғалати ваъзхонликдан ҳайратга тушган Рату, ковийлар ва қорапонлар безовталана бошлашди. Зардушт эса янада кучлироқ жўшқинлик билан ҳаққонийликка ихлос қўйиш, девларни эъвозламасликка даъват этишдан тўхтамасди.

– Ҳамишалик Спандларга сажда қилинг ва ўй сураётганингизда, гапираётганингизда, иш бажараётганингизда девлардан юз

---

<sup>23</sup> А х у н а - В а р я – зардуштийликнинг муқаддас дуоси. 21 та сўздан ташкил топган. Номи шу дуонинг дастлабки учта сўзини ифода этади. Ҳар қандай иш шу дуони айтиш билан бошланган ва шу дуони айтиш билан якунланган.

<sup>24</sup> Д а р в и ш – «Авесто» тилида «дригу» шаклида бўлган, ҳозирги «дарвиш» сўзи шу сўз асосида пайдо бўлган деб ҳисобланилади.

ўғиринг! Қабиладошларимизга ягона Ахура ҳақидаги таълимотни сингдиринг! Қалбаки худоларингизнинг меҳробларини бузинг!

Зардуштнинг бундай сўзларидан сўнг қорапон ва ковийлар пайғамбарга ташланишди ва унга ўлим талаб қила бошлашди. Лекин қорапон ва ковийлар орасида бадавлат ва барча учун хурматли Аурвайтё Донг ҳам бор эди. У изҳор қилинаётган талабга қарши чиқди.

– Сиз бу одамни ўлдирмаслигингиз керак, – деб сўз бошлади у. – Менга у худо назари тушган одам бўлиб кўринмоқда. Келгусида у зўр ва жуда катта куч эгаси бўлиб етишади. Агар ҳозир сиз уни ўлдирсангиз, илоҳий кут-барака бизларни тарк этади ва халқимиз бошига кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бахтсизликлар ёғилади.

Бироқ қорапон ва ковийлар кўрнамакларча айтаётган сўзлари учун Зардуштнинг ўлимга ҳукм қилиниши лозимлигини уқтиришда давом этишарди. Аурвайтё Донг уларни тинчлантиришга зўрға эришди.

– Ва ниҳоят, ораларингдан битта ақли расо одам топилди! – деди Зардушт.

– Йўқ-йўқ, Спитамаинг ўғли Зардушт, – деди Аурвайтё Донг пайғамбарга мурожаат қилиб. – Мен сенинг янгича эътиқод сари қилаётган даъватларингга асло қулоқ солмайман. Сен унинг ўзинг учун қанчалик кўп бахтиқароликлар олиб келишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмаяпсан. Кўрнамакларча айтган гапларинг учун сени ўз қабилангдан ҳайдаб юборишади, сен ўзингга маъқул келадиган маскан излаб, сарсон-саргардон ҳолда бутун жаҳонни кезиб чиқасан. Ҳар бир учраган одам сенга бошпана беришдан бош тортади. Яхшиси, сен кечиктирмай тавбага юз ўғир, айтаётган сўзларингдан воз кеч.

Шунда Зардушт Аурвайтё Донг томон ўғирилди ва унга яқинроқ бориб, зўр эҳтирос билан ушбу сўзларни айтди:

– Эҳ, Оурвайтё Донг! Бутун борлиқнинг буюк яратгувчиси Ахура Мазда мендан сўраган эди: «Ўў, Зардушт! Мана энди сен мен ва Ҳамишалик Спандлар ҳузуридан ўз она қишлоғингга бозгашт қилмоқдасан, – сенинг наздингда ҳамқишлоқларинг орасидан ким энг оқ кўнгил ва шу билан баробар забардаст ва ўзгаларга таъсир ўтказа оладиган одам ҳисобланади?» Мен Яратгувчи Ахура Мазда саволига жавоб қайтардим: «Ўў, адолатпаноҳ Эгам. Бу дурийлар фарзанди Аурвайтё Донгдир». Шунда Ахура Мазда менга, мана, яна нималар деди: «Уни, эй тақводор Зардушт, яъни Аурвайтё Донгни, ўлишликка маҳкумлар орасида биринчилардан

қилиб ахуравий эътиқодга оғдирмоғинг керак. Зеро, ўзгаларга зўр таъсир ўтказа олувчи бу эран Ҳақ Йўл эътиқодининг мустаҳкам-лигини таъминлашга кўп қодир, унинг изидан юриб, бу эътиқодни жуда кўпчилик қабул қилади. Мабодо Аурвайтё Донг сенинг даъватларингга кулоқ солмасдан, Ҳақ Йўл эътиқодини қабул қилишни истамаса, унга мана бундай деб айт: «Сен жуда катта гуноҳни ўз бўйинингга олмоқдасан ва ўлимга муносибсан, шунингдек, ўлимингдан кейин ҳам сенга ҳеч қандай кечирим йўқ». Сенга, эй Аурвайтё донг, мана бу қорапон ва ковийлар билмайдиган жуда кўп нарса маълум. Менинг худо назари тушган одам эканлигимни сенинг ўзинг айтдинг. Демак, сен нафақат Ахриманни, балки Ахурани ҳам биласан. Шуни ҳам биласанки, Ҳақ Йўл эътиқодини биладиган туриб, уни қабул қилмаслик гуноҳи эътиқоддан беҳабар ҳолда уни қабул қилмайдиганларнинг гуноҳидан азимроқдир». Кўрдингми, қанақанги сўзларни уқтирди менга Ахура Мазда. Кечиктирмасдан шулар ҳақида ўйлаб кўр!

Ана шундай сўзларни айтиб бўлгач, Зардушт Аурвайто Донгдан юз ўгириб, жуда баланд овоз билан Зардуштга ўлим тилаётган қорапон Вейдвёштга юзланди.

– Ведвёшт, – давом эттирди Зардушт ўзининг илоҳий руҳдаги ваъзхонлигини. – Кароматли тушим пайтида Ахура Маздадан, сенинг ҳақингда, мана, нималарни билиб олдим. Гуноҳлар қилишда қатъийлигингдан, Чинвот кўприги олдида сени қаттиқ савол-жавоб кутиб турибди. Сени дўзах ва мангу лаънатланганлик кутмоқда. Ўйлаб кўр ва шу бугуноқ Ахурага қурбонлик келтир.

– Сен айтаётган гаплар менинг учун ҳеч нарса эмас! – жирканч қиёфада жавоб қайтарди Ведвёшт. – Менинг худойим – бу менинг ўзим. Менинг бойлигим сенинг Ахурангникидан ҳам ортироқ! Мен чорва ва уй паррандалари каби беҳисоб эҳсонларни қабул қилиб олишга жуда яхши одатланганман. Фақат олишга, лекин бошқаларга тортиқ қилмасликка одатланганман.

Бунақанги худобезориликдан Зардуштнинг қалби қаттиқ ларзага келди.

– Қанчалик худбин ва қанчалик такаббурсан! Манмансан ва беҳисоб миқдорда гуноҳкорсан. Бундай сўзларинг учун сени кўрқинчли жазо кутмоқда!

– Уни ҳозироқ қўйиб юборинг, – деди Аурвайтё Донг. – Унинг ҳуши ўзида эмас ва нималарни айтаётганини ўзи ҳам билмайди. Кўриб турибсизлар-ку, унинг ақли хиралашган. Ўз қилгуликларига мардонавор жавоб бера олувчи эрандек билиб, бир телбани жа-

золаш бизларнинг шаънимизга тўғри келмайди. Уйингга боргинда, Зардушт, яхшилаб ухла».

\* \* \*

Очеркимизни унда номлари иштирок эттирилган айрим шахсларнинг кейинги ҳаёти қандай кечганлигини айтиб ўтиш билан якунлаймиз.

Ведвёшт ўша куннинг ўзидаёқ аравага чиқиш пайтида қалтисроқ қадам қўйди чоғи, қаттиқ йиқилиб, шу жойнинг ўзида тил тортмай ўлди.

Оурвайтё қолган беш – ўн йил умрини: «Менингча, Ахура Мазда ва Ангрё Маноларнинг кучлари деярли тенг. Акс ҳолда Оламдаги мувозанатга футур етади. Одамларга келсак, уларнинг Ангрё Манодан кўра Ахура Маздага ихлос қўйиб, уни улуғлаб яшашлари маъқулроқ» кабилидаги ғояга содиқлик билан ўтказди.

Лекин якка ҳолда эмас, балки жуфт ҳолда илон тимсоли иштирок эттирилган, охириги йилларда ибодатхона меҳробига тартиб билан териб қўйилган санамларни у қалъага ташриф буюрган савдогарларга битта-биттадан бериб, тарқатиб юборди. Шу туфайли бўлса керак, мил. авв. VIII асрда Бобилда жуда қаттиқ қора тошдан йўниб ясалган «Қўш Илон» тумори Фарғона водийсининг Сўх воҳасига бориб қолган (Хоразмдан Амударё бўйлаб Хўтан томонларга олиб ўтувчи Бадахшон томонга қараб юрилаверса, Сўх унинг йирик ирмоғи – Вахшга жуда яқин жойлашган). Бу тумор 1912 – 1920 йилларда Тошкентда илмий фаолият юргизган франциялик хаваскор археолог Жозеф Антуан Кастанье (1875 – 1958) қўлига тушади ва у бу ҳақда 1913 йилда илмий мақола чоп эттиради: уни бутун жаҳонга танитади. Фақат XX асрнинг 80-йилларигагина келиб, унинг Фарғона водийсида эмас, балки Бобилда ясалгани аниқланади.

Оурвайто Донглар кабиласининг улкан қалъа қуриб, Кабуттоғ этакларидан Ўғиз дарёси қирғоғи тарафларга кўчиб кетганлиги сабаб Тиштрёнинг сўнгги ҳаёти ҳақида ҳеч қандай хабар сақланиб қолмаган.

Зардушт, Аурвайтё Донг башорат қилганидек, ўз юртидан бадарға қилинади. То уни тушунадиган узоқ-узоқлардаги Сакистон хукмдори – Виштаспни топгунга қадар ўн йил сарсон-саргардонликда юради. Мил. авв., тахминан 500-йилларда улкан Эрон давлатининг учинчи шоҳи Доро Зардушт асос солган динни давлат дини деб эълон қилади. Лекин муқаддас «Авесто» нинг ўша давр-

лардаги кўшиқларида Зардушт номи мутлақо учрамайди.

Бу даврда бу дин «Муғлар дини» деб ном олди. Муғлар дини Зардушт томонидан яратилган ва Ахура Мазда ҳамда Спандларни улуғловчи барча кўшиқларни қабул қилиб олганди. Шу билан баробар, Зардушт томонидан Индра (Андар), Митра (Меҳр), Вертрагна (Варахрон), Ардвиге Сура Анахита (Анохид) каби худочаларни девлар тоифасига мансуб деб куйланувчи кўшиқлар муғлар томонидан қабул қилинмади. Эндиликда улар худолар эмас, балки бошқа бир қанча фаришталарни умумлаштирувчи тоифа – *яздлар* сафига ўтказиб қўйилди ва улуғшда давом этилди. Шунингдек, Зардушт томонидан яратилган ва *хома* ичимлигини ўта қораловчи кўшиқлар ҳам муғлар томонидан қабул қилинмади, хомани улуғловчи қадимий кўшиқлар ўз кучини сақлаб қолди.

Яна худди ўша даврларда одамлар орасида ҳар бир ишни бажаришга киришишдан аввал унинг юримини обдон ўйлаб, пишитиб олиш лозимлигини ёдга тушуриб юрувчи тугун сифатида бўйинга ёки кўлтиққа чармдан учбурчак шаклида тикилган ёстиқчалар осиб юриш расм бўла бошлади. Ёстиқчанинг астар тарафига одатда бир-бирига қараб турган бир жуфт илон (ду мор) расми чизилган бўларди. Кейинроққа бориб, илонлар расми ўрнига ўн битта сатрда ҳар бири алоҳида-алоҳида маънони англатувчи «абракадабра», «абракадабр», «абракадаб», «абракада», «абракад», «абрака», «абрак», «абра», «абр», «аб», «а» кўринишидаги 11 та сўз ёзиб қўйишдек удум ҳам шаклга кира бошлади.



## КАЙВОН

• • • 1 • • •

Зардуштнинг хаёти тўғрисида ёзилган тарихий битикларнинг гувоҳлик беришича, Зардушт 20 ёшида катта ёшдаги кабиладошлари томонидан унинг онггига сингдирилган кўплаб афсоналар таъсирида қаттиқ ўйчан ҳолга тушиб қолган. Ташқаридан қаралганда осойиштадек кўринса-да, унинг қалби ўзаро аёвсиз жангга киришиш тараддудида турган қудратли икки кучнинг уруш майдонига айланган эди. У ўзини қаёққа қўйишни билмасди.

Ана шундай кунларнинг бирида Зардушт илоҳий бир қудрат ундови билан, нима бўлганда ҳам ҳақиқатни излаб топиш мақсадида, кабиласи яшаб юрган масканни тарк этиб, Усхинду (XX аср зардуштийларининг Ҳиндистондаги муъбади Рамияр Парвиз Каранжиянинг ишларида – Ушидарен: «Хуш дароран» – «Хуш киритиш») тоғига равона бўлади. Қоялар ўрнида йирик-йирик ёрқин лаъл бўлаклари қад кўтариб турган афсонавий бу тоғликда у ҳақиқат излаб ўн йил муддатга қолиб кетади.

Бу ўн йилни у ҳар бир афсонанинг тагига етиш, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш билан машғул бўлиб ўтказган.

«Тоғликларда юришнинг энг осон йўли чўққилардан чўққиларга сакраб ўтиб юришлиқдир; лекин бунинг учун жуда узун оёқларга эга бўлмоқлик даркор», – деганларидек (Ф. Нитсше), Зардушт худди шундай узун оёқларга эга эди. Бундай узун оёқлар вазифасини унинг тиним билмас учқур хаёллари бажарар эди.

Осмон ёпинчиқ, тоғлар тўшак, гиёҳлар емиш ўрнини босиб турган бир муҳитда Зардушт қайси бир хаёлларининг ўнгида-ю, қайси бир хаёлларининг тушда кечиб ўтаётганини ҳам унча фарқламас эди. Лекин бир нарса аниқ эдики, хоҳ тушида, хоҳ ўнгида кечаётган хаёллар бўлмасин, улар бир-бирининг мантикий давоми ҳисобланарди.

Қайсидир бир дамда, кетма-кет уч-тўрт кун мобайнида Зардуштнинг ўнгидаги хаёлларида ҳам ва тушларидаги хаёлларида ҳам антиқа бир манзара қайта ва қайта кўриниш бераверадиган бўлиб қолди. Бу манзара қалбни шу қадар ўртантирувчи ва кишини шу қадар ўйларга чўмдирувчи рўё эдики, Зардуштнинг ўзи

ҳам уни қайта ва қайта кўргиси келаварарди. Мазкур манзара кўриниш беришни бошлаши билан Зардушт ундаги ҳар бир нарсага жуда қаттиқ эътибор беришга ҳаракат қиларди. Сураётган хаёлларини ҳам, кўраётган тушларини ҳам у кимгадир жуда батафсил ҳикоя қилиб бергиси келарди.

Охири, бир куни у ўз хаёлида тоғаси – Арастийи ўғли Майдёмонг сиймосини ҳосил қилди ва унга шу кунларда ўнгида ҳам тушида ҳам кўриниш беравераётган манзара сирининг нималигини айтиб беришни сўради. Майдёмонг шундай деб айтди:

– Сенинг хаёлингда кўриниш берган манзара биз – орийларнинг узоқ аждодларимиздан қолган «Бир куни ҳам ярим йилга ва бир туни ҳам ярим йилга тенг Муқаддас Ўлка»<sup>1</sup> ҳақидаги афсонани эслатмоқда. Бу ўлкада Кичик Айиқ думидаги Олтин Қозик юлдузи осмоннинг қоқ ўртасида жойлашган ҳолда кўринади. Бошқа барча юлдузлар унинг атрофида айланади. Қаҳратон киш ҳам ва жазирама иссиқ ҳам бу ўлка учун ёт. Бу ўлкада девлар томонидан яратилган жирканч махлуқлар мавжудмас. Шу сабаб, бу ўлкада истиқомат қилувчилар ўртасида ҳеч қандай касаллик ҳам йўқ. Чор атроф чўққиларидаги қорлар ўрнида ҳамиша ярқираб кўзга ташланиб турувчи қалин қилиб олтин суви югуртирилган баланд биллур тоғлар билан қуршалган. Бу тоғлар Хара Березайти деган номга эга бўлган...

– ...Тоғларнинг этаклари бу ўлка жойлашган водий марказига яқинлашган сайин гуллаб яшнаган минг турфа ўсимликлар билан ва ҳар жой-ҳар жойда қад ростлаб турган баланд дарахтлар билан қопланиб борган. Водий ўртасида қатта сайхонлик мавжуд бўлиб, у ерда Буюк Мазда қудрати билан жавоҳирлардан бунёд этилган баҳайбат Хукайра қояси қад кўтариб туради. Юксакликка кўтаририлган сари ингичкалашиб борувчи бу қоянинг сирти унинг чўққисига олиб чиқувчи кенг айланма йўл билан чирмалган. Бу йўл бўйлаб кўтарилишда қияликка эга бўлган маълум қисмдан сўнг қиялик ўрнида суфа пайдо бўлади, суфа босиб ўтилгандан сўнг яна қияликка эга бўлган қисм давом этади. Ундан сўнг яна суфа ва яна қиялик... Ҳар бир суфа ёнида минора ичида бунёд этилган ғаройиб хужрага олиб кирувчи серхашам эшик мавжуд. Ҳар бир эшик орқали кириладиган ҳар бир хужрада Мазданинг хизмати-

---

<sup>1</sup> Бир куни ҳам ярим йилга ва бир туни ҳам ярим йилга тенг Муқаддас Ўлка – «Авесто» да Ер сайёрасининг Шимолий қутби шундай деб аталган. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жойизки, зардуштийликда Ер сайёраси қиёфаси улкан шарга қиёслаб тасаввур қилинган.

даги у ёки бу фаришта истиқомат қилади. Минора асосидан сал йироқроқда уни ўраб турувчи Фрашгарт денгизи мавж уриб туради...

– ...Ўша афсонада яна шу нарса ҳам айтилганки, Осмондаги Олтин Қозикдан келувчи бир нур шу қоя ўртаси орқали Ернинг маркази томон ўтиб кетади ва у нур Олам Ўқи деб юритилади ... Сенга Илоҳий манзара кўриниш берибди, Зардушт. У кейинчалик ҳам сенга кўп марта кўриниш бериб юради.

Бугун ҳам Зардушт тонг саҳарда уйқусидан яна ўша тушни кўриб уйғонди. Ўз дини талабларига биноан ярим соатларча вақт сарфланадиган тоат-ибодат машқларини бажо келтириб бўлгач, остидан тиниқ булоқ суви отилиб чиқиб турган қатта бир харсангнинг сояли тарафидаги майсазорга келиб ўтирди. Зардушт иккала кафти воситасида ҳосил қилинган чуқурчага тўлдирилган булоқ сувини хўплар экан, у бугун ҳам уйқусида яна бир бор кўрган ўша ғаройиб тушидаги антиқа манзарани кўз олдидан кеткиза олмасди.

... Чўққиларида қорлар ўрнида ҳамиша ярқираб кўриниб турувчи қалин олтин сув югуртирилган баланд биллур тоғлар билан қуршалган муқаддас Ҳайрати водийси... Осмон кўнгилни орзиқтириб юборадиган даражадаги ўта тўқ кўк рангда кўриниш бериб турибди.

Жуда узоқда, уфққа яқин жойда қаттақон юлдуздек кўриниб турган Қуёш бу жойларга ўз иссиғини етказиб бера олмаётгандек эди. Шунга ҳам қарамай, водийнинг марказига яқин бир жойда турган Зардуштнинг танаси кишига роҳат бахш этадиган илиқлик туярди. Қуёшники эмас, балки қаерда жойлашгани маълум бўлмаган манба у турган жойни муътадил даражада ёритиб ва иситиб турарди. Қуёш чиқиб турган бўлишига қарамай, Осмон тўла юлдуз.

Зардушт бугун тунда кўрган тушида улкан Ҳукайра қоясига яқинлашди ва уни ўраб турган айланма қия йўл бўйлаб юриб, қоя чўққиси сари кўтарилиб борди. Бу қояда ер юзидаги ҳаётни тарқатганларнинг руҳлари қарши олинади. Эгаси поку-ҳалол яшаганларнинг руҳлари ёзидлар томонидан осмонларнинг осмонида жойлашган Аҳура Мазда салтанати – фирдавсга ва эгаси ҳаромуҳаришни фарқламасдан яшаганларнинг руҳлари ернинг қаърида жойлашган Ангро-Майнью салтанати – дўзахтга жўнатилади...

Юра-юра, ниҳоят, Зардушт қоянинг энг баланд жойига етди. Бу жой қатта доира шаклидаги теп-текис майдонни эслатарди.

Майдоннинг ўртасида кейинчалик Зардушт каломларини эслаб ёзилган «Бундахишн» китобида<sup>2</sup> қайд этилганидек, Фрашгард денгизи ўртасидаги улкан қоя устида улкан бир ҳилқат қад ростлаб турарди. «Унинг танаси оқ; у учта оёққа, тўққизта оғизга, иккита қулоққа ва битта шохга эга; бошининг ранги кўк, танаси оппоқ. У илоҳий қувват билан озиқланади... Унинг олтига кўзидан иккитаси ўз жойида, иккитаси чакакларига ва яна иккитаси энсасига жойлашган. Ушбу олтига кўз қуввати билан у ёвуз ниятли ҳар қандай кучни эзгилаб ва чилпарчин қилиб ташлайди..., унинг иккита қулоғи шундай улканки...»<sup>3</sup>

• • • 2 • • •

Ўша кунлардаги тушларида бир неча бор қайта ва қайта кўриниш бериб ўтган Муқаддас Ўлка манзараси Зардушт тафаккури ва тасаввурининг бир умрлик хамиртуруши бўлиб қолди. «Овас-то» га киритиш учун халқ орасида кенг тарқалган ривоятларни қайта баён қилиб чиқиш ва ўз таълимоти ғояларини илгари сурувчи кўшиқ ва мадҳияларни тўқиш пайтларида у энг аввал ўзини хаёлан ўша муқаддас ўлка марказида жойлашган Хукайра чўққисига олиб ўтарди. У ўзининг барча назм ва насрларига ўша ердаги улкан Хара ҳлқатининг учта оёғидан бири яқинига ўтириб, бутун ер юзини ва нафақат, балки бутун оламни кузатиб турган ҳолда шакл берарди.

Бу гал у ўз хаёлида яна ўша ерга ўтириб олиб, Кайвон (Сатурн) сайёраси ҳаракатини кузата бошлади. Бобил донишмандлари қайд этган маълумотларга кўра бу ёритқич юлдузлар осмонида эркин ҳаракатга эга бўлиб, улар ўртасида эгаллаган дастлабки ўрнига ҳар 32 йилда қайтиб келаркан<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> «Бундахишн» китоби қадимий «Авесто» таркибидаги «Дамдод» наскининг қайта ишлаб чиқилган нусхаси ҳисобланади.

<sup>3</sup> XX – XXI аср кишиси учун бу ердаги гапларнинг космик кема ҳақида бораётганлигини англаш муаммо эмас. – А.Ш.

<sup>4</sup> Зардуштнинг дастлабки ватани Жанубий Уралда жойлашган Аркаим манзилгоҳи бўлган, «Авесто» сўзи маъноси асосида славянча «весть» («хабар»), «совесть» («виждон») сўзларининг маъноси ётади деган ғоя тарафдорларининг ва Санкт-Петербургдаги АША (Авестийская школа астрологии) мактабининг таниқли намояндаси, зардуштийликка қабул қилинган замондошимиз П. Глобанинг фикрига кўра Зардушт толенамоси (гороскопи) учун ҳақиқатдан ҳам Сатурн сайёрасининг осмондаги ҳаракатига хос хусусиятлар асос қилиб олинган. Лекин П. Глоба Сатурннинг юлдузлар осмонидаги ҳаракати хусусиятларини шарҳлашда кўпол астрономик чалкашликларга йўл қўйган. Эмишки, юлдузлар осмонида ўзи эгаллаган дастлабки ўрнига Сатурн ҳозир 29,5 йилда қайтиб келармиш. Бунинг сабаби, Зардушт яшаган давр билан биз яшаётган давр

Зардушт хаёлан Улкан Хара хилқати оёғи ёнида ўтирган ҳолда Кайвон сайёрасининг осмондаги ҳаракати гардишини кўз олдига келтирди. Гардиш диаметрларини ўтказиб, Зардушт уни тўртта тенг бўғимга бўлди. Улардан ҳар биринининг ўртасидан яна диаметрлар ўтказиб, гардишни саккизта тенг бўғимга бўлди. Худди шундай амални ҳосил бўлган саккизта бўғим устида ва улардан ҳосил бўлган ўн олтита бўғим устида ҳам бажариб, охири Кайвон<sup>5</sup> сайёрасининг осмондаги ҳаракати гардишини ўттиз иккита тенг бўғимга бўлди.

Ундан кейинги кунларни Зардушт Кайвоннинг юлдузлар осмонидаги ҳаракати гардишини узлуксиз равишда ташкил этиб турувчи ва ҳар бири ердаги тўлиқ бир йилга тенг бўлган ана шу ўттиз иккита бўғимнинг ҳар бири устида чуқур мулоҳазалар юриши билан ўтказди.

Бу мулоҳазалар натижаси Зардуштнинг у ёки бу бўғиннинг айнан қайси Ҳамишалик Спанд ёки Ёзиднинг ихтиёридалигини аниқлашга, у ёки бу йилнинг айнан қадай хусусиятларга эгаллигини тавсифлашга, у ёки бу йил учун айнан қайси бир жонзоднинг номини беришга, у ёки бу йилда туғилган одамларнинг айнан қандай хусусиятларга эга бўлажакларини ва мабода ҳақ йўлдан тойсалар, уларда айнан қандай салбий сифатлар намоён бўлажagini башорат қилишга оид хулосаларда ифода топиб борди.

...

Қуйида ана ўша кунларда тузилган ва ундан кейинги жуда кўп толенамоларни тузишда намуна бўлиб хизмат қилган Зардушт толенамосини келтирмоқчимиз.

... 3 ...

...Зардушт толенамойини у қандай бўлса, шундайлигича келтириб қўя қолиш ниятида турганимизда, бизни бир нарса ўйлантириб қолди. Хусусан, Зардушт толенамойида 32 нафар Ҳамиша-

---

орасида самодаги бир сайёра (Фаэтон – Фраэтона) ни девлар портлатиб юборишганмиш. Натижада осмон жисмлари ҳаракатида сезиларли ўзгаришлар содир бўлганмиш. Авваллари юлдузлар осмонида эгаллаган дастлабки ўрнига ҳар 32 йилда бир марта қайтиб келадиган Сатурн шу ҳодисадан сўнг 29,5 йилда қайтиб келадиган бўлиб қолганмиш. Аслида бу сайёра ердан кузатиб турган одам учун юлдузлар осмонида даставвал эгаллаган жойига ҳозир ҳам 32 йилда бир бор қайтиб келади. 29,5 йил деган муддат Сатурн ҳаракатини Қуёшда туриб кузатаётган одам учун тўғри келадиган муддатдир.

<sup>5</sup> «Кайвон» сўзи Гушгасп аждодлари кай Қубод, кай Ковус, кай Хусрав, кай Лухрасп ва унинг ўзи – кай Гушгасплар унвонининг посбони маъносига эга.

Спандлар ёки Яздлар номи ва 65 хил жонзод номи тилга олинади. Жонзодлар номига изоҳ берилиши шарт эмасдир-ку – зеро, «Бундаҳишн» нинг «Жонворлар хусусида» номли XIV бобида уларнинг бешта туркуми ва улар бўлиниб кетадиган икки юз саксон иккита тури ҳақида сўз боради, улардан жуда кўпининг номлари санаб ўтилади, – лекин «Авесто» китобларида кўп бор тилга олинган Ҳамишалик Спандлар ва Яздлар тўғрисида шу ерда мухтасар маълумотлар бериб ўтишни маъқул кўрдик.

Ҳамишалик Спандлар ва Яздлар тўғрисидаги маълумотларни ихчам бир тарзда қайд этиб ўтиш ҳам ўзига хос мураккабчиликларга эга. Гап шундаки, ўтган 3000 йилдан зиёд давр мобайнида уларни ёддан айтиб юриш анъанасининг узлуксиз равишда давом этиб келиши билан баробар, ёзма нусхаларининг ёвуз кучлар томонидан қисман ёки бутунлай йўқ қилиб юборилаверганидан, «Авесто» ни жами бўлиб, 6 марта қайта ёзиб тиклаб чиқишга тўғри келган: 1) мил. авв. V асрда Бактрия ва Катта Хоразм ҳудудида; 2) мил. авв. II асрда Парфияда; 3) мил. авв. I асрида яна ўша Парфияда; 4) III асрнинг 2-чорагида Тайсафунда, Сосонийлар саройида муъбадлар муъбади Тансар муҳарриригида; 5) IV асрнинг ўрталарида, яна ўша ерда; 6) VI аср ўрталарида Хусрав I Анушервон раҳнамолигида<sup>6</sup>.

Охирги нашрдан XIII – XIV асрларда бажарилган «Авесто» нусхасининг тўртдан бир қисми билан бирга бизнинг кунларга қадар ундан олдинги нашрларга оид бир қанча узук-юлук намуналар ҳам етиб келган.

«Авесто» нинг ёзма равишда қайта тикланиши пайтларида ҳар гал қайси бир илоҳий куч манбаи зиммасида қайси бир вазифаларнинг кўрилганлигига, иш бошида турган пешволарнинг заковати ва раъйига, сўзлаш тилининг ўша пайтларда шаклланган анъаналари ва хусусиятларига қараб, у кескин ўзгаришларга юз тутган. Шунинг учун Ҳамишалик Спандлар ва Яздларнинг номлари устида ёки уларнинг ўзлари ҳақида гап бораётганда у ёки бу Ҳамишалик Спанд ёхуд у ёки бу Язднинг мавқеи ва вазифаларини тавсифлашда «Авесто» нинг айнан қайси бир даврда яратилган нусхасига асосланилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бу ерда алоҳида аҳамиятга молик яна бир муҳим далил шундан иборатки, «Авесто» китоблари икки хил мазмунда мавжуд: Кекса «Авесто» ва Ёш «Авесто». Ёш «Авесто» Кекса «Авесто»

---

<sup>6</sup> Ушбу абзацни тайёрлашда авестошунослардан Э.А. Охунжонов ва А. Язбердиевларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларига асосландик.

дан ўрин олган гоҳ ва ясналарни кўшиб олгани ҳолда, яна бир канча гоҳ ва ясналар билан, яштлар билан, нола ва диний маросимларни ўтказишга оид қоидаларнинг матнлари билан тўлдирилган. Ёш «Авесто» га «Зенд Авесто», яъни «Авестонинг матни ва шарҳи» деб ном берилган. «Авесто» нинг ушбу нусхасига Сосонийлар давлати даврида, III – VII асрларда шакл берилган.

Ушбу нусха матни парфияча ёки паҳлавий тилда, янада тўғрироғи ўрта эроний тилда расмийлаштирилган. Шунга мувофиқ равишда ушбу нусхада Ҳамишалик Спандлар ва Язд ёки Тангриларнинг номлари «Авесто» нинг даслабки нашридагидан бир мунча фарқларга эга. Ушбу жойда биз уларнинг тавсифларини келтириб ўтаётганимизда дастлаб Ҳамишалик Спанд, Язд ёки Тангри номининг ўрта эрон тилидаги талаффуз вариантини келтирамиз. Сўнг шу Ҳамишалик Спанд, Язд ёки Тангри номининг Кекса «Авесто» даги ёзилиши шаклини, ундан кейин шу номнинг қандай маънога эгаллигини, ундан ҳам сўнг шу Ҳамишалик Спанд, Язд ёки Тангри зиммасидаги вазифаларнинг энг асосийларини санаб ўтамиз.

**Ҳурмузд.** Аҳура-Мазда – «Буюк Билимдон». Худо.

**Фравахр.** Фраваши – марҳумнинг Руҳи.

**Озар, Адур.** Атар – «Оташ». Оловлар Тангриси.

**Рам.** Раман – осойишталик, тинчлик Тангриси.

**Осмон.** Қадимий орий афсоналари бўйича дастлабки бунёдкорлар – Осмон-Ота ва Она-Ер жуфтлигининг бири.

**Бод.** Вайу – «Шамол», «Ҳаво». Бир вақтнинг ўзида ҳам яхшилиқ ва ҳам ёмонлик сифатлари қоришмасидан иборат шамоллар Тангрисининг ёқимли қисми.

**Обон.** Апам-Напат – «Сув набираси» ёки «Сув насли». Сувлар Тангриси. Айрим жойларда Буразийд шаклида ҳам қайд этилган.

**Аноҳид.** Ардвиг-Сура Анахита – «Ширали» ёки «Бокира» (Сура) «Қувват эгаси» (Анахита) Ардвиг. Ҳосилдорлик, ғалабалар, қут-барака Тангриси.

**Замёд.** Зам – Ер. Қадимий орий афсоналари бўйича дастлабки бунёдкорлар – Осмон-Ота ва Она-Ер жуфтлигининг бири; Арштоднинг ҳамкори.

**Амишоспанд.** Амеша-Спента – «Ҳамишалик Спандлар: Оша-Воҳишта, Воҳи-Мано, Спанта-Ормайти, Хшатра-Вора, Харватот, Омаратут.

**Диёнат.** Даина – «Эътиқод». Одамлардаги яхшини ёмондан

фарқлаш истеъдоди. Мехрнинг синглиси.

**Тиштар.** Тиштра – Сириус (Шеъро) юлдузи. Ёмғирлар Тангриси. Унинг Сатавеса – «Юз эркак кучига эга» деган ҳамроҳи бор. Сатавеса Тиштар пайдо қилган ёмғирларни тақсимлайди. Тиштарнинг душмани Апа-Хуша – Сувларни қуритувчи дев.

**Сурўш.** Сраоша – «Итоат». Тартиб-интизом ва ибодатлар ҳомийси. Яздлар Мехр, Рашн билан бирга Чинвод кўприги олдида марҳумлар устидан ҳукм чиқаришда иштирок этади. Айшма (Айш-ишрат, бадмастлик) деви Сурўшнинг душмани.

**Гошурўн.** Геуш-Урвон – «Говмиш (сигир) лар жони». Чорваларнинг ҳомий Тангриси. Унда қурбонликка сўйилган барча хўкиз ва сигирларнинг жони бирлашади. Ёш «Авесто» да урғочи жинсга мансуб Язд дейилган. Дравасп («У туфайли отлар саломат») деб ҳам сифатланган.

**Кайвон** – Каёнийлар сулоласи унвони қўриқчиси. Сатурн Сайёраси.

**Рашн.** Рашну – «Ҳақиқат», «Адолат». Адолатпарварлик ва чинакам ҳукм Язди. Мехр ва Сурўш билан бирга Чинвод кўприги олдида марҳумлар устидан ҳукм чиқаришда иштирок этади. У марҳумнинг тириклик пайтида қўллаган барча яхши ўй, яхши гап ва яхши ишларини тарозининг бир палласига, ёмон ўй, ёмон гап ва ёмон ишларини тарозининг иккинчи палласига жойлаштиради. Қайси палланинг оғир келишига қараб фирдафсга ёки дўзахтга юборилиши бўйича марҳум устидан сўнгги ҳукм чиқарилади.

**Фарр.** Хварно – «Баракот». Худо ва Яздларга хос улуғлик, қудрат; пешдодийлар ва каёнийлар сулолалари вакилларига хос худо назарига тушганлик, ҳукмдорлик; баҳодирларга хос шон-шуҳрат, зафар; оддий одамлар ҳаётига хос серобчилик, ютуқ, бойлик каби баракотлар Язди. У одамлар кўзи олдида калла устида чакнаб турган чамбарак ёки Вараҳн қуши – қузғун қиёфасида гавдаланиши мумкин.

**Ашийшунг.** Аша – «Яхшилик чегирилмаси». Товонлар ва мукофотлар Язди. Сурўшнинг ҳамкори, Хурмузднинг қизи, Сипандарматнинг синглиси. Суруш, Рашн ва Мехр унинг биродарлари. Язда Диёнатнинг опаси.

**Ардабиҳишт.** Оша-Воҳишта – «Бадавлат Аша». Ҳамиша Азиз Зот. Кекса «Авесто» да эзгу ишлар тимсоли, Ёш «Авесто» бўйича – Оловга ҳомийлик, яхши қонунлар ва тақвони асраш каби вазифалар ҳам унинг зиммасида бўлган. Душмани – Дрўғи («Ёлғонлик») деви.



**Мехр.** Митра. Қадимда ҳар хил қабилалар ўртасида тузилган шартномаларнинг қатъийлигини назарат қилувчи илоҳий куч. Кейинчалик ана шундай аҳдларни бузганларни шавқатсиз жазоловчи Язд. Тимсоли – Қуёш. Сифати – кенг яйловлар эгаси. Сурўш ва Рашну билан бирга Чинвод кўприги олдида мархумлар усти-дан ҳукм чиқаришда иштирок этади. Диёнатнинг акаси.

**Шахривар.** Хшатра-Варйа – «Матлуб Ҳокимлик». Ҳамишалик Спандлардан бири. Унинг зиммасидаги вазифалари – металлар ва осмонни ёвуз кучлардан асраш ҳамда ўтроқ аҳолини кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш бўйича Ҳурмузд ҳукмларининг ер юзида ижро этилишини таъминлаш.

**Сипандман.** Спента-Майнйу – «Азиз рух». Сипандман – Ҳурмузд моддий оламини пайдо қилгунга қадар уни ифода этиб юрган Рух. Зардуштийликнинг талқини бўйича 12 минг йиллик муддатни ўз ичига олувчи бу моддий оламда нимаики мавжуд бўлса, ўтмишдаги номоддий оламда книнг ўз минуйси бўлган. Душмани – Ахриман (Ангра-Майнйу – «Лаънати рух»).

**Хурдод.** Харватат – «Тўкислик», «Бутлик». Ҳамишалик Спанд. Сувлар ҳимоячиси. Аёллар жинсига мансуб.

**Хавм.** Ҳавма – шу ном билан аталувчи муқаддас гиёҳни ва унинг билан боғлиқ бўлган маросимни асрагувчи Язд.

**Сипандармат.** Спента-Армайти – «Муқаддас Такво». Ҳамиша Азиз Зот. Ёш «Авесто» да ер ҳимоячиси. Шахриварнинг ҳамкори. Аёллар жинсига мансуб. Жамоада иноқликни таъминлаш ҳам унинг зиммасида.

**Арштод, Ашах.** Арштот, Аша – «Чинлик», «Ҳақиқат». Қадимий орийларнинг афсоналарида қуёшнинг чиқиши ва ботиши, йил фаслларининг алмашиши, табиатдаги тирилиш ва ўлиш каби ҳодисаларни идора этиб турувчи қонунлар эгаси. Кейинроқдаги тавсифлар бўйича Арштод – алоҳида одамлар ва жамоада «Яхши ўй, яхши сўз ва яхши иш» учлигига содиқликни таъминловчи Язд. Чинвод кўприги олдида Рашн мархумларнинг рухларини саралаётганда Арштод Замёд билан бирга уларнинг қилмишларини тарозига солиб туради.

**Амурдод.** Амератат – «Ўлмаслик». Ҳамишалик Спанд. Ўсимликлар ҳимоячиси. «Авесто» китобларида унинг номи Ҳурдод номи билан ёнма-ён юради.

**Гирдбод.** Вайу – «Шамол», «Ҳаво». Бир вақтнинг ўзида ҳам яхшилик ва ҳам ёмонлик сифатлари қоришмасидан иборат шамоллар Тангрисининг қақшаткич қисми.

**Воҳуман.** Воҳу-Мана – «Эзгу ўй». Чорвани ва чорвадорлик билан шуғулланувчи қабилаларни ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи Ҳамишалик Спанд . Душмани Акоман («Ёвуз ўй») деви.

**Баҳром, Вараҳрон.** Вертрагна – «Витра деб аталувчи сув тўс-кич илонсимон баҳайбат жонворнинг калтаклагувчиси». Урушлар ва ғалабалар Язди. У Зардушт ҳузурида кучли, лекин ёқимли Шамол, олтин шохли Хўкиз, олтин юганли оппоқ От, ақлли кўзлари ёниб турган майин жунли Туя, дарғазаб Қобон, навқирон Ўйигит, тез учар Қузғун, бурама шохли Архар, қиличдек санчилувчан шохларга эга ёввойи Така, қўлида ханжар тугган забардаст Эркак каби ўн хил қиёфада намоён бўлади.

**Моҳон.** Моҳа. Осмон ёриткичи. Ой-Момо Язди.

**Хуршед.** Хвар-Хшайта. Осмон ёриткичи. Қуёш-Бобо Язди.

...

... Ана энди Зардуштнинг хаёлан Хара чўққисида Кайвон сайёрасининг юлдузлар осмонидаги ҳаракатини кузатиб туриб тузган толенамосини келтирсак бўлаверади. Айтиб ўтиш жойизки, Зардушт толенамосида ҳар бир йил 21 март – Наврўз куни бошланади.<sup>7</sup> Мазкур толенамо ундан кейин тузилган жуда кўп толенамоларни тузишда намуна бўлиб хизмат қилган.

... 4 ...

**Кийик йили** (1906, 1938, 1970, 2002). Йил ҳомийси – Хурмузд.

Олтин шохли кийик – кўтаринкилик, ғурур, ноз-неъмат, илоҳий қувват рамзи ҳисобланади. Ушбу йил кўплаб ҳар хил шартномалар тузиш билан боғлиқ. Кийик йилида туғилганлар кўпроқ дастлабки йўлни очиб берувчи одамлар бўлишади, уларга ўз қадрқимматини юксак даражада ҳис қилиш, эътиборни энг асосий нарсага қаратиш, тиришқоқлик, мақсад сари интилиш, аниқ фикрлаш фазилатлари хосдир.

Бақа ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, жамоалар орасида қонунни тан олмаслик ва аҳд ёки шартномаларни бузиш ҳоллари кўпаяди. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Бақа табиати таъсирининг ошиши уларнинг ҳеч нарсадан қоникмаслик, ҳар қандай йўл билан бўлса-

---

<sup>7</sup> Толенамо матни Санкт-Петербурглик машҳур мунажжим П. Глобанинг 1995 йилда нашр этилган «Вечный огонь» («Мангу олов») китобидан бироз ўзгартирилган ҳолда келтирилмоқда.

да катта мансабга эришмоқчи бўлишлик, юзсизлик, ҳавойилик, манманлик каби сифатларида намоён бўлиб туради.

**Архар йили** (1907, 1939, 1971, 2003). Йил ҳомийси – Фраваҳр.

Тоғлар кўйи – Архар аجدодлар билан алоқа, зоҳиран фаоллик ва ботинан осойишталик, одамларни бир жамоага бирлаштириш рамзи ҳисобланади. Ушбу йил мавжудликнинг самовий кучлар билан бирлигига ишониш, одамларда ўзаро бирлашишга мойилликнинг пайдо бўлиши, жамоалар қувватининг ошиши каби ҳодисалар билан боғлиқ. Архар йилида туғилганлар қатъиятпарварликлари, бурчни юксак даражада ҳис қилишлари, анъаналарга ва она ерга содиқликлари билан, яхши оилапарварликлари билан ажралиб туришади.

Эчки ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, одамларда мавжудликнинг самовий кучлар билан бирлигига ишонч ва жамоаларда бирдамлик сусаяди, одамлар орасида парокандалик авжга минади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Эчки табиати таъсирининг ошиши уларнинг ваҳимачиликларида, кўр-кўрона ўжарлик қилишларида, қайсарликларида, васвасабозликларида, қавмни, аждодларни ва анъаналарни камситиб юришларида намоён бўлади.

**Морхур (Мангуст) йили** (1908, 1940, 1972, 2004). Йил ҳомийси – Адур.

Морхўр абжирлик, қутилмаганлик, турли инс-жинслар билан курашиш рамзи ҳисобланади. Ушбу йилда эзгу ниятлар ва ўлимлар устидан ғолиб келиш йўлида ҳар хил хайру-эҳсонлар қилинади ва қурбонликлар ўтказилади. Морхўр йилида туғилганлар юксак ижодий фаоллик, эшилувчан тафаккур, мураккаб вазиятлардан тез чиқиб кетиш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга тез кўча олиш, эътиқодга ва ихлосга содиқлик каби фазилатларга эга бўладилар.

Сассиққўзан ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, жамоаларда оқибати, хартугул, яхшилик билан якун топадиган қалтис ишларга қўл урилади, муқаддас махлуқларни таҳқирланганлар портлаш, ёнғин каби табиат ҳодисалари воситасида жазоланишади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Сассиққўзан табиати таъсирининг ошиши уларнинг тартибсизликдан, айёрлик, маккорлик ва ёлғончилик қилишдан, тўпорилик ва ножинсликдан жирканмасдан фаолият юриштишларида ифода топади.

**Бўри йили** (1909, 1941, 1973, 2005). Йил ҳомийси – Ром.

Бўри – мустақиллик, довюрлик, масъулият ва чидам рамзи

ҳисобланади. Ушбу йил муъжизалар, катта миқдордаги одамларнинг турмуш тарзини ўзгартириб юбориш даражасидаги кучли табиий офатларга боғлиқ ҳолда кечиб ўтади. Бўри йилида туғилганларга жамоани азиз билиш, айниқса мураккаб шароитларда юксак даражада фаол бўлиш, ҳар хил тасодифий таҳдидларга қарши кураш уюштириб юбориш каби фазилатлар хосдир; улар ҳар қандай ҳолатлардан беэҳтиёт чиқиб кета оладилар, ҳар қандай синовларга дош бера оладилар.

Чия бўри ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсири кучайган ҳолларда ғалаён ва урушлар авж олади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Чия бўри таъсирининг ошиши уларнинг бузғунчиликларида, бошқаларни ҳақоратлашларида, шу билан баробар, жазоланиш хавфидан кучли ваҳимга тушиб юришларида намоён бўлади.

**Лайлак йили** (1910, 1942, 1974, 2006). Йил ҳомийси – Осмон.

Лайлак – тинчлик, самони забт этиш, жорий қилинган тартибларга риоя қилиш, зоҳидлик, ёрдамга тайёрлик рамзи ҳисобланади. Ушбу йил тартибни сақлаш, ортиқча юклардан халос бўлиш, фарзандлар туғилиши ва уларни тарбиялаш ҳамда оилани мустаҳкамлаш каби ташвишлар билан сифатланади. Лайлак йилида туғилганлар танҳоликка мойилликлари, аниқ ҳагту-ҳаракатлари, камгапликлари, тақдирга қаттиқ ишонишлари, эскиликни эъзозлашлари, педагогик иқтидорлари билан ажралиб туришади.

Қизилиштон ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Қизилиштон таъсирининг ошиши уларнинг фикрлашларидаги бидъатчиликда, гапларига мос тушмайдиган имо-ишораларида, нутқларининг равонмаслигида ва масъулиятни ҳис қилмасликларида кўзга яққол ташланиб туради.

**Ўргимчак йили** (1911, 1943, 1975, 2007). Йил ҳомийси – Бод.

Ўргимчак – инс-жинслар билан мубориза, деғу-париларни қочириш, соғайиш, хонадоннинг бахт-саодати рамзи ҳисобланади. Ушбу йил кескин ўзгаришлар, уйғунликка эришиш каби натижалар билан сифатланади. Ўргимчак йилида туғилганларга мақсадга йўналганлик, ушлаганини қўймаслик, кучли ички туйғу, ижодий ибтидо, кўп ишни қўлда бажариш каби фазилатлар хос.

Бий (Қора қурт) ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, шу чоққача асос бўлиб хизмат қилиб келган таълимотларни бузиш, динни йўқотиш каби ҳолатлар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Қора қурт таъсирининг ошиши уларнинг ноғўя ишларни ҳам қилаверишля-

рида, муҳаддас санлаган қадамжоларни камситишларида, касалликлар тарқатишларида, ўғриликларида кўриниш беради

**Оқ илон йили** (1912, 1944, 1976, 2008). Йил ҳомийси – Обон.

Оқ илон – олам чархпалаги, мавжудликнинг самовий кучлар билан бирлиги, одамларни олға томон суриб бораётган куч, яширин оқимлар рамзи. Ушбу йилда мавжудликнинг самовий кучлар билан бирлигига шак келтирилган пайтлардаги қарзлар тўланади, ибтидоларга қайтилади, пойдеворлар мустаҳкамланади, қудратли яширин кучларга дуч келинади. Оқ илон йилида туғилганлар ички ҳиссиётларининг кучлилиги, майишувчанликлари, дамдузликлари, юксак мақсадларга интилаётганликлари, ақлларининг хурофотга мойилликлари, феъл-атворларининг олдиндан аниқлаб бўлмаслиги билан ажралиб турадилар.

Қора Илон ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинлса, кучайганда давлатларнинг бузилиши, қон тўкилиши каби ҳодисалар содир бўлиб ўтади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Қора Илон таъсирининг ошиши уларнинг бебошликларида, юзакиликларида ва пала-партишликларида намоён бўлиб туради.

**Сув қундузи йили** (1913, 1945, 1977, 2009). Йил ҳомийси – Аноҳид.

Сув қундузи – табиий уйғунлик, гўзаллик ва муҳаббат, қонунлар мустаҳкамлиги рамзи. Ушбу йилда қонунлар яратилади, давлатлар пайдо бўлади. Сув қундузи йилида туғилганларга хўжалиқпарварлик, меҳнатсеварлик, ишонччилик, таг-тублилик, ердаги ва ўз хонадонларидаги турмушни, оилавийликни чиройли қилиб қайта қуришга интилиш каби фазилатлар хосдир.

Сув каламуши (Нутрия) ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинлса, қудратли табиий ёвуз кучлар ўзларининг мавжудликларини эсга солиб қўйишади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Сув каламуши таъсирининг ошиши уларнинг ифлосликлари, хасисликлари, табиатга зиён етказишлари, ғаламисликлари ва бидъатчиликларида кўзга ташланиб туради.

• • • 5 • • •

**Тошбақа йили** (1914, 1946, 1978, 2010). Йил ҳомийси – Замёд.

Тошбақа – донишмандлик, мунтазамлик, вазиятни ўйин шаклида кўриш, эҳтиёткорлик тимсоли. Ушбу йилда қазилма бойлик-

лар топилади, янги ерлар ўзлаштирилади. Тошбақа йилида туғилганлар сусткашликлари, дамдузликликлари, эскиликни эъзозлашлари, мустақкам ҳимояга эга бўлишга интилишлари, яхши хотирага эгаликлари, белгиланган мақсад сари оғишмай ҳаракат қилишлари билан ажралиб туришади.

Шиллиқ қурт ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, зилзила, қасоскорлик, турғунлик, ташаббусни бўғиш каби ҳолатлар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Шиллиқ қурт таъсирининг ошиши уларнинг маккорликларида, юзсизликларида, еб-тўймасликларида, ҳовлиқмаликларида кўзга ташланиб туради.

**Зағизгон йили** (1915, 1947, 1979, 2011). Йил ҳомийси – Амшоспанд.

Зағизгон – олам билан алоқа, ибодат, мудофаа, сўз билан таъсир этиш, гап тарқалиши рамзи. Ушбу йилда нағижаси йирик воқеаларга уланиб кетувчи ҳар хил майда-чуйда ҳодислар содир бўлади. Зағизгон йилида туғилганлар ҳамма жойда ҳамма нарсага улгурадилар, гап пойлаш уларга хос хусусият ҳисобланмайди, ўйноқилар, бир вақтнинг ўзида бир нечта иш билан шуғулланидилар, низоларни бартараф этадилар.

Гўнг қарға ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, алдаш, кўнгил совиши, айниш, кўз тегиши каби ҳодисалар содир бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Гўнг қарға таъсирининг ошиши уларнинг эгри сўзликлари, сусткашликлари, илдизларга заҳа етказишларида намоён бўлади.

**Олмаҳон йили** (1916, 1948, 1980, 2012). Йил ҳомийси – Диёнат.

Олмаҳон – тафаккур, насл шажарасини билиш, ишончу ихлосларни синовдан ўтказиш, ҳақиқатни рўёбга чиқариш, эътиқод излаш рамзи ҳисобланади. Ушбу йилда воқелар такрорланади, йўқотилганликлар топилади, кашфиётлар ва ихтиролар қилинади. Олмаҳон йилида туғилганларга жўшқин ақл, бурчни аниқ ва тез бажо келтириш, уйпарварлик, мустақиллик, соғлом нарсапарастлик, боғланганлик, такрорлашларга мойиллик хосдир.

Каламуш ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, йўлдан озишликлар, адашишу алданишлар, наслдан воз кечишликлар кўпаяди. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Каламуш таъсирининг ошиши уларнинг жирканувчанликларида, бемаъни хаёлпарастликларида, тартибсизлик-

ларида, бемаъни ҳагту-ҳаракатларида намоён бўлиб туради.

**Қузғун йили** (1917, 1949, 1981, 2013). Йил ҳомийси – Тиштар.

Қузғун – осмон билан ер орасидаги ўртачи; жиддийик, қатъийлик, ўзи билан ўзилик, танҳолик, нопокликдан тозаланиш, матонат рамзи. Ушбу йилда қаттиқ имтиҳонлар бўлиб ўтади, ҳар турли қабихликлар йўқотиб ташланади. Қузғун йилида туғилганлар маҳдудликлари, мустақилликлари, феъл-атворларининг олдиндан аниқлаб бўлмаслиги, аччиқ ҳажвга мойилликлари, озодлик сари интилишлари, ўз қадру-қимматларини юксак даражада ҳис қилишлари билан ажралиб туришади.

Сассиқпопишак ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинса, ҳақсизликларнинг тантана қилиши, ифлос кучларнинг қатта миқдорда бир жойда жамланиши каби ҳодисалар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Сассиқпопишак таъсирининг ошиши уларнинг текинхўрликларида, лаганбардорликларида, мослашувчанликларида, пасткашликларида кўриниш бериб туради.

**Хўроз йили** (1918, 1950, 1982, 2014). Йил ҳомийси – Сурўш.

Хўроз – зулматга қарши жангчи; девлар устидан ғалаба, яширин ифлосликларни юзага чиқариб қўйиш, ёвузликни фош этиш ва адолат тантанаси рамзи. Ушбу йилда ёвуз кучлар фаоллашади ва очикдан-очик кўриниш беради, уларга қарши фаол кураш олиб борилади. Хўроз йилида туғилганлар ўзларининг жангариликлари, довюрақликлари, журъатлиликлари, ислоҳотларга мойилликлари, таъсирчанликлари, муҳаббатпарварликлари, қайноқ ғоялар ва куч-қувватга бой эканликлари билан ажралиб турадилар.

Бедана ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинса, қон тўкилишига сабаб бўлувчи бемаъни исъёнлар, жазолашлар, жанжаллар содир бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Бедана таъсирининг ошиши уларнинг худбинликларида, нафратланувчанликларида, бемаъни қару-ғазабга эгаликларида, ғаразли мақсадларга йўналтирилган исъёнкорликларида кўриниш бериб туради.

**Хўкиз йили** (1919, 1951, 1983, 2015). Йил ҳомийси – Гошурўн.

Хўкиз – тинчлик, хотиржамлик, қатта яширин куч, бурч, фидойилик, ҳимояга муҳтожлик рамзи. Ушбу йилда тинчлик ўрнатилади, қатта манфаат келтирадиган матонатталаб ишлар бажарилади, бойликка эришилади. Хўкиз йилида туғилганлар нозик ва сезгир қалб эгаси эканликлари, юмшоққўнгилликлари, беғаразликлари, бурчни жуда ўткир зеҳн билан ҳис қилишлари, сабру-

қаноат эгаси эканликлари, чидамлиликлари, эътиқодда собитликлари, бошқаларга ёрдам берувчанликлари, курашни охиригача давом этдирувчанликлари билан ажралиб турадилар.

Буғу (Лось) ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинилса, кишилар қалбидан ёвузликнинг ўрин олиши, яхшиликка ёмонлик билан жавоб бериш каби ҳодисалар содир бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Буғу таъсирининг ошиши уларнинг ғазабнокликларида, ўжарликларида, инжиқликларида, ичиқораликларида, ошкора текинтомоқликларида кўзга ташланиб туради.

**Бўрсиқ йили** (1920, 1952, 1984, 2016). Йил ҳомийси – Кайвон.

Бўрсиқ – бойликлар, анъаналар ва хотиротларни асраш, тежамкорлик, мунтазамлилик, моддий дунёни мустаҳкамлаш рамзи ҳисобланади. Ушбу йил ўтмишни эслаш, ёдгорликларни таъмирлаш, адолатни оёққа турғизиш, жамғариш, урушларга чек қўйиш, мустаҳкам бўлмаган тизимларнинг бузилиши каби ҳодисалар билан боғлиқ. Бўрсиқ йилида туғилганларга анъаналарга содиқлик, заҳирапарастлик, адолатпарварлик, жиддий ахлоққа эғалик, юксак даражадаги меҳнатсеварлик, ўткир зехнга эғалик, мантикий тафаккур, ўзи билан ўзи бўлишлик каби фазилатлар хосдир.

Кўрсичқон ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинилса, одамларга тазъийқ ўтказиш, анъаналарни бузиш каби ҳодисалар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Кўрсичқон таъсирининг ошиши уларнинг енгил табиатликларида, анъаналарни поймол қилишларида, ички дунёларининг тиргакларга эга эмаслигида, атрофдагиларга нафрат кўзи билан қарашларида, бошқа одамларнинг руҳиятига араллашишга мойилликларида кўзга ташланиб туради.

**Туя йили** (1921, 1953, 1985, 2017). Йил ҳомийси – Раши.

Туя – шубҳаомузлик, зоҳидлик, ҳажв ва мазақ, саркашлик рамзи. Ушбу йил фош этишликлар, тўполонли жараёнлар, одамларни бирлаштириш, ижтимоий гуруҳлар ташкил этиш, душманларни яраштириш каби ҳодисалар билан боғлиқ. Туя йилида туғилганлар ҳамма нарсага шубҳа билан қарашлари, танқидчиликлари, мазақчанликлари, истехзоликлари, айбситувчанликлари, синчковликлари, мустақилликлари, эҳтиёткорликлари, энг ёмон ҳолатга ҳам ҳамиша тайёрликлари, ўз қадру-қимматларини билишлари ва муҳаббат парварликлари билан ажралиб туришади.

Сиртлон ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинилса, адолатни қарор топтириш ниқоби



остида оммавий қирғинга ўхшаш ходисалар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Сиртлон таъсирининг ошиши уларнинг маишатпарастликларида, дабдабапарастликларида, миждовликларида, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам роҳат-фароғат сари интилишларида, серзардаликларида кўриниш бериб туради.

• • • 6 • • •

**Типратикон йили** (1922, 1954, 1986, 2018). Йил ҳомийси – Фарр.

Типратикон – марҳамат, олдиндан башорат қилиб бўлмаслик, эрк, янгилик, тўнтарилишлар рамзи. Ушбу йил кутилмаган ходисалар, пағомбарликлар, қонунларнинг ўзгариши, ислохотлар билан боғлиқ йил ҳисобланади. Типратикон йилида туғилганлар илмоқли гаплар эгаси эканликлари, сир сақлаш қобилиятига эгаликлари, ўзларида ва бошқаларда тажрибалар ўтказишга мойилликлари, кутилмаган ҳатту-ҳаракатлар эгаси эканликлари, довюракликлари, айбларни очиб ташлашга ҳаракат қилишлари, синчковликлари билан ажралиб турадилар.

Қора кўнғиз ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинганса, қаттиқ ислохотлар, заиф жойларнинг ошкор бўлиши каби ходисалар кечиб ўтади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Қора кўнғиз таъсирининг ошиши уларнинг пала-партиш алоқалар ўрнатишларида, кўрқоқликларида, бўшангликларида ва сурбетликларида кўзга ташланиб туради.

**Оҳу йили** (1923, 1955, 1987, 2019). Йил ҳомийси – Ашийшунг.

Оҳу – туғилаётган ибтидо, уйғунлик, гўзаллик, тақвони тиклаш рамзи. Ушбу йил мудофаачиларни мукофотлаш, маданиятнинг гуллаб-яшнаши, нуқсонларни фош этиш, мустаҳкамликларни синовдан ўтказиш каби ходисалар билан боғлиқ. Оҳу йилида туғилганлар қоматларининг келишганлиги, ҳаётни гўзал кўринишда тасаввур қилишлари, юксак мақсадлар сари бел боғлаганликлари, идеалларга ишонишари, пуштарининг тозалиги, ўйноқиликлари, нафис ҳис-туйғуга эгаликлари, нозик кўнгиликлари билан ажраиб турадилар.

Сигир ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинганса, шармандалик, маданиятни хўрлаш, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тушунчаларнинг аралашиб кетиши каби ходисалар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Сигир таъсирининг ошиши уларнинг тепса-тебранмасликларида,

ақлга зўр бериб, ҳис-туйғуни назар-писанд қилмасликларида, ёлғончиликларида, беодоб сўзлар билан сўкинувчанликларида, худони тан олмасликларида намоён бўлиб туради.

**Фил йили** (1924, 1956, 1988, 2020). Йил ҳомийси – Ардабиҳишт.

Фил – барқарорлик, мустаҳкамлик, жиддийлик, таг-тубилик, мувозанат рамзи. Ушбу йил қурилиш, янги майдонларни ўзлаштириш, узоқ муддатга мўлжалланган режалар тузиш каби ишлар билан боғлиқ йил. Фил йилида туғилганлар сусткашликлари, қатъийликлари, матонатлиликлари, кагта ички кучга эгаликлари, бехосдан пайдо бўлувчи жонбозликлари, тинчликсеварликлари, ҳар нарсага ишонавермасликлари, феъл-атворда босиқликлари, ўз орқаларидан эргаштира олишлари каби фазилатлари билан ажралиб турадилар.

Чивин ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, вулканларнинг уйғониши, зилзилалар, одамларнинг пуч хаёлларга берилиши каби ҳодисалар содир бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Чивин таъсирининг ошиши уларнинг ҳовлиқмаликларида, сергапликларида, ишончга эга эмасликларида, ёлғончиликларида, кўрқоқликларида ва пасткашликларида намоён бўлиб туради.

**От йили** (1925, 1957, 1989, 2021). Йил ҳомийси – Меҳр.

От – адолат, шартномалар, меҳнатсеварлик, ҳамиша олға томонга интилиш, йўлбошловчилик рамзи. Ушбу йил шартномалар тузиш, шартномаларни бузганларни қаттиқ жазолаш, кескин ўзгаришлар билан боғлиқ йил ҳисобланади. От йилида туғилганлар ўзларига ишонишлари, кенг фикрлиликлари, қатъийликлари, матонатлиликлари, чидамлиликлари, аҳдга содиқликлари ва жамоага интилувчанликлари билан ажралиб туришади.

От-ҳачир ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, фуқаро урушларининг бошланиши, парчаланиш, ўзига қаттиқ ишониб юбориш каби ҳодисларда кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида От-ҳачир таъсирининг ошиши уларнинг кўрқоқликларида, мосланувчанликларида, ижродан бош тортишларида ва масъулиятсизликларида кўзга чалиниб туради.

**Қоплон йили** (1926, 1958, 1990, 2022). Йил ҳомийси – Шаҳривар.

Қоплон – ҳақиқат учун кураш, жангарилик, олдиндан айтиб бўлмаслик, кўрқмаслик рамзи. Ушбу йил ёвуз кучларга қарши ку-

рашиш, муаммоларнинг кескинлашуви, фош этишликлар, кутилмаган янги ишларни бошлаб юбориш кабилар билан боғлиқ йил ҳисобланади. Қоплон йилида туғилганлар кучлиликлари, енгилмасликлари, қудратлиликлари, чўрткесарликлари, шиддатлиликлари, ўйноқликлари, узоқларни кўра олишлари, ногаҳонийликлари, улуғворликлари билан ажралиб турадилар.

Мушук ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинса, урушларнинг бошланиши, инқилоблар каби ҳодисалар кечиб ўтади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Мушук таъсирининг ошиши уларнинг бераҳмлиликларида, жонзодкушликларида, панада туриб ҳаракат қилишларида, маккорликларида кўзга ташланиб туради.

**Товус йили** (1927, 1959, 1991, 2023). Йил ҳомийси – Сипандман.

Товус – алданишларни бартараф этиш, нарсаларнинг асл маъносини англаш, шунингдек, ўйин ва ниқобланиш рамзи. Ушбу йил пуч хаёлларга берилиш, алданиш, ёлғонгарчиликларни фош этиш каби ҳодисалар билан боғлиқ йил ҳисобланади. Товус йилида туғилганлар гулдек очиқликлари, ўйин ва тамошабинликка мойилликлари, нозу-карашмага эгаликлари, қилмишларининг рангбаранглиги ва тўсатданлиги, кенгкамровликлари, мустақилликлари, ниятмандликлари, чакноқликлари, жонларини қурбон қилишга тайёрдек қобилиятлари билан ажралиб турадилар.

Қораялоқ ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида ўзини пайғамбар деб ҳисобловчилар пайдо бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Қораялоқ таъсирининг ошиши уларнинг дамдузликларида, маҳдудликларида, зерикарлиликларида, омма билан қоришиб кетишга мойилликларида кўзга ташланиб туради.

**Оққуш йили** (1928, 1960, 1992, 2024). Йил ҳомийси – Хурдод.

Оққуш – покланиш, эътиқод, ўзаро ёрдам, маънавият ва умид рамзи. Ушбу йил одамларнинг маънаван бирлашиши, йўқотилган бикирликнинг қайта тикланиши, адолатнинг поймол қилингани учун тазарруга берилиш каби ҳодисалар йили ҳисобланади. Оққуш йилида туғилганлар мағрурликлари, руҳият парастликлари, ўз яқинларига боғланиб қолганликлари, ўзларидан мамнунликлари, динда мустаҳкамликлари, беғаразликлари, муъжиза кутишлари, моддийлик билан боғлиқ бўлган муаммолардан четда юришликлари билан ажралиб турадилар.

Ўрдак ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинса, анъаналарни бузиш, очкўзлик,

олиб-сотарлик, орқаворотдан иш юритиш, бажариб бўлмайдиган мажбуриятлар қабул қилиш ҳоллари кузатилади Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Ўрдак таъсирининг ошиши уларнинг очкўзликларида, моддийликка боғланиб қолганликларида, эътиқодсизликларида, яқинларидан нафратланишларида кўзга ташланиб туради.

**Силовсин/Булбул йили** (1929, 1961, 1993, 2025). Йил ҳомийси – Хавм.

Силовсин – маърифат, ақл равшанлиги, туб ўзгаришлар, қувноқлик, қутилмаганлик рамзи. Ушбу йил синовлар, равшанланиш, яшириниб ётган воқеаларнинг қутилганда амалга ошиши, сируасрорнинг очилиши йили ҳисобланади. Силовсин/Булбул йилида туғилганлар юмшоқ табиатлиликлари, ташқаридан қараганда хира ва осойиштадек кўринишлари, диққатларини бирдан бир жойга тўплаб телбаларча фаоллик намоёиш этишлари, ҳаётни қувноқ мазмунда кўришлари, қўли очикликлари, тинчик севарликлари билан ажралиб туришади.

Сичқон ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган айшу-ишрат, кайфу-сафо, издан чиқиш, ҳалокат каби ҳодисалар содир бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Сичқон таъсирининг ошиши уларнинг ичкилик-бозликларида, нопокликларида, сурбетликларида, тўполончиликларида, суллоҳликларида намоён бўлиб туради.

• • • 7 • • •

**Эшак йили** (1930, 1962, 1994, 2026). Йил ҳомийси – Сипандармат.

Эшак – тўкин-сочинлик, тинчлик, сабру-қаноат, сусткаш монелик, ҳақиқий йўлни излаш рамзи. Ушбу йил урушларга барҳам бериш, барқарорлик, боши берк кўчалардан чиқиб кетиш, ҳалол меҳнат учун мукофотлар бериш каби ҳодисалар билан боғлиқ йил ҳисобланади. Эшак йилида туғилганлар тинчликсеварликлари, яхши хулқ эгаси эканликлари, виждонлиликлари, бардошлиликлари, тажовузкор эмасликлари, четга чиқиб кетишлик ва кескин бурилишлардан ўзларини олиб қочиб юришлари билан ажралиб турадилар.

Эшак-хачир ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган бошқарувга бўйсинмайдиган туғма хислатларнинг, васвасанинг, тартибсизликлар ва бебош-

ликларнинг юзага чиқиши кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Эшак-хачир таъсирининг ошиши уларнинг қўрқоликларида, шахватпарастликларида, фикрларининг тарқоқлигида, ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмасликларида, руҳан носғликларида кўзга ташланиб туради.

**Панда (Оқ айиқ) йили** (1931, 1963, 1995, 2027). Йил ҳомийси – Арштод (Ашах).

Панда – орий қавмларнинг ер юзидаги ваколоти, шифокорлик, афсунгарлик, кутилмаган тўнтарилишлар, башоратлар учун берклик, сахийлик, тебса-тебранмаслик, тезкор ва кескин ҳаракатлар рамзи. Ушбу йил оғир синовлар, режаларнинг кескин ўзгариши, одамлар иродасининг текширувдан ўтказилиши, алданувларнинг барҳам топиши, кейинроққа бориб ютқизиладиган катта воқеаларни бошлаб юбориш каби ҳодисалар билан боғлиқ. Панда йилида туғилганлар довюраклиликлари, тарғиботчиликлари, жувонмардлиликлари, ҳаётни севишлари, очик табиатлиликлари, юксак даражада ишчанлиликлари, эркпарварлиликлари, бошқаларни орқаларидан эргаштира олишлари, қалбларининг кенглиги, ўйинда таваккалчиликлари, кутилмаган ҳатту-ҳаракатлар қилиб юришлари билан ажралиб турадилар.

Айиқ ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинилса, ҳалокатга олиб борадиган хатоликка йўл қўйиш, шу чоққача асос бўлиб хизмат қилиб келган таълимотларни бузиш, қаҳру-ғазабнинг сабабсиз равишда ловуллаб кетиши каби ҳодисалар содир бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Айиқ таъсирининг ошиши уларнинг ваҳшийлиликларида, найрангбозлиликларида, катта бузғунчилик кучига эга эканлиликларида, танбаллиликларида, миждовлиликларида, майдагапликларида, жонворкушликларида, бемаъни ғазабноклиликларида, кўнгилчанлик ниқоби остида юришларида ва жаҳллариининг бирдан қаттиқ чиқиб кетишида кўзга ташланиб туради.

**Бургут йили** (1932, 1964, 1996, 2028). Йил ҳомийси – Амурдод.

Бургут – шоҳлик, ҳокимлик, давлат рамзи. Ушбу йил мажму яратиш, мамлакатларга асос солиш ва уларни мустаҳкамлаш, давлатларни бирлаштириш, улкан лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш, тўғри йўлдан юрмаган давлатларнинг тушкунликка учраши каби ҳодислар билан боғлиқ йил ҳисобланади. Бургут йилида туғилганлар назокатлиликлари, мағрурлиликлари, раҳбарлик қобилиятлари, алоҳидаликлари, олий мақсадларга эга эканликлари

ри, ўз кадру-қимматларини юксак даражада ҳис қилишлари, жамоатчилик орасида ўзларини тута билишлари билан ажралиб турдилар.

Пашша ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига дуч келинса, юқумли касалликлар тарқалади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Пашша таъсирининг ошиши уларнинг заракунадаликларида, ўзларини тутиб туролмасликларида, нопокликларида, суллоҳликларида, еб-тўймасликларида намоён бўлиб туради.

**Тулки йили** (1933, 1965, 1997, 2029). Йил ҳомийси – Гирдбод.

Тулки – айёрлик, қуръа, уйғун ўзгаришлар, мувозанатни тиклаш рамзи. Ушбу йил кўплаб масалаларни ҳал этувчи тасодифлар, маънавий анъаналарни қайтариш, ақлнинг тўпори кучлар устидан ғалаба қилиши каби ҳодислар билан боғлиқ йил ҳисобланади. Тулки йилида туғилганлар ўзларининг абжирликлари, нозик фикрлиликлари, пичинг ва ҳажв эгаси эканликлари, кучни айёрлик билан енга олишлари, нозик ҳис-туйғуга эгаликлари, узокни ўйлаб ҳаракат қилишлари, эҳтиёткорликлари, ўзгарувчан тақдир эгаси эканликлари билан ажралиб турдилар.

Сувсар ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсири ошган ҳолларда орқаваротдан уюштириладиган фитнабозлик, маккорлик ва алданишга рўпара келинади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Сувсар таъсирининг ошиши уларнинг разилликларида, баднафсликларида, суллоҳликларида, кўрқоқликларида, тўпориликларида кўзга ташланиб туради.

**Дўлфин йили** (1934, 1966, 1998, 2030). Йил ҳомийси – Воҳуман.

Дўлфин – сирлардан бохабар бўлиш, ёрдам, қутқариш, саёҳатлар, эзгу фикрлар, йўлбошчилик рамзи. Ушбу йил оқилликнинг тантана қилиши, тинчликни барқарорлаштириш, юксак кадрларга мурожаат қилиш, қутқарилиш билан боғлиқ йил ҳисобланади. Дўлфин йилида туғилганлар тинчлик сари интилишлари, ёрдамга хоҳишмандликлари, инсонпарварликлари, руҳиятни моддийликдан устун қўйишлари, алоҳидаликлари, қизиқувчанликлари, камтарликлари, юксак ғояларга содиқликлари, сезгирликлари билан ажралиб турдилар.

Олтинбалиқ (Карас балиғи) ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсири ошган ҳолларда қонли кўзғолонлар, жанжаллар, бидъат, табиий офатлар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Олтинбалиқ таъсирининг ошиши

уларнинг аламзадаликларида, жанжалкашликларида, катта кўламда бузгунчиликларида, қасоскорликларида, бемаъни поймолчиликларида кўзга ташланиб туради.

**Тўнғиз йили** (1935, 1967, 1999, 2031). Йил ҳомийси – Баҳром.

Тўнғиз – ғалаба, қудратга эгалик, зўр ғайрат билан курашиш, жуда катта кучларни уйғотиш, фаоллик рамзи. Ушбу йил зиддиятларнинг кескинлашуви, буюк кучларни қўшиб олиш билан боғлиқ йил ҳисобланади. Тўнғиз йилида туғилганлар шахдамликлари, жасурликлари, чўрт кесарликлари, ҳалолликлари, ўзларини танитиш ва биринчилардан бўлишга фаол интилишлари, нафақат ўз кучларига, балки ҳақиқий ҳокимиятга ишонишлари билан ажралиб турадилар.

Чўчка ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, кўпинча бошлаганларнинг талофоти билан тугайдиган урушларга рўпара келинади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Чўчка таъсирининг ошиши уларнинг кўполликларида, эътиқодсизликларида, аламзадаликларида, уддабуронликларида, кучлилар қаршисида ўралашиб юришларида кўзга ташланиб туради.

**Бойқуш йили** (1936, 1968, 2000, 2032). Йил ҳомийси – Моҳон.

Бойқуш – сиру-синоат, барча нарсаларнинг яширин моҳияти, яширин ёвуз кучларни йўқотиб ташлаш, зулматдаги кучларга қарши кураш рамзи. Ушбу йил ватанпарварликнинг, юксак ҳис туйғуларнинг аланга олиши, ёрқин мақсадларни кўзлаб одамларнинг ўзаро бирлашиши, зулматдаги кучларнинг фош этилиши йили ҳисобланади. Бойқуш йилида туғилганлар дамдузликлари, кўришнишларининг ёрқин эмаслиги, тунлик турмуш тарзига эгаликлари, шовқинсиз иш қилишлари, хурофотга мойилликлари, табиатпарварликлари, юксак қадриятларни астойдил ҳимоя қилишлари, сирли тақдир эгаси эканликлари билан ажралиб турадилар.

Укки ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсири ошганда, қонундаги ҳокимиятга қарши яширин ҳаракат, ёвуз йўналишдаги яширин жамоаларни тузиш ва ривожлантириш каби ҳодисалар кузатилади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Укки таъсирининг ошиши уларнинг текинхўрликларида, қонхўрликларида, сирли ва яширин пасткашликларида кўзга ташланиб туради.

**Лочин йили** (1937, 1969, 2001, 2033). Йил ҳомийси – Хуршед.

Лочин – ижодда гуллаб-яшнаш, бошқача мазмун касб этиш, садоқат, жасорат ва даражама-даражалик рамзи. Ушбу йил кескин

бурилишлар, ислохотлар, дарз кетишлар, адолат учун курашиш, номаълумликка йўл очиш каби ҳодисалар билан боғлиқ йил ҳисобланади. Лочин йилида туғилганлар довюрракликлари, содиқликлари, тўнтаришлар қилишга мойилликлари, хонадонга боғланиб қолганликлари, бекорчилик ва ғайратли фаолият даврларини тез-тез алмаштириб туришлари, қизикқонликлари, ҳамиша ўтмишга мурожаат қилиб юришлари, ёрқинликлари билан ажралиб турадилар.

Чумчуқ ушбу йилнинг аксил рамзи ҳисобланади. Йил ичида унинг таъсирига берилинган, урушларнинг бошланиши, шиддатли равишда одам ўлдиришлар, ўтмишдан юз ўгиришга ўхшаш ҳодисалар содир бўлади. Ушбу йилда туғилганлар руҳиятида Чумчуқ таъсирининг ошиши уларнинг хароб ҳолга тушиб қолганликларида, пала-партишликларида ва кўрқоқликларида кўзга ташланиб туради.

...

Ушбу очеркни ёзишнинг бутун жараёнида сўнгги 4 – 5 йил мобайнида магистрантларга ўқитаётганим «Касбий психология ва психодиагностика» фани таркибидан ўрин олган «Темперамент турларининг таҳлили ва уларни психокоррекция қилиш йўллари» деб аталувчи мавзуга, тўғрироғи ана шундай ном билан аталувчи методикага оид илмий материалларни кўз олдимдан сира кеткиза олмадим. Ушбу методика XX асрнинг Кеттел, Айзенк, Леонгард ва Личико каби таниқли психологлари ишлаб чиққан методикаларнинг ўзига хос муштарак қоришиғи ҳисобланади. Мазкур методика бўйича дастлаб бизни қизиқтираётган шахснинг одамларда учраши мумкин бўлган 32 темперамент туридан уларнинг айнан қайси бирига мансублиги аниқлаб олинади. Сўнг аниқланган ана шу темперамент турига мансуб шахснинг айнан қандай ижобий ва салбий психологик хусусиятларга эгаллиги билан танишилади. Темперамент тури тавсифи келтирилган жойда шахснинг ўз ижобий хусусиятларини барқарорлаштириш ва салбий хусусиятларидан қандай қилиб қутилтириш бўйича маслаҳатлар берилади.

Масалан, одамларга хос темпераментнинг 32 та туридан 7-сига мансуб шахс тавсифини олиб кўрайлик.

**Темпераментнинг 7-турига мансуб шахс.** Жуда камтар, фаол, доимо бирор нарса билан банд, адолатли, садоқатли дўст бўла олади. Жудаям яхши ва қобилиятли ёрдамчи бўлиши мумкин. Бирок у укувсиз ташкилотчи, жуда уятчан. Панада бўлишни афзал



билади. Одатда турли гуруҳларга қўшилмайди. Бир киши билангина дўстлашади. Ўзаро муносабатларга катта эътибор беради. Айрим дамларда зерикарли суҳбатдош. У кўпроқ кўрсатмалар билан ишлашга мойил, яъни туғма итоаткорлик хусусиятига эга.

**Коррекция йўллари.** Унинг фаолиятига эркинлик бериш, рағбатлантириб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу ундаги ташаббускорликни ривожлантиради. 7-рақамли темперамент эгасига хос сиқикликка, журъатсизликка барҳам беришга, уни мустақил ҳаракат қилишга уриниб кўриш лозим. Бировнинг обрўси, кучи қобилиятига қараб, унга кўр-кўрона ишонишдан мазкур темперамент эгасини қайтариш керак.

Зардушт толенамосидаги 32 буржнинг у ёки бунисига мансуб шахс 30 ёки 31 кунлик ойнанинг аниқ бир кунида туғилган бўлади. Ва шунга кўра ҳам битта буржга мансуб одамларнинг ҳаммаси толенамода кўрсатилганидек бир хилда бўлавермайди. Кунлар келиб бу ҳақда ҳам кимдир бирон нарса ёзса керак.

## ФИРУЗА

Маълумки, «Авесто» нинг «Яшт» наскини ташкил қилувчи йигирма иккита алқовнинг бешинчиси – «Ардви Сура алқови» таркибидан қуйидагидек сатрлар ўрин олган:

<i>Унга қилди худойи</i>	<i>Токи Ахтйани енгай,</i>
<i>Фриён ўгли тур Йўйшта</i>	<i>Бадбин айёрни енгай.</i>
<i>Ранхаруднинг тезоқар</i>	<i>Тўқсон тўққиз топишмоқ</i>
<i>Қисми аро оролда</i>	<i>Ҳар бирин қанча чатоқ –</i>
<i>Юз тойчоғу минг сизир.</i>	<i>Айтса мен уни топай</i>
<i>Ва беҳисоб совлиқлар</i>	<i>Ёмон ниятла айтса,</i>
<i>Ва Ардвидан тилади:</i>	<i>Мақсади шум Ахтйанинг</i>
<i>«Омад бер, Ардви Сура,</i>	<i>(Топишмоқларин ечай)»<sup>1</sup>.</i>

Бизнинг давримиздан, яъни XX аср XXI аср билан алмашаётган даврдан бир ярим – икки минг йил аввал яшаган одам томондан ушбу сатрларда акс эттирилган воқеа жуда осон тушунаврилган бўлса керак. Чунки у Фриён ким, Йўйшта ким, Ахтйа ким – ҳаммаси тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлган. У Ранхаруд (Ранха дарёси) нинг ва унинг ўзанидаги оролнинг айнан қаерда жойлашганлигини ҳам, Ахтйанинг тўқсон тўққизта саволидан ҳар бирининг қандай мазмунга эга бўлганини ҳам, ва нафақат, ҳатто улардан ҳар бирининг тўғри жавоби нима эканлигини ҳам жуда яхши билган бўлиши керак...

Мазкур қисса мазмунини баён этиб бориш асносида биз ана шу маълумотлар билан яқиндан танишиб борамиз.

Фриён Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида Турон шоҳи Афросиёбнинг вазири, Вис уруғига мансуб Пирон тимсолида мадҳ қилинган. «Шоҳнома» нинг катта қисмини ўзбек тилига ўгирган таниқли олим Ш. Шомуҳамедов асарнинг биринчи китобига илова қилган ўз изоҳларида Пирон тўғрисида қуйидаги маълумотларни қайд этган: «Пирон – Турон баҳодирлари бошлиғи ва кўпларининг аждоди. Қаҳрамонлик ва шон-шуҳратда биринчилардан. У Туроннинг авлоди, Афросиёбнинг амакиси. Фирдавсий уни жуда олийжаноб ва доно деб таърифлайди, унинг ўзи, ўғиллари «Шоҳнома» воқеаларида муҳим ўрин тутадилар».

---

<sup>1</sup> Парча ушбу манбадан келтирилмоқда: Авесто: Яшт китоби. /М. Исоқов таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001.

Фриён Зардушт томонидан алоҳида хурмат билан тилга олиниб юрилган зотлардандир. У ўз «Гохлар» ида эътиқодга ихлослари ва содиқликлари учун Фриённинг набиралари ва аждодларини ўз паноҳига олганини, «Чинвод кўприги» олдида уларни шахсан ўзи кутиб олаяжагини ва Ахура-Мазда қароргоҳи – беҳиштга уларни айнан ўзи кузатиб бораяжагини айтади.

Мазкур қисса<sup>2</sup> қаҳрамони Йўйшта худди шу Фриённинг ўғлидир. Йўйшта Фриённинг ўлмас ва тақводор қалби «Авесто» нинг «Фарфардин-Яшт» ида мадҳ этилган. Баъзи ривоятларда Йўйшт худонинг назари тушган юрт – Хванирахнинг еттита ўлмас муъбади қаторида санаб ўтилади. Ўрта асрлар Шарқ адабиётида унинг номи Явишт шаклида қайд этилган.

Шафқатсиз жодугар Ахтйа<sup>3</sup> (маъноси – Илат, Дард) маккорлик билан Йўйштанинг опаси Хуфруҳга уйланиб олган, яъни унинг поччаси. Ахтйа эзгу билимларнинг аёвсиз душмани. Қаердаки зукко одамлар кўпайиб қолса, Ахтйа ўзининг кўп сонли лашкари кучи билан ўша жой аҳолисини ўлдирган, ўз ихтиёридаги баҳайбат филларни кўйиб юбориб, экинзорларни пайхон қилгизган.

Кунлар келиб, аҳолиси ҳамма масалада ўта зукко бўлгани учун Ахтйа Йўйшталар юрти – Хванирахни бузиб ташлашга қарор қилади. Ахтйанинг тутуми шундай эдики, у одамлари зукко ҳар бир юртнинг ўн бешга тўлиб улгурмаган ўсмирларини ўз хузурига тўплаткизарди ва уларнинг ҳар бирига бирма-бир ўттиз учта савол берарди. Саволларга жавоб бера олмаган ўсмирни Ахтйа ўша заҳотиёқ бўғизлаб ўлдирарди.

Ахтйанинг саволларига ҳали ҳеч ким тўлиқ ва тўғри жавоб бера олмаган эди.

---

<sup>2</sup> Йўйшта Фрион ҳақидаги қисса ҳар хил вариантларда Эрон қўлёзмаларида XI аср ўрталаридан кўзга ташлана бошлайди. Бунга қадар бу қисса ўтган қатор асрлар мобайнида Ўрта Шарқнинг кўплаб халқлари орасида оғзаки шаклда авлоддан авлодга ўтиб келган. Қисса мазмунининг ҳозирги замон кишилари эътиборига етказилишида XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда ижод қилган инглизларнинг бир қатор олимлари, Ўрта Осиёда ижод қилган рус олими В.В. Радлов, ўз ватанларида ижод қилган бир қатор немис олимлари ва XX асрнинг ўрталарида ижодий фаолият юритган эронлик олим Муҳаммад Моиннинг хизматлари алоҳидадир. Ушбу ҳикояни тайёрлашда биз Россия Фанлар Академиясининг Шарқшунослик Институти олими А.А. Амбарцумян томонидан 1995 йилда қиссанинг ўрта форс тили (пахлавий) даги вариантлари асосида рус тилига қилинган таржимасидан фойдаланмоқдамиз. Қиссанинг рус тилидаги ушбу матни Интернет орқали 2000 йилнинг 1 мартида нашрга чиқарилган.

<sup>3</sup> «Авесто» қисмларининг шоир А. Маҳкам томонидан ўзбек тилига қилинган таржималарида Фриён исми «Фрёна» шаклида, Йўйшта исми «Юовошта», «Йоҳишта» шаклида, Ахтйа исми «Артна» (ёмонлик тарқатувчи ёвуз руҳлар) шаклида қайд этилган.

Навбат Хванирах юртига келганда Ахтйа ушбу уруғ виспати-си – бошлиғига хат йўллаб, ўн бешга тўлмаган жами ўсмирни тўплаб, зудлик билан унинг хузурига жўнатишларини талаб қилади.

Ўша пайтларда хали ўн беш ёшга тўлиб улгурмаган Йўйшта бирга ўсиб-унган ўз тенгқурларини бешак ўлимдан сақлаб қолиш мақсадида улар ўрнига Ахтйа хузурига биргина ўзининг бормоқчилигини эълон қилади.

Ёвуз поччасини аввалдан ёмон кўриб келиб юрган Йўйшта ушбу қисса бошида келтирилган парчадагидек Ардви-Сура шарафига катта қурбонлик уюштиради ва ундан бу мусохабада ғолибликни қўлга киритиб беришликни ўтиниб сўрайди...

• • • 1 • • •

Келишилган маҳалда Йўйшта Ахтйа қароргоҳига келди, лекин ичкарига кирмади. Унинг кўнгли бир нарсани сезганди: жодугарнинг тўшаги (бистари) остида ўлган одамларнинг суяклари қалашиб ётгандек эди. Йўйшта Ахтйа қароргоҳига хат киритиб юборди. Унда шундай деб ёзилган эди: «Кўрпачангнинг остида ўлганларнинг суяклари қалашиб ётибди. Сенинг қароргоҳингга мен билан бирга Омаша-Спанта – Ҳамишалик Спандлар ҳам киришади. Ўликларнинг суяклари беҳурмат қилинган жойда улар мени ўз ҳимояларидан маҳрум қиладилар. Мен эсам сен берадиган саволларга жавоб бера олмай қоламан».

Ахтйа аъёнларига ўзи ўтирган кўрпачани йиғиштириб ташлаб ўрнига янги кўрпача тўшашларини буюрди ва Йўйштага энди қароргоҳга киравериши мумкинлиги хабарини жўнатди. Йўйшта киргач, Ахтйа унга рўпарасидаги бошқа бир кўрпачани кўрсатиб: «Кел, ана шу кўрпачага ўтир, ёстикқа суян ва мен берган саволларга тўғри-тўғри жавоблар беришга урунгин», – деди.

Йўйшта деди: «Эй, зулмкор ва гуноҳкор зўравон. Мен бу ёстикқа (болуштга) суянмайман. Унинг ичида ўлганларнинг суяклари бор. Ҳозир менинг вужудимдан Ахуранинг Ҳамишалик Спандлари кўним топишган. Агарда мен бу ёстикқа суянсам, улар мени ўз ҳомийликларидан маҳрум этадилар. Сен берадиган саволларга жавоб беришга менинг қурбим заифлик қилиб қолади».

Ахтйа бу ёстикни йўқотиб ташлаб, янгисини олиб келишни буюрди. Йўйшта кўрпачага ўтирди ва ёстикқа суянди.

Шу тарзда ўша кунга қадар ниҳояси фақат жавоб берувчи-

нинг ўлими билан якун топиб келган савол-жавоб (луғз) бошла-  
ниб кетди.

• • • 2 • • •

**Ахтйанинг Биринчи саволи.** Қайси бир фирдафс афзал – ер-  
дагисими ёки осмондагиси?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чикмагур, ўл-  
ганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон!  
– албатта, ердаги фирдавс<sup>4</sup> осмондаги фирдафсдан афзал. Бунинг  
далили шуки, кими-ки ерда кечириб ўтказадиган умри мобайнида  
эзгу амаллар бажармас экан, осмонда кечиб ўтадиган умри даво-  
мида адолат фаришталари (Меҳр, Озар, Рашну ва Суруш) унинг  
ҳолидан хабар олмайдилар. Яна бир далил шуки, агарда сен ер-  
даги ҳаётингда бирон бир ёвузлик қилиб қўйган бўлсанг ҳам ке-  
йинги фирдафсга муносибмас деб топиласан.

Ахтйа Йўйштадан бундай жавобни кутмаган эди, лол бўлиб  
қолди ва шундай деди:

– Мен, жодугар Ахтйа, сен, Йўйшта Фриёндан қаттиқ ғазаб-  
даман. Илло, худди энг мард одам бошқа бир мард одам устидан,  
энг абжир от бошқа бир абжир от устидан, энг бақувват буқа бош-  
қа бир бақувват буқа устидан ғалаба қозонгани янглиғ сен менинг  
устимдан ғалаба қозонмоқдасан. Сен осмоннинг ер ҳукмдори эка-  
нини эслатмоқдасан. Зеро, мен бу саволим билан қанчалар вақт  
худоларга топинган, хома ичавериб териларининг ранги сап-сар-  
ғайиб кетган 900 нафар муғни ўлдирган эдим. Яна мен зардуш-  
тийлик эътиқодини яхши мадҳ этгани учун муъбадларнинг олтин  
ва марвариддан ясалган тожлари билан тақдирланишга сазовор  
бўлган тўққиз нафар Спитама қизини ҳам ўлдирганман. Мен бу  
саволни берганимда, уларнинг ҳаммаси: «Осмондаги фирдафс аф-  
залдир», – деб жавоб беришган эди. Мен уларга: «Агарки, сиз  
учун ана шундай фирдафс афзал экан, у ҳолда яхшиси – сизлар-  
нинг ўша яхши фирдафсда юрганларингиз маъқул», – деганман ва  
ўша заҳотиёқ уларни бўғизлаб ўлдирганман.

**Ахтйанинг Иккинчи саволи.** Хурмузд яратган жонворлар-  
дан қайси бирининг бўйи ўтирганида турганиданиган баландроқ?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чикмагур, ўл-  
ганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон!  
Бу итдир.

---

<sup>4</sup> Ф и р д а в с – жаннат, беҳишт.

**Ахтйанинг Учинчи саволи.** Хурмузд яратган жонворлардан қайси бири одимламасдан юради?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Бу беданадир, у одимламасдан юради.

**Ахтйанинг Тўртинчи саволи.** Хурмузд яратган жонворлардан қайси бирининг тишлари шохдан ва шохи гўштдан?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Бу одамлар тақво фариштаси Сурушнинг қуши деб улуғлашувчи хўроздир. У ўзининг жарангдор қичқириғи билан Хурмузд яратган жонзодлардан ҳаёт душманлари бўлмиш девларни ҳайдайди.

**Ахтйанинг Бешинчи саволи.** Қайси бири яхшироқ: барсамчин (қичкина пичоқ) ми ёки оз миқдордаги овқатми?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Оз миқдордаги овқатдан барсамчин яхши, зеро барсамчин воситасида барсманни<sup>5</sup> кесиш ва дасталаш мумкин. Оз миқдордаги овқат эса ошқозонгача етиб бормади, етиб борган тақдирда ҳам ел чақиришга ярайди холос.

**Ахтйанинг Олтинчи саволи.** Ким комилу, ким яримга комил ва ким ҳеч қачон комил бўла олмайди?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Забардаст ва тирикчилигини мурувватлар кўрсатиб ўтказаетган инсон – комил инсондир; тириклар дунёсини у ҳақиқатга яқиндан ошно буюк бир қалб соҳиби ҳолида тарк этади. Камбағал – ярим комил инсондир; унинг ҳаёти оғир кечади, лекин у ҳам тириклар дунёсини ҳақиқатга ошно қалб соҳиби ҳолида тарк этади. Тиламчи – ҳеч қачон комил инсон бўла олмайди; унинг ҳаёти жуда оғир кечади ва тириклар дунёсини гуноҳга тўла қалб соҳиби ҳолида тарк этади.

**Ахтйанинг Еттинчи саволи.** У нимадирки, кишилар яширишни хоҳлайдилар, лекин уни яшириш мумкинмас?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Бу – одамнинг ёши, чунки одамнинг ёши ўзини ўзи ифода этиб

---

<sup>5</sup> Б а р с м а н – зардуштийликнинг бизникига яқин бўлган даври маросимлари ҳақидаги маълумотлар бўйича анор дарахтининг маълум йўғонлик ва узунликдаги ва маълум миқдордаги новдаларидан тайёрланадиган даста.

туради, уни яшириб бўлмайди.

**Ахтйанинг Саккизинчи саволи.** Ажалдан бошинг чиқмагур у қандай одамки, ўлим унга ўйиндек туюлади: Усту(х)додга бир марта рўпара бўлган, бир марта ўлган. Лекин яна бир марта яшашни, Усту(х)дод<sup>6</sup> азобларини яна бир марта чекиб кўришни хоҳлайверади?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Бу маздапарастлар жамоасига қабул қилиниш маросимидан ўтмаган ва хома ичмаган одамдир. У уйланиш ёшига эришиб, лекин уйланмаган одамдир. У Зиндах-ру(х)вон тантана маросимини<sup>7</sup> бажо келтирмаган, Худога хайрли нарзлар<sup>8</sup> ва сажда қилмаган одамдир. Мабодо у хайрли нарзлар қилса ҳам, эътиқоддошларига: «Мен нарз қиялман, аслида ҳеч нарса бераётганим йўк», – дейди. У ўлади, лекин яна бир марта яшашни, Усту(х)додни яна бир марта кўришни ва яна бир марта ўлишни хоҳлайверади. Ўлим унга ўйиндек нарса.

**Ахтйанинг Тўққизинчи саволи.** Фил, от, туя, эшак, сигир, қўй, аёл, ит ва мушук ўз наслини неча ойда дунёга келтиради?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Шундай қилиб, ўз наслини фил ўттиз олти ойда, от, туя ва эшак ўн икки ойда, аёл ва сигир тўққиз ой деганда дунёга келтиради. Қўй олти ойда, ит ва чўчка тўрт ойда, мушук қирқ кунда насл беради.

**Ахтйанинг Ўнинчи саволи.** Қандай одам ҳамманикидан кўра қувноқ ва беғаму-беташвиш ҳаёт кечиради?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўл-

---

<sup>6</sup> У с т у ( х ) д о д – суякни додладкизувчи дев. У ўлаётган одам ҳузурида пайдо бўлади ва ёвуз Бод (Шамол, Ел) билан бирга ўлганнинг жонини танасидан ажратади. Бола ўз онаси қорнида пайдо бўлгани заҳоти Усту(х)дод унинг бўйнига сиртмоқ ташлайди. Бу сиртмоқдан на эзгу ва на ёвуз амаллар бажариб қутулиб бўлмайди. Лекин бу сиртмоқ бутун умрини эзгу амаллар бажариб ўтказган одам бўйнида унинг ўлими арафасида ўзидан-ўзи ечилиб кетади. Ҳаётини фақат ёмонликлар қилиб ўтказган мархум бўйнини бу сиртмоқ тарк этмайди. Шу сиртмоқ арқонидан тортиб Усту(х)дод мархумни дўзахтга судраб кетади.

<sup>7</sup> З и н д а х - р у ( х ) в о н т а н т а н а м а р о с и м и – тирикларнинг рухларига қувват тилаш тантана маросими. Бу маросим одамлар жонини уларнинг тириклигида ҳам ва ўлганидан кейин ҳам зийраклик билан кўриқловчи фаришта Сурушга ҳамду сано айтиш тарзида ўтказилган.

<sup>8</sup> Н а р з – зардушгийликда нарз (хайр, садақа, қурбонлик) уч турда тарқатилган: муқаддас ичимлик – хома, нон ва гўшти таом (ҳозирги давр зардушгийларида сўнггиси ўрнида – мева-чева).

ганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Қўрқмас ва ва ҳамма нарсадан кўнгли тўқ одам ҳамманикидан кўра қувноқ ва беғаму-беташвиш ҳаёт кечиради.

**Ахтйанинг Ўн биринчи саволи.** Ер юзидаги ҳаётда айнан кимни Хурмузд ва Ҳамишалик Спанд ларга қиёслаш мумкин?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Ердаги ҳаётда заотар ва унинг атрофида жам бўлган муъбадлар Хурмузд ва Ҳамишалик Спанд ларга, заотар маскан этган ибодатхонани эса мунаввар беҳиштга қиёслаш мумкин. Заотар атрофида жамланган муъбадларни Парвез (Сурайё, Хулкар) юлдузлар туркумига ўхшатиш мумкин. Диёнат удумларига содиқ ва эътиқодда қатъий турувчи қолган барча одамлар тунда осмонни тўлдириб турган юлдузларга ўхшайди.

**Ахтйанинг Ўн иккинчи саволи.** Қандай таом жуда ёқимли ва тотли ҳисобланади?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Масаллиғи ҳалоллик билан топилган ва зўр иштиёқ билан тайёрланган таом энг ёқимли ва тотли таомдир. Шу ҳолида унга ҳиммат ҳам шимилган бўлади.

... 3 ...

**Ахтйанинг Ўн учинчидан Йигирма иккинчисигача берган саволлари.** Бир нимани, Икки нимани, Уч нимани, Тўрт нимани, Беш нимани, Олти нимани, Етти нимани, Саккиз нимани, Тўққиз нимани, Ўн нимани англатади?

**Йўйштанинг жавоблари.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Шундай қилиб:

**Бир** – бутун оламини нурга тўлдириб турган куёшни англатади.

**Икки** – нафас олиш билан нафас чиқаришни англатади.

**Уч** – эзгу ўй, эзгу гап, эзгу ишни англатади.

**Тўрт** – сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонотни англатади.

**Беш** – мурувватпарвар бешовлонни – кай Қубод, кай Ковус, кай Хусрав, кай Лухрасп ва кай Гуштаспларни англатади.



**Олти** – ҳар йили нишонланадиган гаҳанбар<sup>9</sup> кунларини англатади.

**Етти** – Хурмузд ва Ҳамишалик Спанд лар олтилиги бирлигини англатади.

**Саккиз** – осойишта дунё ва муштаракликни англатади. Бу ерда «ҳашт» («саккиз») сўзининг «аштх» («осойишта») сўзи билан оҳангдошлиги назарда тутилади.

**Тўққиз** – одам танасидаги тешиқлар сонини англатади: оғиз, бурун тешиқлари, кулоқ тешиқлари, кўзлар ва ҳоказо.

**Ўн** – одамнинг иккала қўлидаги бармоқлар сонини англатади.

• • • 4 • • •

**Ахтйанинг Йигирма учинчи саволи.** Энг совуқ нарса нима?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Шундай қилиб, бу сен менга айтқизмоқчи бўлаётган нарса эмас, балки мен айтмоқчи бўлган нарсадир. Сен: «Бу бола ҳозир саволимга ҳеч қачон қуёш нури тушмайдиган тоғларни қоплаб турувчи қор, деб жавоб беради», – деб ўйлаб турибсан. Лекин мен бундай деб ўйламайман, зеро энг совуқ нарса – бу ёвуз одамнинг ниётларидир. Буни шу нарса ҳам тасдиқлаши мумкинки, сен – Ахтйанинг ёвуз уканг бор. Унинг бағри (жигари) дан тинимсиз равишда сизиб чиқиб, ўт пуфагида тўпланиб, сўнг ичакларга ўтиб кетувчи сафро томчилари орасида катталиги мошдек келадиган дўлга айланиб қолганлари бор. Сафро томчисининг музлаб, дўлга айланиб қолиши ҳар гал тана эгасининг ёвуз бир ниётни олға сураётган пайтида содир бўлади. Бундай дўлни сен на қуёш ва на олов тафтлари таъсирида эрита олмайсан. Мен эсам, уларни кафтимга оламанда, муштумим ичида эритиб ташлайман.

---

<sup>9</sup> Г а ҳ а н б а р – Зардушт томонидан таъсис этилган байрам ўтказиш кунлари. Улар: 1) *баҳор ўртаси байрами* (мэйдозарм), осмон яратилган кунга ва Ҳамишалик Спанд Шахриворга бағишланган; 2) *ёз ўртаси байрами* (мидйхшам), сув яратилган кунга ва Ҳамишалик Спанд Хўрдодга бағишланган; 3) *ҳосилни йигиштириш байрами* (пайташхим), ўсимликлар яратилган кунга ва Ҳамишалик Спанд Амордодга бағишланган; 4) *чорванинг ёзги ўтлоқлардан уйга қайтиши байрами* (оёсхрим), чорва яратилган кунга ва Ҳамишалик Спанд Воҳуманга бағишланган; 5) *қиш ўртаси байрами* (мидйарам), ер яратилган кунга ва Ҳамишалик Спанд Испандармадга бағишланган; 6) *эътиқодда бўлган марҳумларнинг руҳларини шарафлаш байрами* (хамаспамадэм), инсон яратилган кунга ва Хурмуздга бағишланган. – (Байрамларнинг ва Ҳамишалик Спандларнинг номлари «парфияча» деб ҳам номланувчи паҳлавийча, яъни III – IX асрларда муомалада бўлган ўрта эроний тиллар ёзуви шаклларида келтирилмоқда – А.Ш.).

Ахтйа унинг ҳузурига укасини олиб келишларини ва ўлдириб, унинг ўт пуфагидаги музлаб қолган сафро томчиларини олиб беришларини буюрди. Ахтйа музга айланиб қолган сафро томчиларини на қуёш ва на олов тафтлари таъсирида эрита олмади. Йўйшта Ахтйанинг укаси ўт пуфагидан ажратиб олинган ва у ҳеч қандай йўл билан эрита олмаган сафронинг музлаб қолган томчиларини ўз кафтига олди-да, шу заҳотиёқ уларни муштуми ичида эритиб ташлади.

**Ахтйанинг Йигирма тўртинчи саволи.** Энг иссиқ нарса нима?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Шундай қилиб, энг иссиқ нарса, бу эзгу эътиқодлар эгаси кафтининг тафтидир. Бунинг тасдиғи шуки, сен уканг сафросининг тошга айланган томчиларни на қуёш ва на олов тафтлари таъсирида эрита олмадинг. Мен эсам уларни кафтим тафти таъсирида бир зумда эритиб ташладим.

**Ахтйанинг Йигирма бешинчи саволи.** Шимилиб йўқоладиган ҳилқатлар ичида энг яхшиси, ўчадиган ҳилқатлар ичида энг яхшиси ва ўладиган ҳилқатлар ичида энг яхшиси қайсиниси?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Шимиладиган ҳилқатлар ичида энг яхшиси – сув, ўчадиган ҳилқатлар ичида энг яхшиси – олов ва ўладиган ҳилқатлар ичида энг яхшиси – сенга ўхшаш зулмкор ва гуноҳкор зўравон. Зеро, мабодо сув шимилмай турса, олов ўчмай турса ва сенга ўхшаш зулмкор ҳамда гуноҳкор зўравонлар ўлиб турмаса, бутун дунё сувга, оловга ва сенга ўхшаш зулмкор ва гуноҳкор зўравонлар билан тўлиб-тошиб кетган бўларди ва бундай дунёда яшаш умуман мумкин бўлмай қоларди.

**Ахтйанинг Йигирма олтинчи саволи.** Тоғдан оғирроқ, пўлатдан ясалган пичокдан ўткирроқ, асалдан ширинроқ, қўй думбасидан ёғлироқ нарса нима? У қайси зотки, сахийлардан сахийроқ ва у қайси зотки, одиллардан одилроқ?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Тоғдан ҳам оғирроқ нарса, бу ёлғон сўз ва алдовдир; пўлатдан ясалган пичокдан ўткирроқ нарса, бу одамларнинг тилидир; ота она учун уларнинг бахтиёр фарзанди асалдан ширинроқдир; қўй думбасидан ёғлироқ нарса, бу Испандармадни ёнига олиб, Хур-

музд бунёд этган ердир. Ёмғирларнинг ёғдирувчиси язид Тиштр<sup>10</sup> сахийлардан сахийроқ зотдир; бошқаларнинг шуҳратини ўзлаштиришдан ва хушомаддан ҳазар қиладиган, шунингдек хўжайинларга ҳам ва хизматкорларга ҳам бирдек адолатли муносабатда бўладиган язид Рашну барча одиллардан одилроқдир.

• • • 5 • • •

**Ахтйанинг Йигирма еттинчи саволи.** Қандай оёқлар чиройли ва ёқимли ҳисобланади? Зеро, мен жуда кўп оёқларни кўрдим, лекин сенинг опанг ва менинг хотиним Хуфрухнинг оёқлари ҳамманикидан чиройли ва ёқимлироқдир.

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Ариқ сувларининг оёқлари энг чиройли ва ёқимли оёқлар ҳисобланади. Бунинг исбот шуки, қаерданки сув оқиб ўтса, ўша ерда гиёҳ униб чиқади, Хуфрух юриб, босиб ўтган жойдаги гиёҳ эса куриб қолади.

**Ахтйанинг Йигирма саккизинчи саволи.** Аёллардаги шодонлик нимадан?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Шундай қилиб, бу сен менга айткизмोकчи бўлаётган нарса эмас, балки мен айтмокчи бўлган нарсадир. Сен: «Бу бола ҳозир саволимга аёлдаги шодонлик – унинг уй бекаси сифатида тутган мавкеига яраша унга кийдирилган минг турфа кийим-бош ва тактирилган зебу-зийнатдан, деб жавоб беради», – деб ўйлаб турибсан. Аслида аёлнинг шодонлиги унинг ўз эри билан бирга яшаётганлигидандир.

– Сен алдашга ўтдинг, – деди Ахтйа Йўйштанинг сўзини бўлиб. – Мана шу топишмоқ устида мен сени ўлдираман. Ҳозир сенинг опанг ва менинг хотиним Хуфрух ҳузурига борамиз. У ҳеч қачон ёлғон гапирмаган ва ёлғон гапирмайди ҳам. У нима деса, ўшанга қараб иш тутамиз.

---

<sup>10</sup> Тиштр – “Авесто”нинг саккизинчи “Тиштр Яшт”и шу язидни шарафлашга бағишланган. Тиштр ёғингарчилик билан боғлиқ барча ходисаларни бошқарган. У қуроқчилик деви Апа-Оша билан тинимсиз муборизада юради. Тиштрнинг Апа-Оша устидан қозонган ҳар бир ғалабаси ёғингарчиликнинг кўпайишида ифода топади. Одамлар Тиштрни қанчалик кўп шарафласалар, унинг қуввати шунчага ошаверади ва ёғингарчилик кўпаяверади. Юлдузлар осмонида Тиштра ҳозир биз Сириус деб атайдиган юлдуз киёфасида намоён бўлиб туради.

Йўйшта Фриён рози бўлди ва Ахтйа ҳамда Йўйшта Хуфрух ҳузурига йўл олишди. Улар Хуфрух ҳузурига пайдо бўлишгач, унга шундай дейишди:

– Ўтириб олгин ва мана бу жумбокни ҳал қилиб бергин.

Жумбокни ўртага Йўйшта ташлади:

– Айтгинчи опа, аёлнинг шодонлиги нимадан: унинг уй бекаси сифатида тутган мавқеига яраша унга кийдирилган минг турфа кийим-бош ва тақтирилган зебу-зийнатданми ёки ўз эри билан бирга яшаётганлигиданми?

Хуфруф қаттиқ ўйга толди. «Ёмон аҳволга тушиб қолдим, – деган фикрни хаёлидан ўтказди Хуфрух. – Бу зулмкор ва гуноҳкор зўравон ҳар қандай ҳолда ҳам мени ўлдирмагунча қўймайди. Агарда мен алдасам, у укамни ўлдиради, мен гуноҳга ботаман. Шунинг учун, яхшиси мен тўғриси айтишаман. Зеро, агар мен ёлғон гапирсам, гуноҳкорга айланаман ва қонунларни, диёнатни ва удумларни бузиб ташлаши учун Ахтйага йўл очиб бераман. Агарда у тўғриси айтганим учун мени ўлдирса, мендаги тақво (худоғўйлик) миқдори янада ошади».

Хаёлидан ана шундай фикрларни ўтказгач, Хуфрух юзини оқ чойшаб билан беркитди<sup>11</sup> ва деди:

– Уй бекаси сифатида тутган мавқеига яраша унга кийдирилган минг турфа кийим-бош ва тақтирилган зебу-зийнатдан аёл, шубҳасиз, шод юради. Бироқ жуфти ҳалоли бўлмаса, унинг шодон юришига ҳеч қандай нарса асос бўла олмайди, у хуррамликдан йироқ ҳолда ҳамиша ғамгин алфозда ҳаёт кечиради. Агарда у ўзининг жуфти ҳалолига эга бўлса, шодонликда ҳеч ким ундан ўзиб кета олмайди.

Ахтйа бироз ўйланиб туриб, Хуфрух айтган гапларнинг маъзани чакди. Ғазаби ошиб, бир зумда Хуфрухни бўғизлаб ўлдирди.

Хуфрухнинг руҳи шу заҳотиёқ жаннатга йўл олди ва йўл-йўлакай баралла овоз билан хитоб қилди:

– Мен бахтиёрман! Мен ҳозирга қадар ҳам зоҳида эдим, энди ундан-да зиёдроқ зоҳидага айландим. Сен – Ахтйа ҳозирга қадар кўп гуноҳлар эгаси эдинг, энди ундан ҳам кўпроқ гуноҳлар эгасига айландинг.

---

<sup>11</sup> Юзни оқ чойшаб билан беркитиш – зардушгийликда ўлим тўшагида ётган киши юзининг ёпиб қўйилиши удуми. Жон узилгач, бу чойшабни очиб, мурданинг юзига қараш ҳеч кимга руҳсат этилмаган.

*Ахтйанинг Йигирма тўққизинчи саволи.* У недирки, дунёдаги тўқчилик ва тўкислик шундан: ўнта оёққа, учта бошга, олти-та кўзга, олти-та қулоққа, иккита думга, учта жинсий аъзога, иккита кўлга, учта бурунга, тўртта шохга ва учта белга эга?

*Йўйштанинг жавоби.* Умринг хору-зорликдан чикмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Шундай қилиб... зардуштийлик эътиқодига оид қайдларда зикр қилиниши бўйича пешоби қистаб турган одамнинг жумбоқ ечишлиги мақбул эмасдир.

– Яқинроқ жойга боргин. Ўтириб олиб, кейин пешоб қил, – деди Ахтйа. – Зудлик билан қайт ва жумбоқларимни тўғри топ. Мабодо алдасанг ёки: «Бу жумбоқнинг жавобини мен билмайман», – десанг, билиб қўй, ўша заҳотиёқ мен сени ўлдираман.

Йўйшта ўша атрофдаги пана бир жойга ўтди-да, чўкка тушиб нола қилди: «Ёмон аҳволга тушиб қолдим. Бу зулмкор ва гуноҳкор зўравон жонимни танамдан жуда қилмагунча ўзини мендан йироқлаштирмайди. Ахир у берган ҳозирги саволга на тирик, на ўлик ва на бир ўлиб, сўнг қайта тирилган бирор жонзот жавоб бера олмайди».

Унинг ноласи Ҳурмуздга етиб борди ва у жумбоқнинг жавобини топишда Йўйштага ёрдам беришни язид Нарйосанҳга топширди. Нарйосанҳ Йўйштанинг қулоғида мана бундай садо янграгизди: «Саволга шундай деб жавоб бер: бу – иккита ҳўкизни кўшиб, далага ишлов бераётган кўшчидир».

Йўйшта жавобдан қаноат ҳосил қилди, лекин яқин атрофда турган ҳеч кимга кўзи тушмаёгани учун, у шубҳалана бошлади: «Балки бу товуш мени ўлдириш ниятида юрган Аҳриман ёки девларнинг найрангидир. Балки улар Ахтйа билан тил бириктириб, атайлаб шундай қилишаётгандир. У ҳолда зулмкор ва гуноҳкор зўравон Ахтйа бу жавобни ўзинг топганинг йўқ, сенга менинг шерикларим ёрдам беришди, деб мени ўлдиришга асос топади».

Шунда Йўйшта ҳузурида нафақат овози, балки овози билан бирга Нарёсанҳнинг ўзи ҳам пайдо бўлди ва деди: «Кўркма, Йўйшта. Бу мен, Нарёсанҳман. Мени сенинг ҳузурингга Ҳурмузднинг ўзи жўнатди ва саволнинг тўғри жавобини ҳам унинг ўзи айтди».

Йўйшта қандай ҳодиса содир бўлаётганини англаб етди ва хурсанд бўлди. У шу заҳотиёқ Ахтйа ҳузурида пайдо бўлди ва деди: «Умринг хору-зорликдан чикмагур, ўлганингдан сўнг дўзахт-

га тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Бу – иккита хўкизни кўшиб, далага ишлов бераётган кўшчидир».

Бундай жавобни эшитиб, Ахтйа карахт бўлиб қолди ва шу холида уч кун ўзига келмади. Уч кун ўтгач, у ўзига келди ва Йўйштага шундай деди: «Йўйшта Фриён, сен худонинг назари тушган одамсан. Сен Хурмуздга нола қилдинг, у эса энг керак пайтда сенга ёрдам қўлини чўзди».

• • • 7 • • •

**Ахтйанинг Ўттизинчи саволи.** Қандай от энг яхши от ҳисобланади?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! У наслдор ва яхши ўргатилган ва подишоҳ отлари билан бирга сақланиши лозим бўлган айғирдир.

**Ахтйанинг Ўттиз биринчи саволи.** У нима эканки, қуп-қурук бўла туриб ёнмайди ва у нима эканки, хўл бўла туриб ҳам ёна-веради?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Биринчиси – турпок, у қуп-қурук, лекин ёқсанг, ёнмайди. Иккинчиси – ёғ, у хўл насра, лекин ёнади.

**Ахтйанинг Ўттиз иккинчи саволи.** Қандай ҳукмдор энг яхши ҳукмдор ҳисобланади?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Меҳрибон, ақлли, билимдон ва одамлардан ёрдамани аямайдиган ҳукмдор энг яхши ҳукмдордир.

**Ахтйанинг Ўттиз учинчи саволи.** Йўйшта Фриён, сенинг қанча бойлигинг бор?

**Йўйштанинг жавоби.** Умринг хору-зорликдан чиқмагур, ўлганингдан сўнг дўзахтга тушгур, эй зулмкор ва гуноҳкор зўравон! Менда учта бойлик бор: биринчиси – мен ейман, иккинчиси – мен кияман, учинчиси – художўй камбағалларга ва муносибларга бераман.

• • •

Бир зум тин олгач, Йўйшта Фриён Ахтйага юзланди ва деди:  
– Сен менга ўттиз учта савол бердинг ва мен уларнинг ҳамма-

сига тўғри жавоб қайтардим. Энди мен сенга учта савол бераман ва агар сен уларга тўғри жавоб қайтара олмасанг, ўша захотиёқ мен сени бўғизлаб ўлдираман.

Жодугар Ахтйа:

– Саволларингни бер, мен уларга жавоб қайтараман, – деди.

• • •

**Йўйшта Фриённинг Биринчи саволи.** Бир сиқим уруғ сепилган ер учун бериладиган мукофот қанча?

**Йўйшта Фриённинг Иккинчи саволи.** Ерни шудгорлашда кўшга кўшилган хўкиз учун бериладиган мукофот қанча?

**Йўйшта Фриённинг Учинчи саволи.** Худхоҳликка<sup>12</sup> майл учун бериладиган мукофот қанча?

• • •

Жодугар Ахтйа бу саволларга нима деб жавоб беришни билмай қолди ва деди:

– Пешоби қистаб турган одамнинг, балки, жумбоқ ечишлиги мақбул эмасдир?

Гапнинг нимада эканлигини пайқаган Йўйшта мийиғида кулиб кўйди ва деди:

– Яқинроқ жойга боргин, ўтириб олиб, кейин пешоб қил. Зудлик билан қайт ва жумбоқларимни тўғри топ. Мабодо алдасанг ёки: «Бу жумбоқнинг жавобини мен билмайман», – десанг, билиб кўй, ўша захотиёқ мен сени ўлдираман.

Жодугар ўз сеҳрини ишлатиб, елдек тезликда дўзахтга кириб борди ва Аҳриманга кичқирди:

– Бир сиқим уруғ сепилган ер учун бериладиган мукофот қанча? Ерни шудгорлашда кўшга кўшилган хўкиз учун бериладиган мукофот қанча? Худхоҳликка майл учун бериладиган мукофот қанча?

Аҳриман ҳам бор овози билан унга ўшқирди:

– Мен сенинг бу саволларингга жавоб бера олмайман. Агарда жавоб берсам, деву-пари ва иблислар билан бирга мен яратган

---

<sup>12</sup> Х у д х о ҳ л и к – «Авесто» да: «хуаэтхуадата», паҳлавийда: «хуэдодох». Хозирги фан тилида «Инцест» деб юритилади. И н ц е с т – жуда яқин қондош (ота ва қиз, она ва ўғил, ака ва сингил) лар орасида қурилган никоҳ.

барча хилқат<sup>13</sup> мени батамом тарк этади. Мен сени ўзимнинг хилқатларимдан ортиқроқ сева олмайман. Агарда мен сен берган саволларга мос келадиган жавобларни айтсам, менинг хилқатларим ўз кучларини йўқотадилар ва менда Хурмузднинг кучларига қарши юборадиган бошқа ҳеч қандай куч қолмайди. Хурмузд менинг устимдан ғалаба қилади ва уни улуғлаб яшаб ўтганлар қайта тириладилар. Улар осмондан олиб тушилган ва ерда қайтадан бунёд этилган фирдавсда менинг ёвуз кучларим халақит бермайдиган бир тарзда яшай бошлайдилар. Сен ҳозирок Йўйштанинг ҳузурига қайт ва чистонбозликнинг қатъий шартига кўра унинг қаршисида бошингни ҳам қил. Вақти-соати келгандан кейин ҳеч нарса ни орқага қайтариб бўлмайди. Шунга кўра сенинг жойинг энди дўзахтда ва сенга бериладиган жазо ҳамманикидан оғирроқ бўлади. Чунки сенинг гуноҳларинг ҳамманикидан ортиқроқ.

Барча умидлари пучга чиққан жодугар Ахтйа хаёлидаги дўзахтдан югургилаб ер юзига чиқди ва ўзига келиб, Йўйшта Фриён ҳузурида пайдо бўлди ва деди:

– Сен ўта марҳаматлисан, Йўйшта Фриён. Чунки иккаламиз ўртамизда бўлиб ўтган бутун савол-жавоб мобайнида Хурмузд ва Ҳамишалик Спанд лар олтилиги сени ўз паноҳларида олиб ўтиришди. Улар сен мутлақо билмайдиган жавобларни ҳам сенга айтиб туришди. Мен Аҳриманга ва девларга ишонган эдим. Мен сен берган саволларни уларга бердим. Лекин улар бу саволларга жавоб беришдан бутунлай бош тортишди.

Шу жойда Йўйшта Фриён зардуштийлар китобидаги бир дуони ёдга олди ва унинг танасига жойлашиб олган Ахтяни барсом тайёрлашда ишлатиладиган барсамчин ёрдамида жонидан жудо қилди.

. . .

Йўйшта қалби оламининг Ахтйа банд этиб турган гўшаси ваҳимали зулмат ихтиёрида эди. Ахтйа Йўйшта томонидан ҳалок этилгач, ўша гўшани ҳам, ниҳоят, зиё эгаллай бошлади. Йўйшта ўз қалби оламининг авваллари жодугар Ахтйа зулмида бўлган гўшасига синчиклаб қараб, бу зиёнинг айнан қандай манбадан таралаётганини билмоқчи бўлди.

---

<sup>13</sup> Аҳриман яратган хилқатлар – зардуштийлик афсоналарига кўра, Хурмузд яратган Ҳамишалик Спандлар олтилигига қарши Аҳриман ўзининг Ёвуз Кучлари олтилигини яратаган: Ака-Маноҳ (Ёвуз Фикрат), Индра, Саурва, Нангхаисйа (Қоникмаслик), Таурви ва Заирик.



Гўшанинг қоқ ўртасида мовий бўлиб – мовиймас, яшил бўлиб – яшилмас, балки иккаласининг қоришиғини ифодаляётган ёрқин рангдаги бир юмалоқ жавохир муаллақ ҳолда турарди. Бу жавохир Йўйшта тикилгунга қадар қуйидагидек равишда ҳосил бўлганди. Ахтйанинг эти тезликда чириб, унинг суюқларини тарк этган эди. Суюқлар ҳам тезда нураб, бир ҳовуч урпоққа айланган эди. Урпоқ зарралари зичлашиб ҳалиги юмалоқ шаклдаги жавохирни ҳосил қилишган эди. Гўшадаги нурафшонлик шу жавохирдан таралаётган зиё туфайли эди.

Йўйшта Фриён бу жавохирга отаси исмига оҳангдош бўлган «пироя» деган ном берди. Кейинчалик бу сўз «ғалаба» маъносини англатадиган «фируза» шаклини олди. Бора-бора, у ёки бу ёвуз куч устидан зафар қозонганлар чап қўлларининг исмсиз бармоғига фируза жавохиридан тайёрланувчи кўз қадалган олтин узук тақиб юришни расм қилишди.

## МУЧАЛ

• • • 1 • • •

Мазкур ҳикоя ёзилаётган вақтдан 2400 йиллар аввал Амударёнинг қуйи оқими йўллари ҳозирдагисига нисбатан бутунлай бошқача бўлган. Хусусан, ҳозирги Ҳазорасп туманига яқин жойда Амударё шимол тарафга қараб оққан. Орол денгизига яқин жойда у иккига ажраб, тўғрига қараб оқаётган қисми Орол денгизига, бошқа бир қисми ўнг тарафга бурилиб, кўплаб ўзанларга бўлинган ҳолда Сирдарёга қуйилган.

Амударёнинг шимол томонга кескин бурилган яна бир қисми шимоли-ғарбга қараб оққан. Бу қисм ҳозирги Беруний шаҳрига яқин жойдан ғарб томонга оқиб, кўплаб ирмоқларга бўлинган ва яна йиғилган ҳолда Қизилсув (ҳозирги Красноводск) яқинида Каспий денгизига қуйилган.

Бир сўз билан айтганда, Орол денгизининг жануб, жануби-шарқ томонлари, айниқса, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқим қисмлари оралиғи балиқчилик, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бинокорликни ривожлантириш учун ниҳоятда қулай, серсув ва кўлларга бой ўлка бўлган. Бу ҳол мазкур ўлка аҳолиси ўртасида дин, фан ва санъатнинг юксак даражада ривожланган бўлишлигини тақозо этарди. Шунга кўра, ушбу ўлканинг дини, фани ва санъати ўта юқори савияда шакл топган.

Бу ўлка бир вақтнинг ўзида ҳам Хоразм ва ҳам Қанғли деб аталган ва у ҳикоя этилаётган замонларда шимолда Каспий денгизининг шимолий қирғоқларидан бошланиб, Орол денгизини ўз ичига олган, шимоли-шарқда Довон (Фарғона) билан, жануби-шарқда Бактрия билан чегарадош бўлган. Ушбу давлатнинг шимолий қисми Ахоманийлар империяси томонидан забт этилмаган. Юнон-македон империяси бу давлатга қарши уруш уюштирамаган.

«Хоразм» номи бу юртга дастлаб шу юртда яшовчи эрон тилларининг шарқий гуруҳига мансуб массагет (сакларнинг йирик уюшмаси) лаҳжаларида сўзлашувчи қабилалар томонидан «Хурзем» («Қуёш замини») шаклида киритилган. Бу ном қадимий юнон манбаларида Хоресмия кўринишида қайд этилган.

«Қанғли», тўғрироғи, «Кангли» («Кун эли») атамаси ушбу юртда қадимдан яшаб келувчи митан қабилалари томонидан кенг

қўлланилган. Митанлар – мил. ав. 2-минг йиллик бошларида Дажла ва Фрот дарёларининг қуйи оқимлари қисми (Месопотамиянинг шимоли) да барпо этилган кудратли Митанни давлатининг аҳолиси авлоди. Ўз навбатида, митанлар мил. ав. 4 – 3-минг йилликларда Олд Осиёда буюк Шумер давлатини барпо этган сумерларнинг авлодидирлар.

Шундай бир давр бўлганки (мил. ав. 2-минг йилликларнинг бошида), Ҳиндистонга шимолдан келиб қолган орийлар бу ерда маҳаллий ер аҳолиси – кўп сонли дравийларга дуч келганлар.

Тарихий далиллар дравийлар аجدодларининг ҳам дастлабки ватани Олд Осиё бўлганлигини тасдиқлайди. Сумерлар ўзларини «сар рир» («қора бош») деб номлашган. Кейинроқ яратилган манбаларда бу ном «сувир» шаклида учрайди. «Сибир» сўзи шу сўз асосида пайдо бўлган деб ҳисобланади. Демак, сумерлар қадимда ўз юртларини тарк этиб, нафақат Ҳиндистон томонларга, балки шимол ва шимоли-шарқ томонларга ҳам силжиб борганлар.



Айрим илмий манбаларда улар «суборей» («туб орий») лар деб ҳам аталишади.

Туркий тиллардаги жуда кўп сўзлар битиклари қадимда сопол тахталарда миххат билан қайд этилган ва ҳозирда ўлик ҳисобланувчи шумер (сумер) тили сўзларига жуда оҳангдош: «о(а)й», «д(т)оғ», «д(т)ош», «т(д)ангри» ва ҳ.к. «Кангли» номи «Авесто» да «Кангха», «Канки», Қадимий Хитой манбаларида «Кангюй», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида «Кангдиз» шаклларида учрайди. Тадқиқотчилар, нима учундир, бу сўзни «Каналлар ёки Ирмоқлар ўлкаси» маъносидан талқин этишади.

Бу юрт ҳар бирида минглаб одамлар яшайдиган юзлаб қўрғон-шаҳарлардан ташкил топган бўлиб, кўплаб диний, илмий ва маъмурий марказларга эга бўлган. Мазкур ҳикоя ана ўша юртда жойлашган, ўз даврининг йирик илмий-маърифий марказларидан бири ҳисобланган, тахминимизча ўз патида «Тиштрё ибодахонаси» деб, ҳозирги кунда эса «Кўй қирилган қалъа» харобалари деб юритилувчи масканнинг ўтмиши ҳақида, ўша масканни бунёд этган ва унда фаолият юргизган кишилар ҳақида, уларнинг айнан қандай ташвишлар билан банд бўлишгани ва айнан қандай ишлар билан машғул бўлишгани ҳақида.

Келгусида Хоразмдек буюк бир давлатнинг шоҳи даражасига кўтарилажак Фарасманнинг бахтиёр болалик ва ўсмирлик йиллари Зардуштнинг опаси Мехракнинг чевараси, Хоразмнинг бош муғбади (муғ падари) донишманд Аспабарак устозлигида ўтди.

Ҳамма нарсага қизиқувчан шаҳзода Фарасман билан донишманд Аспабарак ўртасидаги савол-жавоблар қуйидагидек мазмунда кечарди:

– Муқаддас «Авесто» китобини бобо-тоғангиз Магупта (Зардушт) ёзган, дейишади. Шу ростми?

– Рост, Фарасман, рост. Лекин бунга тўғри тушуниш керак. Муқаддас «Авесто» да зикр этилган гаплар Магуптадан олдин ҳам одамлар ўртасида оғиздан оғизга ўтиб юраверган. Магуптанинг пайғамбар даражасида бажарган хизмати шундаки, у ана ўша узук-юлуқ намуналарни ягона китобга жамлаган. Чала жойларини тўлдирган. Унинг мазмунини ўзи яратган кўплаб кўшиқлар билан бойитган. «Авесто» воситасида Ахурамаздани ягона худо деб билиш лозимлиги ғоясини илгари сурган.

– Ахурамазда номи илгарилари ҳам худди шу бугунлардагидек кўринишда талаффуз этилганми?

– Қадимги Шумерда (мил. ав. 4 – 3-минг йилликларда) Иштхор деган худога сиғинишган. Иштхор Куёшнинг онаси ҳисобланган. Қадимий Мисрда (мил. ав. 2-минг йилликда) Ишт худосига сиғинишган. «Ишт» («Шишт») сўзи мисрчада «тириклик» маъносини англатган. Бу ном юнон тилига «Ист» шаклида ўзлашган. Ундан ҳар хил тилларда «юлдуз» маъносини англатувчи «астра», «аштар», «ахтар», «ситора» каби сўзлар пайдо бўлган. Мисрликлардаги «Ишт» сўзи форс тилига «Изид» (мазда, яъни худо) шаклида ўзлашган. Сал ўтиб, мисрликлар Иштга Хор исмли ўғилни шерик қилганлар ва уни улуғлаб, унга ҳам топина бошлаганлар. Кейинроққа бориб (мил. ав. 1-минг йилликда), бу ном уларда Гор шаклига кирган («гороскоп», яъни «толенамо» ва «намудор» сўзлари шундан). Юнонларнинг аجدодлари – этрусклардаги «Геракл» (никоҳ ва таваллудлар маъбудаси – Геранинг ўғли), бошқа халқлардаги Георгий, Гўрўғли каби қахрамонларнинг номлари негизида ҳам «Гор» ўзаги ётади. Қадимий эронийлардаги Хор (Хур – Куёш), Хурмузд (Куёш худоси), хоразмликлардаги Ахурамазда

номлари шу худо онасининг номи – Иштхорга бориб тақалади.<sup>1</sup>

Ўн етими ё ўн саккизи ёшга борганида Фарасман Хоразмининг ўта иссиқ ва ўта нам ёз ойларида сарой олдига қора овул тиклаткизиб олиб, овулнинг ўртасидаги ихчамгина катда унинг кийгизларини ёптирмаган ҳолда якка ўзи осмондаги юлдузларни кузатиб ётишдек одат чиқарди.

Қора овулни ўрнатишда Фарасманнинг шахсан ўзи ишбошлик қиларди. Дастлаб эни икки қулоччалик ва баландлиги одам бўйичалик келувчи 12 дона тўрт бурчак панажарани биринкетин бир-бирига арқон билан боғлаб, айлана шаклли девор ҳосил қилинарди. Панажаралардан бирида дарча вазифасини ўтовчи очик жой бўларди. Сўнг қанғли арава ғилдирагиникига ўхшаш чамбаракдаги тешиқларга ҳар бири катта одамнинг биллагидек келувчи узун ва эгри тиргақлар сукиб, бир нечта одам шу тиргақлар ёрдамида чамбаракни юқорига кўтарарди. Тиргақларнинг пастки учларини панажараларнинг устки қисми ўртасига маҳкамлашарди. Тиргақлар сони 12 та бўларди. Тиргақларни арқон билан бир-бирига боғлаб, уларни обдон мустаҳкам этишарди. Бундай белбоғлар 6 та бўларди. Шу туришида қора овул йўғон арқонлардан тўқилган баҳайбат ўргимчак тўрини эслатарди. Шундан бўлса керак, саклар ўргимчакни «қаровулак» деб аташарди.

Фарасман ичида ётишни яхши кўрадиган бу қора овулнинг гумбаз қисмини кундузлари сербезак кийгизлар билан ёпиб, кеч-қурунлари уларни йиғиштириб кўйишарди. Қора овул сахнидаги катда чалқанча ётган ҳолда осмонни, ундаги юлдузларнинг гумбаз синчининг бир катагидан иккинчи катагига аста сурилиб ўтишини тамоша қилиш Фарасман учун жуда гаштли эди. У туннинг бу митти чироқлари орқасида қанақанги сир ва асрор ётиши мумкинлиги ҳақида узундан-узун хаёлларга чўмиб, ана ўша хаёлларнинг чуқур уммонида уйқуга кетарди. Кундузи ўзининг сиру-асрорга тўла тунги хаёллари мазмунини завқ ва шавқ билан устози Аспабаракка сўзлаб берарди. Сўнг ҳар хил саволлар бериб, Аспабарак билан биргаликда шу саволларга жавоб топмоқчи бўларди:

– Уфққа яқин жойлашган юлдузлар, бошида, кунчиқар томонда пайдо бўлишади. Қуёшга ўхшаб, осмоннинг у четидан бу четига юриб ўтишади. Сўнг, Қуёшга ўхшаб ботишади. Қора овул гумбази чамбарагидан сал четроқда бир катак бор. Ўша катакдаги юлдузлар ўз жойларида салпал айланишади-ю, лекин Қуёшга ўх-

---

<sup>1</sup> Ушбу абзацни ёзишда О. Сулаймоновнинг «Шумернома» асаридаги маълумотлардан фойдаланилди.

шаб осмоннинг у четидан бу четига юриб ўтишмайди. Улар қанақа юлдузлар?

– Ой ҳар кеча ҳар хил маҳалда чиқади. Аввалига кун сайин катталашиб, кейин эса, кун сайин кичрайиб бориб, охирида икки – уч кун йўқолиб қолади. Нега шунақа? Ойнинг бир марта эга бўлган шакли билан унинг яна худди ўшандай шаклга эга бўлишлиги ўртасида 29 кун вақт ўтади, дейишади. Шу тўғримикин?

– Айрим юлдузлар бор. Улар юлдузлар тўдаси ўртасидаги жойларини ҳар кеча ўзгартириб туришади. Айримлари, ҳатто, кунботар томондан кунчиқар томонга юриб, бир неча муддатдан сўнг яна аввалги йўналишларига тушиб олишади. Улар қанақа юлдузлар?

– Бир йил 360 кундан иборат, дейишади. У ҳолда бир ой 30 кунга тенг бўлиши керак-ку? Ваҳоланки, Ойнинг шакл такрорлови муддати 29 кунку? Мисрликлар бир йилни 365 кундан иборат, дейишармиш. Улар бу сонни қаердан олишган?

– Қишнинг совуқ, ёзнинг эса, иссиқ фасл эканлиги ҳаммага маълум. Баҳорнинг табиатнинг жонланиши, кузнинг эса, табиатнинг ҳолсизланиши фасллари эканлиги ҳам азалдан аён. Лекин бир баҳорнинг иккинчи баҳорга, бир кузнинг иккинчи кузга ўхшамай келишини ҳам ҳамма билади. Худди шунга ўхшаб, келгуси қиш аввалги қиш билан, келгуси ёз аввалги ёз билан бир хил бўлмайди. Буни ҳам ҳамма билади. Шунақа бир даврийлик йўқмикинки, келажакдаги йиллар кетма-кетлиги обу-ҳавосини ўтмишдаги йиллар кетма-кетлиги обу-ҳавоси асосида олдиндан айтиш мумкин бўлсин?

Аспабарак Фарасманнинг саволлари қуюнига бирданига жавоб беришга ошиқмасди. Чунки у бундай саволларга жавоб тарзида тақдим этилиши мумкин бўлган ўзидаги маълумотларнинг ўта кўп хатоликларга эга эканлигини биларди. Бу хатоликларни тўғрилаш устида жуда катта ҳисоб-китоб ишларини бажариш лозимлигини биларди. Шунинг учун бундай вазиятларда Аспабарак ҳона тоқчасида турган арғунни оларди-да, катта бувиси Меҳракнинг сакча тилида эмас, балки катта бобоси Саошянтанинг сувирча тилида томоғида қуйидагидек ўланни хониш қиларди:

– *Ўн икки Окэк* – ул буларда адин  
Қайу экки эвлуг, қайу биркэ ин  
Қози йазқи йулдиз баса Уд келир  
Эрендиз Кучиқ бирле синчу йурир

Кўр Арслон билэ қошни Бугдойбоши  
Баса Ўлгу болди Чадан Йа эши  
Йана келди Оглақ Кэнэк хам Болиқ  
Улар туғди эрсэ йаруди калиқ  
Учи йазқи йулдиз учи йайқи бил  
Учи кузқи йулдиз учи қишқи бил.<sup>2</sup>

Шундан сўнг Аспабарак арғунни яна токчадаги ўрнига тиккалаб кўярди-да, у ердан иккита сопол лаппакни оларди. Ғалати-ғалати белгилари бор бу лаппаклардан бир қисмида доирасимон каттакон тешиги бор кичигини қимирлатмасдан, каттасини унинг остида айлантриб, Фарасманга савол берарди:

– Суwirчадаги «юлдуз» сўзининг қаердан пайдо бўлганини биласан-ми?

– «Йил» ва «диз» («кўрғон») сўзларининг кўшилишидан, – дейди Фарасман. – Ўзингиз бир вақтлар шундай деган эдингиз.

– Тўғри, Фарасман. Энди айт-чи, «йил-кўрғон» деганда, нимани тушуниш керак? – деб яна шогирдига савол беради Аспабарак.

– Бунисини билмас эканман, устоз, – дейди Фарасман.

– Унда, эшит ва буни хам билиб қўй, – дейди Аспабарак ва шогирдига уқдира бошлайди. – Кундуз куни юлдузлар кўринмагани билан, барибир, улар Қуёш орқасида тураверган бўладилар. Қуёш эса ўз йўлида кўринмай турган қайсидир юлдузлар тўдаси ёнидан ўтиб бораверади. Қуёш Ойнинг 12 марта янгиланиб, 13-ойнинг ярмичалик вақт ўтганида, бир йил олдин ўзи ўтган юлдуз тўдаси яқинига қайтиб келади. Қуёш йўли осмонда тўгарақ, яъни кўрғон шаклига эга. Бу кўрғон ердан қаралганда, маълум юлдузлар тўдалари орқали ўтади. Бобилликлар Қуёш йўли тўгарагини тенг 12 га бўлганлар ва ҳар бир бўлакни ўша бўлакка тегишли юлдуз тўдаси номи билан атаганлар: Ҳамал Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жади, Далв, Ҳут. Ҳамал ойининг боши баҳорги кун ва туннинг тенглиги вақтига тўғри келади. Ўша кунни биз Наврўз деб атаймиз.

Фарасман устозига савол билан мурожаат қилади.

---

<sup>2</sup> Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) «Кутадғу билик» асаридан келтирилган ушбу парча учун луғат: Ўн икки Окэк – ўн икки ака-ука (бурж), Қози – қўй (Ҳамал), Уд – Хўкиз (Савр), Эрендиз – Экизак (Жавзо), Кучиқ – Кучук (Саратон), Арслон – Шер (Асад), Бугдойбоши – Бошоқ (Сунбула), Ўлгу – Тарози (Мезон), Чадан – Чаян (Ақраб), Йа – Ёй (Қавс), Оглақ – У(ғ)лоқ (Жадий), Кэнэк – Челак (Далв), Болиқ – Балиқ (Ҳут).

– Кундуз куни Қуёш орқасида кўринмай турган юлдузлар тўдаси қандай қилиб аниқланади?

Аспабарак жавоб беради:

– Бунинг учун ўша кун тунининг қоқ ўртасида осмоннинг кундузи Қуёш тиккага келган пайтидаги ўрнига қаралади. У ерда таниш юлдуз тўдаларидан бири турган бўлади. Масалан, ўша юлдуз тўдаси Асад бўлсин. Қуёш ҳаракати тўгарагида ушбу тўда бўлаги қаршисида Далв юлдузлар тўдаси жойлашган. Демак, кузатиш олиб борилаётган кун Далвга оиддир.

Орага бир зумлик сукунат чўкади. Сукунатни ўзининг навбатдаги саволи билан яна Фарасман бузади:

– Устоз. Қўлингиздаги лаппаклар сизга катта бобо-тоғангиз Магуптадан қолган дейишади. Шу ростми?

– Рост, Фарасман. Рост, – дейди Аспабарак чуқур хўрсиниб. – Бу лаппакларни осмонни узоқ йиллар давомида кузатиш асосида Магуптанинг шахсан ўзи ясаган.

– Сиз улар билан ишлашни менга қачон ўргатиб қўясиз, устоз?

– Оз муҳлат қолди, Фарасман. Яна бир-иккита нарсалар бор. Аввал ўша нарсаларни ўрганиб олишинг керак. Кейин навбат айни шу лаппаклар билан ишлашни ўргаганишингга келади. Ўшанда мен сенга бу лаппакларнинг қандай асосларда ясалганини ҳам, улар билан қай тарзда ишланишини ҳам ўргатиб қўяман, албатта. Лекин, ҳозирча, бита шартим бор.

– Бажонидил, устоз. Қанақангики, шартингиз бўлса, ҳаммасини адо этаман, – дейди Фарасман.

– Ундай бўлса, Фарасман, гапимга қулоқ сол, – дейди Аспабарак, чуқур ўйга толган ҳолда. – Эронликлар бизнинг Зардуштни нақд ўзлариники қилиб олдилар. Нақши Рустам шахрида (Ҳозирги Шероз шахри ўрнида) Кабаи Зардуштни бунёд этдилар. Бутун дунёдаги зардуштийларнинг ана ўша кабада зиёратда бўлиб келишларини уюштирдилар. Биз-чи, Зардуштнинг авлодлари? Кичик-кичик оташкадалар қуришдан нарига ўтмадик. Сен, Фарасман бироз улғайгин. Отанг – буюк Шаушафар (Саксафар<sup>3</sup>) нинг набираси ҳам анчагина кексайиб қолди. Насиб этса, яқин йиллар-

---

<sup>3</sup> Манбалардан маълумки, дарбеклар (Чоржўй ва Бухоро оралиғида яшаган қабилалар) маликаси Тумарис Эрон шоҳи Кирни қўлга олиб, уни ўлдиришдан олдин (мил. ав. 529 й.), хаумаврга-саклар (ҳозирги Хоразм ва Нурота тоғлари ўртасида яшаган қабилалар) ҳокими Ўмаргни ва Хоразм подшоҳи Саксафарни ўз хузурига чорлаб, улар билан ўзининг душманга қарши туриш режаси юзасидан маслаҳатлашиб олган.



да тахтга ўзинг ўтирасан. Мен зўр бир ибодатхонанинг тарҳини тайёрлай. У мана шу, менинг қўлимдаги сопол лаппакларнинг ниҳоятда катталаштирилган нусхаси бўлади. Бу ибодатхонада Хоразмнинг барча илм аҳлини жамлаймиз. Илмга ишқли ёшларни тўплаб, уларга ота-боболаримиз илмини ўргатамиз. Бу иншоот бутун Хоразм давлати учун марказий ибодатхона бўлади, Хоразмнинг жамики аҳолиси ҳаёт тарзи андазасини ана шу ибодатхонадан олади. Мана шундай улкан қурилишга сендан ҳомийлик қилиш сўралади. Шунга сен нима дейсан, Фарасман?

– Мен-ку, бажонидил «хўп» дейман. Лекин сиз ўшанда Қуёш ва Ойнинг тутилишини олдиндан айтиб беришни ҳам ўргатиб қўясизми? – деб ўсмирлигига боради Фарасман.

– Албатта. Албатта, ўргатиб қўяман, Фарасман, – дейди Аспабарак йигитдаги завқни кўриб, ўзи ҳам қувониб. – Бошқа жуда кўп нарсаларни ҳам ўргатаман.

• • • 3 • • •

Зардушт асос солган динда унинг нималарни айтмоқчи бўлганлигини Хоразмда Аспабаракчалик чуқур англайдиган одам йўқ эди.

Муқаддас «Авесто» нинг Зардуштга қадар яратиб келинган катламларида худолар жуда кўп эди. Яъни умргузаронлик йўлида зўр таъсирга эга ҳолда кўриниш берган ҳар битта янги нотаниш табиий ёки руҳий кучни одамлар худо деб танирдилар ва унга махсус ном бериб, шу кучга топинишни уюштирдилар. Ўзлари ўйлаб топган ана ўша янги худога атаб ибодатхоналар қурадилар, бесўнақай ва бемаъни қурбонликлар қилардилар. Кўп жойда битта худони иккинчи худога қарама-қарши қўйиш ҳолатлари содир бўлиб турарди. Бунинг натижасида ҳар хил худоларга сиғинувчи қабилалар ўртасида нифоқликлар пайдо бўлиб, бу нифоқликлар вақт ўтган сайин кўпайгандан кўпайиб, кучайгандан кучайиб борарди.

Зардушт оламнинг тузилишини бошқача англади. Зардуштнинг фикрича олам ягона бўлганлиги учун, унда кечиб турувчи жамики ҳодисаларни бошқариб турувчи зот ҳам ягона бўлиши керак. Тўғри, Зрвон (вақт худоси) – оламнинг қудратли ягона худоси. Фарзандлари Хурмузд ва Ахриманнинг эзгулик ва ёвузлик кўринишларида амалга ошириб юрган ишлари Зрвоннинг ихтиёрлари ифодаси, холос.

Вақт нима? Уни қандай мазмунда ва шаклда фаҳхламоқ керак?

Вақтни кимлардир осмондаги Ойнинг, кимлардир у ёки бу сайёранинг, яна бошқалар юлдузларнинг ҳаракатлари орқали аниқхламоқчи бўладилар. Аммо уларнинг бирортасида ҳам охириги аниқликка эришилмаган.

Оламдаги ҳамма ҳодисаларнинг ҳоқими – Зрвон. Ердаги ҳамма ҳодисаларнинг ҳоқими эса, Зрвоннинг фарзанди – Ҳурмузд, яъни Қуёш. Ҳурмузд – Олов, Сув, Турпоқ, Ҳаво (Осмон ва Шамол) қиёфаларида намоён бўлиб турувчи жамики ҳодисалар бошқарувчиси. Ҳурмузд иштироки мустасно жойда унинг уқаси – Аҳриман ҳукмдор. Ҳурмузднинг вазифаси – Аҳриман эгалик қилиб юрган жойларни эгалламоқлик. Бунда одамлар Ҳурмуздга кўмаклашмоқликлари керак. Одамларнинг Ҳурмуздга кўмаги олам сирларига оид билимларни муттасил ўрганиб боришлик ва турмуш юмушларини ижро этишда ана шу билимлардан оқилона фойдаланиб юришлик.

Бу ғояни амалга оширишда Зардушт ўз даврида ўзича ёндашди. Яъни у Ҳурмуздни ва ундаги фазилатларни ўта улуғловчи бир қанча қўшиқлар яратиб, одамларни уларни ҳамиша куйлаб юришга ўргатди. Оловни Қуёшнинг Ердаги вақили деб билгизиб, одамларнинг унга муттасил топиниб юришларини уюштирди.

Аспабарак даврида Зардушт йўлга солган анъаналар бетўхтов давом этиб келмоқда эди. Лекин унинг тасаввурида бу анъаналар ўз илоҳийлигини қанчаликқадир йўқотиб, шунчаки бир расмиятчилик одатига айланиб бораётгандек эди. Ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб қолаётгандек. Биров билан бировнинг иши йўқдек. Бундай ҳолатнинг эртанги кунда қандайдир ҳалоқатли ҳодисада кўриниш бериши мумкинлиги уни хавотирга соларди.

Ҳамманинг эътиборини ўзига қаратадиган, уларнинг интилишларини ягона йўналишга соладиган сержозиба нимадир ўйлаб топиш керак эди.

Аспабаракни вақт ўлчовларини аниқлаштириш масаласи қизиқтирарди.

Ўша кунларга қадар Аспабаракка шу нарса маълум эдики, қўшни Ахоманийлар давлатида йил, ой ва кунларни ҳисоблашда бобилликлар намудоридан <sup>4</sup> фойдаланиларди. Бу намудор ҳар бири 30 кунлик 12 та ойдан ташкил топган бўлиб, 360 кунлик йил


---

<sup>4</sup> Намудор – календарнинг бир тури.

асосига қурилган эди. Ахоманийлар ва бобилликларнинг намудорлари, асосан, ойларнинг номланиши билан фарқланарди. Чунончи, Ахоманийлар бобилликлар қўйган ҳар бир ойнинг сомиychа номини ўзларининг қадимий форсий тилларига ўгириб олишганди.

Хоразмда ҳам 12 ойдан ташкил топган 360 кунлик йил намудоридан фойдаланиларди. Йил ойларининг ҳар бири 30 кундан иборат бўлиб, улар ўзларига тўғри келувчи байрамлар ёки хўжалик машғулотлари номлари билан аталарди. Бундан ташқари ойлардаги кунлар ҳам бирма-бир номлаб чиқилган эди.

Аспабарак, айниқса, мисрликларнинг намудорига алоҳида эътибор билан қарарди. Мисрда бир йилни 365 кундан иборат деб ҳисоблашарди. Бунда ҳар бири 30 кундан иборат бўлган 12 та ой тугагач, ўша йил ҳисобидан яна беш кун ўтказиларди.



Аспабаракка шу нарса ҳам маълум эдики, йилнинг 365 кундан иборатлигига замонанинг ақли зўр кишилари орасида бироз шубҳа бор эди. Қисқаси, лойиҳаланаётган иншоот вақт ҳисоби ўлчовларига узил-кесил аниқликлар киритиш маълумотларини излаб топишга хизмат қилиши керак. Бунинг учун осмоннинг шундай бир мукамал расмига эга бўлмоқлик керакки, бу расмда самовий жисмларнинг жами акс этиб тургани ҳолда, ўша расм воқитасида уларнинг ҳаракати қонуниятларини ҳам ўрганиш мумкин бўлмоғи керак. Демак, бино юмалоқ шаклда бўлади. Осмон ва унинг жисмлари расми бинонинг томида Осмондан олинган маълумотлар асосида ҳосил этилади. Бинони ташқаридан ўраб турувчи хоналар қатори ягона томга эга ҳолда улкан ҳалқа ҳосил қилиб туради.

Ушбу том гардишининг бир-биридан баравар узоқликда жойлашган тўққизта жойида бинолар икки қаватлик қилиб қурилади. Бу ердаги тўққиз сони<sup>5</sup> бир йилда мавжуд бўлган чиллалар (муғчиллалар – мучаллар) сонини англатади.

• • • 4 • • •

Хоразмшоҳ Фарасман қароргоҳи атрофида жуда қизиқарли ўтган Наврўз тантаналари сўнгида Аспабарак Хоразмнинг марказий оташқадаси яқинидаги хоналардан бирига ўзи жуда яхши билладиган энг зўр муъбадлардан бештасини меҳмонга таклиф этди. Зиёфат пайтида Аспабарак меҳмонлар эътиборини охириги кунларда унинг бор ўй-у хаёлини бутунича банд этиб юрган мавзуга тортди.

У ўтирганларга шоҳ Фарасманда Хоразмнинг ҳашаматли марказий ибодатхонасини қурғизиш нияти пайдо бўлганини, ибодатхона лойиҳасини тайёрлаш ишининг унга, яъни Аспабаракка топширилганлигини айтди. Сўз ўртасида у ибодатхонанинг шаклу шамойилига оид ўз мўлжалларини баён этди. Чунончи, бу ибодатхона юмюмалоқ шаклда бўлади ва унинг ҳузурида жуда катта мактаб ташкил этилади. Бу мактабда билимга ҳавасманд ёшларни тўплаб, уларга замонанинг энг мукамал илмлари ўргатилади. Талабалар табобат, ёзув-чизув, ҳисоб-китоб илмларини пухтароқ ўрганиб олишгач, уларнинг орасидан етишиб чиққан энг истеъдодлилари ёрдамида муқаддас «Авесто» китобининг Хоразм нусхаси тайёрланиб, бу нусха шу ибодатхонада сақланади.

Аспабарак айтган гапларни эшитиб, ўтирганлар бир зум лол қолишди. Аспабарак ўзини бу ҳолга муғлақо эътибор бермаётгандек кўрсатиб, энг асосий масалани ўртага ташлади:

– Сизларни бу ерга жамлашдан мақсадим – ана шу ибодатхона биносининг тузилиши, унинг таркибий қисмлари, бинони ташкил этувчи хоналарнинг вазифалари, уларнинг айнан нечта бўлиши лозимлиги, ҳар бир хонанинг шакли ва ўлчамлари ҳақида

---

<sup>5</sup> Зардуштийликда 9 сони алоҳида эътибор билан эъзозланган. Масалан, “Поклантириш” урфида покланувчи ҳар гал уч мартадан сигир пешоби билан арттирилиб (бу ерда: *совун моддаси ҳали-ҳозир урф бўлишига улгурмаганлиги сабаб, сигир пешоби ўз таркибида кўп миқдорда аммиак моддасига эга бўлгани учун поклантирувчи восита вазифасини ўтаган*), қум воситасида тозилантирилиб ва ниҳоят, сувда ювинтирилиб, 9 та ўра (чуқурак) дан ўткизгизилган. “Барашноми нўшаба” (“Тўққиз тунлик покланиш”) деб номланган урфда покланувчи 9 кун ва 9 кечани танҳоликда ҳар хил дуолар ўқиш ва сажда қилиш билан ўтказган.

сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизни билишлик. Бунинг учун сизнинг ҳар бирингиз ўзингизни дастлаб ана шу ибодатхонанинг меъмори деб билиб, унинг қиёфасида айнан нималарни ифода этган бўлишингиз мумкинлигини, қўяверса, ибодатхона битгач, унда кўпроқ айнан қандай машғулот билан банд бўлажагингизни, ибодатхонада вақт ўлчагич асбоблардан айнан қанақангиларини ўрнатган бўлишингиз мумкинлигини, талабаларга айнан қандай мазмундаги билимлардан дарс ўтажагингизни, обу-ҳавони олдиндан айтиб бериш мумкинлиги ҳақида ўз мулоҳазаларингизни баён этиб беришингиз керак.

Меҳмонлар чуқур ўйга чўмиб, бир муддат жимиб қолишди. Салдан сўнг секин-асталик билан бошланган мунозара сезиларли даржада жонланди. «Йил», «ой», «ҳафта», «куну-тун», «кун-тун маҳаллари», «соат» каби вақт ўлчов бирликлари ҳақида меҳмонларнинг бири қолиб, бири қўйиб ўз мулоҳазаларини баён эта бош-лашди.

Тўкин дастурхондаги таомлардан онда-сонда истеъмол этиб ўтирган ҳолда, меҳмонлар алламаҳалгача баҳслашишди. Сўнг бир тўхтамга келинганини ҳис этишди, шекилли, Аспабаракдан энди дам олишликлари учун рухсат берилишини сўрашди. Аспабарак уларнинг ташрифидан бениҳоя мамнун бўлганлигини, уларнинг суҳбатларидан ўзи учун керак бўлиб турган жуда кўп қимматли маълумотлар олганлигини, лозим бўлиб қолса, уларни яна ўз хузурига савол-жавобга чақириши мумкинлигини айтиб, меҳмонларни кузатиб қўйди.

У хонага қайтиб кирганида, хизматкор ҳамма нарсаларни йиғиштириб, супадаги Аспабарак чўзилиб ҳордиқ чиқарадиган жойни ҳам тартибга келтириб қўйганди. Аспабарак ўша жойга чалқанча чўзилиб, икки қўлини боши остига қўйиб, хона шифтига ўйчан тикилганча, баҳс пайтида айтилган гапларни эслай бошлади.

Аспабарак ёши анчага бориб қолган муғбад Адрасманнинг жуда чуқур таҳлилдан иборат мулоҳазаларини эсига келтирди. Адрасман ўтирганлар эътиборини Қуёш ва юлдузларнинг осмондаги ҳаракатлари таҳлилига қаратганди.

Адрасман ёшлик ва навқиронлик йилларини савдо карвонларига сорбонлик қилиш билан ўтказган, жанубдаги узоқ мамлакатларда ҳам бир неча бор бўлиб қайтган эди. Адрасман осмондаги юлдузларга қараб, уларнинг номларини адаштирмай, бирма-бир айтиб чиқа оларди. Сафарлар чоғида чексиз чўлу биёбонларда

адашиб қолинганида, у энг тўғри йўлни юлдузларга қараб, бехато аниқларди. Осмондаги юлдузларга қараб, у ой ва ой кунларини бехато айта оларди. Адрасман Идрис пайғамбарнинг <sup>6</sup> «Зумрад лавҳалар», «Пемандр», «Асклепий» (Эскулап – табобат маъбуди), «Олам қизи» каби битиклари мазмунини ёддан биларди.

У бу юртларга жуда қадим замонларда жанубдан келиб қолган сумерий қабилаларининг авлодларидан бўлиб, шумерча йил ҳисобига оид бой билимлар эгаси эди. Адрасман айтган гапларга анча-мунча одам тушунмаса-да, лекин у бу гаплар тагида жуда кучли ҳақиқат ётишини қалбдан ҳис этиши мумкин эди.

Адрасман дастлаб ўтирганлар эътиборини Қуёшнинг ҳар куни бир кун олдингисидан киши сезмас даражада бошқароқ жойдан чиқишига ва бир кун олдингисидан сал бошқароқ жойда ботишига қаратди. Шунингдек, бугунги Қуёшнинг осмондаги бир кун олдин босиб ўтган йўлидан эмас, сал бошқароқ йўлдан ўтишлигини таъкидлади.

Адрасман бундай ходисани қайд этишнинг амалда унчалик мураккаб иш эмаслигини айтди. Хусусан, қутри (диаметри) 40 қадмча келувчи пастак деворли бир қўрғон барпо этиб олинади. Қўрғоннинг ўртасида туриб, Қуёшнинг эрталабки чиқиш жойига қаралади ва Қуёш турган жой қўрғон деворида белгилаб қўйилади. Худди шундай иш Қуёш ботиш пайтида ҳам бажарилади. Қўрғон марказида узунроқ бир қозик қоқиб қўйилади ва Қуёш Осмоннинг қоқ ўртасига келганида қозик учидан тушаётган соя ерга белгилаб қўйилади. Бу уч белги ҳар куни маълум томонга сурилиб бораверади. Қаердадир Қуёш аввалги белгиларга қайта бошлайди. Белгилар ўртасида шундайлари борки, улар баҳорги ва кузги тенгкунликларни, қишдаги энг узун тун ва ёздаги энг узун кунни ифодалайди. Шу зайлда бир йилнинг айнан неча кунутунга тенглигини ҳам аниқлаш мумкин. Лекин бунинг учун ҳисобларни жуда аниқ бажариш керак.

Шундан кейин Адрасман ўтирганлар эътиборини юлдузлар ҳаракатини кузатиш асосларига тортди:

– Осмондаги ҳар бир юлдуз Қуёшга ўхшаб, маълум айлана бўйлаб ҳаракатда бўлади. Сайёралардан бошқа жами юлдузлар ҳаракати айланаларининг Маркази ягона нуқтада жойлашган. Бу нуқта осмонда ўз ўрнини айлана бўйлаб ўзгартириб туради. Ле-


---

<sup>6</sup> Идрис пайғамбар – Ҳермес Трисмегист мил. ав. VII – VI асрларда яшаб ўтган мисрлик машҳур ҳақим, мутафаккир ва фалакиётшунос (Нух пайғамбарнинг отаси Идрис пайғамбар билан адаштирилмасин – А.Ш.).

кин бу ўзгариш юзлаб йиллар мобайнида кузатилгандагина пайкалади. Ҳозирги кунларимиздан 2000 йилларча олдин (мил. ав. 3-минг йилликнинг ўрталарида) ўша Марказ Аждаҳо юлдузлар тўдасининг дум тарафидан саналганда, учинчи юлдузга тўғри келган. Бундан 2300 йиллардан кейин (мазкур ҳикоя ёзилаётган даврларда) бу Марказ Кичик Айиқ юлдузлар тўдасининг дум юлдузига тўғри келади. Ҳозирги кунларимизда ўша Марказ мен олдин айтиб ўтган иккита юлдузнинг ўрталаридаги бўш жойда жойлашган.

– Ушбу Марказ айлана бўйлаб ҳаракат қилиб боргани ҳолда 25920 йилда, тахминан, аввалги жойига қайтиб келади. Бу ердаги 25920 йиллик муддатни бир Олам йили деб олсак, Олам йили бир кунининг  $25920 : 360 = 72^7$  та Қуёш йилига тенглиги аён бўлади. Юлдузлар ҳаракати айланалари Марказини хаёлан Ер билан туташтирсак, Олам Ўқи ҳосил бўлади. Олам Ўқининг сезилмас даражаларда ўз вазиятини ўзгартириб туриши вақтни катта аниқликларда ўлчаш ишларига айтарлик таъсир этмайди.

– Юлдузлар ҳаракатини кузатиш учун қора овулниқига ўхшаш ёпқичсиз бир гумбаз ясалади. Фарқи – бундай қора овул ер сатҳига нисбатан оғма ҳолатда ўрнатилади. Яъни қора овулнинг гардиш ва белбоғлари марказлари чизиғи Олам Ўқида ётадиган қилиб олинади. Кузатиш ишлари қора овул белбоғларидан энг каттасининг марказида жойлашиниб олиб борилади. Бунда жуда қизиқ ҳодисалар кузатилади. Масалан, уфққа яқин жойларда ёзда кузатилмаган юлдузлар қишда, баҳорда кузатилмаган кўпгина юлдузлар кузда кўриниш беради. Хусусан, Жанубий Балиқ («Фом ал-хут» – «Балиқ оғзи») юлдузи уфққа яқин жойда куз ойларидагина кўриниш беради. Худди ўша кунларнинг бирида биз кузги



Адрасманчасига Осмон  
ходисалариникузатиш панжараси  
(Очерк муаллифи чизган расм).

<sup>7</sup> Зардуштийликда 72 сони муқаддас ҳисобланган. Масалан, муғнинг икки бор айлантрилиб белига боғланадиган миёнбанди 72 толим ола-чипор ипдан тўқилган.

тенгкунлик кунини, яъни Мит(с)ра байрамини нишонлаймиз.

Даврадагилар Адрасманнинг гапи ҳали тугамаганлигини билиб, жим ўтиришарди. Бундан фойдаланиб, Адрасман ўз гапларига яқун ясади:

– Қуёш ҳаракати айланаси Маркази юлдузлар ҳаракати айланалари Марказидан анча узоқда жойлашган. Қуёш ҳаракати айланаси Маркази юлдузлар ҳаракати Маркази атрофидаги айлана бўйлаб ҳаракат қилади. Бу айлана ҳозирги кунларда Катта Айиқ тўдасининг думидан ҳисобланганда, 2-, 3-, 4- ва 5-юлдузлари орқали ўтади. Қуёш ҳаракати айланаси Марказининг юлдузлар ҳаракати айланалари Маркази атрофида айланиб юриши шу Марказ атрофида Қуёш ҳаракати айланасининг ҳам айланиб юришига сабабчилик қилади. Бу ҳол вақт ўтиши билан йил ойлариининг юлдузлар осмонида силжиб юришига олиб келади. Хусусан, биз ҳозир Ҳамалнинг биринчи кунларини баҳорги тенгкуликка тўғри келади, деяётган бўлсак, бундан 2300 йиллардан кейин (мил. 2000-йилларида) баҳорги тенг кунлик Далв бошига тўғри келади.

– Ибодатхона битгач, менга ушбу даргоҳда ишлаш насиб этса, Қуёш ҳаракати айланаси билан юлдузлар ҳаракати айланалари ўртасидаги бурчакни, Қуёш, Ой ва сайёраларнинг юлдузлар орасида қай тарзда ўз жойларини алмаштириб боришларини аниқ этиш билан шуғулланаман. Шу йўлда тўплаган тажрибаларимни ибодатхона хузуридаги мактаб талабаларига ўзлаштиргизаман.

... 5 ...

Фарнак ёшлик ва навқиронлик йилларида моҳир хунарманд бўлган. У суяклардан, мисдан, сополдан ва ишлов берилган чармдан ғаройиб қиёфалардаги буюмлар ясаган. Уйларнинг деворларига кўплаб расмлар чизган. Фарнак у ёки бу қиёфани чизиқлар воситасида бир хил шаклдаги бўлақларга бўлишнинг зўр билимдони эди.

Адрасман ўз мулоҳазаларини баён этиб турган маҳалда Фарнак у айтаётган гапларни зўр диққат билан эшитиб ўтирарди-ю, лекин у яна бошқа бир иш билан ҳам машғул эди. У дастурхондаги товуқ юмуртақасичалик катталиқдаги юм-юмалоқ бўғирсоқлар солинган товоқни ўз олдига суриб олиб, ўзича ортиқча ҳисобланувчи жойларни ўткир пичоғи билан кесиб ташлаб, дастлаб, юн-онлар «тетраэдр» («тўртёк»), сомийлар «нория» (олов рамзи) деб аташадиган қиёфани ҳосил қилди.





Шу тахлитда у бошқа бўғирсоқлардан юнонлар «гексаэдр» («олтиёқ») ёки «куб», саклар «шашқол», форслар «каъба» ва сомийлар «арзия» (ер рамзи) деб юритувчи, юнонлар «октаэдр» («саккизёқ»), сомийлар «хавойи» (ҳаво рамзи) деб юритувчи, юнонлар «додекаэдр» («ўн икки ёқ»), сомийлар «фалакия» (осмон рамзи) деб юритувчи, юнонлар «икосаэдр» («йигирма ёқ»), сувирлар «қуръа», сомийлар «мойи» (сув рамзи) деб юритувчи қиёфаларни пайдо қилди.

Фарнак «қуръа» деб юритилувчи қиёфадан бир эмас, икки донасини ясади. Мулоҳаза айтиш гали келганда, у шундай сўзларни айтди:

– Бизнинг ҳунаримизда тез-тез юпқа ва текис мис тунукадан уни ҳар хил чизиқлар бўйича буклаб, ичи бўш, ёпиқ қабарик қиёфалар тайёрлашга тўғри келиб туради. Бу тарика ишларнинг энг қизиқарлиси бир хил шаклда кесилган тунукалардан, масалан, бўғирсоқнинг сиртига ўхшаш ёпиқ юмалоқ қиёфа ҳосил қилишликдир. Бунинг беш хил йўли бор: биринчиси, бир хилдаги 4 дона мунтазам учбурчак (мусаллас) дан мунтазам тўртёқ; иккинчиси, бир хилдаги 6 дона мунтазам тўртбурчак (мурабъа) дан мунтазам олтиёқ; учинчиси, бир хилдаги 8 дона мунтазам учбурчакдан мунтазам саккизёқ; тўртинчиси, бир хилдаги 12 дона мунтазам бешбурчак (мухаммас) дан мунтазам ўн иккиёқ ва ниҳоят, бешинчиси, бир хилдаги 20 дона мунтазам учбурчакдан мунтазам йигирмаёқ ҳосил қилишлик. – Шу гапларни айтар экан, фарнак санаб ўтаётган қиёфаларни бунга қадар бўғирсоқдан ўзи ясаб қўйган кўпёқликларни навбатма-навбат ўтирганларга кўрсатиб борди. Шу билан баробар, у ўз фикрларини баён этишда давом этди. – Лекин бир хил эмас, балки икки хил мунтазам кўпбурчаклардан ярим мунтазам кўпёқликлар ҳосил қилиш йўли бундан-да кўпроқ ва ажойиброқ.

Шундай деб, Фарнак бўғирсоқлардан кесиб ясалган охириги иккита бир хил қуръадан бирини қўлида қолдириб, иккинчисини дастурхонга қўйди. Қўлида қолган қуръадаги жами учларни тезкорлик билан пичоқда кесиб ташлади. Учларнинг ўрнида мунтазам олтибурчак (мусаддас) лар пайдо бўлди. У ана шу кесик қуръани бош ва кўрсатгич бармоқлари орасига олиб, уни баланд кўтариб, даврадагиларга бирма-бир кўрсатиб чиқди ва гапиришда давом этди:

– Қўлимдаги мана шу кесик қуръа бир хил узунликдаги 90 та қиррага, 60 та чўққига ва 32 та ёқга эга. Бу ёқлардан 12 таси му-



Қуръа (икосаэдр) ва кесик қуръа (кесик икосаэдр) расмлари (Леонардо да Винчи чизган расмлар).

хаммас, 20 таси мусаддас шаклида. Агарда коинотни жуда улкан ана шундай кесик қуръа ичига жойлашган, деб ва унинг маркази бўлиб кичик бир нуқта сифатида бизнинг Ер хизмат қилади деб тасаввур қилсак, Адрасман айтган Олам Ўқини ҳам, Қуёш айланаси ўқини ҳам ва ниҳоят Қуёш айланасининг ўзини ҳам ушбу қуръа андазаси (макети) да аниқ ифода этиш мумкин. Қуёш айланаси ўқи билан Олам Ўқи ўртасидаги бурчакни ҳам аниқлаш мумкин. Қўяверса, ушбу кесик қуръа ёқларини унинг қирралари бўйича бўлаклаб ташлаб, бу бўлақларни текис бир юзада қайта териб чиқиш мумкин ва осмон ҳодисаларини текис юзадаги расмда ҳам таҳлил этавериш мумкин.

– Менга Адрасман айтиб ўтган Осмонни оғма ҳолатда ўрнатилган қора овул гумбази панжаралари орқали кузатиш ғояси жуда ёқди. Мен

ҳозиргина санаб ўтган катталиқларни ўша гумбаз андазасида аниқлаш ва таҳлил этиш хийла қулай кўринмоқда. Шунда ҳам мен Осмонни мунтазам ва ярим мунтазам кўпёқликлар орқали кузатишни четга чиқариб юбормаслик керак деб ҳисоблайман. Хусусан, кесик қуръани олайлик. Унинг қирралари сони йил фаслларидан биттасидаги кунлар сонига, чўққилари сони иккита ойдаги кунлар сонига, ёқлари сони одам оғзидаги тишлар сонига ёки сал кўпроқ бўлсада, битта ойдаги кунлар сонига, беш бурчак шакли ёқлари сони битта йилдаги ойлар сонига, олтибурчак шакли ёқлари сони сал кўпроқ бўлса-да, Аждарий йиллар даврийлиги (Қуёш тўлиқ тугилишининг такрорланиши даври – 18 йилу 12 кун) га тенг.

– Ибодатхона битгач, менга ушбу даргоҳда ишлаш насиб этса, мен осмон жисмларини ва уларнинг ҳаракатини мунтазам ва ярим мунтазам кўпёқликлар воситасида ўрганиш билан машғул бўлман, шу соҳадаги билимларимни ибодатхона ҳузуридаги мактаб талабаларига ўргатаман. Муқаддас «Авесто» китобининг Хоразм

нусхаси учун вароқ этиб ишлатилувчи эчки териларини сифатли ошлатиш ишларига саркорлик қиламан.

Аспабарак белгилаб берган мавзуда сўз айтиш гали Дарғмонга келганди Дарғмон аризчилар (арик қазувчилар) авлодидан эди. У ҳар қандай фикрни сувгагина алоқадор ходисалар воситасида баён этишга одатланган эди.

Дарғмон гапни ҳар хил фаслларда кунларнинг ҳар хил узунликларга эга эканлигининг ҳаммага маълумлигидан бошлади. Лекин кундуз билан кеча вақтлари йиғиндиси ҳар куни бир хил бўлса керак, деган тахминни билдирди.

Дарғмон буни аниқлашнинг қийин эмаслигини айтди. Бунинг учун иккита хум олинади ва улар сув билан тўлдирилади. Хумларнинг остки қисмига жўмрак ўрнатилади. Сувнинг иккала хум жўмрагидан жуда аниқ тарзда бир зайлда оқиб ёки томиб туриши уюштирилади. Улардан оқиб ёки томиб турган сув яна алоҳида иккита идишда тўплаб борилади. Биринчи хум айна Қуёш чиқиш пайтида ишга туширилиб, айна Қуёш ботиш пайтида тўхтатилади. Иккинчи хум эса, аксинча, айна Қуёш ботиш пайтида ишга туширилиб, айна Қуёш чиқиш пайтида тўхтатилади.

Иккала идишдаги сув учинчи бир идишга қуйилиб, унинг ички деворида сув сатҳи чизик билан белгилаб қўйилади. Бу иш ҳар куни такрорлаб борилаверади. Биринчи идиш билан иккинчи идиш сувларининг учинчи идишдаги йиғиндиси ҳар куни бир хил бўлаверади. Шундай кунлар борки, дастлабки иккита идишдаги сувлар миқдори учинчисига қуйилмасдан олдин роса бир хил бўлади. Бу ходиса баҳорги ва кузги тенгкунликларда содир бўлади. Баҳорги тенгкунликда Наврўз байрами, кузги тенгкунликда Мит(с)ра – (Меҳр) байрами нишонланади.

Ушбу гаплар ўртасида Дарғмон яна қуйидагидек фикрни ҳам қисдириб ўтди:

– Бундай ишни ҳарорати муътадил жойда бажариш керак. Сувларни музлаш ёки буғланишдан асраш керак.

Бир зум тек тургач, Дарғмон сўзлашда яна давом этди:

– Иккита кетма-кет баҳорги тенг кунлик ўртасидаги вақт «йил» деб аталадиган бўлса, мен юқорида айтиб ўтган жараён мобайнида йилнинг айнан неча кундан иборатлигини аниқлаш мумкин. Йил ичидаги кунлар сонини аниқлашнинг яна бир усули бор. Томдаги туйнукдан хона саҳнига Қуёш ёруғи тушиб турибди дейлик. Ана шу ёруғ доғни чизиш йўли билан саҳнда аниқ қайд этиб қўяйлик. Бугунги Қуёшнинг Осмонда киши сезмас даражада ке-

чагидан бошқароқ йўлдан юриб ўтиши сабабли, кейинги кунларда туйнукдан тушаётган ёруғ доғ унинг дастлабки расми чегараси билан яқин орада сира устма-уст тушмайди. Фақат бир йилдан кейингина ўша ёруғ доғ ўзининг дастлабки ўрнига қайтади. Бу ораликни кун ҳисобида аниқ санаб чиқиш мумкин. Бундай ишни бажаришда натижа кўринадиган кунларда ҳавонинг булутли келиб қолиши мумкинлиги ишга ҳалақит берувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ёруғ доғ расмини хона саҳнида бир-биридан фарқ қилувчи бир неча кун учун қайд этиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Дарғмон сўз ўртасида қуйидагидек қизиқ бир гапни ҳам айтиб ўтди:

– Ўзим текшириб кўрмаганман-ку, лекин кундуз куни юлдузларни кўрганман, деган бир одамни учратганман. Унга сув чиқариш учун жуда чуқур бир қудуқ қазишга тўғри келган. У ана шу қудуқ тубидан куппа-кундуз куни юлдузни кўрган. Бу ҳодисани бошқаларга ҳам кўрсатайин деганда, қудуқ сув билан тўлиб қолишга улгурган.

Сўзи охирида Дарғмон ибодатхона битгач, агарда унга шу ерда ишлашга тўғри келиб қолинса, у нима ишлар билан шуғулланиши мумкинлигини, талабаларга нималарни ўргатиши мумкинлигини гапирди. Ибодатхонадагилар ўзлари ўзларини боқишлари ва кийинтиришлари лозимлигини айтди. Бунда ибодатхона қошида деҳқончилик ва боғдорчилик ишларини йўлга қўйишликнинг мақсадга мувофиқлигини таъкид этди.

• • • 6 • • •

Хоразмда зардуштийлар бош ибодатхонасининг бунёд этилаётганлиги муносабати билан ўтказилаётган таниқли муъбадлар гурунгидаги сўз навбати Артаикка келганди. Артаикнинг ушбу гурунгда айтган гапларини эслашдан олдин Аспабарак хоразмшоҳ қасри ёнидаги марказий оташкадада эски йил оловини ўчириб, янги йил оловини ёқиш удумини кўз олдига келтирди.

Янги йил олови муз воситасида қуёш нурларини бир нуқтага тўплаб, тутантириққа тўғриланган чакноқ нуқтадан ўт олгизиларди. Бунинг учун муз қишда яхлаган Охшадарёдан <sup>8</sup> олиниб, унга

---

<sup>8</sup> Охшадарё – Амударёнинг «Вахш», «Ўкуз», «Окс», «Дахя», «Жайхун» каби қадимий номларидан бири. Ҳикоя этилаётган воқеалар даври ва ундан олдин Амударёнинг «Охшадарё» номи билан юритилувчи катта қисми ҳозирги Ҳазорасп туманига

катталиги лаганчадек келувчи ясмиқ шакли бериларди. Музга ясмиқ шаклини бериш иши бошида қиртишлаш йўли билан амалга ошириларди. Сўнг ловиллаб ёниб турган аланга тафти таъсирида унинг юзаси силлиқ кўринишга келтириларди.

Ушбу тадбирни амалга оширишда ўзига хос бир қатор ноқулайликлар бор эди. Чунончи, айрим йилларда Охшадарё музламай қоларди ёки Наврўзга қадар муз эриб кетган бўларди ва бошқа узоқ жойлардан муз топиб келишга мажбур бўлинарди. Бошқа бир йилларда айтилиши Навруз кунларида куёш икки-уч кунлаб булут билан қопланиб, ундан муз-ясмиқ воситасида тутантириқни ўт олгизишнинг имкони бўлмади қоларди.

Шу орада оташкадалардан биридаги муғбадлик лавозими бўшаган жойга Артаик тайинланди-ю, янги йил оловини муз-ясмиқ воситасида ҳосил қилиш тадбири рисоладагидек ўзанга тушиб кетди.

Артаик ҳар қандай обу-хаво шароитида, ҳатто, ёзнинг иссиқ кунларида ҳам муз ҳосил қилавериш мумкин бўлган ертўла ясади. Ертўланинг шифти ва деворларига кимсон (бронза) дан тайёрланган, бир учидан сув қуйилса, иккинчи учидан чиқиб кетадиган, буклаб-буклаб илон изи шаклига киритилган жуда узун ингичка қувур ўрнатди. Маълум вақт мобайнида бу қувурдан намакоб оқизиб турилса, ертўладаги ҳарорат ўта пасайиб, у ердаги идишларга қуйиб қўйилган сув музлаб қоларди. Артаик музга айлантирилувчи сувнинг, албатта, қор ёки ёмғир суви бўлиши шартлигини таъкидларди. «Шунда, улардан ҳосил қилинган музнинг ичида пуфакчалари бўлмади», – дерди у.

Намакоб оқиндиси ертўла ёнида қазиб қўйилган қудуқ тубидаги бир идишга тўпланарди. Хизматкорлар челак ботириб, бу идишдан пероб намакобни олиб, қувурнинг сардобасидан тинимсиз қуйиб турадилар. Шу аснода қувурда намакоб керак маҳалгача узлуксиз оқиб турарди.

Шундай қилиб, Артаик Охшадарёнинг музлаган ёки музламаганлигидан қатъий назар, Наврўз арафаларида марказий оташкаданинг муз билан, албатта, таъминланиши масаласини ҳал этганди.

Артаик Наврўз кунларида ҳавонинг неча кун булутли ёки неча кун булутсиз бўлиши мумкинлигини бир неча кун олдин айтиб бера оларди. Бунинг сирини сўрашганда, у бу ерда ҳеч қандай си-

---

якин жойда шимолга бурилиб, унинг бир қисми Орол денгизига, бошқа қисми Сирдарёга қуйилган.

ру-синоат йўқлигини айтарди.

Артаик ҳар кунлик обу-ҳавонинг айнан қандай ўтганлигини маъноси ўзигагина маълум бўлган ғалати расмчалар билан белгилаб борарди. Бу расмчалар хона деворидаги каттакон айлана чизик бўйлаб бўр билан чизиб қўйилган тўртбурчак шаклидаги уячалар ичига жойлаштирилди. Тўртбурчак шаклли уячалар сони 366 та эди, яъни бу уячаларнинг ҳар бири йилнинг битта кунига тўғри келарди. Ўз навбатида, ҳар битта тўртбурчак уяча унинг ўртасидан ўтган ва катта айлана марказига қараб борувчи чизик билан иккига бўлиб қўйилган эди. Тўртбурчак уячанинг ана шу чизикдан олдин келувчи ярми куннинг ёруғ маҳалини, кейин келувчи ярми куннинг қоронғи маҳалини ифодаларди.

Артаик йилнинг эндиликда келадиган бирорта кунига оид обу-ҳавони олдиндан айтишда шу йилнинг ўтиб бўлган маълум кун уячасида чизиб қўйилган расмлар шаклига асосланарди. Яъни бунда у келажак кунлардан кераклисида намоён бўлғуси обу-ҳавони билиш учун айланадаги унга қутран (диаметрал) қарама-қарши турган кун уячасига қарарди. Масалан, ёз ойининг бирорта кунда ҳаво очик ва ўта иссиқ ўтган бўлса, унга қарама-қарши турган қиш ойидаги тегишли кун обу-ҳавоси булутли ва ўта совуқ бўларди.

Артаик ҳар йили бунақанги айланалардан иккитасини, яъни тоқ ва жуфт рақамли йил айланаларини ишлатарди. Учинчи йили биринчи йилнинг, тўртинчи йили иккинчи йилнинг айланасини янгиларди. Шу зайлда у жорий йил билан ўтган ва келгуси йил кунлари обу-ҳавоси ўртасидаги муносабатни бузмай билиб борарди.

Артаик қишнинг совуқ ёки муътадил келишини кузда дарахтлардаги баргнинг уч ёки қуйи шохлардан тўкилишига қараб ҳам, яқин кун ва соатларда намоён бўлғуси обу-ҳавони у ёки бу турдаги қушларнинг ўзини қандай тутишига қараб ҳам айтаверарди.

Артаикнинг, айниқса, чинор ва ёнғоқ каби узок яшовчи дарахтларнинг арралашдан қолган тўнқалари юзидаги юмалоқ чизикларига қараб, дарахтнинг неча ёшга кирганини, ана ўша чизикларга қараб, яна, дарахт кесилмасдан аввалги ҳамма йилларда обу-ҳавонинг қандай бўлганини айтиб бера олиши кишиларни ҳайрат-да қолдирарди.

Сўзлаш гали Артаикка келганда, у мана бундай гапларни айтиш билан чегараланди:

– Музлардан ёруғлик нурларини ўтказувчи, синдирувчи ва

кайтарувчи ҳар хил қиёфаларни ҳосил қилавериш мумкин. Улар воситасида узоқни яқин қилиб, кичик нарсани катта қилиб ва ҳатто тўсиқлар орқасидаги нарсаларни ҳам кўрсатувчи қиёфалар вужудга келтириш мумкин. Менинг тажрибаларимда қувурнинг кимсондан тайёрлангани сал панд бериб турибди. У намақобда занглаб, тез ишдан чиқади. Агарда у олтиндан ясалса борми, узоқ вақт бузилмай ишлайверадиган музхонага эга бўлинади. Бу – биринчидан. Иккинчидан, мен узоқ яшовчи дарахтлар тўнқасидаги айланаларни кузатиб, шу нарсани пайқаганманки, обу-ҳавонинг айланишида ҳам маълум бир даврийлик бор. Бу даврийлик мўлжалимда 12 йилга тенг. Ибодатхона битгач, агарда, менга ушбу даргоҳда ишлаш насиб этса, ҳозиргача мен нимаики билан шуғулланиб келаётган бўлсам, бу ерда ҳам ўша ишлар билан шуғулланаман. Талабаларга махсус ертўлаларда иссиқ обу-ҳаво шароитларида ҳам ҳар хил қиёфалардаги музларни ясашни, обу-ҳавони олдиндан айтиб бериш билимларини ўргатаман. Ибодатхона атрофида ажойиб дархтзор бунёд этаман.

• • • 7 • • •

Артабоз отарбонлик<sup>9</sup> мансабига кўтарилгунга қадар чўпонлик билан шуғулланганди. У жонворлар оламини беш қўлдек биларди. Артабоз бир йил ичида айнан нечта кун бўлиши мумкинлиги ҳақидаги гурунгда, хусусан, мана шундай гапларни айтди:

– Сен, Аспабарак, ўз исмининг қандай маънони англатишини жуда яхши биласан. Бу – «от етакловчи» дегани. Халқимизда Гуштасп, Виштасп, Пурушасп каби исмлар жуда кўп. Сабаби, от – серхислат жонвор. Унинг одам исмида иштирок этиши исм эгасини улуғлайди. Ўтмишда шундай даврлар бўлганки, «йил» дейилганда, биянинг бўғозлик даври тушуниланган. Биянинг бўғозлик даври эса 330 кундан иборат. Вақтлар ўтиб, бу муддатнинг табиатдаги янгиланишлар даврийлигига мос эмаслиги пайқалган. Лекин, барибир, от одамлар орасида зўр хислатларга эга бўлмиш жонворлардан бири ҳисобланиб қолаверди.

---

<sup>9</sup> О т а р б о н – оташкада руҳонийси. Оташкада, яъни оловхона Хоразмдаги деярли ҳар бир шаҳар-қалъада мавжуд бўлиб, бу жойда зардуштийлик динидагилар оловга топинганлар. Отарбоннинг вазифаси оташкада мажмари (муғ мўриси, ўтдони) даги оловнинг йил бўйи бетўхтов ёниб туришини таъминлаш билан бирга зиёратчининг ниятини оловга «тушунтириш» дан иборат бўлган. Олов алангасининг худди шу пайтдаги «ўйини маъносини уқиб», у зиёратчининг мушкулини осон этувчи йўлни башорат этиб турган.

– Худди шудай ҳодиса сигирга нисбатан ҳам кечиб ўтган. Аёллар билан сигирлар бўғозлик даврининг 280 кунга тенглиги одамлар ўртасида қорамолнинг ўта улуғланишига сабаб бўлган. Дарёмизнинг Ўкуз (Хўкиз) деб аталиши ҳам айна шу ҳодиса билан боғлиқ.

– Энди, ўзимизга ўзимиз савол берайлик. Нима учун одамлар бир йил ичида айнан нечта кун борлигини баҳс этаверадилар? Жавоб шуки, улар ҳар бир катта миқдорда бошқа бир кичик миқдор каррасини кўрмоқчи бўладилар. Масалан, «Ойнинг 12 карра янгиланиши бир йилга тенг» деювчилар, бир йилни 354 кундан иборат дейдилар. Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан айтиб берувчилар учун бир йил 346 ярим туну-кунга тенг. Кўпчилик: «Ҳар бир ой 30 кундан ва бир йил 12 ойдан иборат, шунинг учун бир йил 360 кунга тенг», – дейди. Кимдир: «Бир йил нечтадир тўлик ҳафтадан иборат бўлиши шарт», деса, масалан, 52 ҳафтадан иборат йил 364 кунга тенг бўлади. Лекин бу сонларнинг бирортаси ҳам табиатдаги янгиланишлар даврийлигига мос эмас. Ҳалигинда Адрасман ва Дарғмон айтиб ўтганга ўхшаш усуллар билан ҳисобланган йил бировларда 365, бошқаларда 366 кундан иборат бўлиб чиқади.

– Кўриниб турибдики, йилни ташкил этиб турувчи кунлар сони ҳамма жойда ҳар хил. Вақти-соати келиб, йилнинг айнан нечта кундан иборат эканлигини аниқламай қўйишмас... Ҳозирча эса, мен йил кунларини ҳисоблашнинг яна бир йўлини таклиф этаман. Аввалдан айтиб қўяй, бу йўл ҳозиргина Артаик айтиб ўтган табиатдаги 12 йиллик обу-ҳаво айланиши даврийлиги сирини очишга ҳам, балки, асос бўлиб хизмат қилар.

– Сизларга маълумки, сайёралардан бири румийларда Юпитер, сомиёларда Муштарий деб юритилади. Биз эсак, яъни саклар ва сувирлар уни Эрандиз деб атаймиз. Румийлардаги «Юпитер» номининг келиб чиқиши ўша халқ олий худосининг номи билан боғлиқ. «Муштарий» сўзига келсак, уни «сотиб олувчи», «харидор» маъноларида таржима қилишади. Лекин мен бу сўзни қадимий шумерлар худосининг номи Иштхорга ёки кўпгина қўшни ўлкаларда ва ўзимизда ҳам муқаддас саналувчи жонвор «шутур», яъни «туя» га алоқадор деб ҳисоблайман. «Эрандиз» нинг «эргашишганлар» ва «диз» («кўрғон») сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлганлиги кўриниб турибди. Мен эсам, ушбу сўзда айнан қанақанги эргашишганлар ва айнан қанақанги кўрғонга ишора этилаётганини айтиб ўтаман.



– Айтишларига қараганда, Эрандиз сайёраси юлдузлар орасида маълум бир вақтда белгилаб қўйилган дастлабки жойига 4332 кунда қайтиб келади. Бу сонни 12 га тақсимласак, эрандизча йил кунларининг сони, яъни 361 ҳосил бўлади. Эрандиз сайёраси дам олдинга, дам орқага юриб бўлса-да, ҳар йили осмондаги қайсидир юлдуз ёки юлдузлар тўдасига яқин жойдан ўтиб боради.

– Ибодатхона битгач, менинг ушбу муқаддас даргоҳда ишлашимга тўғри келса, биринчи навбатда қиладиган ишим – Эрандиз сайёрасининг юлдузлар осмонидаги айланма ҳаракати кўрғонини, бу кўрғоннинг айнан қайси юлдуз ёки юлдузлар тўдаси орқали ўтишини аниқлашдан иборат бўлади. Ўша кўрғонни мен хаёлан 12 га тақсимлайман. Ҳар битта тақсимда жойлашган юлдуз ёки юлдузлар тўдаси номи муайян йилнинг номи бўлиб хизмат қиладди. Уларга қандай ном қўйишни мен олдинроқдан ўйлаб қўйганман: Сичқон, Сигир, Йўлбарс, Қуён, Балиқ, Илон, От, Қўй, Маймун, Товуқ, Ит, Чўчка. Ҳар бир кишининг туғилган йили ўша йилда Эрандиз босиб ўтаётган юлдуз ёки юлдуз туркуми номи билан белгилаб қўйилади. Ундан ёшини сўрашганда, «Менинг муғча йилим (мучалим) Фалон», – деб эргашишганлардан тегишлисининг номини айтади.


– Мен ибодатхона ҳузуридаги мактаб талабаларига одамлар ва жонворлардаги ҳар хил касалликларни гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар билан даволашни ўргатаман. Ибодатхона ихтиёрида кагта чорва уюштирилишига бош-қош бўламан. Муқаддас «Авесто» китобининг Хоразм нусхаси учун вароқ этиб ишлатилажак ва ҳалиги гапида Фарнак ошлаткизиб бермоқчи бўлган териларнинг эчкиларини ўзим етиштириб бераман.

...

Ёзаётган ҳикоямга сўнгги нуқтани қўяр эканман, ҳикоя этилаётган воқеалардан ўн йил – ўн беш йил ўтгач, жаҳонгир Искандар Зулқарнайн билан давлатлараро мулоқотларда изчил фаолият юргизган хоразмшоҳ Фарасман билан, мен учун жуда қадрдон бўлиб қолган муъбадлар Аспабарак, Адрасман, Фарнак, Дарғмон, Артаик ва Артабозлар билан ғойибона видолашаётгандек бўламан. С.П. Толстов дарғалик қилган Қўй қирилган қалъа археологиясига оид манбалардаги айрим жойларни яна бир қур хаёлимдан ўтказаман:

«Цилиндрик қиёфадаги бинонинг пастки қаватида кейингиси

олдингисининг давоми бўлиб кетувчи иккита катта толор (зал) мавжуд. Бу залларнинг икки ёнида учтадан, жами яна олтита хона жойлашган. Иккитадан зинапоя иккала толорни юқориги қават хоналари билан боғлаб турган. Талворлар ўзларининг жуда қалин



деворлари орасида энсиз тирқишларга – деразаларга эга бўлган. Бири иккинчисининг давоми бўлиб кетувчи толорларни иккига ажратиб турувчи кичик хонанинг деворларида ҳеч қандай тирқиш йўқ. Яъни бу хона ҳамيشа зулматликда бўлган. Кириш ва чиқиш учун ҳеч қандай йўлга эга бўлмаган ушбу хона тубида оғзи хона ичининг катталигича келувчи сувсиз чуқур қудуқ бўлган».

«Биринчи қаватда ғарб тарафдаги барча хоналарнинг кириш жойлари девор билан урилиб, тўсиб ташланган. Бу хоналарга ҳал-қасимон қаватлараро ёпманинг очик жойидаги зинапоялар орқали иккинчи қаватдан тушиб, кейин кирилган. Шарқий толорга олиб борувчи зинапоялар доимий фойдаланишда бўлган. Дарвоқе, зинапояларнинг зиналари кўп юрилганидан сезиларли даражада ейилган».

«Кўй қурилган қалъанинг археологик топилмалари орасида

кўплаб сопол лаппак синиқлари учрайди. Лаппак учта минтақага эга. Ташқи минтақада учбурчаклар чизилган, иккинчисида – тенг узоқликлардаги кесиклар, учинчисида бир-биридан бир хил узоқликда жойлашган бир-бирига ўхшаш эркак киши бош расмлари бор. Расми йўқ, лекин кесикларга эга бўлган бошқа лаппаклар, шунингдек, ичида лаппак бемалол айланиб юрувчи ҳалқасимон гардишлар топилган».

«Бино баҳорги тенгкунлик ва ёзги Қуёш туриши даври ўртасидаги вақтда Қуёш босиб ўтадиган йўлга жуда аниқ тарзда тўғрилаб жойлаштирилган. Ушбу маҳалда Қуёш йўли чизиғи жанубда жуда ёруғ тарзда кўринувчи Фомальгаут (Жанубий Балиқ) юлдузига қараш йўналиши чизиғи билан роса тўғри (90 даражалик) бурчак ҳосил қилиб туради».

«Қўй қирилган қалъадан топилган хумларнинг бирида «Аспабадак» ёзуви учрайди... Ушбу далил Қадимги Хоразм ёзувининг 22 та фонетик белгидан иборат арамей алифбосига мансуб бўлганлигини кўрсатади».

## МУСИЧА

*Бир иш мўлжаллаб юрилган кунларда, кўпинча, уни тезроқ ва сифатлироқ бажаришга кўмаклашадиган бир нечта ҳодиса кечиб ўтади. Зардушт тўғрисида чиройли бир ҳикоя ёзмоқчи бўлиб юрган кунларимда ҳам ана шундай ҳодисалар кечиб ўтди ...*

*... Ахборот-ресурс марказимизда биз ўқитаётган фанлар бўйича дарслик ва бошқа адабиётларнинг нақадар етарлилигини, уларнинг нақадар замонавийлигини ва талабларга нақадар жавоб бера олишлигини аниқлашга қаратилган текширув бораётган эди. Кўриб чиқиляётган адабиётларнинг минглаб номлардалиги, уларнинг ҳақиқатдан ҳам бор эканлигини асослаб берувчи бўлим бошлиқлари ва вакилларининг юз нафардан ортиқлиги, текширув аъзолари миқдорининг озлиги бўлимлар орасида каттакон навбатнинг шаклланишига олиб келиб қўйган эди.*

*Навбат келгунга қадар муассасамиз бўлимларидан бирининг яқинда тайинланган раҳбари сифатида мен ва бўлимимизнинг 4 – 5 нафар бошқа вакили йириккина ахборот-ресурс марказимизнинг витриналаридаги китобларга кўз югуртириб чиқаётган эдик. Витринадаги китоблардан бирининг муқовасида менинг хаёлимда, гўё, ҳаммага жуда таниш бўлган буюк бир шахснинг расми турарди. Ҳазиллашган бўлиб, бўлимимиз вакилларининг биридан ўша расмда ким тасвирланганини сўрадим. Вакил расмга тикилиб турдид-да: «Мен, ҳозир», – деб у ўз шерикларидан бирини чақирди. У кейинги шерикни, униси эса ундан кейингисини чақирди. Улар ҳар хил номларни айтишди. Мен «нотўғри» деган маънода бош чайқадим.*

*Хайтовур, бўлимимиз ўша кунги текширувдан «қониқарли» ўтди.*

*Лекин мен ўйланиб қолдим. Ахир, бўлимимиз вакиллари мен расмини кўрсатган буюк шахс исмини ўз дарсларида ўнлаб марта тилга оладилар, талабаларга унинг китоблари номларини санаб, у айнан қандай зояларни олга сурганлигини талабаларга айтиб берадилар. Наҳотки, ана шундай машҳур шахснинг расмини улар бирор марта ҳам кўрмаган бўлсалар?*

*Эртасига уларни хонамга чорлаб, улардан бирига хона жавонидаги қалин эски бир китобни олиб, мундарижасига қараб, ўша шахснинг каттакон таржимаи ҳоли ва унга қўшиб расми ҳам берилган вароқларни очишни айтдим. Менинг ўзим китобнинг ўша нусхасини тузукроқ вароқлаб кўрмаган эканман. Қарангки, аксига олиб, нусхадаги ҳалиги буюк шахснинг таржимаи ҳолига оид 14 – 15 саҳифадан иборат вароқлар кимдир томонидан шафқатсизларча юлиб олиниб, йўқотиб юборилган экан. Ноқулай аҳволда қолдим ва менинг шахсий кутубхонамда ҳам худди шундай китоб борлигини, эртага олиб келиб, уни ёш ҳамкасбларимга кўрсатаяжасимни ваъда қилдим.*

*Эртасига китобни олиб келдим. Вақт топиб, унинг керакли вароқларидан ксеронусхалар олиб, бўлимимиз кутубхонасидаги ўша китобнинг кечаги нусхасидаги юлиб олиниб, йўқотиб юборилган вароқлар ўрнини чи-*

ройли қилиб тўлдириб қўйдик. Шу ишларни бажариш асносида ўша шахснинг таржимаи ҳоли билан ҳам бафуржа танишиб чиқдик.

Бу буюк шахс унинг ўзи яшаган даврдан бошлаб, ундан кейинги даврларда ва ҳозирги кунларда ҳам ҳукм суриб турган, бирданига кўпчиликка босқичма-босқич ҳамма нарсани ўргатадиган таълим тизимига асос солган, машҳур «Буюк дидактика» номли йирик асар муаллифи, поляк педагоги Ян Амос Коменский эди.

Деярли ўша кунларда яна бир ҳодиса кечиб ўтди.

Бўлимимиз обуна бўлган ўнлаб газеталарнинг янги сонларини кўздан кечириб турган жойимда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган йирик бир мақола эътиборимни тортди. Унда мақола муаллифининг Қамар Омоннинг «Спитамен» романига муносабати ифода этилган эди. Мақолада мазкур асардаги айрим жойлар Ёвдод Илёсовнинг «Сўғдиёна» ва Спитамен тўғрисида Василий Ян ёзган «Огни на курганах» («Кўрғонлардаги оловлар») повестидаги тегишли жойлар билан қиёс этилган эди.

Бу асарлардан Ёвдод Илёсовнинг «Сўғдиёна» си ва Қамар Омоннинг «Спитамен» ини, шунга қўшимча қилиб яна айтишим мумкинки, М. Осим ва М. Қориевларнинг Спитамен ҳақидаги ажойиб асарларини ўз пайтида ўқиб чиққанман. Лекин Чингизхон, унинг ўғиллари ва набиралари ҳақидаги китоблари орқали менга яхши таниш бўлган В. Яннинг ҳам шу мазуда китоб ёзганидан беҳабар эканман. Тезда шу китобни топиб, уни ўқиб чиқиш кераклигини кўнглимга тугиб қўйдим.

Деярли ўша кунларда яна бир воқеа кечиб ўтди.

Сочимни тартибга келтиргизиш учун сартарошхонада навбатда ўтирган жойимда, миждозлар навбат кутаётиб зеркиб қолмасликлари учун стол устига ташлаб қўйилган газеталарни варақлай бошладим. Улардан бирида шу газетанинг кейинги сонидан мени қизиқтирган бир масалага оид мақола чоп этилажаги ҳақида хабар берилибди. Ишдан қайтишда катта йўлнинг нариги бетида жойлашган киоскдан ўша газетани олиб кетишни мақсад қилиб қўйдим.

Гоҳи-гоҳидагина кириб турадиганим киоскдан мени қизиқтирган газетани севиниб, олиб бўлганимдан сўнг пала-партиш ҳолда эски китоблар қалаштириб қўйилган киоск тоқчаси тарафга ўтдим. Йигирма чоғлиқ китоб орасида В. Яннинг 1959 йилда нашр этилган «Огни на курганах» китоби ҳам турганини кўриб жуда қувондим ва шу ондаёқ уни арзонгина нархда сотиб ҳам олдим.

Уйга келиб, шу китобни ўқишга тушдим. Кечроққа бориб, ўғлим қандай китоб ўқиётганим билан қизиқди. Яннинг китоблари мени қизиқтириб қолганини кўриб, эртасига ўртоқларининг шахсий кутубхонасидан мазкур ёзувчининг тўрт жилдлик асарлари тўпламини олиб келиб берди.

Сўнгги бир-икки кун мобайнида В. Яннинг ижоди билан яқиндан танишиб чиқдим. Унга меҳрим ошди. В. Яннинг таржимаи ҳолидан менга шу нарса маълум бўлдики, ўзига адабий тахаллус танлаш пайтида Василий отасидан маслаҳат сўраган экан. Василийнинг отаси Россияда Фарбий Оврупонинг илғор педагогик гояларини тарғиб этаётган нуфузли журналлар-

дан бирининг бош муҳаррири эди.

– Василий, биз Янчевецкийлармиз, – деган Василийнинг отаси. – Эътироз билдирмасанг, ўғлим, мен сенга Ян тахаллусини олишни таклиф этган бўлардим. Бундай тахаллусда, аввало, бизнинг ота-боболаримиз номи, қисман бўлса-да, сақланиб қолади. Қўяверса, Ян – жуда машҳур педагог – Коменскийнинг исми. Бу исм орқали сен шу буюк шахс руҳини шод этасан. Ўз навбатида, унинг руҳу-арвоҳи ҳам ижодиётнинг мураккаб йўлларини босиб ўтишингда сени ҳамиша қўллаб-қувватлаб юради.

Таклиф Василийга маъқул тушган эди.

В. Яннинг тарихий мавзулардаги асарларини ўқиб чиқишим мобайнида унинг «Голубая сойка Зартустры» номли ҳикояси менга жуда ёқиб қолди. Мен унинг мазмунида Зардушт тўғрисида ўзим ёзмоқчи бўлиб юрган чиройли ҳикоянинг айнан ўзини кўргандек бўлдим. Ўша ҳикояни ёзиш ўрнига мен В. Яннинг шу ҳикоясини ўзбек тилига таржима қилишни кўнглимга тугдим.

Рус тилида «сойка» деб юритилувчи қуш номи ўзбекча лугатларда «хўжасавдогар» деб берилган экан. Бундай ном русчадаги «голубая сойка» га эмас, балки «сойка саксаульная» га тўғри келар экан. Бу икки қуш битта турга кирса-да, уларнинг ўзаро ўхшаш томонлари жуда кам: биринчиси Оврўпо ўрмонларида, иккинчиси Осиё саҳроларида яшар экан.

Хуллас, уч-тўрт кун давомида лугатлар воситасида ва интернет орқали «сойка» га ўхшаш: «зимородок» (бу номни В. Ян ўз эсдаликларининг бир жойида «сойка» сўзига қўшиб ишлатган) – «кўк торғоқ», «жаворонок» – «тўрғай», «скворец» – «майна», «булбул, бо биё» деб жарангдор сайрайдиган, бизнинг қишлоқдагилар «залғам» деб, китобларда эса «заргалдоқ» – «иволга» деб номланадиган кўплаб қушларнинг тавсифлари ва расмлари билан, уларнинг сайраш оҳанглари билан танишиб чиқдим.

В. Ян ўз ҳикоясининг бир жойида «сойка» нинг «мусича» га ҳам ўхшаб кетадиган жойлари борлигини айтиб ўтган. Шунга ва мусича («муз чўжа») га халқимиз муносабатининг ўзгачалигига асосланиб, мен В. Яннинг «Голубая сойка Зартустры» ҳикояси номини ўзбек тилига «Мусича» деб таржима қилишни маъқул кўрдим ва қуйида ўқувчим ихтиёрига шу ҳикоя таржимасини тақдим этмоқдаман.

• • •

Буюк деб ном қозонган халқлар истилочиси Александр Македонский Эрон текисликлари ва тоғларини босиб ўтгач, шимолдаги гуллаган ўлка – Бақтрия пойтахти қадимий Бахтар (Бақтра) шахрига етиб келди. Унинг сатрапи тўзитиб юборилган қўшинининг афтодаҳол қолдиғи билан Мароқанд<sup>1</sup> томонга қараб қочган эди.

Бақтра шахрининг эскирган тош деворлари ҳарбий ишда таж-

---

<sup>1</sup> Бақтра – ҳозирги Балх; Бақтриёна – ҳозирги шимолий Афғонистон; Мароқанд – ҳозирги Самарқанд (ҳикоя муаллифи В. Ян изоҳлари).

рибали бўлган бегона юртлилар хужумига узоқ бардош бера олмади. Улар таранлар билан дарбозаларни синдирдилар, деворларни буздилар ва аҳолини қириб, уларнинг хонадонларини тунаб, бир неча кун кутургандан кутурдилар.

Бадавлат, сераҳоли шаҳар айниқса ўзининг қадимий ибодатхоналари билан донг таратган эди. Уларда қадим-қадим замонлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётган билимларни ёшларга ўргатувчи жуда кўп қоҳинлар ҳаёт кечиришарди. Алоҳида нодир билимлар ҳам мавжуд эди: улардан сирли ҳолда фақат «синалган» ва «ишончли» деб топилган ҳолда танланган толибларгина хабардор этиларди. Ибодатхоналарда кутубхоналар фаолият юритарди. Уларда толибларнинг осон эслаб қолишлари учун вазнга солинган кўшиқлар шаклида пергамент ўрамаларига ёзилган қадимий ўғитлар сақланарди.

Вужудидан навқиронлик ва кўркамлик бурқсиб турган Александр ўзининг олов янглиғ қорабайирида ялтироқ совутларга бурканган сарбозлар отряди қуршовида Бахтарнинг тор ва эгри-бугри кўчалари бўйлаб илгарилаб борарди. Унинг ёши асрлар билан ўлчанувчи чинор ва қайрағочзорлар ўртасига жойлашган машҳур оташпарастлар ибодатхонасини кўргиси келди. Юзлаб ёшлардаги бу баҳодирларнинг салқин соясида қамишдан тўқилган бўйраларда ибодатхонанинг донишманд қоҳинлари ўтиришарди ва улар атрофларида тўпланган толиблар ва тасодифий зиёратчиларга нурафшон Хурмузд томонидан осмон ва ернинг яратилиши ҳақида, бешафқат қонли урушлар туфайли қирилиб кетган халқлар ҳаёти ҳақида ўтган даврлардан қолган афсоналарни ҳикоя этишарди.

Ўзларини одамзотнинг ҳаёти ва ўлими сирларини ўрганишга бағишлаган айрим толибларга Бактрия донишмандлари одам ва ҳайвонлар тана аъзоларининг тузилиши ва ишлаши ҳақида гапириб берардилар. Худди шу донишмандлар турли-туман касалликларнинг келиб чиқиши сабабларини тушунтирардилар ва уларни даволаш усулларини ўргатардилар.

Ибодатхонанинг мўътабар дарахтзорига киргач, Александр устига қоплон териси ёпилган ва кўзларидан ўт чакнаб турувчи отидан енгилгина сакраб тушди. Сочлари кўзичоқ юнгларидек жингалак девқомат икки ҳабаш олтидан ясалган тақинчоқ ва занжирлар билан безатилган бетоқат отни маҳкам ушладилар ва беҳаркат хайкал янглиғ ўз ўринларида қотдилар.

Навқирон ва кўркам, мағлуб Форс мамлақати ҳукмдори ипда танғилган қип-қизил бошмоқли увишган оёқларини ўзининг ба-

қувват яланг қўллари билан уқалаб қўйди ва сарғиш япроқлар билан тўшалган йўлак бўйлаб одимлаб кетди. Олтин суви югуртирилиб ялтиратилган совутда ва қулоқларни яшириб туриш учун олтиндан ясалган қўчқор шохи маҳкамланган кумуш дубулғада қуюқ барглар орасидан йўл топиб тушган қуёш нурлари ярқираб товланарди. Чармдан тайёрланган миёнбандда зарҳал қиндаги сербар қилич осиглиқ турарди.

Александр қошларини яқинлаштириб, бадгумон синчков нигоҳ билан атрофга назар югуртирди. Дарахтзор бўм-бўшдек эди. Ғалаба соҳибига пешвоз чиқиб, уни ҳеч ким кутиб олмади.

Александрнинг чап ёнида сал орқароқда Троя уруши қаҳрамони Ахиллес учун Прокл<sup>2</sup> қанчалик сеvimли бўлган бўлса, худди шу қадар сеvimли дўсти ва тенгқури, унинг жанговар юришларида садоқатли йўлдоши Гефестион борарди. Ўзи каби навқирон ва кўркам, хушқомат ва гуллаб-яшнаб турган Гефестион қўлида шохнинг тиғи обдон ялтирагунга қадар чархланган калта қизил найзасини ушлаб борарди. Ҳамиша сергак холда у қудратли дўстининг юз ифодасини кузатиб борарди ва юпатиш йўли билан чап елкасининг силтинишидан бошланувчи ногаҳоний ғазаб тутқаноғининг олдини олишга эришар эди. Ўша тонгда у Александрнинг елкаси бир неча бор силкинганини ва бошининг орқага сапчиб-сапчиб қўйганини пайқади. Бундай дақиқаларда жиловланмас македонияликнинг кўзига рўпара келган кимсаларнинг қисматларидан қаттиқ хавотирга тушиш керак бўларди.

Орқадан жангчиларнинг бир хилдаги оғир одимлари ва қуролларнинг жаранг-журунги эшитиларди.

Олд тарафда дарахтларнинг таналари орасидан оппоқ ибодатхона қиёфаси кўзга ташланмоқда эди. Марказдаги баланд бинодан икки тарафга қараб томига жуда яқин қилиб равон ва текис жойлаштирилган кўплаб юмалоқ кичик деразачаларга эга бўлган иккита қанот чўзилиб кетарди. Одатда уларда тун маҳалларида юлдуз ва сайёралар ҳаракатини кузатадиган ва шулар асосида киши тақдирини олдиндан айтиб берадиган коҳинлар тўпланишарди.

Ибодатхонанинг ўртасини юзта устуннинг бирини иккинчиси билан улаб турувчи пештоқлар устига ўрнатилган, юқори қисми

---

<sup>2</sup> Бу ерда мил.авв. XIII асрнинг 2-ярми бошларида Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбида жойлашган Троя шаҳрига қарши қилинган урушнинг юнонлар тарафдаги қаҳрамонлари эсланмоқда. Шу ва шуларга ўхшаш кўплаб сарқарда ва жангчиларнинг қаҳрамонликлари Гомернинг «Илиада» достонида зўр завқ билан тараннум этилган. – (Тарж.).



суфа билан туговчи зинапоялардан ҳосил бўлган эҳромдан иборат ғаройиб бир иншоот банд этиб турарди. Унда каттакон оташкадада кечаси-ю, кундузи ўчмайдиган муқаддас олов алангаланиб турарди.

Бахтарга душман кириб келган ана шундай кўрқинчли кунлар бўлишига қарамай, коҳинлар ибодатхонани тарк этишмаганди ва ҳар доимдагидек, кўкимтир тутуннинг эгри-бугри оқими феруза рангли тип-тиниқ осмон сари кўтарилишда давом этарди.

Александр осойишта ва ишончли одимар билан яқинлашиб келаркан, ибодатхона зиналарида турган коҳинлар ва уларнинг шогирдлари сафига кўзи тушди. Уларнинг бари яқинлашиб келаётган ёвдан ҳимояланаётгандек кафтлари очиқ кўлларини бошларидан юқорироқда кўтариб турган ҳолда чўзиқ ва мунгли бир дуони кўшиқ қилиб куйламоқда эдилар.

Одатдагидек бўлмаган қурол-яроғлари билан порлаб турган келгиндиларни кўриб, улар кўшиқ куйлашни тўхтатдилар ва тиз чўкиб, бошларини ерга ҳам қилдилар.

Александр бир неча қадам нарида тўхтади:

– Тилмоч! – деди у узук-юлуқ тарзда.

Эроннинг кўплаб халқлари тилини биладиган, авваллари савдогарлик билан шуғулланган эфеслик қари савдогар яқин келди. У билан бирга буюк олим Аристотелнинг жияни – афиналик ёш файласуф Каллисфен ҳам келди. У Александр олдида ўзини жуда эркин тутарди, болалик даврларини бирга ўтказган ўртоғи сифатида содда муомалада бўларди:

– Мана, ўзининг кўп асрлик донолиги ва билими билан Шарқ янги эллин тафаккури олиб келган ирода, қудрат ва келажакнинг оламшумул улғворлиги даҳоси қаршисида тиз чўқди.

Гефестион кўшимча қилди:

– Феб ва Арей<sup>3</sup> Хурмузд ва Ахримандан зўрроқ чиқишди.

Александр ишшайиб кўйди ва елкаси орқали тилмочга деди:

– Сўрагин-чи, уларнинг бош коҳини ким экан? У менинг олдимга келсин. Бошқаларга ибодатхонани тарк этишни буюргин, улар шу ердаги чинорзорда ўз тақдирларининг ҳал этилишини кутсинлар.

Тилмоч кўрқув таъсирида қотиб турган коҳинларга яқинлашди. Улар қадларини ростладилар. Битгаси олдинга чиқди.

---

<sup>3</sup> Ф е б – қадимги юнон мифологиясида Қуёш нури илоҳи Аполлоннинг иккинчи номи; А р е й ( А р е с ) – қадимги юнон мифологиясида уруш илоҳи. Қадимги Рим мифларида – Марс. – (Тарж.).

Унинг оппоқ сочли бошини оқ кўй терисидан учлик қилиб тикилган узун қалпоқ беркитиб турарди. У устки учи олтиндан илмоққа ўхшатиб ясалган ҳассага таяниб турарди. Қолган барча қоҳинлар жуфт-жуфт бўлиб яна ўша мунгли кўшиқни паст овозда хониш қилган ҳолда аста чинорзор қаърига равона бўлдилар.

Бош қоҳин – муъбад қарияларга хос равишда секин-секин оёқ судраб Александрга яқинлашди. Унинг хиралашган кўзларидан йирик-йирик ёш оқар ва узун оппоқ соқолларида тўхтарди. Ҳасса ушлаган курукшаган, сертугун, путурдан кетган кўллари тинмай титрарди.

– Бу ибодатхона анчадан бери мавжудми? – деб сўради македониялик.

– Кўп асрлардан бери. Бизнинг буюк устозимиз, донишмандлар донишманди, беозор ва ҳамма нарсани билгувчи Зардушт куёш нурлари остида яшаб юрган даврлардан бери.

– У жуда кўп китоб ёзганми?

– Жуда кўп. Ундан ҳам кўпроғини унинг ўғитларини тингланган ўқувчилари ёзган.

– У ўз ватани тақдирини башорат қилганмиди?

– Ҳа. У ўз ватанининг ўтмиши, ўзига замондош бўлган ҳаёти, уни келажакда кутаётган алам ва қувончлар тўғрисида кўп марта гапирган. У ҳамма нарсани билган ва олдиндан кўра олган.

– У ағдариб ташланган шоҳ Доронинг ушбу давлатига менинг келишимни ва уни забт этишимни ҳам башорат қилганмиди?

– У буни ҳам гапирган эди.

Александр Гефестион билан кўз уриштириб олди.

– Айт-чи, мен ҳақимда у нималар деганди?

Қария ғамгин бош чайқади ва кўзларидан яна ёш тома бошлади.

– Агарда сен буюрсанг, мен айта қоламан. Лекин бу сенга алам ва ғазаб, менга эса ўлим келтиради.

– Гапиравер, кўркма!

– Ҳамма нарсани билгувчи Зардушт шундай деганди, – қария муқаддас китобларни ўқийвериш одатланиб қолган оҳангида куйлай бошлади, тилмоч унинг сўзларини ўрнида таржима қилиб турди:

*«...Тундан ҳам қўрқинчли кунлар келади,  
Ёшлар оқавериб, халқ, кўз нури сўнар.  
Ёв қўлидаги қилич қонунлик қилар.  
У Аҳриман кўзи билан келган бўлади.*

*Золим ёв қоп-қора отда юради,  
Болалар ва аёллар ўтда ёнади,  
Сен-чи, Эронзаминда ёлғиз борасан,  
Атроф култепа, вайрона ва қон бўлади...»*

Александрнинг елкаси силтинаётгани пайқаб, Гефестион зудлик билан кекса коҳин олдига келди ва қўли билан унинг оғзини беркитди. У Александрга мурожаат қилди:

– Балким, сен оташпрастларнинг ушбу ибодатхонасини кўришни истарсан?

– Ҳа. Мана бу аҳмоқ чол менга мангу олов оташкадасини ва Зардушт оромгоҳини кўрсатсин.

Тилмоч ва Каллисфен кўмаклашиш мақсадида қариянинг қўлтиғидан ушлаганча олдга юрдилар. Александр ва Гефестион улар орқасидан эргашган ҳолда тошдан йўниб ясалган ва емирилган зина бўйлаб кўтарила бориб, ибодатхона томи устидаги суфага етиб келдилар.

Мармардан ясалган оташкадада олов ёнарди. Қўрқувдан қалтираётган икки отарбон меҳробдан чиқиб, майда қилиб қирқилган қора арча шохларини ва серелим илдизларни ёниб турган оловга ташлай бошладилар.

Ибодатхонанинг тоmidан шаҳарнинг эгри-бугри, чалкаш кўча ва йўлаклари бўйлаб рўзғор буюмларини орқалаб олган одамлар подасини ҳайдаб бораётган қуролли чавандозлар, қоп-қора тутун ичида ясси томли бесаноқ уйларнинг ловуллаб ёнаётгани, уларда қўлларини кўкка кўтарганча қаттиқ нола қилаётган умидсиз одамларнинг увурсираши кўзга аниқ ташланиб турарди.

Александр пинак бузмай савол берди:

– Оташкададаги муқаддас олов ўчирилса нима бўлади?

Кекса муъбад жавоб берди:

– У ҳолда ҳақоратланган худо Хурмузднинг ғазабига учраб, одамлар қаттиқ азобда қоладилар. Бундай ҳолга бир марта дуч келганмиз. Бир куни биз бепарво қолибмиз. Даҳшатли бўрон оташкададаги чўғ ва ўтинларни ҳар ёққа тўзитиб юборибди. Биз гуноҳимиздан ўтишини сўраб, қаттиқ ибодат қилдик, Барчани кечирувчи худонинг раҳмдиллиги бизга кўмакка келди. Ҳамма ёқни кўрқинчли момоқалдиروق гулдуриси чулғади, чақмоқ улкан бир сада дарахтини тилимлаб ташлаб, уни машъал сингари ёндириб берди. Биз самовий ғазабнинг шу муқаддас оловини сақлаб қоллодик ва ўшандан бери у яна кечаси-ю кундузи тинимсиз ёниб келмоқда... Уни ўчириш ва бизни ҳалок этиш учун, энди сен кел-

динг...

Александр тескари қараб, Гефестионга шимол тарафда чўзилиб турган, усти қор билан қопланган тоғ тизмаларини кўрсатди:

– Мен ўз кўшинларимни ўша тарафга йўналтираман. У ерда мен ўз подшоҳи Дорога маккорона қилич суққан разил Бессни кўлга оламан. Уни мен шафқатсиз жазолайман. Ундан кейин мен менга қадар ҳеч кимнинг оёғи тегмаган Сўнгги денгизга етиш учун, кунчиқар томонга юриш қиламан.

Кутилмаганда Александр унинг орқасидан унчалик катта бўлмаган, чармдан ясалиб, нақш билан безатилган қалқон кўтариб келаётган ўсмир-яловбардорга юзланди:

– Ўтин ва чўғларни ҳар томонга итқитиб ташла. Ҳозирок, шубҳали бу оловни ўчир!

Александр кекса коҳинга юзланиб, давом этди:

– Сен мени Аҳриманнинг ўғли, «золим» деб айтдинг. Мен эсам Бахтарда шунчалик кўп олов ёқдимки, ёлғончи коҳинларга оташкаданинг муқаддас оловини қайтадан ёқиб қўйиш ҳеч қандай масала бўлмай қолди. Олдинга юр, қария, менга Зардушт оромгоҳини кўрсат.

Бир вақтлар тақводор Зардушт истиқомат қилган хона шифти тагида деразача жойлашган тор ва узун хужрани эслатарди.

– Ушбу деразадан ҳамиша «Осмон қозиғи» юлдузи кўриниб туради. Ҳавоси очик тунларда устоз шу юлдузга тикилиб ўтиришни ва ундан маслаҳатлар сўрашни ёқтирарди.

Хужра бурчагида фақат жуда эскирган бир гиламча ёзиғлик турган бўлиб, унда эса лойдан ясалган шамдон ва коса, ёғоч қошиқ, бронзадан ясалган сиёҳдон ва учи чиқарилган, ҳар жой-ҳар жойига сиёҳ теккан бир нечта қамиш қалам ётарди. Хужранинг ҳамма жойида қушларнинг оппоқ ахлати уюлиб ётарди. Ёғоч қозикда худди шунга ўхшаш оппоқ ахлат юқи теккан, ранги ўнгган эски кийим осиглик турарди.

Ногаҳонда майин ку-қулаш эшитилди.

– Тўхтанглар ва қимирламанганлар! – деб шивирлади кекса муъбад. – Ҳозир сизлар бизнинг устозимиз Зардушт садосини тинглайсизлар.

Ҳамма тек туриб қолди.

Дераза ёруғида бир қушча кўринди. У қиё боқиб, хавотирликда ичкарига кўз югуртирди. Кекса муъбад хуштак чалди ва қушча унинг елкасига учиб ўтиб, унинг узун оппоқ сочларини тумшуғи билан силлиқлай бошлади. Қушчанинг бели атрофи кўнғир ранг-

да бўлиб, патларининг расми балиқ териси тангачаларини эслатарди, қорни кулранг-пушти, думи энли оқ чизик билан ўралган қора рангда эди. Бўйнида оқ ва қора доғлардан иборат тарғиллик жойлашган эди <sup>4</sup>. У пир этиб учиб, юқорига кўтарилди ва бу гал Каллисфеннинг бошига қўнди. Қўлга ўргатилган жажжи меҳмонни чўчитиб юбормаслик учун ҳамма ҳаракатсиз тек турарди.

– Гапир, миттивой! Бизга ниманидир айт! – деди секин кекса қоҳин ва яна енгилгина ҳуштак чалиб қўйди.

Қушча бирдан сергакланди. Деразада худди унга ўхшаш иккинчи қушча кўринди ва ку-кулаб чиройли янгроқ куй хониш қил-ди. Каллисфеннинг бошига кўниб турган қушча айнан шу куйни такрорлади ва сўнг иккаласи дераза томон учиб кетди.

– Зардуштнинг садоси қани? – сўради Каллисфен.

Чол жавоб берди:

– Наҳотки сизлар бу кўркам қушчанинг нима деб чуғурлаганини эшитмаган бўлсангиз? У Зардуштнинг ўғитларидан бирини куйлади. Кунларнинг бирида у ўз шогирдларига шундай деганди:

– Оғир кунлар келади, Аҳриманнинг ўғли менинг барча кўрсатмаларим, барча ҳикоятларим ва барча дуоларим ёзилган китобларни ёқишга буюради. Ернинг афту-ангори ўзгаради. Янги халқлар келади. Лекин менинг қалбимга нурафшон Ҳурмузд жо этган фикрлар абадий қолмоғи керак. Мен уларни бир нечта асосий ўғитларга жамлайман. Мен бу ўғитларни серхислат қушча, тинглаганини ўз тилида такрорлаб бера оладиган мусичага куйлаб бераман. Аҳриман унга тегишга журъат этолмайди...

Шундан сўнг Зардушт умрининг охиригача ўрмонларда юриб, мусичаларни қўлга ўргатди ва уларни елкасига қўндириб, ўз хужрасига бошлаб келди. Шу тарзда жуда кўп қуш унинг хузурида бўлди. Уларнинг ҳар бирига у ўзининг биттадан нақлини ёд олгизди. Барча мусичалар уларни ёд олдилар ва ўз жўжаларига ёд олгиздилар... Шунинг учун биз, муқаддас олов атравонлари Зардуштнинг муқаддас ўғитларини одамларга эслатиб турувчи ушбу мусичаларни авайлаймиз ва парвариш қиламиз.

---

<sup>4</sup> Ўша қушча тавсифининг кўпроқ мусичага тўғри келиши кераклигини ҳисобга олиб, мен ушбу абзац таржимасида бироз ўзгариш ясадим. Мазкур абзац В. Ян ҳикоясида қуйидагидек мазмунда берилган: «В просвете окна показалась птичка, похожая на горлинку, но с большим длинным клювом. Она посмотрела косым, недоверчивым взглядом. Старый жрец посвистал, и птичка перелетела к нему на плечо и стала осторожно перебирать клювом его длинные седые волосы. У неё были яркие, бирюзовые крылышки и синее кольцо вокруг блестящего глаза. На голове, то поднимался, то опускался коричневый хохолок».

– Сен мусичалардан эшитган нақлларингдан биронтасини ай-тиб бера оласанми? – деб сўради Каллисфен.

– Ҳа, мен улардан айримларини эслайман: «Кўрган ҳар бир одамингга меҳр кўрсатишга шошилгин, балки, уни бошқа кўрмасан».

– Яна?

– «Ҳар бир инсонда пайқалмаган илоҳ мудраб ётган бўлади. Уни уйғот».

– Бу ерга учиб келган мусича нималар деди?

– У айтдики... – кекса муъбад қўллари билан бошини чангаллади. – Йўқ мен у сўзларни такрорлай олмайман!

– Гапир! – қистовга олди Александр. – Мен сенга тегмайман...

– У шундай деб куйлади: «Бу одамлар нақадар ёвуз ва аёвсиз-а!»

Ғазаби ошиб-тошган Александр, жуда тез гапирарди, унинг бўзарган лаблари кўпик билан қопланди. Сал очроқ рангдаги кўзи пешанасига қадар орқага кетди:

– Бу атравонлар-оташпарастлар – халқ алдовчилари! Бу дунёда биргина ҳақиқат бор, уни одамларга қиличимнинг ўткир учи нақл қилади. Қолганининг бари – алахсираш. Зардуштнинг одамларни чалғитувчи ўғитларини ҳам ёндириш керак. Сен, Гефестион назоратингга оласан, ушбу ибодатхона обдон вайрон этилиши керак, барча қоҳинлар китоблари билан бирга уларнинг муқаддас оташкадасида ёқиб юборилиши керак...

– Ўтироз билдиришга руҳсат эт! – Сўзга аралашди Каллисфен. – Тўғриланмас хатога йўл қўйма! Бу қоҳинлар бир вақтнинг ўзида моҳир дорусоз ҳамдирлар. Уларда ҳар хил касалликларни даволаш усуллари кўрсатилган бебаҳо китоблар ҳам жам этилган. Ўша китобларни Афинадаги Аристотелга юборишга фармон бер.

– Шундай бўла қолсин. Буни назорат қилишни ҳам сенга топшираман, Гефестион. Қарияга мен ҳаёт тухфа этаман, лекин унинг ёлғонни кўп сўзловчи тилини кесиб ташлашни буюраман. Мусичаларнинг кўшиғини тинглаб, Форс вайроналари аро санғиб юраверсин.

...

Бир сўзли шафқатсиз босқинчининг фармони бажо келтирилди.

Бир неч кун мобайнида унинг жангчилари бутун шаҳар бўйлаб оташпараст-зардуштийларнинг муқаддас китобларини излаган бўлиб, қутургандан қутуришди, қоҳинларни тутқун қилишди, қўшиқлар айтиб ва ҳуштаклар чалиб, китоблари билан бирга уларни ўтларда ёндиришди. Увурсираб шаҳарда қолиб кетган одамлар мана шунча шаккокликдан сўнг Александр бошига буюк илоҳ Хурмузднинг қаҳру-ғазаби ёғилади деб кутардилар. Аммо бундай муъжиза рўй бермади. У ўз қўшинларини шимол томонга, Мароқанд шаҳри ва ундан ҳам нари эркин скифлар салтанати томонга суриб кетди.

Бир вақтлар сераҳоли, бой ва бахтиёр Бахтар шаҳридан фақат улкан бир хароба қолди. Тоғлар орасидаги водий тошдан барпо этилган бинолар ва бир вақтлар салобат билан қад кўтариб турган ибодатхоналарнинг ўт-ўлан униб чиққан синиқ бўлдаклари ўлик осойишталикда мудраб ётарди.

Қолган-қутган аҳоли боши оққан томонга йўл олиб тўзиб кетди, биноларнинг синиқ тош бўлдаклари орасида ҳосил бўлган кавакларни бойқушлар ва чаптаст калтакесаклар ўзларига ошён қилиб олишди, кўрқоқ чия бўрилар тун бўйи нафратли оҳангда во-вуллашар ва увлашарди.

Айтишларига қараганда, учраган йўловчиларга Зардуштнинг: «Қуёшни ва болаларни севинг, аёлларни тараннум айланг ва қарияларни авайланг!» – деган нақлини такрор ва такрор куйлаб бериб юрувчи мусичани елкасига кўндириб олган кекса қоҳин Эроннинг чангли йўллари бўйлаб кўп йиллар мобайнида кезиб юрган.

Ёнғиндан ва беодамзодлик ҳукмронлигидан кўрққан Бахтарнинг эрк севар мусичалари бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетишди ва ҳозирга қадар улар бизга тушунарли бўлмаган бир тилда барча халқларнинг буюк устози айтган нақлларни такрорлашда давом этиб юришибди.

## ШИША КЎЗ

(Ё. Илёсовдан)<sup>1</sup>

• • • 1 • • •

Ҳар доимдагидек Умар эрта уйғонди. Ҳар доимдагидек қоронғироқ эди ва Умар шам ёқди. Лекин тонг қоронғилигича қолди. Кўкни булут қопладимикин? У деразага қаради – йўқ, осмон тип-тиниқ.

Нега энди бунчалик қоронғи? Кечқурундан қолган шам кучалаларининг ҳаммасини ёқиб қўйишга тўғри келди. Бош ғувуллайди, кўз ачишмоқда. Мусалласнинг «фойдасига» яна бир дастак. Майли. Ўтиб кетади. Бунақалари бизда бўлиб-бўлиб турган...

Шундай қилиб, «Ғам-алам китоби»... (...).

«Рудакий ҳақида ҳикоя». (...).

«Сомонийлар саройида Рудакий<sup>2</sup> қирқ йил истеъдодли шеърнависларга раҳнамолик қилди ва «Шоирлар Одам атоси» деган шарафли ном эгаси бўлди». (...).

Кўзлари ёшланарди. Умар уни тинмай рўмол билан артарди. Нима бало? Кимдир кўриб қолса – йиғлаяпти, деб ўйлайди-ку. Э, ким ҳам кўрарди?

«(Рудакийнинг Бухоро амири Наср ибн Аҳмад ва унинг аъёнлари билан Хиротга сайр қилгани боришгани... Сайру саёҳатда оз эмас, тўрт йилга қолиб кетишгани... Қўшин бошлиқларининг Рудакийга беш минг динор бериб, ундан подшоҳни Бухорога, болачақа олдига қайтишга кўндириб беришни сўрашгани... Рудакий-

---

<sup>1</sup> «У (Ёвдат Илёсов) Хайём тўғрисида трилогия ёзмоқчи эди ва («Илон овровчи» дан сўнг) «Сукунат минораси» («Дахма») деб номланган иккинчи қиссани ёзишга киришди. Лекин, афсус у тугатилмасдан қолди. Ижодий қуввати айни гуллаб-яшнаётган бир маҳалда ўлим ёзувчи ҳаёти риштасини узди». (Ё. Илёсовнинг «Заклинатель змей»; «Башня молчания» /Г.: Изд.-во лит. и искусства, 1986. – 496 с./ китобига Ш. Шомухамедов ёзган сўнгги сўздан). «Дахма» нинг ҳар жой-ҳар жойидан ажратиб олиниб қилинган ушбу таржимага шиша кўз ясаш билан боғлиқ ҳолда зардушгийликка оид мустақил бир очерк тусини беришга ҳаракат қилдик; очеркнинг номини ҳам, лавҳаларнинг тартиб рақамларини ҳам ўзимиз қўйдик. – (Тарж.).

<sup>2</sup> Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (860 – 941) – Тожикистоннинг Панжикент тумани ҳудудидаги Панжрудак қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этган. 914 – 943 йилларда Бухоро (Сомонийлар давлати) подшоҳи Наср II ибн Аҳмад саройида санъаткорларга бошчилик қилган. Форс-тожик классик поэзияси асосчиси. – (Тарж.).



нинг бир шеър тўқиб, Наср ибн Аҳмадни зудлик билан Бухорога отланишига эришгани)»...

Шамоллаган кўзларнинг ачиши чидаб бўлмас даражада авжигача чиқди. У қаламни бир четга суриб қўйди, кўзларини совуқ сув билан ювди. Енгиллагандек бўлди.

Шундан сўнг...

«Қўшиндагилар Рудакийга беш мингмас, балки ўн минг динор беришди. Ўз аъёнлари билан амир Бухорога қайтаётганида, Рудакийга тегишли тугунлар тўрт юз туяга юк бўлди». (...).

...Йўқ, кўзларига бир нарса бўлган. Шуниси етмай турувди! Шусиз ҳам ёзишга қийналарди: Юлдузлар ибодатхонаси қурилишида йиқилиб, елкаси зирқираб оғрийдиган бўлиб қолганди – зеро ҳамма ишга аралашиб, кўп ишни ўзи бажарар эди, – курсига ўтиришинг ва сал энгашишинг билан танада оғриқ пайдо бўлади, кўл увушади, худди йўқдек туюлади. Афтидан, шол бўлиб қолади. Қўл ишга ярамай қолса, – чап кўл билан ҳам ёзишни ўрганиб олса бўлаверади, лекин худо кўрсатмасин, кўр бўлиб қолсанг, ҳеч нарса ёзолмайсан. (...).

«Рудакийнинг бошига мусибат тушди. Тунларнинг бирида келиб, унинг кўлларини орқасига қайришди, жаллод оқаргунга қадар қиздирилган темир найзани кўзларига тикиб, уларни қовжиратди. Бору-будидан маҳрум этилган Рудакий ўз қишлоғига қайтиб, бир йил ичида қашшоқ ҳолда оламдан ўтди».

Саҳифанинг деярли охирига қадар тиғиз қилиб ёзилган матн марказида бир доғ кўзга ташланмоқда эди. Умар бошини у ёқ, бу ёққа қимирлатди. Доғ йўқолмади, у борган сари катталашиб борди ва охири жами вароқ сидирға хира тусга эга бўлиб қолди. Умар кўрмаётган эди! Ана сенга – бадбахтлик! Бугунги кунга қадар унинг ҳаётида нимаики кечиб ўтган бўлса, ҳаммаси беҳуда нарса, ғашгагина тегадиган майда-чуйдадек бўлиб кўринди...

«Мен чарчадим, – деди ўзига-ўзи у, ўрнидан турар экан. – Кўзларим толиқди. Оз-моз юриб кўрайин, дарахтларнинг зангорлигига, ариқдаги сувга тикилиб қарайин».

У уйи олдидаги торгина айвонга чиқиб, чинор пўстлоғидаги барча эгри-бугри ажинликларни, шохлардаги баргларнинг ҳар бирини томир-томиригача аниқ кўрди. Устун ёнида тушиб ётган қуриб, бужмайиб қолган япроқни олди, – чизикларсиз, ғижимликларсиз ва бошқа тафсилотларга эга бўлмаган кўнғирваш доғлик.

Узоқнигина аниқ кўришлик! Иш чатоқ...

Кўчма маънода – у бир умр шу дард азобини тортиб келмоқда: юксакликни аниқ кўради, йирикликни барча шоҳу бутоғи-ю, безоғи билан – ва кўз олдидаги майда-чуйдани эса пайқамайди. Энди бу дард уни тўғридан-тўғри маънода енгиб олганди. Ботиний, фалсафий кўрув учун узоқни аниқ кўриш, балки, бир неъматдир, – лекин кўлдаги қалам ва топ-тоза вароқ учун у айни фалокат.

Энг яхшиси – узоқдаги-ю, яқиндаги ҳамма нарсани аниқ кўраверишлик. Айтайлик, нурафшон йироқликни аниқ кўриб турган ҳолда биринчи дуч келган устунга пешанани уриб олганнинг нимаси яхши? Узоқни аниқ кўриб, яқинни аниқ кўрмаслик, яқинни аниқ кўриб, узоқни аниқ кўрмаслик тўғри маънода ҳам ва кўчма маънода ҳам, бу – бир дард...

«Кўча кезиб келаман». Ва асаби бузилганча, кўча эшикни ҳам маҳкамламай, кўлига йўғон бир калтакни олиб, ўзининг янги ғами юки остида эзилганча қайсидир томонга юриб кетди. (...).

Унинг калласида ёзиб қоғозга тушира олмаган жумлалар жангларда давом этарди.

(«Ўша даврларда Бухорода қарматийлар<sup>3</sup> ҳаракатининг авж олгани; Рудакий ва Наср ибн Аҳмаднинг шу ҳаракат тарафдорлари бўлганликлари; Наср ўғли Нух ва сарой амалдорларидан кўпчилигининг бу ҳаракатга тиш-тирноғи билан қарши бўлишгани; Насрнинг ўз ўғли томонидан занжирбанд ва зиндонбанд этилиши... Ана шундай ҳолатлар туфайли Рудакий ҳаётининг фожиали тусда якун топганди») ... (...).

...Кунлардан бир куни мустабидлар Розийга<sup>4</sup> ҳамла қилишди ва уни ваҳшийларча калтаклашди. Шундан сўнг ижоди айни гуллаб яшнаб турган бир маҳалда у кўриш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолди. Ярамаслар, билишади қаерга уришни. Фикр юрита олмай қолиши учун – бошига, ўқий олмай ва ёза олмай қолиши учун – кўзига...

---

<sup>3</sup> Қарматийлар – IX аср охири ва XII аср бошларида мусулмонлик давлатларида ҳукм сурган исмоилийлар фирқаси шаҳобчаларидан бири. Улар ер жамоаники бўлишини, куллар истисно ҳолда умумий тенглик ғояларини тарғиб қилишган ва шу йўлда кураш олиб боришган. X – XI асрларда Баҳрайнда ўзларининг мустақил давлатларини қуришган. Уларнинг ҳаракатларига ғаламислик хос бўлган. – (Тарж.).

<sup>4</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865 – 925) – Райда туғилган ва Рай ҳамда Бағдод шифохоналарида раҳбарлик қилган. Қомусий олим, табиб ва мутафаккир. Ўрта асрларда тиббиёт, кимё ва фалсафага оид кўплаб асралари билан нафақат Шарқ, балки Ғарб давлатларининг олимлари ўртасида ҳам катта шухрат қозонган. «Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб» ида ушбу юқумли касалликларнинг моҳиятини очиб берган ва уларни даволаш усулларини ишлаб чиққан.

Ўй-у хаёлларидан унинг кўзи ўзининг кўча эшиги олдида очилди. Умарга шишадан тайёрланган золдир керак. Фалакиёт-шунос ва риёзият олими Абу Жаъфар ал Хазин, Умар Хайём каби у ҳам хуросонлик, Розийдан анча кейин яшаган, шиша золдир тақсимчаси (шиша шар сегменти) нинг кўзга яқинлаштирилган нарсаларни катталаштириб кўрсатиш хусусиятига эгалигини ифшо этганди.

Оддий нарса бўлса-да, лекин шиша золдирни қаердан ҳам олардинг? Нишопурда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Жавоҳирнинг ҳар қандайини топа оласан. Заргарлар, сангбурлар, жилвирчилар бор. Шишапазлар ҳақида эса, нима учундир ҳеч гап йўқ. Лекин катта бозордан суриштирилса, карвонсаройлар айланилса, балки шиша устаси топилиб қолар.

Имкони борича – бизнинг ғаму-ҳасратларимиз билан иши йўқ, бегона мусофир бўлса яхши. Аксинча ўзимизнинг мутаассиблардан бўлса, бошни қотиришга бошлайди: «Сенга шиша золдир нимага керак? У билан сен нима қилмоқчисан ўзи? Бирон-бир ёмонликни бошламоқчимасман? Бунда бирорта гуноҳ яширинганмасми?»

Ўзининг ажойиб кашфиётидан қувончи ичига сиғмай кетган соддадил Абу Жаъфар мақтаниш учун кимникигадир, ҳар ҳолда қўшнисиникига бўлса керак, югургилайди. Қўшни, қабарик шиша орқали жимитдеккина бургага қараб, унинг ўрнида башарасини жун босган катта-катта кўзли шохдор баҳайбат махлуқни кўради – даҳшатга тушиб чинқиради. Ва албатта, айна шу лаҳзанинг ўзида «жодугар» устидан арз қилиш учун, совуқ тер босганча ҳовли томон ирғишлайди. Шишани текшириб кўришади – улар ҳам даҳшатга тушишади. Ва «нопок кучлар билан робитада бўлган учун» олимни ўлимга ҳукм қилишади.

Бечора ўзини ақлдан озган қилиб кўрсатиб, қатлдан қутилиб қолади.

*Дил мулкида бўлмоқ керак кўп ҳушёр,  
Жаҳон ишида-чи, беуну бекор.  
Икки кўз, тил, қулоқ омон чоғида  
Кўз, тил ва қулоқсиз бўлмоқлик даркор.*

• • • 2 • • •

– Ўўх! Ўх, Яхё. Нечун келдинг эй ҳурмали зот? Ўтир. Нега энди сен мени айнан шанба куни безовта қиялсан? Ақидага би-

ноан ахир ушбу кунни мен инсоф сари чорловчи ибодатлар билан ўтказаман-ку. Ҳе, ашқолингга дашқол! Яна, тоғ дурри қуми ҳам...

Бошланиши чаккимас! Бу – иш юришиб кетди, деган сўз.

Дўкон керагу-керакмас ҳар нарса қалаштириб ташланган эски омборхонага ўхшайди. Оёқларида зўрға турган ховонда, ювилмаган идишда – дудланган балиқ тишлами.

Шишагар сўпписи остидаги пахмоқ бошини кашлади, шишадан ясалган кўзадаги арпадан тайёрланган шаробни шилқиллатди, тасаввур ҳам қилиб бўлмас кир пиёлага қултуллантиб қуйди, ичди, сир (саримосоқ пиёз) ни газак қилди.

– Бу билан мен шароб ҳидини йўқотаман, – деб Умарга кўзини қисиб қўйди.

– Шароб воситасида сир ҳидини йўқотсанг яхшироқ бўлармиди? – деди Умар жийирилиб, бу гал у шаҳарнинг таниқли киборлари сингари кийиниб олган эди. – Нима бўлганда ҳам шароб нодир ичимлик...

– Мен ҳам шундай қиялман-ку! – қичқирганча қулди лақиллаб қолган чол. – Оқилона гап. – У увода тўшаб қўйилган қаттиқ тахтага чалқанча ҳолда ястаниб олди, хушчакчақ ҳолда озгин оёқларини ўйнатди. Сўнг тахта қирғоғига ўтириб, кўп жойи йиртилган абосини тартибга солиб, нимаси биландир таниш кўринаётган малла кўзлари билан тамоман хушёр ҳолда Умарга юзланди. Афтидан, қачонлардир у бор бўйича малла бўлгандир, лекин ҳозир унинг сочи ва соқоллари мис рангидан чиркин кулранг қўнғирга айланган эди. – Шиша золдир? Бунақа иш билан мен анчадан бери шуғулланмай қўйганман. Жаноблар олмосларни, лаъл-у гавҳарларни улуғ биладилар. Шиша, у – мўрт нарса.

– Лекин у керак нарса. Шуғулланиб кўр.

– Оловингга қалов. Яна камгина сирка ҳам. Ўн беш динор.

– Яса.

– Оддийгина шиша золдир? Хоҳлайсанми мен унга темир қўшаман, кўкмак рангда бўлади, мис қўшаман – зангор рангда бўлади. Бўйнингга осиб оласан, ҳамманинг оғзи очилиб қолади.

– Йўқ, менга рангсизи керак, пуфаклари йўқ ҳолда, ҳаракатсиз идишдаги осуда сувдеги керак. – «Бундан ҳам ҳеч нарса чиқмайди, деб ўйлади Умар Хайём тушкунликка тушиб. – Бутун тонг бўйи қидирдим... Э, худо! Бизларни қандай кунларга қолдирмоқдасан?» – Менга ҳам бир қултум бер, – деди шоир хафа ҳолда шишагарга. – Шиша золдир учун ичамиз – ва бир йўла Ер курраси учун ҳам.

– Ичамиз! Жирканмайсанми? Демак сен ўзимизникилардансан. Наҳотки, Ер – золдирсимон бўлса? Э, нима бўлса, ўзига. Умар Хайём! Шунақа шоирни эшитганмисан? – Шишагар муғомбирларча кўз қисди. – У айтади:

*Бир кўза май келтир, бўлсин безарар,  
Ўзинг ич, менга ҳам узат баробар.  
Даврон ўз изидан айланиб охир –  
Тупроғимиз кўза қилар кўзагар.*

– Оловингга қалов! Ва яна навшадил ҳам. Қаердадир менда турп бор эди.

– Қўявер! Кафтимни ҳидлаб оламан. – «Яхшиямки, у мени юзимдан танимаяпти».

Ширакайф чол оёғи билан бўш туваклар ва қопларни у ёқ-бу ёққа суриб, ғичирлатиб устахона эшигини очди, бир уриб, энсизгина дераза табақаларини ланг очиб қўйди. Шоирнинг ҳайратланганича бор – дўкондагига мутлақо зид равишда бу ерда тўла маънода тартиб ҳукм сурарди. Ўчоқ ва унинг устида юмалоқ тувак. Токчада нималардир солиб қўйилган идишлар саф тортиб турибди. Бурчакда чиройли қилиб қатма-қат тахланган ўтин. Бошқасида – каттакон сандиқ. Фақат юқори бурчаклардаги чанг босган қорамтир ўргумчак уялари тутами, шунингдек, уларнинг курум босган тўри ушбу устахонада анчадан бери ҳеч ким ишламаганлигини тасдиқлаб туради.

– Шиша пиширмаётган бўлсанг, сен нима билан шуғулланасан ўзи?

– Нима тўғри келса, ўша билан. Шиша синиқларини эзгилаб кукун ҳосил қиламан, сичқонга қарши восита деб, уни сотаман. «У қандай қўлланилади?» – деб сўрайди харидор. «Бу – жуда осон! Сичқонни ушлайсиз, оғзига сепасиз. Бир лаҳзада карахт бўлади, қолади». Ҳо-ҳо-ҳо! Олишади. – У томоғини қирганча сандиқ қопқоғини четга олади. – Эҳҳ! Оҳ, Яхё. Гуноҳқорман, мен гуноҳқорман. Менга, жухутга шанба куни олов ёқиш мумкинмас. Ҳеч нарса пишириш мумкинмас. Мен ибодат қилишим керак. – Сандиқни ковлаштирар экан, яҳудийча калималарнинг мунгли оҳангида Умарнинг бир рубоийсини куйлай бошлади: «*Кўлимда ҳар маҳал қада-аҳ тутганман; минбару дафтарнинг баҳрин ўтга-анман.*» – У сандиқдан сой кумидаги ялтироқ талқ (слюда) тангаларига ўхшаш рангсиз шиша толқонини олди. – «*Мен-ку,*

*бир хўл фоси-иқ; сен қуруқ зо-оҳид, хўл ёнмас, на кў-ўриб на эшитга-анман...»* Биз ҳеч нарсани беҳуда ташлаб юбормаймиз. Барча қолдиқ, синиғ-у чиқиндиларни ишга соламиз. Албатта, шунга эҳтиёж бўлса. Қумдан шиша пишириш – бу, энди бутунлай бошқа иш. Назаримда сен, шошиляпсан. Қанақанги ўлчамдаги золдир керак?

Умар хаёлан ҳисоб-китоб қилиб, тахминан деди:

– Айтайлик, муштумим катталигида.

– Мана шу етади. Сенга аъло сифат золдир қуймалаб берман. – Уста тувакка толқоннамо ашё кўйди. – Шамотдан, чол ўрта бармоғи суяклари билан тувакка чертди. – Оловга чидамли! Биласанми, эй ҳурматли зот, – деди у зерикарли оҳангда. – Шиша пишириш – жуда юраксиқар иш. Дастлаб мен олов ёқиб олишим керак. Кейин сандиқнинг қаеридандир лозим қиёфа ва ўлчамдаги қолип излаб топишим керак. Дастлаб шиша парчаларга бўлиниб кетади, сал ўтиб у юмшайди, илашимли, чўзса – чўзиладиган ҳолатга келади, шуларнинг ҳаммасидан кейин у доғланган ёғдек суюқ бўлиб қолади. У қолипга қуйилади ва совушини кутиш керак бўлади. Кутиш! Ва кутиш. Шароб эса тугаган. Азизим, анави кўзани олсанг-у, карвон саройнинг эгаси – хўжайин олдига борсанг? Ўҳ, Яҳё! У шу билан савдо қилади. Секингина айт: Довуд учун дегин. Борақол! Ўтинаман.

Шу онда болаликдаги дўст, Довуд ибн Мизроҳ Умарнинг кўзига ўзининг илгаригидек тоза ва ҳалол кўзлари билан тикилди.

– Довуд? – кичқирди Умар.

О тангри, уларнинг ажрашганидан бери қанчалар йил ўтди экан? Ўттиз бешми ё ўттиз олти?..

\* \* \*

*Аввалги учрашувлари баёни*<sup>5</sup>.

Олғир ўғриваччалардан, безор қилиб юборадиган тиланчилар тўдасидан бозорда кун йўқ эди. Бир кун, ёз бошларида Умар рас-талар оралаб лақиллаб юрар экан, нозик оҳангдор товуш қулоғига чалинди:

– Ўғрулашни истамаймен? Нега ўғрулашем керак? Агар сада-қе қилсангез...

---

<sup>5</sup> Ё. Илёсовнинг Ҳ. Мансурова ва Ш. Мансуров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Илон авровчи» китобидан – Т.: O'zbekiston, 2011; ушбу парча ўзбек тилида Ҳ. Мансурова таржимасида «Афсунгар» сарлавҳаси остида «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил 5-сонида ҳам чоп этилган.

Ғалати лахжа. «Садақа қилсангез?» Ким ҳам садақа қиларди! Уни пашшани қувгандай қувдилар. «Ўғрулаш»ни эса у чиндан ҳам истамайдиган кўринади. Ёки эплай олмайдами. Бечора букчайиб, узун оёқларини судраб четга чикди-да, мажнунтол остидаги сув ёнига ҳорғин чўкди.

Ёши ўттиз-ўттиз бешларда. Елкалари қоқ, кекирдаги туртиб чиққан. Малларанг кўзлари шу қадар мунгли, маънос пирпирар эдики, Умар сал бўлмаса йиғлаб юбораёзди. Шу қадар беватан, нотавон, барчага ёт эди у..

Умар эрталаб Иброҳимдан олган тангага бўлиқ кулча, бир ҳовуч пишган олча сотиб олди-да, шолғомдай қизариб, уларни қочоққа узатди. У эса ажабланиб ва панд еб қолишдан кўрқиб ишонкирамай садақани олдида, индамай, авайлаб, шошилмай ея бошлади.

– Ман... э-э... марвлиқ Ғафурман, – деди у еб бўлгач хўрсиниб.

– Туғушганларимнинг ҳаммасидан ажралганман. Барча нарсадан мосуво бўлдим. Ҳеч вақосиз қочишга мажбур бўлдим. Райга кетяпман. У ерда қариндошларим бор. Улар ёрдам беришади. Лекин етиб бора олармиканман. Очликдан мадорим қолмади. – У Умарнинг кўзларига ўйчан боқди.

– Бўйрани кўрдингми? – ишора қилди Умар. – Эгаси йўқ, бозорники. Ётиб ҳордиқ чиқар.

– Йўқ, – ҳузур қилиб қаппайган қорнига боқди Ғафур. – Овқатдан сўнг, уйқудан олдин сайр қилиш даркор. Овқатни ҳазм қилади, – бармоғини киндик атрофида айлантирди.

– Сайр қила қол, – масхаромуз кулди Умар. Ё парвардигор! Оёқларини аранг судраб юрибди-ю, сайр қиламан дейди-я... – Эрталаб шу ерда, жойингда бўл. Егулик келтираман.

Ўша кундан бошлаб у Ғафурни васийликка олди. Сабабини Умарнинг ўзи ҳам билмасди. Ўйламади ҳам. Шунақа бўлиб қолди. Бир одам ўлиб кетаверадими?

Тушликда бола энг мазали нарсаларни яшириб кўярди. У-ку, уйда тамадди қилишга улгурар, Ғафур учун эса бу нарсалар ҳаёт билан тенг. Хаймадўз ўғлига бериб турган тангаларни ҳам Умар сарфламай, Ғафурни сафарга жўнатиш учун асраб кўярди. Дўстини кўрмагунча кўнгли тинчимасди. Унинг хуш овозини соғинарди. Содда ва покиза кўзларини кўмсарди. Марв ҳақидаги, узок дарёлар ва тожирлар карвони ҳақидаги мунгли ҳикояларини соғинарди.

«Қачон бу ердан кетамиз?» – ғиш-ғиша қиларди у онасига. «Қаерга?» «Қаерга бўлса ҳам». Биқик, зик Нишопурдаги ҳаёт унга бўғик, сўқир, рўшносиз туюларди.

Ўша бахтиёр дамлар ўн кун давом этди! Тез орада у поёнига етди. Ғафур соғайиб кайфи чоғ бўлиб, сафар тадоригини кўра бошлади. Умар унга тангаларни топширди хуржун тўла емиш келтирди.

– Биласанми, – хўшлашар экан, Ғафур кўзларини яширган кўйи деди, мен сени... алдагандим.

– Нечук?

– Ҳеч қанақа Ғафур эмасман. Мен Довуд ибн Мизроҳман.

– Шундайми?

– Яхудийман, тушуняпсанми?

– Нима бўпти? – хайрон бўлди Умар.

Унинг соддадиллигидан ҳайратга тушган Довуд:

– Ахир!.. – деб қизишиб гап бошламоқчи эди, боланинг кўзларига қараб бир нарсани фаҳмлади шекилли, тинчланди.

– Яхудийларни кўрмаганмидим? – елка қисди Умар. – Биринчи кундаёқ яхудийлигини билган эдим.

– Нахот? Мен бу ерда ўз жамоамиздан паноҳ топарман деб ўйлагандим. Билсам, уни яқинда салжуқийлар ер билан яксон қилишибди.

– Улар барчани – христианларни ҳам, яхудийларни ҳам, уларга кўшиб ўз мусулмонларини ҳам ер билан яксон қилишмоқда.

– Шунинг учун мен кўчада қолиб кетдим. Боғларда тунаб юрдим. Сени ҳеч қачон унутмайман! Сен мени ўлимдан қутқариб қолдинг. Райга етиб бориб ишимни юриштириб олсам, сенга хабар бераман.

Бола Довуддан хабар топа олмади.

Райгача яхши етиб олдимикан? Рай Нишопурдан унча олис эмас, бироқ йўлда ҳар нарса рўй бериши мумкин. У узок вақт Довудни соғиниб юрди. Бир-икки ой ўтгач. Райда иши юришиб кетган қандайдир Довуд ибн Мизроҳ тўғрисидаги гаплар қулоғига чалинди.

Бу бошқа Довуд бўлса керак. Албатта, бошқа. У жуда ҳам хароб эди, ишини тез юриштириб юбора оладиган одамга ўхшамасди. Қариндошлари ёрдам бериб, иши авж олдимикан!? Бундай бўлмаса керак. Икки-уч ой ичида-я? Йўқ, ишониш қийин.

Яна ким биледи дейсиз? Бу дунёда ҳар нарса бўлиши мумкин.



– Ҳа-ҳа, агар эслаган бўлсанг, севимли дўстим. Ўшанинг ўзи. Сен Исфaxonдалигингда мен шу ерга кўчиб келдим. Мендан ким ҳосил бўлганини кўриб турибсан, нима учунлигини эса, сўрамай қўя қол.

...Кечга яқин, алоҳида меҳр билан қўймаланган золдирини олиб, Умар Довудга ўн беш танга пул узатди. Соф тилладан қуйилган динорлар. Гарчи, билса-да, у бу пулларни ичиб йўқ қилишини. Майли! Барибир уни тўғрилаб бўлмайди. Дарвоқе, тўғрилаш керакмикин? Ўзи томонидан ўйлаб чиқилган алоҳида дунёсида қанчадир вақтга унинг учун яхши бўлса, бўла қолсин.

У – ажойиб уста, унинг учун шунинг ўзи етарли! Қўлидан ҳеч иш келмайдиган даражада тубанлашиб кетган одамлар озмунчани. Улар ичиш ёки афъюн кашиш қилишдан бошқани уddалай олмайдилар. Улар орасида ичмайдиган ва чекмайдиган, тўрт мучали соғ-ку, ҳеч нарсани эплай олмайдиганлари ҳам етарли. Улар шусиз ҳам бадбахт ер юзининг оёғини оғир қилишдан бошқага ярамайдилар.

Ва ахир ўшалар эмасми, ёруғ дунё юзини кўришга ҳам улгурмай, мустабидликнинг роҳатбахшлигига ишонган ҳолда шу роҳатбахшлик афъюни таъсири остида умрларининг охирига қадар лаб-у лунжларини беҳуда очиб-юмишдан тўхтамаганлар.

Чўзинчоқ юзли ва букри бурунли, хушчакчақ, пала-партиш, ўчоқ устида букчайган ва илоҳий китобларнинг бирортасида ҳам мавжуд бўлмаган оятларни хиргойи қилган ҳолда чўмич билан ашқол аралаштираётган ва кўпик ажратиб олаётган, юзларини аланга шуълалантириб турган шишапаз қадимги замонларнинг олов ибодатхонаси муғига ўхшаб кетарди.

Нақд Шаҳриварнинг ўзига ўхшаб кетмаган тақдирда ҳам.

Биз бу ерда, Шарқда ғалати бир тарзда зувалаланганмиз. Бошқа халқ томонидан ўйлаб чиқилган нимаики нарса бор – биз учун у яроқсиздир. Сабаби улар «иймонсиз» дирлар.

Битлар босиб, қонимизни сўриб турган бўлади, – барибир, биз ҳаммадан яхшироқдирмиз.

– Йўқ, – Довуд ибн Мизроҳ тангаларни суриб қўйди. – Мен сендан қарздорман. Мен ҳеч нарсани унутмаганман. Сендан мен ҳатто фулус ҳам олмайман! Яратганга шукурки, мени сенинг олдингда ўз миннатдочилигимни билдириш имконига муяссар қилди. О менинг навқирон дўстим! – У ҳаяжон оғушида озғин қўлла-

рини хонанинг шифти томонга чўзди, кейин пастга туширди ва хўнграб йиғлаб юборди. – Ашқолингга дашқол... Яна тоғ дурри... куми ҳам...

... 3 ...

Шундай қилиб, шиша золдир кўлимизда. Эндиги энг мураккаб, мушкул иш – уни арралаш.

Балки Довуд золдирни унинг юмшоқлик пайтида пичоқ билан кесиб-кесиб кўя қолганда яхшироқ бўлармиди? Йўқ, золдир ўзининг аниқ қиёфасини йўқотган бўларди – тақсимчалар ҳамма нарсани қинғир қийшиқ қилиб кўрсатган бўларди.

Линзанинг ўзини қуйиб кўя қолиш ҳам – шубҳадан холи иш эмас. Ахир ёруғлик нури ҳаракати қонунларини ҳали ҳеч ким яхши билмайд-ку. Ал-Хазин ҳам билмаган. Тинчгина ишлашга имкон беришганида – вақти келиб, сўзсиз билиб олган бўларди.

Лекин улар бунга имкон беришармиди?..

Умуман олганда, ёруғликнинг моҳияти ҳақида бизга нималар маълум?

*Пифагор:* жисмлар улар тарқатаётган заррачалар туфайли кўринадилар.

*Арасту:* ёруғлик истинодгоҳ (объект) билан кўзлар оралиғидаги муҳитнинг кўзғалишидир.

*Катта Плиний:* Шиша золдир, қуёш нурларини тўплаб, нарсаларни ёндиради.

Бой эмас! Бир нарса маълум: ҳаммасини золдирдан бошламоқ керак. Бирдан унинг тақсимчалариданмас, балки қаттиқ золдирнинг ўзидан. Албатта Довуд бунақанги нозик ишни бажара олмаган бўларди. Бу ерда ҳамма нарсани аниқ кўра оладиган кўз ва қалтирамайдиган қаттиқ кўл керак. Золдирни қуймалаб берганининг ўзи учуноқ раҳмат. Ахир, бу унинг ўчишидан олдинги охириги ёлқинланиши эди...

Э, бирон-бир нарса ўйлаб топамиз! Ким-у ким, заргарлар бизда уларнинг буюмини сотиб олишга қудратлилардан кўп бўлса кўп-ки, лекин оз эмас. «Нимага кўрқяпсан? – ўзини ўзи қийиқ Умар. – Қарилик арафасида кўрқоқроқ бўлиб қолдинг. Ал-Хазин замони орқада қолди...»

Ҳа, шу заҳотиёқ у ўз эҳтиросларига дам берди. У замонлар орқада қолди, бошқалари келди-ю, лекин улар нимаси билан яхши? Ҳар ҳолда эҳтиёткорликни эътибордан қочирмаган маъқул.

Юқоридан буйруқ: кўрқ! Биз эсак кўрқамиз. Ҳаммадан ва ҳамма нарсадан.

*Оғзинг очсанг – душворисан ғазабнинг,  
Ёпсанг – эғасисан писмиқ деган лақабнинг,  
Авломасми, ҳатто валий бўлсанг-да,  
Ҳеч кимга танилмай, танҳо яшаб ўтганинг.*

Мамнун бўлинарди. Лекин – шунга ҳам имкон беришмайди. Ўша жойдан ҳам сени топиб олишади, тинчлик беришмайди. Буларни биз биламиз.

Ахир қайси бир ҳужрада сен ўзингнинг инсонга хос эҳтиросларингдан холи бўла оласан? Шубҳаларингдан? Умидларингдан? Мақсадларингдан? Ақлдан... шайтон йиғиштириб олиб кетса яхши бўларди шу ақлни!

*Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил,  
У дунё хабарин ким берган, э дил.  
Кўрқув, умидимиз шулардан, аммо –  
Ному нишонасин ким билган, э дил.*

Дарҳақиқат, кўзингни ўйиб ташлаб, кўр бўлиб олсанг-у – насларнинг зоҳидидай бирон-бир ғорга қамалганча ҳамманинг эътиборидан четда яшасанг.

Туф-э!

Айтайлик, шароб ичиш гуноҳ. Ўзимизни ўзимиз зўрлаб, зўрға бўлса-да айтамыз, лекин айтамыз. Ёш аёлларни севиш гуноҳ. Гарчанд... бу икки томонлама муносабат меваси. Биз бу томонларини ҳам биламиз. Ҳар ҳолда – фараз қилиб турайлик. Ўғирлик, ўлдириш, алдамоқ гуноҳ. Лекин биз бундай фаолиятлар билан шуғулланмаймыз.

Лекин бир ўйлаб кўринг – одамларга фойдаси тегадиган ниманидир қилиш, у – қандай гуноҳ! Катталаштириб кўрсатувчи шиша ҳақ йўл нозирларига қанақа зиён етказди?..

\* \* \*

Шиша золдиринг билан энди сен ҳеч ерга суқила кўрма. Нима қилиш керак? Эҳтиросларининг сўнишини у кутиб ҳам туролмайди. Бу мамлакат муҳотида улар ҳали-бери сўнмайди.

Умарни ҳеч ким танимайдиган бирон-бир жойга чиқиб кетилса, яхши бўларди. Ҳатто бошқа бир мамлактга. Айтайлик, «ҳақ

йўл» нинг ашаддий нозирлари мавжуд бўлмаган Арманистон ёки Румгами. Э! мутаассиблар ҳамма жойда бир гўр. Насронийлар шайтон шиша золдир билан жаноби ҳақ қабрини ёндириб юбормоқчи деб ўйлай бошлайдилар. Ва онда-сонда келиб-кешиб юрадиган қандайдир нишопурлик савдогар уни ғабрлар – *кофирлар* орасида кўради. Ер юзида қанча инсон бор-у! Лекин бу ёруғ дунёда инсон учун беркинадиган жой йўқ: энг ичкарида жойлашган қавақдамисан – ё зич оломон тўпи орасидамисан, қандайдир бир ёвуз кўз, сўзсиз, сени пайқамай қўймас. Лекин ўзингнинг қандайдир дардингни айтмоқчи бўлиб, кимнидир қидир – афсус ва надоматлар бўлсинки, унақасини топа олмайсан. Сен кимга ҳам кераксан? Ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ.

«Кофирлар» (ғайрлар, ғабрлар) сўзи хаёлидан лип этиб ўтдию, шу захоти ўша сўз ўрнашган жойда бир ўпқон пайдо бўлиб, унинг ўйидаги барча ғамгин фикрларни хўрриллатиб хўплаб, ўз ичига юта бошлади. Хаёлида жуда узоқда жойлашган, лекин ўта мафтункор юлдуз янглиғ бир ном ёлқинланди – Язд...

Умар йўлга отланди...

... 4 ...

Занги Сахро!<sup>6</sup> Ва ниҳоят уни яна бир бор кўришлик насиб этди. Қачонлардир Марв ва Амударё оралиғи қумликларидаги ғалати ёввойи ўша аёл зотини...

\* \* \*

*Аввалги учрашув баёни.*<sup>7</sup>

– Саксовулми? – сўради карвонбоши ишонқирамай.

– Шунга ўхшайди. Иккита қари поя чирмашиб кетган. Майда шохчаларини эса шамол синдирибди, Қара, бу ердан яланғоч аёлга ўхшаб кўриняпти. Дунёда мўъжизалар ҳам кўп-да...

Бу ҳодиса Марвдан Жайхунга – Амударёга кетаверишда юз берди. Бу – Турондаги энг фалокат жой дейиш мумкин. Умар карвонбошидан Бухоро ҳақида сўраб-суриштириш учун карвоннинг

---

<sup>6</sup> Таржимада: “Сахро кўнғироғи”, лекин келтирилаётган лавҳада бу ибора “Сахро аёли” маъносида қўлланилмоқда. У холда мазкур ибора “Зани сахро” шаклида ишлатилиши керакмиди? – (Тарж.).

<sup>7</sup> Ё. Илёсовнинг Х. Мансурова ва Ш. Мансуров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Илон авровчи» китобидан – Т.: O'zbekiston, 2011; ушбу парча ўзбек тилида Х. Мансурова таржимасида «Афсунгар» сарлавҳаси остида «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил 5-сонида ҳам чоп этилган.

бош томонига ўтган эди. Эшак миниб олиб, шошмай кетаётган карвонбоши билан ёнма-ён борар экан, олдинда карвон сўқмоғидан ўнгда, қум бархан чўққисида одам шакли-шамойилидаги бир қорага кўзи тушди.

– Бу балки ваҳшийларнинг қадимий санамидир? – ҳайрон бўлди Умар. – Саҳронинг қоқ ўртасида-я. Ҳеч қачон манзилгоҳ бўлмаган жойда-я... – Саҳро санамини яхшилаб кўриб олиш учун қумга бота-бота тепаликка чиқди.

Бу сербутоқ қора тўнка яланғоч аёлга намунча ўхшамаса. У кўзини юмиб ва бошини эгиб олиб, изтироб билан карвон қўнғироқлари товушини тинглаётгандай эди. Қуюқ хурпайган сочлари ҳам бор – биронта хурофотпараст ўткинчи тўнкага қўй терисини илиб кетган кўринади. Шунақа қилишади. Йўл бўйидаги буталарга доимо лагта-путта илиб ташлашади. Шу жойнинг эгалари – жинларга эҳсон бўлсин учун...

Шу маҳал, Ферузғўнд йўлида бўлганидек, Умарнинг боши ғувиллаб, оёқлари қалтирай бошлади. Кўксидан томоғига муштдай оғир тош келиб, бўғиб қўйди. Тўнка... чуқус тин олди, оғирлигини бир оёқдан бошқасига ташлади-да, кўзини очди. Умар бу ғўдайиб турган тўнка эмас, айни аёл: кичкина яланғоч аёллигини кўрди.

– Сен... кимсан? – Нима дейишини билолмай, лол қолган Умар форсийда савол берди. Қутилмаган воқеадан у ўзини ташлаб юборишига сал қолди.

Қошни босган, буғдойранг елкада ёйилиб ётган бир қучоқ ялтироқ қўнғироқ-қўнғироқ сочлар, унча қатта бўлмаган, бола муштидай келадиган, эмизғизлари етилган олчадек тўқ-қизил, буғдойранг сийналар. Ингичка бурнининг учи бироз кўтарилган, қаттиқ қора тук босган устки лаблари ичга ярим тортилган остки лаблари устидан бироз чиқиб, уни қулимсираётгандай, ёқимли қилиб кўрсагади.

Қатта, йирик, ғоят чакноқ кўк кўзлардан ҳеч қандай жавобни уқиб бўлмасди. Гўё қайсидир булутлардан узилиб тушган, само ложувардини ўзига сингдирган ёмғир томчиси сингари икки йирик томчи киприкларни ҳўллаб, мажусий маъбуданинг мисранг юзларига думалаб тушди.

– Кимсан? – такрорлади Умар араб лисонида.

Назарида ақлдан озаётгандай эди. Нишопурдаги қўнғилсизликлар изсиз кетмаган кўринади. Лекин бу Феруза туфайли тортган азобиники бўлса керак.

Аёл, тушунмаган бўлса керак, яна оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлади. Узун хушбичим болдирлари мочаники сингари қалин, лекин калта қора жун билан қопланган. Уни бутунлай жун босганди: миқти, келишган сонларида, човида, кичкина думалок қорнида, сийналари орасидаги чуқурчада, ҳадиксираб ёйилган қўлларида жун ўсганди. Шунда ҳам у, барибир, қадимий Элладанинг овчи маъбудаси сингари гўзал эди. Иссиқ шамол қуриган тернинг, дим ғорнинг аччиқ исини ва одам зоти кўринмайдиган улкан кенгликларнинг шўр ҳидини олиб келди. Бу – ибтидоий ҳаёт иси эди.

– Кимсан? – яна сўради туркийча ва беихтиёр у томон қўл чўзди. Ўзини бошқача тутолмасди ҳам. Унга томон талпинар эди.

Ҳадик аралаш қисқагина боқишдан у ўзига бўлган қизиқишнинг заиф учқунини илғаб олди. Аёл ўткир тишларини иржайтириб, бўғиқ овозда чинқирди, чир айландию, қуйига қараб ўқдай учиб кетди.

От думидек қуюқ ва узун ғаройиб сочлари силкиниб, унинг сийрак жун ўсган ингичка ва нозик қадини савалаб борарди. Воажаб, шамол тўзғитиб чийраган юмшоқ қумда унинг излари деярли қолмасди. Оёқлари сахро девининг товонлари қумда чўкмасдан боришга мўлжалланган туя пайпоқ сингари эмас, ўн яшар қиз боланикидай бўлса-да, у елиб бора туриб қумни енгилгина босиб ўтарди.

– Энди ҳеч қанақа арғумоқда ета олмайсан, – деди мовароуннахрлик турклардан бўлган, афтидан кўпни кўрган карвонбоши.

– Хаёлан... кўзимга кўриндими? – рўё жанубда, олисидаги бархан ортига ўтиб кўздан ғойиб бўлгач, ғўнғиллади эс-ҳушини йўқотган Умар.

– Хаёлан эмас. Мен ҳам кўрдим, ҳаммасини кўрдим. Бу «насос» – алвасти, камдан-кам дуч келади. Саҳронинг ёввойи аёли. Эшитганинг борми?

– Эшитганман. Лекин чўпчак деб ўйлагандим.

– Унда, мана, ўз кўзларинг билан кўрдинг. Биродар, уни хаёлингдан чиқариб ташлашга ҳаракат қил. Акс ҳолда бир умр сени таъқиб қилади.

Хаёлингдан чиқариб ташла! Айтишга осон. Қани энди инсон ҳис-туйғуси ва таассуротларини ҳам, нарсалар сингари, бошқара олса: истаса кийса, истаса – ечса...

Инсоний аёлларга жуда ҳам ўхшаш бу вужуд қаерда яшайди. Саҳроларда кўп учрайдиган, қуруқ жарликлар ёнбағридаги ғор-

лардами? Ёки у Бадғизнинг сувга сероб пистазорларидан адашиб келиб қолдимми? Шу ердан тўғри жанубга қараб юрилса, бир неча кундан кейин ноз-неъматга бой яшил қирлардан чиқасиз.

Сахро қанчадан-қанча жумбоқларни яшириб ётибди. Умуман замин жумбоққа қон. Совуқ тоғларда ва дим ўрмонларда яшовчи ёввойи одамлар тўғрисида Умар кўп эшитган. Бироқ обод шаҳарни тарк этибоқ жундор ёввойи аёлни учратаман, деб хаёлига ҳам келтирмаганди.

У шууран инсон эмас, қиёфасига кўра эса тўла инсон эмас, лекин ёввойи ҳайвон ҳам эмас. Қўнғироқларнинг оҳангдор саси уни кумликлардан чақириб келдимикан? Ёки юксиз, етакчи туя – норустига ёпилган попукли қизил тўқим, ёхуд нўхтадаги оч-сарик шокилалар жазб этдимикан? Ҳар ҳолда унинг жоҳил қалбида бу оҳанг ва рангларда акс-садо беришга қодир нимадир бор экан-да. Овлоқ хилват жойларда ўткинчиларнинг йўлини пойлайдиган бағоят гўзал парилар ҳақидаги афсоналар шундай тўқилар экан-да.

Нега қочиб кетди экан? У ҳозирнинг ўзидаёқ бу ёввойи аёл билан унинг уруғ-аймоғи турган жойга боришга тайёр эди. Улар билан бирга, ғорларда тунаб, тошбақа ҳамда нордон тоғ меваларини еб, ҳайвонлардек яшайверарди. Улар олов нималигини билмасалар ҳам, жайрон каби бадбўй бўлсалар ҳам майли. Аммо улар орасида инсон ҳаётидан кўра нўхат ва шолғомнинг нархини минг қарра муҳимроқ деб билган ярамас худбинлар йўқ, албатта. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ жоҳил қонунбозлар ва диннинг ашаддий ҳомийлари ҳам йўқ.

Орзу дейсизми? Бу бозорга туташ йўлакда яшовчи, ушлаб кўриш, баҳолаш ва сотиб олиш мумкин бўлган хотин эмас. У ерда бирини бўлмаса бошқасини сотиб олаверасан. Сармойнг бўлса, албатта. Бу аёл ҳаётингда фақат бир марта зум кўриниб онгинг ҳамда қалбингни чакмоқнинг кўк тиғидек ярқ этиб тилиб ўтиб, тўсатдан йўқ бўлади – кўпинча қайтиб кўринмайди. Ғаройиблиги тушунарли. Уни изоҳлаб бериш қийин. Унинг амалий аҳамияти йўқ. Лекин бундан буён бўладиган барча нарсани ойдинлаштириши мумкин.

Умар чиндан ҳам бетоб бўлиб қолди. Бухорога етиб боргунча оғзини очмади. Карвон Жайхунни кечиб ўтиб, бу бахтиёр ўлкага етиб келганда ҳам уни томоша қилишга бормади. У карвонсаройда қаттиқ тўшак устида ётар ва илтижо қиларди.

– Кимсан? Қайдасан? Жавоб бер!

Занги Сахро! Ва ниҳоят уни яна бир бор кўришлик насиб этди. Қачонлардир Марв ва Амударё оралиғи кумликларидаги ғалати ёввойи ўша аёл зотини. Унинг узоқ ва оғир ҳаёти йўлида жойлашган сахроликларнинг янгисида, навбатдагисида кўриш...

Бу ерда ҳам ўша бурама-бурама барханлар. Балки янада бурмарокдир. Зеро бу ерда уларни тинимсиз шамол тўзғитиб ва ҳайдаб туради. Тинимсиз, қишда ҳам, ёзда ҳам, тунда ҳам, кундузи ҳам увуллашдан тўхтамасдан. Доирасимон уюмлар бир-бири билан қапишиб, ҳароратнинг иссиқлигидан ҳолдан тойган, Дашти Лутнинг ич-ичидан ўрмачаклаб келаётган филларнинг улкан тўдаси янглиғ бекўз қаҳру-ғазаб билан қадимий шаҳар деворларини заб этмоқ бўлади, жойларда иссиқ кум оқими хартуми шаҳар деворининг дандона ва буржларига ҳам етгулик даражада.

Йўқ, албатта, у эмас. Бу ерларда ёввойи аёл зотига қилар иш йўқ. Шаҳар. Воҳа. Ғабрлар – янги дин – исломни қабул қилишни истамаган зардуштийлар паноҳ топган макон. Бунга жазирама Яздга киравериш ёнбошидаги қирликда жойлашган дахма ҳам гувоҳ.

Ахир у кип-яланғоч эди-ку, бу эса – кийинган.

У гўё кийгиздан бунёд этилгандай, буткул юнг билан қопланган эди, бунисининг яланғоч қўллари ва елкалари териси – зарваш жигарранг ипакдек.

Бошқа жиҳатлари билан – худди унинг ўзи: бўй-у басти кичкина, оловранг малла, офтобдек, тиллоранг соч тутамлари уникадек қошлари ва елкаларига тушиб турибди. Ингичка бурнининг учи бироз юқорига қайрилган. Ва юқори лаби сал-пал чўзиқроқ, кулгуга ҳозирланаётгандек ёқимли пастки лабини сезилар-сезилмас чўччайганча ҳимоясиз беркитиб турибди. Катта-катта чўзиқ кўзларида уникадек равшанлик. Гўё бу ерларники бўлмаган булутлардан жарангдор парвоз пайтида осмоннинг жами мовийлигини ўзига жамлаб, зардуштийлик Яздаларидан бирининг тиллоранг чехрасига томиб тушган-у, тушган жойида киприклар бўлиб сочилиб кетган иккита катта-катта ёмғир томчиси.

Унинг қозиқ тишлари туртиб чиқиб турарди – карвонсаройда айтишганига биноан унинг: «Қубод заргар шу ерда яшайдими?» – деб берган саволига жавоб бермоқчи бўлиб, табассум қилганида буниси тишларининг росмана одамларникидек эканлигини кўрди.



– Шу ерда, яхши инсон! У менинг акам. Хуш келибсиз, марҳамат қилинг, ўтинг...

Ва қуёш чарақлаб турган кўппа-кўчада юзлари оппа-очик қиз такаллуфла чекиниб, уни чор атрофи баланд девор билан қуршалган дарвозахонага ўтказди.

Юзлари оппа-очик. Кўппа-кўчада. Қиз. Бегона бир эркак билан бемалол гаплашмоқда.

Мусулмонларнинг шаҳарларида бундай ҳолатни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. У ерларда аёл зоти хижобига янада қаттиқ бурканиб олган ҳолда маховдан жиркангандек шаталоқ отиб қочиб қолган бўларди. Худо кўрсатмасин, кимдир кўриб қолиб, эрига, ака ёки укасига, отасига чақиб қўймасин.

Умар турмуш тарзи бошқа жойларникидан мутлақо фарқ қилувчи Синдбод бориб қолган сеҳрли оролга тушиб қолгандек эди.

Дарвозахонадан кейиноқ чап тарафда пастаккина, лекин ҳар жиҳатдан кенг-у мўл устахонанинг ланг очиб қўйилган дерзаси.

Меҳмон эҳтиёткорлик билан бўйнига олди:

– Мен қаҳри қаттиқ турмушдан безиб қочоқда юрган бир одамман. Ўз машғулотим турига кўра қалам ва қоғоз билан ажралмасдурман. Бироқ қирқ олти ёшга етиб келганимда қилган гуноҳларим учун худо мени кўрлик касали билан жазолади. Қаердир мен ўқиганман: шиша золдир тақсимчаси кўриш қобилиятини оширади, деб. – У заргарга золдирни узатди. – Бироқ биз томонларда уни арралаб бўлакларга бўла оладиган одамлар топилмади.

– Топилган бўларди, – деб кулди, қари эмас, ёши қирқ-қирқ иккилардаги, бўйи баланд эмас, озғин, кичкина соқолини хина билан бўяб олган заргар. Унинг кўзи синглисиникидек кўк эди. – Сиз ал-Хазин тақдирига шерик бўлишдан кўрқяпсиз. Мен шунақа деб ўйлаябман. Ё хатоликка йўл қўйдимми?

«Ўхў!» – сесканди шоир. Заргар ғамнок оҳангда деди:

– Ҳа-а, ҳаёт шунақа тузилган. Одамларга фойдаси тегадиган нарсани ўйлаб топишнинг ўзи етарли эмас. Қўшимча равишда унинг одамларга зиён етказмаслигини ҳам исботлаш керак. Лекин сиз бу ерда хавфлардан холисиз, Умар Хайём.

– Сиз мени қаердан биласиз? – ҳайрон бўлди Умар.

– Умар Хайёмни ким ҳам билмайди? – ўз навбатида ҳайрон бўлди заргар. – Сиз қўшилган карвон ҳали йироқ-йироқлардали-

гидаёқ худо ёдидан чиқарган шаҳримизга ким қадам ранжида қилаётгани маълум бўлганди...

Қандай бахт. Ниҳоят Умар шундай бир жойга келиб қолган эдики, бу ерда сен – диний илмларнингми ёки дунёвий илмлар соҳибимсан, масжидга қатнайсанми ё қатнамайсан, намоз ўқийсанми ё ўқимайсан, рўза тутасанми ё тумайсан, шароб ичасанми ё ичмайсан – ҳеч кимнинг иши йўқ.

Сени кираверишда такаллуф билан ёқимли бир қиз қарши олади. Унинг қалби очик акаси, бетакроп уста, дастгоҳга маҳкамланган жажжи сандонда бажариб турган қандайдир ишини тўхта-тиб, сени сув тўлдириб қўйилган хум олдига бошлайди, узок йўлдан ҳориб келган одамга ювиниб олишни таклиф қилади. Синглиси эса, оппа-очик юз билан дастурхон ёзади ва уйда нима бор бўлса, ўшаларни қўяди: арпа нон ва чақилган бодом (бу ерларда емиш масаласида танқислик ҳукмрон) ҳамда қатик тўлдирилган кўзача.

Умар Хайём бўлсанг, бас. Шунинг ўзи батамом етарли...

– Камбағалона дастурхон учун ҳурматли меҳмон маъзур тутгайлар, – кечирим сўради Қубод заргар ва биллурдек шаффоф золдирни қўлида салмоқлаб кўра бошлади. – Кечкурунга тўқ тутар бирон-бир нарса ўйлаб топамиз. Йўлдан ҳориб келган меҳмон мабодо истасалар, ёзги хоналаримизга кириб ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Бизда улар жуда салқин.

– Йўқ, даставвал мен сизларнинг шаҳри шарифингизни кўриб қўйишни истайман.

– Меҳмоннинг истаги вожиб. Сизни Зарр кузатиб боради, – деб у синглиси томон бош иргитиб қўйди.

«Зарр?» – хаёлидан ўтказди Умар. – Ҳа-ҳа. «Тилломисан – тилло»...

– Меҳмон мусулмон. Юзингга чодратутиб ол, ўзингни у билан битта диндадек қилиб кўрсат, – деди Қубод синглисига меҳрибонларча. – Кейинчалик бизга ҳар хил таъна-ю дашномлар ёғдирмасликлари учун. Бу ерда бизда ўзимизнинг таъқиқларимиз ҳукмрон, – кулиб қўйди заргар Умарга.

«Ҳа, албатта! – шоирнинг кўзи ярқ этиб очилди. – Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бу ер ҳам жаннатмас. Майли, аёл паранжига бурканмаса, бурканмасин, – лекин уни кўзга кўринмайдиган тушовларда тутқунликда тутадилар. Нафақат аёллар. Дин – ҳамма жойда ҳам дин».

– Мен эса, – давом эттирди заргар. – ҳозирча мана бу зол-

дирни кўриб тураман. Шиша – мўрт нарса, уни шошмасдан, жуда катта эҳтиёткорлик билан арралаш керак. Энг асосийси – шошмасдан. Мен шундай деб ўйлаябман. Ё мен хато қилябманми? Менда шунга мос бир арра бор. Ингичка, энг зўр пўлатдан. Бундан бир нечта линза чиқади. Мен уларга сайқал бераман, ушлаш осон бўлиши учун ушлагичли гардишларга жойлаштираман. Битта-яримтаси синиб қолгудек бўлса – захирада иккинчиси ва учинчиси туради. Сизга кўп вақтга етади.

Умар кўкрагини тўлдириб нафас олди. Уста – шунинг учун уста-да. Сенга нима кераклигини унга соатлаб тушунтириб ўтириш шарт эмас. Ҳаммасини ўзи билади.

– Мен аввал бу кишига уйимиз ва боғимизни кўрсатаман, – деди Зарр. – Чимматни юзимга кўчага чиққанимизда тутиб оламан.

– Яхши. Бораверинглар, менга халақит берманглар.

У Умарни тошдан ясалган зинапоя бўйлаб чуқур ертолвор томон бошлади.

– Ёзда биз пастда чуқур ер остида ётиб ухлаймиз. Шу йўл билан биз ўзимизни жазирама иссиқдан асраймиз. Шу ернинг ўзида ошхона билан омборхона ҳам жойлашган. Бу ердан кўшнинг уйига олиб ўтувчи ер ости йўли ҳам бор. Ҳар эҳтимолга қарши. Айрим пайтларда бизга мусулмонлар ҳужум қилиб туришади, – ух тортиб қўйди Зарр.

Деворлар ва шифтларнинг уланган жойларидаги тирқишлар орқали заиф ёруғлик тушиб турарди, ертолворнинг нимқоронғилигида унинг кўзлари қорайиб кўринмоқда эди. Уларда – савол. У безовталана бошлади. Иккалови ҳам бир зум ўзларини йўқотгандай бўлишди.

– Салқин, – деди хирллаб Умар. – Хона ҳавоси осуда, тоза. Айрим ертолворлардагидек бадбўймас.

– Юмалоқ томдаги алоҳида ичи бўш минорани наҳот пайқамаган бўлсангиз? – У беихтиёр Умарга яқинлашди. – У бодгир – шамолтутгич. У ертолвор билан каттакон қувур воситасида бирлаштирилган, шунинг учун бу ерда ҳамаша енгил шамол елиб туради...

Зарр жим бўлиб қолди. Ҳавфли лаҳза. Вазият чидаб бўлмас даражадаги тусга кирди. Қиз секин-аста, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, қафтларини Умарнинг елкасига қўйиш учун кўтарди,



Бодгир

– ва енгил ух тортиб, зинапоя томонга толпинди.

– Мана ўша бодгир. – Ёруғликка чиқиб, акасининг назари қаршисида у тинчланиб қолганди. Ва юқориги, «қишки» қават устига ўрнатилган ярим золдир қиёфали томдаги ҳашамдор минорачани кўрсатди. – Яна давом этамиз.

Ҳа, ушбу шаҳарда ҳеч нарса одатдагидек эмас. Энг авваламбори – Заррнинг ўзи. Рафтори худди сакраб-сакраб бораётганларникига ўхшайди, минғиллаганча қандайдир нотаниш, лекин жуда чиройли бир куйни хиргойи қилмоқда. Шўх куйламоқда, табасум билан, ва бу кўшиқнинг тилини у биринчи марта эшитиб турибди.

Умуман олганда, бу ерга келибоқ Умарнинг пайқагани бўйича Язд аҳолисининг тили эроннинг бошқа вилоятлари тилидан фарқ қилади. Бошида бу тил унга ғалатироқ туюлган эди. Нима учунлигини Умар англай олмади.

Кейинроқ билиб олди: ушбу тилда араб сўзлар йўқ эди. Бу сосонийлар давридаги қадимий китоблар тили. Яъни соф форс тили.

Бироқ Зарр куйлаган кўшиқ тили, у бошқа. Мутлақо бегона.

– Бу қанақа кўшиқ, сен уни қайси тилда куйламоқдасан?

– Гужарот тилида.

– Бу тилда қаерда гаплашишади?

– Биз акам билан Ҳиндистонга борганмиз. У ерда, Гужаротда, денгиз соҳилида бизнинг ҳамдинларимиз яшашади. У ерда Зардушт ўғитларига қаттиқ риоя қилишади, махсус белбоғ – зуннор (кусти дейилса, тўғрироқ бўларди – тарж.), лекин гаплашишда маҳаллий аҳоли тилини ишлатишади. Мен бу кўшиқни ўша ерда орттирган янги дугоналаримдан ўрганганман.

Унинг товуши – гаплашишни хоҳлаб хоҳламаганларникидек чўзиқ, кулгу аралаш эркаловчи, мулойим, осойишта. (Шу ерда ушбу очеркка мутлақо алоқаси йўқ битта жумлани таржима қилмай, ташлаб ўтиб кетябман – тарж.).

Пастликдаги чордевор дарчаси орқали улар кичиккина боққа чиқишди.

– Бодом ва анорлар, – бирмунча ўзларини олгизиб қўйган дарахтлар томон қўл чўзди қиз. – булар бизнинг бойлигимиз. Яқинда ҳосилини йиғиштириб оламиз. Олма, нок, ўрик бизда йўқ. Сув етишмайди.

– Уни қаердан оласизлар?

– Тоғлардаги сойчалардан. Улар деярли бутун йил мобайнида

куппа-курук, лекин шағалликлар, кумликлар остида, чукуррокда сув сизиб туради. Бир-бири билан боғланган кудуклардан ер ости йўллари воситасида шаҳарга ана шу сизот сувлар оқиб туради. Шунақаси ҳам бўлиб туради, тонгга яқин шамол тўхтайди, шунда жуда кўп миқдорда шабнам ёғади. У ҳам бизга яшашга ёрдам беради. Гулларга ва дарахтларга ҳам. Айрим пайтларда мен унда ювиниб ҳам оламан.

Ўх, товуш! Енгил, оҳангдор. Худди бодгирнинг нақшинкор панжарасидан сизиб ўтаётган шабада оқими.

– Нима бўлганда ҳам сенинг ёноқларинг худди атиргул. – У бироз энгашиб, қизнинг қулоғига шивирлай бошлади:

*Эрта тонг лолага шабнамки тегар,  
Чаманда бинафша бўйнини эгар.  
Рост айтсам гунчадан жуда розимен,  
Чунки у кўтармас на этак, на бар.*

– Ўзингизга оғдирмоқчимисиз? – кулди Зарр. – Айтишлари-ча, сиз бунақа ишларнинг устаси эмишсиз. Шунақа гапларни бу ерларда биз кўп эшитганмиз. Эҳтиёт бўлинг! Мен ҳазиллашмоқдаман, кулябман ва сиз билан эркин валақлашябман, лекин буларнинг бари...

– Нима?

– Ўша, – деди секингинак, яна ўзини йўқотганча.

– Айнан «ўша» мени ҳаммадан кўпроқ мавжлантиради, – деди миғиллаб Умар. Ва бошқа бир шеърни ўқий бошлади.

*Тур, гўзал, очилсин баҳру дилимиз,  
Жамолинг ҳал қилсин ҳар мушукулимиз.  
Тупрогимиз кўза бўлмасдан бурун,  
Бир кўза ичайлик, жўйсин кўнглимиз.*

– Жуда ҳам жозибали, – чукур нафас олди қиз захархандалик билан. – Қаттиқ таъсир қилди. Лекин...

Умар унинг анор доналаридай қип-қизил, нам тортган кичкина лабларидан кўз узолмай қолди.

– Менга турмушга чиқасанми?

– Жамоа изн бермайди, – деди у шивирлаб. – Сиз ўзга дин вакилисиз. Мени ўлдиришади. Акамни Яздан қувғин қилишади. Бизнинг динга ўтсангиз, шу ерда қолсангиз – балки беришар ҳам...

Умар бирдан совинқиради.

Иқдисга у уйланолмади, сабаби росмана шиавий эмас эди. Эл-Меҳрага уйланолмади, сабаби росмана сунний эмасди. Заррга уйланолмади, сабаби росмана зардуштий эмас. Ҳатто одамхўр зангиларнинг қабиласига тушиб қолган чоғида ҳам унга сочлари жингалак дўрдоқлаб соҳибжамолни хотинликка беришмаган бўларди, сабаби у одам гўштини ейишдан ҳазар қилади...

Ҳаммасига мослашмоқ, мувофиқлашмоқ керак. Лекин унга қандай бўлса шундай Умар Хайёмга мослашишни, мувофиқлашишни ҳеч ким хоҳламайди.

Афсус, унинг яхшигина пули йўқ. Олтин – асосий худоси бу «ҳақпарастлар» нинг. Айниқса, зардуштийлар учун, чунки уларнинг динида бойлик тўплаш диний ақидалардан бири ҳисобланади. Ўн мингни чиқариб қўй – ва ажойиб товуши ва кўм-кўк кўзлари билан бирга уни қаёққа хоҳласанг, ўша ёққа олиб кетавер. Ҳатто буддавий ёки яҳудий бўлсанг ҳам. Лекин ўша ўн мингни қаердан ҳам оласан?

– Лекин сиз ўз исломингизга хиёнат қилмайсиз-ку? – сўрайди қиз кўзларида ёш билан.

– Нега энди йўқ? – елкаларини қисди Умар. – Айниқса, шундай гулрухсор ҳурмати учун.

«Барибир эмасми, нима билан бўғилиб ўлмоқ, – ўйлайди у қувноқлик билан. – Мусулмонлик салласи биланми ё зардуштийлик кустийси билан».

– Менинг акам олов коҳинлари – атравонлар кенгаши аъзоси. – Зарр умид билан Умарнинг кўзларига тикилди. – У хурбад – кичикроқ лавозимдаги руҳоний.

– Мен аканг билан гаплашиб кўраман...

• • • 6 • • •

Шаҳар камдан-кам дуч келинадиган даражада тоза эди. Зардуштийлар таълимотига кўра, ифлослик, кирлик, ахлат, хас-хус – ёвуз руҳлар паноҳгоҳи. Шунинг учун Язднинг бори-ю буди ялаб қўйилгандек эди. Шаҳар кулиб тургандек, халқи серсалом. Аёлларнинг юзи очиқ, баралла кулишади. Бозорда шароб билан очиқдан-очиқ савдо қилишади. Хоҳласанг шу жойнинг ўзида ич, хоҳласанг уйингга олиб кет. Ҳеч ким сенга бирон гап айтмайди.

Умар ундан шу жойнинг ўзида ичиб ва яна бир меш шароб

хам олволди. Унга бир тирик кўйни ҳам кўшиб кўйди. – Ва ёрдам учун бир болакайни ёллаб, хурсанд ҳолда Зарр билан бирга Кубод Заргар хонадони томон йўл олди.

\* \* \*

Қадимий китобнинг қаттиқ вароқлари саҳифаларидан сўзлар парвоз қилади:

«Мен девларни лаънатлайман!

Маздани шарафловчи сифатида мен ёвузлик ва қоронғулик рухларининг душмани бўлмоқ учун, Аҳура қоидаларига сўзсиз риоя қилмоқ учун, Амеша-Спэнта – Ҳамишалик Спанд ларни улуғ-ламоқ учун ибодат қиламан.

Очиқ кўл, нозу неъматни мўл-кўл Аҳура Маздага жамики эзгуликлар ва жамики яхшиликларни ваъда қиламан. Барча шохдор зот, зиё ва беҳишт унга, улуғлар улуғига, буюклар буюгига тегишлидир...»

Икки минг йиллик мазда дини рамзларини зикр этаётган коҳин – муъбад товуши тантанавор янграйди. Ўтмишда кўчманчи бўлган, лекин турғун турмуш тарзига жуда барвақт ўтган – чорва билан шуғулланишни тарк этмаган бетизгин жангари кўшнилари билан ҳамиша муҳолифликда бўлиб келган қабилалар дини.

Ўша замонлардаёқ дунё аниқ иккига ажралиб бўлганди. Куну тун – ёруғ кундузиликка ва қоронғи кечасиликка бўлинганидек. Қоронғиликни фақат аланга билан ҳайдаш мумкин эди.

... Икки тирсакча баландликдаги тагликка ўрнатилган бронзадан қуйилган оташкаду. Унда ҳамишалик, ўчмас аланга ёлқинланмоқда. Унга балки беш юз бўлгандир. Кам-камдан бўлса-да, ўтин чўғи билан озиқлантириб турган ҳолда, ибодатхоналардан ибодатхоналарга кўчириб юрган ҳолда ғабрлар уни ҳатто мусулмонлар томонидан қилинган қувғин ва сиқув йилларида ҳам сақлаб қола олдилар.

Бу ерда у эркин ёнмоқда, унга алоҳида одам тайинлаб қўйилган, у оловни зийраклик билан назорат қилиб, улкан оташкадуга тинимсиз равишда мевали дарахтларнинг қуруқшиган шохларини ташлаб турибди. Сасимаслиги учун ўтин, албатта қуруқ ва албатта мевали дарахтларники бўлиши керак, зеро осмонга кўтарилган тутун ширин бўй ва ёқимли бўлиши керак..

Бугун – алоҳида кун, шунинг учун коҳинлар оловга оз-оздан мушк ва қатрон кўшиб туришибди. Буткул ис билан қопланган жумбоқли яримқоронғи бинодан ёқимли ҳид таралиб турибди.

Умуман олганда, ибодатхонанинг мангу олов ёниб турган ушбу бўлмасига бегоналарни кўйишмайди. Улардан биронтаси ўзининг нопок назари ва нафаси билан олвни ифлослантириб кўймаслиги учун. Лекин Умарга оташкадуга киришга изн беришди, – афтидан жамоа унга нисбатан алохида муносабатга эга эди. Шундай бўлса-да, оташкадуга кириш олдидан [жамоанинг бошқа барча аъзолари қатори] унга оғзи-ю бурунларини махсус оппоқ латта билан тўсиб олишга тўғри келди.

Бронза кадуда заррин покиза аланга рақс тушмоқда, заррин шуълалар бебезак силлиқ ва қоп-қора деворлар сатҳи бўйлаб ўрмалайди. Қора ва заррин – улуғвор шериклик. Ибодатхонада ҳамма нарса сирли, ғалати ва антиқа. Ва айтиш мумкин ҳамки, одатдагидан ташқари гўзал...

Агарда бу ерда соғлом ақлга тўғри келгулик бирон-бир нарса бўлса.

«Нима бўлганда ҳам, лекин зардуштийлик ўта мафтункор, – деб хаёлидан ўтказди Умар, заргар билан бирга ибодатхонадан бозгашт қиларкан. – Ва батамом аёнки, ундаги шижоати қаттиқ бир қисм ушбу қадимий динга ҳамон садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Ва мусулмонликнинг бир неча юз йиллик зўравонлиги остида ҳам ўз динига хиёнат қилмади.

Дунёда зардуштийликдан кўра фаросатпарварроқ, хулқпарварроқ дин бўлган эмас.

«Фикр юритишда, сўзлашишда ва ҳатто ҳатту ҳаракатлар қилишда ҳар хил қурб эгаси бўлган иккита улкан куч бор, яхшиликлар руҳи ва ёмонликлар руҳи. Улар орасида доимий жанг боради. Шу жангнинг иштирокчиси сифатида юриб: танланг, сараланг, ёмон эмас, яхши бўлинг».

Зиё худоси Аҳура-Мазда қадимги юнонлар ва румийлар ёки ҳозирги замон ҳиндларининг тошдан ясалган вазмин худоларига ўхшамайди. Бу ҳар ҳолда, эзгулик, тўғрилиқ, донишмандлик ифодаси, бир рамздир. Унинг душмани – ёвузлик ва ёлғончилик, ҳар қандай гуноҳ иш руҳи. Ҳамишалиқ Спанд лар ҳам мҳиятан соф ахлоқий тушунчалардир: Ваҳиман ўзида эзгу ўйни ифодалайди, Оша-Воҳишта – юксак муқаддасликни, ҳақиқатни ва бахтни, Ҳарватот – муваффақият ва соғлиқ-саломатликни. Зардуштийликнинг хоҳ асосий, хоҳ иккинчи даражали худоларини кескин ажратиб кўрсатиб турувчи хусусиятлари – руҳиятпарварлик. Булар бошқа динлардагидек сатанглар, санамлар, жазоловчилар эмас. Эронликлар – ўзига хос иқтидорли халқ, ва динни ҳам ўз қалбла-



ри тузилишига мос қилиб яратганлар.

Охир-оқибат, деб айтади уларнинг таълимоти, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қилади. Нариги дунёда, майли! Энг асосийси – зардуштийлик курашни инкор этмайди. Яъни ҳар қандай ҳаракат асосини. Ваҳоланки, ислом фақат кўр-кўрона итоаткорликни, ирғишламасликни кўллаб-қувватлайди».

Қани энди зардуштийликдаги ўлганлар танасини маҳв этишнинг ёввойиларча усули чидаса бўладиганига алмаштирилса...

Дарҳақиқат ғалати халқ. Инсондаги энг асосий нарса – қалб бўлгани учун, зардуштийларни ўлганнинг танаси мутлақо қизиқтирмайди. Ўлим билан нимаики боғлиқ бўлса, у ҳаром ҳисобланади. У ҳеч қанақасига тоза куч манбалари – ер, сув, [ҳаво] ва айниқса оловга яқин жойда ушланиши керакмас. Шунинг учун уни кўмиш, сувга оқизиш ёки худонинг ўзи асрасин, ёқиш қатъиян мумкинмас.

Ўлганларнинг таналарини ёввойи қушлар чўқиб кетишлари учун, уларни юмалоқ шаклли даҳмаларда қолғизишади. Қайсидир куни Умарга қадимий ташландиқ бир дахмани кўриш насиб қилиб қолди. Дахманинг устки қисми пастки марказида қудуғи бор ҳампага ўхшайди. Пастдан юқорига зинама-зина бўлиб каттайиб боровчи доирасимон учта суфалик. Ташқиси ўлган эркаклар, ўртадагиси ўлган аёллар, ичқиси ўлган гўдаклар учун.

Фаолиятдаги дахмаларда қип-яланғоч ҳолдаги мурдаларни махсус хизматдагилар ана ўшандай суфалардаги чуқурликларга жойлайдилар. Хизматдагилар кетиши билан, баъзан улар ҳали кетишга ҳам улгурмай, дахма минораси четларига кўниб кутиб турган калхатлар ва қузғунлар очкўзлик билан мурдаларга ёпириладилар, чўқилад-чўқилад еб, топ-тоза суяқларининг қолғизадилар, кейинроқ бу суяқлар қудуққа тушириб юборилади.



Дахма

«Албатта, чиройлимас, – деб ўйларди Умар жимирилиб. – Ахир бизнинг ҳозирги кундаги юртимиз – худди шу дахманинг ўзи эмасми?»

Бутун умри мобайнида одам ўзини у ёққа ташлайди, бу ёққа ташлайди, унга ҳар томондан таҳдид солмоқчи бўлиб турган дин аъёнларидан ўзини кўриқлайди: ўлганида – ўлигига яна ўша ақи-

дапарастлар гўё кузғунлардай ёпирилишади. Жон-аза-ю, азаларда уларга тузуккина тўламоқ керак. Тўкин дастурхонлар билан меҳмоннавозлик қилмоқлик керак. Адолатлимас мерос тақсимоти, – аёл учун эркакка буюрилганининг ярмига тенг улуш. Қариндошларни хонавайрон қиладиган даражадаги эҳсон-у ифторликлар. Улар туфайли қарзга ботадилар, қашшоқлашадилар.

Одамни тириклигида қийнайдилар – ўлганидан кейин ҳам қийнаверадилар. Шунда ҳам ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Оғзингни очиб кўр-чи?

• • • 7 • • •

Дахма...

Ким билади ниманинг яхши, ниманинг ёмонлигини: захкаш ерларда бемаъни ўрмалаб юрувчи, жийирилган, шабкўр ва унсиз курту кумурсқаларга ем бўлишми ёки куёш томон мағрур парвозга шайланиб турган эркин кушларгами?

Умуман олганда, улардаги, зардушт издошларидаги ҳамма нарса тўғри. Қани айтинг-чи, бу ерда Умар Хайёмга нима бор?

«Динни алмаштириш мумкин», – деди у қовоғини солиб. Барча эътиқодлар бир-бирига арзийди ва Умар Хайём уларнинг барчасига бирдек бефарқ. Бироқ ҳеч кимга кераги йўқ кимнингдир кўнглини топиш учун ўзини ўзи алмаштирмоқ, қалбни қайта курмоқ, ички дунёсини синдирмоққа Умар қодирмас.

Ҳаттоки, Заррни деб ҳам. Ҳеч қандай Зарр, майли у соф олтиндан бўлган чоғда ҳам, бутун борлиқни алмаштира олмайди. Аксинча, борлиқ унинг учун уларнинг ер остидаги ерталвордек торайиб қолади. У ердан юлдузлар кўринмайди.

*Муғона бодадан маст бўсам бордур.  
Ошиғу ринд бутпараст бўлсам бордур.  
Ҳар ким мени ҳар хил гумон қилади,  
Қандайлигим фақат менга ошкордур.*

«Етарли! Озмунча қайғу чекдимми? Ҳе, уларнинг ҳаммасини...»

– Ишни тезлаштиришнинг иложи йўқ-ми? – деди Умар қовоғини уйиб.

Тавозе билан сал орқароқда келаётган заргар унга ҳайрат билан нигоҳ ташлади.

– Меҳмонга нима маъқул бўлса, шу! Бизнинг жойлар маъқул

келмай қолди чоғи, – ғамнок холда ух тортиб қўйди. – Мен шундай деб ўйлаябман. Ёки мен адашябманми? – Унинг кўк кўзларидаги муқаддас олов ёлқини сўнди. – Мен золдирни кеча ёғоч билан қаттиқ исканжалаб қўйгандим, қистирғичда айланиб кетмаслиги учун пармаладим ва қозикларга ўрнатдим.

\* \* \*

Занги-Сахро! Сахро қўнғироғи! Шундай қилиб, у бир армон эди ва армонлигича қолди. Нима бўлганда ҳам Умар Хайём кўриш қобилиятини тиклаб олганди. Бу нарса олтиннинг ҳар қандай товланишларидан қимматлироқ эди.

Алвидо, шуҳратли Язд. Фаришталар шаҳри.

\* \* \*

**Таржимондан.** Зардуштийлик маркази – Яздни Ё. Илёсов «Фаришталар шаҳри» деб таърифлабди, 1272 йилда ушбу шаҳарда бўлган италиялик сайёҳ Марко Поло (1254 – 1324) ҳам унга қандайдир шоирона бир ном берган, лекин 5000 йилдан ортиқроқ тарихга эга бу шаҳар дунё шаҳарлари орасида «Даштлар келинчаги» номи билан ҳам машҳур.

Ўзининг «Зардуштийлик: диний эътиқод ва ақидалар» китобида Мэри Бойс XVIII асрда Эронда бўлиб қайтган француз савдогари Шардэн қаламига мансуб мана бундай бир маълумотни келтириб ўтади: «Уларнинг асосий ибодатхонаси Язд ёнида жойлашган... У нафақат, олов ибодатхонаси, балки башоратчилар маскани ва дорулфунун ҳамдир... Улар бу ерда ўз эътиқодларини, таълимотларини тарқатадилар, тавба-тазарру қиладилар. Уларнинг бош қоҳини шу ибодатхонада истиқомат қилади. Бош қоҳин дастдори дастдорон деб номланади. Унинг ихтиёрида бир неча кичик қоҳинлар ва шогирдлар фаолият юритишади. Улар ибодатхона зиммасидаги вазифаларни бажаришда дастдори дастдоронга кўмаклашишади».

Оврўполикларнинг XVIII асрга оид яна бир эсдаликларидан: «Яздни зиёрат қилиш вожиб ва бундай зиёратни умр мобайнида ҳеч бўлмаганда бир марта бажармасликка ҳеч бир зардуштийнинг ҳаққи йўқ».

Ўрни келганда, Умар Хайём яшаган даврда Марказий Осиёда сиёсий кучларнинг қай тарзда фаолият юритишгани ҳақида ҳам бироз тасаввурга эга бўлиб олиш фойдадан холи эмас. Шу муно-

сабат билан Хуросондан Моварруннахрга кетаётганида шоир хаёлидан ўтган манзараларнинг Ё. Илёсов лисонида қандай мазмунда баён этилганига мисол келтириб ўтамиз.

«Мовароуннахр тақдири Хуросон тақдиридан ажралмасдир. Бир вақтлар ҳар иккиси қадимий форс ҳукмдорлари – аҳмонийлар давлатига кирган, ҳам асов, ҳам аллома майпараст Искандар ҳужумига баравар дучор бўлган. Орадан юзлаб йиллар ўтгач, мусулмон зобитлари ҳукми остида қолди. Кейинчалик Бухоро ҳукмдорлари – сомонийларнинг ажойиб давлатига қўшилди. Сомонийлар халифаликка бўйсунмай қўйгач, мустақил яшай бошладилар...

...Ашаддий мустабид, мусулмонлар халифаси машриқдаги тўқ вилоятлар – Хуросон ва Мовароуннахрдан маҳрум бўлганига чидай олмай, яқиндагина мусулмон бўлган сахройи турк хонларини динни азалий эрон-турон ҳурфикрлигидан муҳофаза этиш учун жангга қутқу қилди. Шошилинич «пайғамбар ҳадиси» ўйлаб топилди: «Шарқда менинг турклар деб аталмиш лашкарим бор: бирон халққа ғазаб қилсам, шу лашкарларимни юбораман». Уларга эса баҳона даркор эди – жанубий водийларда етиштирилган дону асалга кўпдан буён кўз олайтириб юрар эдилар.

Начора, олимларга қирон келтириб бўлса-да, динни муносиб мудофаа қилдилар. Ушбу мудофаа курашида Маҳмуд Ғазнавий шухрат қозонди. Мудофаа курашида диннинг ўзи ҳам жабр кўрди. Туркманларнинг улуғ оқсоқоли Салжукнинг набираси Султон Тўғрулбек мағриб сари юриб, Бағдодни қамал қилди, оқибатда даҳшатга тушган халифа таслим бўлди...

...Маҳмуддан сўнг Хуросонни салжуқий туркманлар босиб олишган бўлса, Мовароуннахрга кўчманчи туркларнинг бошқа қабилалари – қорахонийлар кириб келишди»<sup>8</sup>.

\* \* \*

«Дахма» қиссасининг кейинги қисмларидан мутаассиблик чуқур илдиз отган муҳитда Умар Хайёмнинг шиша кўздан маҳфий равишда қай тарзда фойдалангани ҳақида ҳар хил ҳикоялар ўрин олган.

Масалан, ўша кезлардаги исмоилийларнинг ҳашшойлар<sup>9</sup> деб

---

<sup>8</sup> Ё. Илёсовнинг Ҳ. Мансурова ва Ш. Мансуров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Илон авровчи» китобидан – Т.: O'zbekiston, 2011; ушбу парча ўзбек тилида Ҳ. Мансурова таржимасида «Афсунгар» сарлавҳаси остида «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил 5-сонида ҳам чоп этилган.

номланувчи тажовузкор бир фирқаси раҳбари Ҳасан ибн Саббоҳ таҳдидига қарши курашни қандай тарзда уюштириш лозимлиги ҳақида маслаҳат олиш учун ўғузлар салтанати бошлиқлари – Маликшоҳнинг кенжа ўғли султон Муҳаммад ва машҳур вазир Низом ал-Мулкнинг кенжа ўғли вазир Саъд ал-Мулк Умар Хайёмни катта ҳақ ҳисобига салтанат пойтахти Исфохонга чақиртириб олишади.

Умар Хайём сарой кутубхонасида жиддий ишлаши учун ҳеч ким халал бермайдиган алоҳида хона беришларига эришади. Ушбу ерда у шиша кўз воситасида исмоилийлар ҳаракатининг назарий асослари баён этилган Ҳасан Саббоҳнинг «Саргузашт», Низом ал-Мулкнинг «Идорабарлик китоби», Носир Хусравнинг «Бахт китоби» каби асарлардаги ғоялар билан танишади. Ҳузурига султон ёки вазир кириб қолгудек бўлса, Хайём шиша кўзни зудлик билан кўрпача остига яшириб қўяди.

\* \* \*

Луғатларда «шиша» сўзининг қадимда «шуша» кўринишида ишлатилгани айтилади. Шу кўринишда у ўтмишда «муз», аниқроғи «муз сумалаги» маъносини англатган.

---

<sup>9</sup> Ҳ а ш ш о ш и й л а р (арабча – “ҳашиш”, яъни чекувчилар, гиёҳвандлар) – исмоилийлар таркибидаги яширин иш олиб боровчи фирқа. Асосчиси Ҳасан ибн Саббоҳ (1124-йилда вафот этган.). Ҳашшошийлар жамоасининг маркази Эроннинг шимоли-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламут қалъасида бўлган. Улар халифалик ва салжукий ҳукмдорларга қарши курашганлар, ўз душманларини ўлдириб йўқ қилишни сиёсий курашнинг асосий воситаси деб ҳисоблаганлар. Ўта махфий тарзда иш кўрадиган, тармоқланган террорчилик ташкилотини вужудга келтирганлар. Ўз мақсадларини амалга оширишда махсус одамлар – фидойилар тайёрлаб, уларни ҳукмдорларни ўлдиришга юборганлар. Нафақат Шарқ, балки Оврўпо мамлакатлари ҳукмдорларининг кўпи ўз жонларини сақлаш учун ҳашшошийларга тўлов тўлаб турганлар. Бу ҳаракат Сурия, Ливан ва Ҳиндистонда кенг тарқалган бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги қарматийлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
Тумор .....	5
Кайвон .....	41
Фируза .....	66
Мучал .....	82
Мусича .....	108
Шиша кўз .....	120

Шерзод Абдурахмонов

## МУЪБАДЛАР

(Бадиий-илмий тарихий очерклар)

\_\_\_\_\_ таҳрир хайъатининг  
2015 йилнинг \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ даги қарорига кўра \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ чоп этишга тавсия этилган.

Мухаррир \_\_\_\_\_

Техник муҳаррир

Сураткаш

Компьютерда саҳифаловчи

Дизайн-компьютерчи

Теришга берилди: \_\_.\_\_. 2015 йил.

Босишга рухсат этилди: \_\_.\_\_.2015 йил.

Адади: \_\_\_\_\_ нусха.

Босма табоқ: 7,5.

Тошкент – 2015

